O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI OLIY TA’LIM, FAN VA INNOVATSIYALAR VAZIRLIGIZIRLIGI

SAMARQAND IQTISODIYOT VA SERVIS INSTITUTI

“BUXGALTERIYA HISOBI” KAFEDRASI

“BUXGALTERIYA HISOBI VA AUDIT: MOLIYAVIY HISOBOTNING XALQARO STANDARTLARIGA MUVOFIQLASHTIRISH, RAQAMLASHTIRISH VA TARAQQIY ETTIRISH MASALALARI”

MAVZUSIDAGI RESPUBLIKA ILMIY-AMALIY KONFERENSIYA

MATERIALLARI TO’PLAMI

(2024 yil 15-may)

SAMARQAND

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI
OLIY TA’LIM, FAN VA INNOVATSIYALAR VAZIRLIGIZIRLIGI

SAMARQAND IQTISODIYOT VA SERVIS INSTITUTI

“BUXGALTERIYA HISOBI” KAFEDRASI

“BUXGALTERIYA HISOBI VA AUDIT: MOLIYAVIY HISOBOTNING XALQARO STANDARTLARIGA MUVOFIQLASHTIRISH, RAQAMLASHTIRISH VA TARAQQIY ETTIRISH MASALALARI”

MAVZUSIDAGI RESPUBLIKA ILMIY-AMALIY KONFERENSIYA

MATERIALLARI TO’PLAMI

(2024 yil 15-may)

SAMARQAND – 2024

UO'K: 657.22
T 71
KBK: 65.052

“**Buxgalteriya hisobi va audit: moliyaviy hisobotning xalqaro standartlariga muvofiqlashtirish, raqamlashtirish va taraqqiy ettirish masalalari”.** Respublika ilmiy-amaliy konferensiyasi materiallari. 2024-yil 15-may kuni. Samarqand, SamISI, 2024. 262 – bet.

i.f.d., professor S.N.Tashnazarovning umumiy taxriri ostida

Nashr uchun mas’ullar:
1. **D.X.Aslanova- i.f.f.d., professor**
2. **S.N.Tashnazarov – i.f.d., professor**
3. **D.J.Pashaxadjayeva – PhD, dosent**

To’plovchi va nashrga tayyorlovchi: G.Djumayeva – Assistent
Sahifalovchi: G. Djumayeva

An’anaviy ilmiy-amaliy konferensiya materiallarida yangi O’zbekistonda innovatsion iqtisodiyotni rivojlantirish sharoitida moliyaviy hisobotning xalqaro standartlarini (MHXS) jadal joriy qilish va tashkil etish, Moliyaviy hisobotning xalqaro standartlari asosida korxonalarda aktivlar, majburiyatlar, xususiy kapital, daromadlar va xarajatlarni tan olish va baholash hamda moliyaviy hisobotda aks ettirish, auditni xalqaro standartlar asosida tashkil etish va o’tkazishning tashkiliy dastaklari hamda metodologik masalalari, xizmat ko’rsatish tarmoqlari iqtisodiyotini rivojlantirish hamda iqtisodiy tahlil, moliya, sug’urta, soliqqa tortish, investitsiya va bank sohalarini xalqaro standartlar asosida tashkil etish va rivojlantirish masalalari yoritilgan. To’plamda MHXSlariga o’tish borasida erishilgan natijalar tahlil qilinib, biznes sub’ektlarida, jumladan tijorat banklari, sug’urta tashkilotlari va boshqa korxonalarda xalqaro standartlarni muvoffaqiyatli joriy qilish bo’yicha xulosa va takliflar keltirilgan. MHXSlarini joriy qilish bo’yicha metodologik tartiblar hamda MHXS asosida moliyaviy hisobot formatlari, hisob siyosati, schyotlar rejasining tuzish borasidagi amaliy tavsiyalar ishlab chiqilgan.

Maqolalar mualliflar tahririda bosilmoqda. Ularda keltirilgan raqamlar, faktlar, xulosa va tavsiyalarga mualliflar ma’suldir. Ularning ayrim fikrlari tashkiliy guruh qarashlariga to’g’ri kelmasligi mumkin

ISBN: 978-9910-720-22-2

© Samarqand iqtisodiyot va servis instituti, 2024.
© “STEP-SEL” MChJ nashriyoti, 2024.

KIRISH

Bugungi kunda yangi O‘zbekiston iqtisodiyotida dolzarb masalalardan biri bu xorijiy investitsiyalarni jalb qilish va ulardan samarali foydalanish bo‘lib hisoblanadi. 2024 yil 2 mayda O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoyevning Uchinchi Toshkent xalqaro investitsiya forumidagi nutqida “So‘nggi yillarda iqtisodiyotimiz qariyb ikki barobar o‘sdi. O‘tgan yil yakuni bo‘yicha bu o‘sish 6 foizni tashkil qildi. Inflyatsiya 9 foizgacha pasaydi. Savdo aylanmasi ko‘rsatkichlari muttasil oshmoqda. Valyuta bozori va oltin-valyuta zaxiralari barqarorligi saqlab qolinmoqda. Oxirgi yillarda mamlakatimizda 60 milliard dollardan ziyod xorijiy investitsiyalar o‘zlashtirildi. Xalqaro moliya institutlarining 14 milliard dollardan ortiq mablag‘lari ijtimoiy va infratuzilma sohalariga jalb qilindi” deb qayd etildi.

“O‘zbekiston – 2030” strategiyasida “Mamlakatimizda 250 milliard dollarlik investitsiyalarni o‘zlashtirish, jumladan 110 milliard dollar xorijiy investitsiyalar va 30 milliard dollar davlat-xususiy sheriklik doirasidagi investitsiyalarni jalb qilish; erkin muomaladagi qimmatli qog‘ozlar savdolari hajmini 8 milliard dollarga yetkazish; hududlarning investitsion reytingini yuritish, har bir hududning imkoniyatlaridan kelib chiqib, uning investorlar uchun jozibadorligini yanada oshirish; eksport hajmini 2 barobar oshirish va 45 milliard dollarga yetkazish, eksportchi korxonalar sonini 6,5 mingtadan 15 mingtaga yetkazish; eksport tarkibida tayyor va yarim tayyor mahsulotlar hajmini 3,3 barobar ko‘paytirish, Yevropa davlatlariga GSP + va boshqa tizimlari doirasida tayyor va texnologik mahsulotlar eksportini kengaytirish; xalqaro standartlar joriy qilingan korxonalar sonini 10 barobarga oshirish va ular sonini 5 mingtaga yetkazish” vazifalari yuklatilgan.

Xorijiy investitsiyalarning mamlakatimiz iqtisodiyotiga kirib kelishi uchun investitsiyaviy muhim yuza kelishi kerak. Bugungi kunda aynan Moliyaviy hisobotning xalqaro standartlari (MHXS)ning joriy etilishi xorijiy investitsiyalar uchun investitsiyaviy muhitni yaxshilashning eng muhim omili hisoblanadi. Chunki, investor unga tushunarli bo‘lgan va xalqaro me’yorlar asosida tayyorlangan axborotlarni talab etadi. Milliy hisob tizimi asosida tayyorlangan axborotlar uning ehtiyojlariga mos kelmaydi. Bunga faqat MHXSlar orqali erishish mumkin.

Moliyaviy hisobotning xalqaro standartlarining (MHXS) joriy qilinishi moliyaviy hisobotlardagi axborotlarning ishonchliligi va obyektivligini oshirish bilan bir qatorda xorijiy investitsiyalarni mamlakatimiz itisodiyotiga kiritishda muhim vosita bo‘lib xizmat qiladi.

Mamlakatimizga xorijiy investitsiyalarning kirib kelishi uchun juda katta imkoniyat yaratildi. Qonuniy muhit yuzaga keldi. 2019 yil 26 dekabrda “Investitsiyalar va investitsiya faoliyati to‘g‘risida” Qonunning yangi tahriri qabul qilindi. Qonunda oshkoralik va ochiqlik, investitsiya faoliyatini amalga oshirish erkinligi yanada kengaytirildi, ularning kafolatlari mustahkamlandi.

MHXSlarni to‘liq tizimli joriy qilinishini hamda bu borada kadrlar tayyorlashni tubdan yaxshilashga qaratilgan O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2020 yil 24 fevralda PQ-4611 “Moliyaviy hisobotning xalqaro

standartlariga o‘tish bo‘yicha qo‘shimcha chora-tadbirlar to‘g‘risida” Qarori qarori ham aynan ushbu maqsadlarga qaratilgan.

Ushbu Qarorning maqsadi MHXSlarga o‘tish orqali:

mamlakatimizda xorijiy investitsiyalarning kirib kelishi uchun investitsion muhitni yaxshilash, kompaniyalarning investitsiyaviy jozibadorligini oshirish; xorijiy investorlarni zarur axborotlar bilan ta’minlash, hisobotlarning mazmuni va tarkibini axborot foydalanuvchilarning ehtiyojlariga uyg‘unlashtirish;

korporativ boshqaruv tamoyillarini joriy qilishni ta’minlash; O‘zbekiston kompaniyalari va banklarining xalqaro fond va moliya bozorlariga kirish imkoniyatlarini kengaytirish;

aksiyadorlik jamiyatlari, xolding kompaniyalar va boshqa korxonalarning eksport operatsiyalari hajmini yuksaltirish;

kompaniyalarning raqobotbardoshligini oshirish; buxgalteriya hisobi va audit sohalari mutaxassislarini tayyorlash tizimini xalqaro standartlar darajasiga ko‘tarish;

bakalavriat ta’limi yo‘nalishlari va magistratura mutaxassisligidagi «Buxgalteriya hisobi» va «Audit» fanlari bo‘yicha MHXSni chuqur o‘rganishni nazarda tutuvchi yangilangan o‘quv dasturlarini tasdiqlash va belgilangan tartibda ta’lim jarayoniga joriy etish.

Mazkur Qarorda aksiyadorlik jamiyatlari, tijorat banklarida, sug‘urta tashkilotlari va yirik soliq to‘lovchi hisoblangan korxonalarda buxgalteriya hisobini to‘liq xalqaro standartlarga o‘tkazish vazifasi qo‘yildi.

Ushbu qo‘yilgan vazifalarning ijrosini ta’minlash maqsadida Moliyaviy hisobotning xalqaro standartlarini (MHXS) va ilg‘or xorijiy tajribalarni, sohaga doir jahon adabiyotlari va hujjatlarini o‘rganishimiz, tadqiqotlar olib borishimiz kerak. Jumladan, ushbu tadqiqotlar asosida mamlakatimiz iqtisodiyotining xususiyatlarini hisobga olgan holda xalqaro standartlarni joriy qilishning metodologiyasini ishlab chiqish, tashkiliy – iqtisodiy mexanizmlarini takomillashtirishga erishishimiz kerak.

O‘zbekiston innovatsion iqtisodiyotga va raqamli iqtisodiyotga bosqichma-bosqich o‘tmoqda. Raqamli iqtisodiyot yagona axborot bazasiga tayanadi, qaysiki ushbu axborotlarning salmoqli qismi buxgalteriya hisobida shakllanadi. Boshqaruv tizimlarining yagona bazada elektron integratsiyalashuvi raqamli iqtisodiyotning asosiy belgisidir. Buxgalteriya hisobining axborot bazasining shakllanishi MHXSlariga tayanadi. Shu bois, raqamli iqtisodiyot mamlakatimizda MHXSga o‘tishni zaruriyat qilib qo‘ydi. Shu bois, to‘liq asosda aytish mumkinki, MHXSlariga o‘tish raqamli iqtisodiyotning muhim va ajralmas qismidir.

MHXSlariga o‘tish iqtisodiyotimizning asosiy to‘sig‘i bo‘lib kelayotgan korrupsiyaga qarshi kurashishning eng samarali vositasidir.

Buxgalteriya hisobining boshqa taraqqiy ettirish omillari ham amal qiladi. Bularga ilg‘or xorij tajribalarini o‘rganish va joriy etish, tannarx buxgalteriya hisobini takomillashtirish, moliyaviy hisob va soliq hisobini muvofiqlashtirish, buxgalteriya hisobining boshqaruv tizimidagi rolini oshirish kabi masalalarni kiritish mumkin.

Audit fani va tizimida, iqtisodiy tahlil fanida ham aynan ushbu masalalar dolzarb hisoblanadi Audit moliyaviy hisobotni MHXSlar asosida audit qilsa, auditni

o‘tkazish tartibi va protsedurasini audit faoliyatining xalqaro standartlariga (AFXS) muvofiq amalga oshishi kerak. Iqtisodiy tahlil buxgalteriya hisobida keyingi bo‘layotgan o‘zgarishlarga aynan monant bo‘lishi kerak.

Shu bois, bugungi respublika konferensiyasi **“BUXGALTERIYA HISOBI VA AUDIT: MOLIYAVIY HISOBOTNING XALQARO STANDARTLARIGA MUVOFIQLASHTIRISH, RAQAMLASHTIRISH VA TARAQQIY ETTIRISH MASALALARI”** deb nomlanishi ham yuqorida qayd qilingan muommolarni o‘zida mujassamlantirishi bilan ajralib turadi.

Yuqoridagilar asosida ta’kidlashimiz mumkinki mazkur konferensiya o‘ta dolzarb masalaga bag‘ishlangan.

Zamon talablari asosida bugungi kunda buxgalteriya hisobi, iqtisodiy tahlil va audit fanlariga oid bo‘lgan kafedralarda katta natijalar qo‘lga kiritildi. Doktorlik dissertatsiyalari himoya qilinmoqda.

Ushbu talablarga mos darslik va o‘quv qo‘llanmalar chop ettirilmoqda. Xalqaro standartlar talablariga muvofiq ravishda kafedramiz professor o‘qituvchilari tomonidan “Moliyaviy buxgalteriya hisobi 1” va “Boshqaruv buxgalteriya hisobi” fanlaridan darsliklar, “Biznesda buxgalter” fanidan o‘quv qo‘llanma yaratildi.

Skopus, Web of Science e’tirofidagi jurnallarda, xalqaro va respublika jurnallarida ko‘plab maqolalar chop ettirishga erishildi. Xo‘jalik shartnomalari va grantlar asosida ilmiy tadqiqot ishlari bajarilmoqda.

Institutimizda buxgalteriya hisobi, audit va iqtisodiy tahlil bo‘yicha tan olingan ilmiy maktab yuzaga kelgan. Ushbu maktab bugungi kunda o‘zining samarasi berayapdi.

Xulosa qiladigan bo‘lsak mazkur konferensiya materiallari MHXSlar muvofiq hisob siyosatini shakllantirishda, me’yoriy-huquqiy hujjatlarni takomillashtirishga xizmat qiladi.

I-SHO‘BA
MOLIYAVIY HISOBOTNING XALQARO STANDARTLARI ASOSIDA KORXONALARDA AKTIVLAR, MAJBURIYATLAR, XUSUSIY KAPITAL, DAROMADLAR VA XARAJATLARNI TAN OLISH VA BAHOLASH HAMDA MOLIYAVIY HISOBOT MASALALARI

МАМЛАКАТИМИЗ ИҚТИСОДИЁТИНИНГ СТРАТЕГИК РИВОЖЛАНИШИ ВА УЛАРНИНГ ТАҲЛИЛИ

Пардаев Мамаюнус Қаршибаевич
Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти профессори, и.ф.д.
Пардаев Обид Мамаюнусович
Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги Транспорт, алоқа, туризм ва уй-жой коммунал хўжалиги корхоналари иқтисодиёти, молияси ва нарх сиёсати департаменти директорининг 1-ўринбосари

Аннотация: Мақолада мамлакатимиз иқтисодиётининг стратегик ривожланиши ва уларнинг таҳлил қилиш йўллари ёритилган. Бунда «ЎЗБЕКИСТОН — 2030» стратегиянинг биринчи йўналиши ҳар бир инсонга ўз салоҳиятини рўёбга чиқариши учун муносиб шароитларни яратишдан иборат қилиб белгиланганлиги ва иккинчи йўналиши барқарор иқтисодий ўсиш орқали аҳоли фаровонлигини таъминлашга бағишланган. Ҳар бир йўналишнинг қисқача изоҳи ҳам берилган.

Калит сўзлар: стратегия, замонавий стратегия, стратегик ривожланиш, стратегик таҳлил, иқтисодий ўсиш, барқарор иқтисодий ўсиш.

Кириш. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 11 сентябрда ПФ-158-сонли «ЎЗБЕКИСТОН — 2030» стратегияси тўғрисида”ги фармони қабул қилинди. Ушбу фармонда халқимизнинг эркин ва фаровон ҳаётни таъминлаш, қудратли Янги Ўзбекистонни барпо этиш бўйича аниқ вазиалар белгиланган. Муҳими, ҳар бир фуқарога ўз салоҳиятини ривожлантириш учун барча имкониятларни яратиш, ҳаётдаги хоҳиш-иродасини рўёбга чиқариш, соғлом, билимли ва маънавий баркамол авлодни тарбиялаш масаласи ҳам алоҳида вазифа қилиб белгиланган. Бугунги кунда глобал ишлаб чиқаришнинг муҳим бўғинига айланган инновацион ва рақамли иқтисодиётни шакллантириш орқали камбағалликни кескин қисқартириш ҳам объектив зарурият эканлиги кўрсатилган. Мамлакатимизнинг барча соҳаларида адолатни қарор топтириш, қонун устуворлигини, хавфсизлик ва барқарор тараққиётни кафолатли таъминлаш стратегик мақсад қилиб белгиланган. Кўриниб турибдики, бугунги кунда ушбу стратегик вазифаларни амалга ошириш ўта зарур бўлган йўналишлар сифатида белгиланган. Буларнинг амалиётда бажарилиши ушбу мавзунинг долзарб муаммонинг ечимига бағишланганлигидан далолат беради.

Тадқиқот методологияси. мамлакатимиз иқтисодиётидаги стратегик ўзгаришлар ва уларнинг ҳолатини тадқиқ қилиш жараёнида индукция ва дедукция, макон ва замон, таҳлил ва синтез каби услублардан ва занжирли алмаштириш усулидан фойдаланилган. Бунда асосан мантиқий таҳлил усуллари орқали ёндошув ҳам қўлланилган.

Таҳлил ва натижалар. Белгиланган стратегик вазифалар бугунги кунда босқичма-босқич амалга оширилмоқда. Булар таркибида энг асосий кўрсаткичларидан бири бўлган ялпи ички маҳсулот (ЯИМ)нинг аҳоли жон бошига ўсиши ҳам таъминланганлигидан ҳам кўриш мумкин. Бу ҳақда Стистика агентлиги маълумотларига кўра, 2023 йил якунида, аҳоли жон бошига ҳисобланган ялпи ички маҳсулот ҳажми жорий нархларда 29 291 минг сўм (ёки 2 496 АҚШ доллари эквивалентида)ни ташкил этди. Бу бир ойга 2440 сўм (29291/12) ёки 208 АҚШ доллари (2496/12) дегани.

«ЎЗБЕКИСТОН — 2030» стратегиянинг биринчи йўналиши **ҳар бир инсонга ўз салоҳиятини рўёбга чиқариши учун муносиб шароитларни яратишдан** иборат қилиб белгиланган. Бунинг учун таълим тизими ислоҳ қилиш бўйича 12 та банддан иборат стратегик вазифалар белгиланган. Ушбу бўлимнинг иккинчи йўналиши этиб аҳоли саломатлигини таъминлаш бўйича аниқ ислоҳотларни амалга оширишнинг стратегик вазифалари 9 та бандда аниқ белгиланган.

«ЎЗБЕКИСТОН — 2030» стратегиясининг учинчи йўналиши ижтимоий хизматлар кўрсатиш ва камбағалликни қисқартириш бўйича ислоҳотларга бағишланган. Ушбу бўлимда 8 банддан иборат вазифалар ҳам аниқ кўрсатиб ўтилган. Мазкур бўлимнинг тўртинчи йўналиши бевосита ёшларга оид давлат сиёсати ва спорт йўналишларидаги ислоҳотларни такомиллаштиришга бағишланган. Мазкур йўналишда ҳам 8 та стратегик йўналишга эга стратегик вазифалар кўзда тутилган. Мамалакатимизда маънавий тараққиётни таъминлаш ва маданият соҳасини янги босқичга олиб чиқиш бўйича ислоҳотларни қамраб олган стратегик вазифалар ушбу бўлимнинг бешинчи йўналишида ўз ифодасини топган. Ушбу йўналиш бўйича 7 та стратегик вазифа белгиланган.

«ЎЗБЕКИСТОН — 2030» стратегиясининг иккинчи йўналиши **барқарор иқтисодий ўсиш орқали аҳоли фаровонлигини таъминлашга** бағишланган. Ушбу йўналиш қуйидагиларни ўзи ичига олади. Жумладан, 2030 йилга қадар иқтисодиёт ҳажмини 2 баробар ошириш ва «даромади ўртачадан юқори бўлган давлатлар» қаторига кириш масаласи турибди. 2030 йилга бориб, Ялпи ички маҳсулот ҳажмини 160 миллиард долларга ва аҳоли жон бошига даромадларни 4 минг долларга етказиш мўлжалланган.

Навбатдаги вазифа, фискал барқарорликни таъминлаш ва давлат мажбуриятларини самарали бошқариш масаласини қамраб олади. Бунда консолидациялашган бюджет тақчиллигини 2024 йилда ялпи ички маҳсулотга нисбатан 4 фоиздан ва келгуси йилларда 3 фоиздан паст бўлган миқдорда бўлишини таъминлаш ҳам кўзда тутилган.

Маҳаллий хомашё базасидан самарали фойдаланиш ва илғор технологияларга асосланган саноатни ривожлантириш масаласи ҳам долзарб масалалардан бири ҳисобланади. Бунда саноатда ишлаб чиқариладиган технологик маҳсулотлар улушини 25 фоиздан 32 фоизга етказиш, қайта ишлаш саноатида меҳнат унумдорлигини 2 баробар ошириш, юқори даромадли маҳсулот учун зарур бўлган мис ишлаб чиқаришни 3,5 баробар, олтин — 1,5 баробар, кумуш — 3 баробар, уран — 3 баробар ошириш масалари ўрин олган.

Навбатдаги стратегик вазифа саноатнинг «драйвер» соҳаларини ривожлантириш ва ҳудудларнинг саноат салоҳиятини тўлиқ ишга солишдан иборат этиб белгиланган. Ушбу йўналишда саноатда қўшилган қиймат ҳажмини 45 миллиард долларга етказиш ва 2,5 миллионта юқори даромадли иш ўринларини яратиш масаласи кўзда тутилган. Шунингдек, тўқимачиликда ип калавани қайта ишлаш даражасини 100 фоизга етказиш ҳамда юқори сифатли матога талабни қондириш учун 400 минг тонна сунъий ва аралаш тола ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш масаласи ҳам ушбу бўлимга киритилган.

Мамлакатимизнинг инвестициявий жозибадорлигини янада ошириш ва қимматли қоғозлар бозорини жадал ривожлантиришга бағишланган бўлимда мамлакатимизда 250 миллиард долларлик инвестицияларни ўзлаштириш, жумладан, 110 миллиард доллар хорижий инвестициялар ва 30 миллиард доллар давлат-хусусий шериклик доирасидаги инвестицияларни жалб қилиш каби масалалар ҳам кўзда тутилган. Шунингдек, эркин муомаладаги қимматли қоғозлар савдолари ҳажмини 8 миллиард долларга етказиш, умумий қиймати 150 миллиард долларлик 500 дан зиёд стратегик аҳамиятига эга бўлган технологик ва инфратузилмавий лойиҳаларни амалга ошириш масаласи ҳам шу даврда амалга оширилади..

Банк тизимида ислоҳотларни жадаллаштириш, банк хизматлари бозори ҳажмини ошириш ва соҳада рақобатни ривожлантириш доирасида банк ва молия тизимида йиллик кредитлаш ҳажмини 40 миллиард долларга етказиш, банк омонатлари ҳажмини 4 баробарга ошириш масаласи қўйилган. Ушбу йўналишда Банкларни хусусийлаштириш ва давлат ихтиёрида 3-4 та банкни сақлаб қолиш, банк бозорига камида 4 та йирик нуфузли чет эл банкларини жалб қилиш масаласи ҳам стратегик вазифа сифатида белгиланган.

«Яшил иқтисодиёт»га ўтиш, унинг асоси бўлган қайта тикланувчи энергиядан фойдаланиш кўрсаткичларини кескин ошириш доирасида қайта тикланувчи энергия манбаларини 25 минг МВт ҳамда жами истеъмолдаги улушини 40 фоизга етказиш билан бирга саноатда «яшил сертификат»лар бозорини ривожлантириш ва «экологик маркировкалаш» амалиётини жорий қилишкаби вазифалар ҳам бажарилади.

Муҳим вазифалардан бири бўлган иқтисодиёт тармоқлари ва аҳолини зарур энергия ресурслари билан узлуксиз таъминлаш доирасида иқтисодиёт тармоқлари ва аҳоли эҳтиёжи учун етказиб бериладиган электр энергия миқдорини 120 миллиард кВтга етказиш вазифаси ҳам кўзда тутилган. Шунингдек, табиий газ қазиб олиш ҳажмини 62 миллиард куб метрга етказиш

билан бирга иқтисодиёт тармоқларининг энергия самарадорлигини 2 баробарга ошириш масаласи ҳам устувор вазифалар сирасига киради. Чунки мамлакатимиз аҳолиси, ҳар бир аҳолининг энергия ресурсларига эҳтиёжи ошиб бормоқда.

Ўзбекистон Республикасининг глобал транспорт-логистика тармоқларига интеграциясини чуқурлаштириш ва миллий транспорт тизимининг салоҳиятини ошириш учун Республика ҳудуди орқали транзит юкларини ташиш ҳажмини 16 миллион тоннага етказиш, шимолий йўналишда темирйўл орқали юк ташиш муддатларини 40 фоизга қисқартириш, йўловчи ва юк ташиш хизматлари ҳажмини 3 баробар ошириш, электрлашган темирйўллари улушини 65 фоизга етказиш, авиақатновлар сонини 4 баробарга ошириш каби масалалар ҳам мамлакатимизда амалга оширилиши лозим бўлган стратегик вазифалар қаторидан ўрин олган..

“ЎЗБЕКИСТОН - 2030” стратегиясида қишлоқ хўжалигида ҳосилдорлик ва рентабеллик даражасини кескин ошириш масаласи ҳам кўзда тутилган. Хусусан, бир гектардан олинадиган ўртача даромадни 5 минг долларга етказиш, қишлоқ хўжалиги соҳасида экспорт ҳажмини йилига 10 миллиард долларга етказиш, аграр соҳага жами 15 миллиард доллар инвестицияларни жалб қилиш каби масалалар белгиланган. Ушбу йўналишда ҳосилдорлик кўрсаткичларини пахта бўйича ўртача 45-50 центнерга, ғалла бўйича — 80-85 центнерга етказиш масаласи ҳам долзарб масала сифатида белгиланган.

Миллий иқтисодиётнинг экспорт салоҳиятини кучайтириш ва унинг таркибида қўшилган қиймати юқори бўлган маҳсулотлар улушини кескин ошириш доирасида экспорт ҳажмини 2 баробар ошириш ва 45 миллиард долларга етказиш, экспортчи корхоналар сонини 6,5 мингтадан 15 мингтага етказиш, шунингдек, экспорт таркибида тайёр ва ярим тайёр маҳсулотлар ҳажмини 3,3 баробар кўпайтириш, Европа давлатларига GSP+ ва бошқа тизимлари доирасида тайёр ва технологик маҳсулотлар экспортини кенгайтириш каби стратегик вазифалар ҳам кўзда тутилган.

Монопол соҳаларни бозор тамойилларига изчил ўтказиш, иқтисодиётда хусусий сектор улушини ошириш, тадбиркорларга эркин фаолият юритиши учун энг қулай шароитлар яратиш масаласи ҳам ўта долзарб вазифалар қаторида белгиланган. Буни амалга ошириш учун иқтисодиётда нодавлат сектор улушини 85 фоизга етказиш, давлат улуши мавжуд 2,3 мингта корхоналар сонини 6 баробарга камайтириш вазифаси белгиланган. Шунингдек, республикада 17 турдаги давлат монополиясини бекор қилиш, ушбу соҳаларга хусусий секторни кенг жалб қилиш, давлат тасарруфида фақат магистрал энергия ва транспорт тармоқлари, давлат бошқаруви ва хавфсизлиги билан боғлиқ соҳаларни сақлаб қолиш масаласи қаралган.

Рақамли технологияларни ривожлантирган ҳолда мамлакатни минтақавий «IT-HUB»га айлантириш боасида бир қанча вазифалар белгиланган. Жумладан, барча аҳоли пунктларини интернет билан тўлиқ қамраб олиш ва унинг тезлигини 10 баробар ошириш, халқаро интернетга уланиш тезлигини 5000 Гбит/с.га етказиш, оптик толали алоқа линиялари ва

кенг полосали маълумот узатиш тармоқларининг қамровини 100 фоизга етказиш, IT хизматлар ва дастурий маҳсулотлар экспорти ҳажмини 5 миллиард долларга етказиш, БМТнинг Электрон ҳукумат рейтингида топ-30 таликка киришга эришишдек муҳим вазифаларни ҳам амалга ошириш масалалари кўда тутилган.

Ўзбекистонда ташқи ва ички туризмни ривожлантириш учун кенг шароитлар яратиш орқали сайёҳлар сонини ошириш доирасида хорижий туристлар сонини 15 миллионга, ички сайёҳлар сонини 25 миллионга, зиёрат туризми бўйича келадиган туристлар сонини 3 миллион нафарга ошириш масаласи қўйилган. Булардан ташқари хусусий инвестицияларни жалб қилиш ҳисобига республикада 30 та йирик туризм кластерларини ташкил этиш, меҳмон ўринлари сонини камида 2 баробарга ошириш, тоғли ҳудудларда 25 та дор йўллари қуриш, туризм маҳаллалари сонини 175 тага етказишдек муҳим вазифалар ҳам белгиланган. Шунингдек, туризм хизматлари экспортини 5 миллиард долларга етказиш, тиббиёт ва таълим туризми экспортини йилига 1,5 миллиард долларга етказиш билан бирга хорижий туристлар учун барча халқаро аэропортларда республикадан сотиб олинган ва расмийлаштирилган маҳсулотлар учун «Tax free» тизимини жорий этиш каби стратегик вазифалар ҳам белгиланган..

Ҳудудларда хизматлар соҳасини жадал ривожлантириш учун ҳар бир ҳудудда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаларини ривожлантириш орқали хизмат кўрсатиш ҳажмини 3 бараварга ошириш кўзда тутилган. Шу билан бирга ўрта ва йирик шаҳарлар ҳамда аҳолиси 300 мингдан кўп бўлган туманларда замонавий бозор хизматлари, IT, таълим, тиббиёт, юридик, санъат, туризм, меҳмонхона ва умумий овқатланиш ҳамда транспорт хизматларини ривожлантириш масаласи ҳам стратегик вазифа сифатида белгиланган. Мазкур вазифалар қаторига шаҳарсозлик лойиҳалари асосида зарурий инфратузилмаси мавжуд ва аҳоли гавжум бўлган кўчаларнинг 233 мингта бўш ер майдонларини аукцион савдоларига чиқариш орқали савдо, маиший, сайилгоҳ ва кўнгилочар хизматларини ривожлантириш масаласи ҳам киритилган.

Мамлакатимиз учун муҳим ҳисобланган ҳудудларни комплекс ривожлантириш, урбанизация стратегиясини амалга ошириш, аҳолини арзон уй-жой билан таъминлаш даражасини ошириш вазифалари доирасида урбанизация даражасини 51 фоиздан 60 фоизга етказиш чораларини кўриш, Самарқанд ва Наманган шаҳарларини «миллионлик шаҳарлар»га айлантириш, 300 мингдан кўп бўлган шаҳар ва туманлар сонини 28 тага етказиш, барча аҳоли пунктларининг бош режаларини ишлаб чиқиш вазифалари ҳам кўзда тутилган. Шунингдек, ҳудудларда 1 миллион хонадонли уй-жойлар қуриш, «Янги Ўзбекистон» массивлари сонини 100 тага етказиб, қўшимча 200 мингта оилага мўлжалланган уйларни барпо этиш, республикада камида 140 минг оилага мўлжалланган ижтимоий уйларни барпо этиш масаласи ҳам мамлакатимиз эҳтиёжидан келиб чиққан ҳолда устувор вазифа сифатида белгиланган..

Инфратузилма лойиҳаларини барқарор ва узоқ муддатли молиялаштириш манбалари билан таъминлаш масаласи ҳам муҳим йўналишлардан бири ҳисобланади. Бунда халқаро молия институтлари билан Ўзбекистонда давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини ишлаб чиқиш жамғармасини ташкил этиш, «Инфратузилма облигациялари»ни чиқариш амалиётини йўлга қўйиш, барча аҳоли пунктларини тоза ичимлик сув ва оқова хизматлари билан кафолатли таъминлашнинг молиявий механизмларини жорий қилиш масалари ҳам амалга оширилиши белгиланган.

Мамлакатимизда 2030 йилгача белгиланган стратегик вазифаларга эришиш учун ҳар бир кун, ҳар бир ой ва ҳар бир йил муҳим. Шу 2024 йилда аҳвол қандай кечмоқда, деган саволга жавоб топиш учун шу қисқа вақтда қандай натижаларга эришилаётганлигига эътиборни қаратамиз. Статистика агентлигининг дастлабки маълумотларига кўра, 2024 йилнинг январь-март ойларида Ўзбекистон Республикасининг иқтисодий ҳолати қуйидаги рақамларда ўз аксини топмоқда.

Мамлакатимизнинг ЯИМ аҳоли жон бошига 2023 йилда 2022 йил билан солиштирилганда 3,8 % га ўсган[1]. Ушбу кўрсаткич бўйича 2024 йил биринчи чорагида эришилган натижаларни 2023 йилнинг шу даврига нисбатан солиштирилганда масалага анча ойдинлик киритилади.

Шу таҳлил қилинаётган даврда республика Статистика агентлигининг дастлабки маълумотларига кўра ялпи ички маҳсулот ҳажмининг ўсиш суръати – 106,2 %ни ташкил қилган. Шунингдек, саноат ишлаб чиқариш физик ҳажми индекси – 106,5 %ни, қурилиш ишлари ҳажмининг ўсиш суръати – 106,8 %ни ташкил қилган. Шу даврда хизмат кўрсатиш соҳаси ҳам ўсиш тенденцияларига эга бўлди. Жумладан, чакана савдо товар айланмаси ўсиш суръати – 109,3 %ни, бозор хизматлари ҳажмининг ўсиш суръати – 114,2 %ни, қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалигининг ўсиш суръати – 103,6 %ни ташкил қилган.

Таҳлил даврида мамлакатимизда экспорт ва импорт соҳасида ҳам сезиларли ўзгаришлар содир бўлмоқда. Жумладан, ташқи савдо айланмаси ўсиш суръати – 106,2 %ни, экспортнинг ўсиш суръати – 110 %ни, импортнинг ўсиш суръати – 103,8 %ни ташкил қилиши ҳам натижанинг қўйилган стратегик вазифага мослигини кўрсатиб турибди.

Буларга эришиш учун албатта фаолият кўрсатаётган корхона ва ташкилотлар сони ҳам муҳим. Ушбу хўжалик юритувчи субъектлар сони бугунги кунда 469 113 тани ташкил қилиши ҳам ижобий кўрсаткичлардан бири сифатида баҳоланиши мумкин. Худди шундай транспорт хизматларининг ўсиши ҳам рўй берган. Жумладан, транспортда юк ташишнинг ўсиш суръати – 106,2 %ни, транспортда йўловчи ташишнинг ўсиш суръати – 105 %ни ташкил қилмоқда.

[1] https://aniq.uz/yangiliklar/2023-yilda-uzbekiston-respulikasid-aholi-jon-boshiga-hisoblangan-yalpi-ichki-mahsulot-hajmi-qanchani-tashkil-etdi

Юқоридаги ютуқларнинг ҳаммаси аҳолининг реал умумий даромадлари ўсишини таъминлаш имкониятини яратган. Хусусан шу даврда мазкур кўрсаткичнинг ўсиш суръати – 111,5 %ни ташкил қилади. Ушбу ҳолатни ижобий кўрсаткич сифатида баҳолаш учун яна битта асос шу даврда доимий аҳоли сони (2024 йил 1 апрель ҳолатига) – 37 млн кишига етган.

Хулоса ва таклифлар.

Хулоса қилиб айтганда, мамлакатимиз иқтисодиётидаги стратегик ўзгаришлар ва уларнинг ҳолатининг таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, Ўзбекистон 2030 йилга бориб иқтисодий тараққиёти жиҳатидан ва аҳолининг фаровонлигининг даражаси бўйича ривожланган мамлакатлар даражасига етиши кўзда тутилган. Бунга эришиш учун бир қанча вазифаларни амалга оширишга тўғри келади. Булар, бизнинг фикримизча қуйидагилардан иборат:

Биринчидан, мамлакатимизнинг иқтисодий-ижтимоий ҳаётида инновацион иқтисодиётни рақамлаштириш йўли билан ривожлантириш босқичига янада катта эътибор беришни тақозо қилади. Экспортнинг таркибида интеллектуал мулкнинг улушини кўпайтириб бориш ҳам долзарб масалалар сифатида катта эътибор бериб борилиши лозим бўлади.

Иккинчидан, таълим сифати ва самарадорлигини ошириш борасида амалга ошириш йўлида қилинаётган ишларни янада такомиллаштириб бориш учун мазкур масалага тизимли ёндошувни амалга ошириш ҳам муҳим ҳисобланади. Бунда мактабгача, мактаб таълими, ўрта махсус, олий таълим тизимларининг бир-бирига мувофиқлигини таъминлашни тақозо қилади. Кадрларни тегишли йўналишларга бошқаришни мактаб таълимидан бошлаш мақсадга мувофиқ. Шу билан бирга тарбия жараёнига ҳам катта аҳамият беришни тақозо қилади.

Хулоса тарзида таъкидлаш жоизки, ушбу таклифларнинг амалга оширилиши Янги Ўзбекистонни шакллантиришга мўлжалланган «ЎЗБЕКИСТОН — 2030» стратегиясида кўзда тутилган халқимизнинг эркин ва фаровон ҳаётини таъминлаш вазифаларнинг бажарилшига хизмат қилади.

Адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 11 сентябрда ПФ-158-сонли «ЎЗБЕКИСТОН — 2030» стратегияси тўғрисида”ги фармони. LexUZ шарҳи.

2. https://aniq.uz/yangiliklar/2023-yilda-uzbekiston-respulikasid-aholi-jon-boshiga-hisoblangan-yalpi-ichki-mahsulot-hajmi-qanchani-tashkil-etd.

3. Пардаев М.Қ., Пардаева О.М., Пардаев О.М. Иқтисодиётни стратегик ривожлантиришнинг инновацион моделлари. Монография. / – Т.: “Fan va texnologiyalar nashriyot-matbaa uyi”, 2022. – 228 бет.

4. Mamayunus Pardaev, Ozoda Pardaeva, Obid Pardaev Innovative models of Synergistic efficiency. LAMBERT academic Publishing, 2022. – 109 p. – 6,8 б.т. https://www.lap-publishing.com/cover_playgrounds/oiancevskaia

5. Пардаев М.Қ. Инсон салоҳияти, инсон капитали ва инновация билан боғлиқ категорияларнинг назарий масалалари. Монография. – Т.: “Fan va texnologiyalar nashriyot-matbaa uyi”, 2024. - 202 бет.

КОРХОНАЛАР МОЛИЯВИЙ ҲИСОБОТЛАРИНИ ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАРГА МУВОФИҚЛАШТИРИШНИНГ МЕТОДОЛОГИК МАСАЛАЛАРИ

К.Б.Уразов
СамИСИ профессори, и.ф.д.
(89991) 5206583

Аннотация: ушбу мақолада корхоналар молиявий ҳисоботини халқаро стандартларга мувофиқлаштиришнинг методологик масалалари тадқиқ қилинган.

Калит сўзлар: молиявий ҳисобот, молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари, ҳисоботни трансформациялаш, ҳисобот моддалари реклассификацияси, таксономия.

Аннотация: в данной статье исследованы методологические вопросы приведения финансовой отчётности предприятий в соответствие с международными стандартами

Ключевые слова: финансовая отчетность, международные стандарты финансовой отчетности, трансформация отчётности, реклассификация статей отчетности, таксономия**.**

Abstract: this article examines the methodological issues of bringing the financial statements of enterprises into compliance with international standards

Key words: financial reporting, international financial reporting standards, transformation of reporting, reclassification of reporting items, taxonomy.

Ҳисоб ва ҳисоботни молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари (МҲХС)да белгиланган тартиб-қоидаларга мувофиқлаштириш дунёнинг барча ривожланаётган мамлакатлари, шу жумладан бизнинг республикамиз олдида турган долзарб вазифалардан биридир. Республикамиз Президентининг 2020 йил 24- февралдаги «Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» ги ПҚ-4611-сонли қарорида таъкиланганидек, МҲХСга ўтишдан мақсад хорижий инвесторларни зарур ахборот муҳити билан таъминлаш ва халқаро молия бозорларига кириш имкониятларини кенгайтириш, шунингдек, ҳисоб ва аудит соҳалари мутахассисларини халқаро стандартлар бўйича тайёрлаш тизимини такомиллаштириш ҳисобланади. Мазкур қарор асосида республикамизда корхоналар молиявий ҳисоботларини халқаро стандартларга мувофиқлаштириш босқичма-босқич амалга оширилмоқда. Чунончи, охирги 3 йил ичида республикамизнинг барча йирик солиқ тўловчилари бўлган хўжалик юритувчи субъектлар, чунончи турли тармоқ ва соҳоларга кирувчи акциядорлик жамиятлари ўзларининг молиявий ҳисоботларини молиявий

ҳисоботнинг халқаро стандартлари (МҲХС) асосида тузмоқдалар ва уларни давлат солиқ органларига янгича шакл ва мазмунда топшириб келмоқдалар. Ушбу субъектларда охирги йилларда тўпланган тажрибалар қуйидагиларни кўрсатмоқда.

Биринчидан, йирик корхоналарнинг бир қисмида модернизацияланган ҳисоб сиёсати ва "1 С: Бухгалтерия" амалий дастурлар пакети (АДП) асосида бухгалтерия ҳисобини тўлиғича МҲХС асосида юритишга эришилди, уларда молиявий ҳисоботлар замонавий компьютерларда МҲХСларга мос равишда шакллантирилмоқда ҳамда ахборот фойдаланувчиларга, чунончи солиқ органларига онлайн режимида тақдим этилмоқда. Мазкур корхоналарда молиявий ҳисоботларни БҲМСга мувофиқ тузиш амалиёти "ретро" бўлиб қолмоқда. Бу турдаги субъектларда молиявий ҳисоботларни ташқи аудиторлик текширувидан ўтказиш фақат МҲХС ва аудитнинг халқаро стандартлари (АХС)га мувофиқ ўткаилмоқда.

Иккинчидан, айрим йирик хўжалик юритувчи субъектларда "параллел ҳисоб"[2] олиб борилмоқда, яъни бухгалтерия ҳисоби "1 С: Бухгалтерия" амалий дастурлар пакети (АДП) асосида ҳам бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартлари (БҲМС), ҳам МҲХСга мувофиқ юритилмоқда. Шу билан бирга, бундай корхоналарда йил якуни бўйича БҲМСга мувофиқ тузилган молиявий ҳисоботлар сақланиб қолмоқда, улар шакллан ва мазмунан МҲХСда белгиланган тартибларга фақат трасформация[3] қилиш йўли билан мувофиқлаштирилмоқда ҳамда ахборот фойдаланувчиларга, чунончи солиқ органларига онлайн режимида тақдим этилмоқда. Мазкур корхоналарда молиявий ҳисоботларни БҲМСга мувофиқ тузиш амалиёти давом этмоқда. Мос равишда ушбу корхоналарда молиявий ҳисоботлар аудити ҳам БҲМС, ҳам МҲХС асосида шаклланган маълумотлар бўйича АХСга мувофиқ ўтказилмоқда.

Учинчидан, айрим йирик хўжалик юритувчи субъектларда бухгалтерия ҳисобини хонузгача "1 С: Бухгалтерия" амалий дастурлар пакети (АДП) асосида бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартлари (БҲМС)га мувофиқ

---

[2] **Параллел ҳисоб** – бу жараён бўлиб, унга мувофиқ юз берган хўжаик операцияси бир вактнинг ўзида ҳам БХМС, хам МҲХС бўйича ташкил қилинадиган ҳисоб тизимида кайд этилади, МҲХС бўйича тузиладиган молиявий ҳисобот кўрсаткичлари МҲХС бўйича юритиладиган бухгалтерия ҳисоби маълумотлари асосида шакллантирилади..

[3] **Трансформация** – бу шундай жараёнки, унда молиявий ҳисобот МҲХС талабларига кўра БҲМС бўйича шакллантирилган ҳисоб маълумотларини кайта гуруҳлаш ва молиявий ҳисобот моддаларини тузатишлар киритиш йўли билан қайта тузилади Трансформация даврий тарзда, БҲМСлари бўйича тайёрланган ҳисоботдан фойдаланган ҳолда амалга оширилади. Миллий стандартлар бўйича ҳисоб юритиш тартиблари МҲХС бўйича юритиладиган ҳисоб тартибларига канчалик яқин бўлса, ҳисоботни трансформациялашда шунчалик тузатишлар киритишга заруратлар ҳам кам бўлади. МҲХСларга ўтиш санасида фақатгина "Молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисобот"трансформация йўли билан тайёрланади. Ўтиш санасига шакллантирилган дастлабки (бирламчи) молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисобот кейинги ҳисобот даврларида ҳисобни МҲХС бўйича юритиш учун бош нуқта (старт нуқтаси) бўлиб ҳисобланади.

юритиш давом этмоқда ва йил якуни бўйича БҲМСга мувофиқ тузилган молиявий ҳисоботлар МҲХСда белгиланган тартибларга шакли ва мазмунига кўра трасформация қилинмоқда ҳамда ахборот фойдаланувчиларга, чунончи солиқ органларига онлайн режимида тақдим этилмоқда. Мазкур корхоналарда бухгалтерия ҳисобини юритиш ва молиявий ҳисоботларни тузишнинг БҲМСга асосланган эски тизими тўлиғича сақланиб қолмоқда. Мос равишда, ушбу корхоналарда ҳам собиқ молиявий ҳисоботлар аудити дастлаб БҲМСлар, кейин эса трасформацияланган молиявий ҳисоботлар МҲХСлар бўйича АХСга мувофиқ ўтказилмоқда.

Тўртинчидан, юқорида санаб ўтилган учала гуруҳга кирувчи субъектларнинг барчаси МҲХСларни илк бор қўллаш босқичидан ўтган ҳамда "МҲХСларни илк бор қўллаш" номли AFRS 1 талабларини тўлиқ бажарилганлигини, шунингдек МҲХСни тўлиқ қўллаётганлигини ўз аризаси билан тасдиқлаган корхоналар бўлиб ҳисобланади. Мазкур стандартга мувофиқ, корхонанинг молиявий ҳисоботи МҲХСга мос келмайди деб ҳисобланади, қачонки ёки агарда:

* тузувчи томонидан молиявий ҳисоботни МҲХСга мос равишда тузилгани тўғрисида сўзсиз кафолати (эътирофи) бўлмаса (хаттоки ҳисобот энг муҳим жиҳатлари бўйича МҲХСга мос келган тақдирда ҳам);

* аризада хисобот айрим стандартларга мос келиши, бирок барча стандартларга мос келмаслиги эътироф этилган бўлса;

* ҳисобот мулкдорлар ва ташки фойдаланувчиларга тақдим этиш учун эмас, балки ички мақсадларда фойдаланиш учун тузилган бўлса;

* ҳисобот тўлиқ комплектда тузилмаган бўлса.

МҲХС ҳисобот шаклларини мажбурий форматларда тузилишини назарда тутмайди. Давлатлар молиявий ҳисобот шакллари қонун ҳужжатлари билан белгилашлари ва бунда таксономияга[4] таянишлари мумкин. МҲХСлар ҳам буни рад этмайди.

МҲХСларни илк бор қўллашдан кейинги даврларда миллий молиявий ҳисоботларни МҲХСда назарда тутилган ҳисобот шаклларига трансформация қилиш йўли билан тузиш ва тақдим этиш МҲХСга ўтиш жараёнларининг тизимли ва изчил олиб борилмаётганлигидан дарак беради. Чунки, молиявий ҳисоботларни МҲХСга трансформациялаш йўли билан мувофиқлаштириш ҳамда ахборот фойдаланувчиларга тақдим этиш, аслида, МҲХСларни илк бор қўллаш босқичига тегишли жараён ҳисобланади. МҲХСларга ўтиш санасидан кейинги даврларда молиявий ҳисоботлар ретроспектив тарзда худди олдинги даврлардаги сингари тузилиши лозим. Айнан ушбу талабнинг айрим корхоналарда бажарилмай қолаётганлиги ва молиявий ҳисоботларни фақат трансформация қилиш йўли билан тузилаётганлиги ҳамда тақдим

[4] **Таксономия**– МҲХС бўйича ҳисоботларни электрон тарзда XBRL форматда тақдим этиш. XBRL стандарти бизнес тизимлар ўртасида бизнес ахборотлар алмашуви учун ишлаб чикилган

этилаётганлиги мазкур корхоналарнинг МҲХСга ўтиш борасидаги иш режасини тўлиқ бажарилмасдан қолганлигидан бошқа нарса эмас. Бундан ташқари, бундай ёндашувлар корхоналарда аудитга кетадиган сарф харажатларни ошиб кетишига олиб келмоқда.

Бешинчидан, молиявий ҳисоботларни МҲХСга трансформациялаш йўли билан мувофиқлаштираётган ҳамда ахборот фойдаланувчиларга тақдим этаётган корхоналарда ўтказилган аудиторлик текширувлари улар томонидан МҲХСларни илк бор қўллаш босқичида, шунингдек кейинги босқичларда амал қилиниши лозим бўлган турли услубий тартибларга тўлиқ амал қилинмаганлигини ҳам кўрсатмоқда. Қуйида аудиторлик текширувларида корхоналар томонидан МҲХСларга ўтишда тўлиғича амал қилинмасдан қолинаётган услубий тартибларнинг айримларига тўхталамиз.

Биринчи услубий тартиб. Корхоналар молиявий ҳисоботларида уларнинг активларини ҳаққоний қийматида акс эттириш. Аудит амалиётида корхоналар асосий воситалари, номоддий активлари, ТМЗлар, кўп ҳолларда, ушбу активларнинг бозор баҳолари эътиборга олинмасдан молиявий ҳисоботларда акс эттирилаётганлиги, бунда “Ҳаққоний қийматни баҳолаш” номли 13-сон МҲХС ҳамда “Активлар қадрсизланиши” номли 36-сон МҲХС талабларига тўлиқ амал қилинмаётганлиги намоён бўлмоқда. Ушбу МҲХСларга тўлиғича амал қилинмаётганлиги корхоналар молиявий ҳисоботларида амортизация харажатлари, қадрсизланишдан зарарлар суммалари, мос равшда, асосий воситалар, номоддий активлар ва ТМЗлар қийматларини нотўғри акс эттирилишига сабаб бўлмоқда. Булар, ўз навбатида, корхоналарнинг мол-мулк солиғи, фойда солиғи суммалари, соф фойда бўйича ҳам ҳисоботларда, шунингдек, 1 та акцияга ёки 1 сўмлик устав капиталига тўғри келадиган фойда суммаларини аниқлашда четланишларга йўл қуйилишига олиб келмоқда.

Иккинчи услубий тартиб. Корхоналар молиявий ҳисоботларида баҳоланган мажбуриятлар, кечиктирилган мажбуриятлар ҳамда кечиктирилган активлар реал қийматида акс эттириш. Аудит амалиётида корхоналар ходимларига ишлатилмаган меҳнат таътиллари ва кафолатли хизматлар учун резервлар ташкил қилинмасдан қолинаётганлиги, вақтинчалик фарқлар бўйича фойда солиғи бўйича кечиктирилган мажбуриятлар ва кечиктирилган активлар ҳисоб-китоб қилинмасдан қолаётганлиги, улар суммаларини молиявий ҳисоботларда тўғри акс эттирилаётганлиги, бунда “Резервлар, шартли мажбуриятлар ва шартли активлар номли 37-сон ҳамда “Фойдадан солиқлар” номли номли 12-сон МҲХС талабларига тўлиқ амал қилинмаётганлиги аниқланмоқда. Ушбу МҲХСларга тўлиғича амал қилинмаётганлиги корхоналар молиявий ҳолат тўғрисида ҳисоботда активлар, хусусий капитал, мажбуриятларни, шунингдек фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисоботда харажатлар, мос равишда соф фойда суммаларини нотўғри акс эттирилишига сабаб бўлмоқда

Учинчи услубий тартиб Моддаларни актив ва мажбуриятлар сифатида тан олмаслик, агарда МҲХС бундай моддаларни актив ва мажбурият сифатида

тан олинишига рухсат бермаса. МҲХСларига кўра ҳисоботда биронта бир шубҳали дебиторлик ва кредиторлик қарзлар акс эттирилиши мумкин эмас. Шу боис, МҲХСларни илк бор қўллаш босқичидаёқ олдинги ҳисоботда мавжуд бўлган бундай активлар ва мажбуриятлар аниқланиши ва МҲХС асосида тузиладиган молиявий ҳисоботга киритилмаслиги керак, Айнан шу йўл билан МҲХСларни илк бор қўллаш давридаёқ молиявий ҳисоботлар нореал суммалардан тозаланишига эришиш лозим. Ўтказилаётган аудит текширувларида МҲХСлар асосида тузилган молиявий ҳисоботларда ушбу талабга ҳам тўлиғича амал қилинмаганлик ҳолатлари аниқланмоқда. Чунончи, трансформацияланган молиявий ҳисоботларда даъво муддатлари ўтиб кетган шубҳали дебиторлик ва кредиторлик қарзлар акс эттирилмоқда. Бунинг натижасида МҲҲСга мос келади деб берилган ариза ҳвқиқатга тўғри келмаяпти. Булар, ўз навбатида трансформацияланган молиявий ҳисоботларга салбий хулоса беришга сабаб бўлмоқда ёки мижозлар билан келишувга келмаслик оқибатида аудиторлик хулосасини беришдан воз кечишга сабаб бўлмоқда.

Тўртинчи услубий тартиб. Олдинги амалдаги БҲМСда бошқача макомда тан олинган активлар, мажбуриятлар ва хусусий капиталнинг бошка компонетларини МҲХСга кўра актив, мажбурият ва хусусий капиталнинг бошка компонетлари турларига мос келувчи моддаларига реклассифициялаш[5]. Ушбу услубий тартиб ҳисоботнинг кўплаб моддаларига (счётлар)га тегишли. Чунончи, МҲХСга кўра, асосий воситалар ҳисоботда қуйидаги гуруҳлар бўйича таснифланиши ва очиқланиши талаб қилинади: (1) фойдаланишдаги асосий воситалар; (2) инвестицион мулк сифатидаги асосий воситалар; (3) сотиш учун мўлжалланган асосий воситалар; (4) узоқ муддатли ижарага берилган ва ижарага олинган асосий воситалар. МҲХСлар асосида трансформацияланган молиявий ҳисоботларда кўп ҳолларда асосий воситалар ушбу гуруҳларга ажратилмасдан акс эттирилмоқда, сотиш учун мўлжалланган асосий воситалар ҳам молиявий ҳола тўғрисида ҳисоботнинг 1-бўлимида узоқ муддатли активлар таркибида бермоқда, хаттоки уларга бошқа асосий воситалар сингари амортизация ҳисоблаш давом этмоқда. Шунингдек, МҲХСларида назарда тутилган қуйидаги тартибларга ҳам тўлиқ амал қилмасдан қолмоқда:

*асосий воситалар таркибига ўрнатилмаган жиҳозлар ва қурилиши тугалланмаган объектларни киритиш;

*қурилиш учун мўлжалланган қўрилиш материаллари суммаларини асосий воситалар таркибида акс эттириш;

*узоқ муддатли дебиторлик қарзлар таркибида муддати бир йилдан ортиқ бўлган қарзларни акс эттириш, бинобарин ушбу қарзларни номинал қийматида эмас, балки дисконтланган (жорий) қийматида акс эттириш, муддати узайтирилган солиқ ва бошқа қарзларни узоқ муддатли мажбуриятларга ўтказиш ва бошқалар.

[5] **Реклассификация –** бу ҳисобот моддалари (счётлар)ни номи, мазмуни, ҳисоботда муддати, жойлаштириш тартиби ва бошқа белгиларига кўра фойдаланувчиларга ўнғай ва тушунарли таснифлаш

Маълумки, олдиндан фаолият юритиб келаётган компанияларда МҲХСларни ретроспектив кўллаш мураккаб, айрим холларда бу умуман амри маҳлдир. Шу боис, 1-сон МҲХСда МҲХСларни ретроспектив кўллаш талабларидан бир қатор четланишларга чиқиш назарда тутилган, Бинобарин, МҲХСларини ретроспектив қўллашдан четга чикиш имкониятдан ҳисоботларини МҲХС бўйича илк бор тузган хамма компаниялар, ўтиш санасидан катъий назар, фойдаланишлари мумкин.

МҲХСларларни ретроспектив қўллашдан четга чиқишнинг иккита тури стандартда белгиланган:

1.Бошқа МҲХСларни рестроспектив қўллаш талабларидан ихтиёрий равишда ўз хохишига кўра четга чиқишлар.

2. Бошқа МҲХСларни рестроспектив қўллаш талабларидан мажбурий равишда четга чиқишлар.

Бошқа МҲХСларни рестроспектив қўллаш талабларидан **ихтиёрий равишда ўз хохишига кўра четга чиқишлар** қуйидаги ҳолатларга тегишли:

• бизнесни бирлаштиришга;
• Акциялар асосида тўловлар бўйича операцияларга;
• Шартли бошлангич кийматга;
• Капиталда жамланган курс фарқларига;
• Комбинацияли молиявий инструментларга;
• Ижара шартномаларига;
• Олдин тан олинган молиявий инструментларни таснифига;
• Шўъба корхоналар, қўшма корхоналар ва ассоциациялашган корхоналарга киритилган инвестицияларга.

Юқоридаги ҳолатларнинг мавжуд бўлмаслиги корхонанинг МҲХСга трансформацияланган ҳисоботини ретроспектив тарзда тузишда олдинги даврлар суммасига нол қўйиш ёки ҳисоботга тушунтириш ҳатида улар бўйича изоҳ бериш шарт эмаслигини билдиради. Ўтказилаётган аудит амалиётида мазкур ҳолатлар мавжуд бўлмаган корхоналар ҳисоботларида уларга кераксиз изоҳлар берилганлигини ҳам кўриш мумкин.

Бошқа МҲХСларни рестроспектив қўллаш талабларидан **мажбурий равишда четга чиқишлар** қуйидаги ҳолатларга тегишли:

• молиявий активлар ва молиявий мажбуриятларни тан олиш тўхтатилса;
• хеджлаштириш ҳисобига зарурат бўлмаса;
• акциядорларнинг назорат килинмайдиган улуши мавжуд бўлмаса;
• молиявий активлар таснифи ва баҳоланиши корхонага боғлиқ бўлмаса;
• молиявий активларнинг қадрсизланиши юз бермаган бўлса.

Фикримизча, юқорида келтирилган методологик тартибларга МҲХСга илк бор ўтишда ва кейинги даврларда молиявий ҳисоботларни тузишда амал қилиш объектив зарурат ҳисобланади. Ушбу тартибларга амал қилиш МҲҲСлар асосида тузилган молиявий ҳисоботлар ишончлигини таъминлайди, шунингдек уларга ижобий хулоса олишга асос бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 февралдаги “Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ПҚ-4611-сон
2. Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартларига шархлар тўплами.– Т.: Норма, -527б.
3. Международные стандарты финансовой отчетности. https://normativ.kontur.ru.
4. Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари. – Т.: Норма, 2023
5. Уразов К.Б., Қурбанов З.Н., Абидов Ҳ.Ш. Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтишнинг долзарб масалалари ва уларни ҳал қилиш йўллари // Ж. Солиқ ва ҳаёт, 2024, 1-сон, 153-161-б.
6. Путникова Е.Л., Урбан В.А. (2022) Подготовка бухгалтерской отчетности согласно международным стандартам финансовой отчетности. Весник Белорусской государственной сельскохозяйственной академии. №2
7. Ташназаров. Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари: Олий ўқув юртлари магистратура мутахассисликлари учун дарслик. – Тошкент: ,2019. – 555 б.

ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАРГА ЎТИШ ШАРОИТИДА БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИНИНГ ЗАМОНАВИЙ ТАЛҚИНИ

Самиддин Ташназаров
СамИСИ, “Бухгалтерия ҳисоби” кафедраси мудири и.ф.д., профессор

Аннотация: Ушбу мақолада халқаро стандартларга ўтиш шароитда бухгалтерия ҳисобининг долзарб масалалари, замонавий бухгалтерия ҳисобига тавсиф берилган. Молиявий бухгалтерия ҳисоби, бошқарув бухгалтерия ҳисоби, таннарх бухгалтерия ҳисоби ва солиқ бухгалтерия ҳисобига таърифлар келтирилган. Бухгалтерия ҳисоби фаолияти ва унинг бизнес тили сифатидаги тавсифлари баён қилинган.

Калитли сўзлар: Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари, молиявий бухгалтерия ҳисоби, бошқарув бухгалтерия ҳисоби, таннархи бухгалтерия ҳисоби, солиқ бухгалтерия ҳисоби.

Аннотация: В данной статье рассмотрены актуальные вопросы бухгалтерского учета в условиях перехода на международные стандарты современного бухгалтерского учета. Определены финансовый бухгалтерский учет, управленческий бухгалтерский учет, бухгалтерский учет себестоимости и налоговый бухгалтерский учет. Дана бухгалтерская деятельность и ее описание на деловом языке.

Ключевые слова: Международные стандарты финансовой отчетности, финансовый бухгалтерский учет, управленческий бухгалтерский учет, бухгалтерский учет себестоимости, налоговый бухгалтерский учет.

Abstract: This article describes current issues of accounting in the context of transition to international standards, modern accounting. Financial accounting, managerial accounting, cost accounting and tax accounting are defined. Accounting activities and its description as a business language are given.

Key words: International standards of financial reporting, financial accounting, management accounting, cost accounting, tax accounting.

“Ўзбекистон – 2030” стратегиясида “Мамлакатимизда **250 миллиард** долларлик инвестицияларни ўзлаштириш, жумладан **110 миллиард** доллар хорижий инвестициялар ва **30 миллиард** доллар давлат-хусусий шериклик доирасидаги инвестицияларни жалб қилиш; эркин муомаладаги қимматли қоғозлар савдолари ҳажмини **8 миллиард** долларга етказиш; ҳудудларнинг **инвестицион рейтингини юритиш**, ҳар бир ҳудуднинг имкониятларидан келиб чиқиб, унинг **инвесторлар учун жозибадорлигини янада ошириш**; экспорт ҳажмини **2 баробар** ошириш ва **45 миллиард** долларга етказиш, экспортчи корхоналар сонини **6,5 мингтадан 15 мингтага** етказиш; экспорт таркибида тайёр ва ярим тайёр маҳсулотлар ҳажмини **3,3 баробар кўпайтириш**, Европа давлатларига **GSP + ва бошқа тизимлари** доирасида тайёр ва технологик маҳсулотлар экспортини кенгайтириш; **халқаро стандартлар жорий қилинган корхоналар** сонини **10 баробарга** ошириш ва улар сонини **5 мингтага** етказиш”[6] вазифалари юклатилган.

Шу муносабат билан мамлакатимизда бухгалтерия ҳисобини халқаро стандартлар даражасига олиб чиқиш учун бир қанча меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди. Жумладан, мамлакатимизда Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига (МҲХС) ўтишни таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 24 апрелдаги ПФ-4720-сон “Акциядорлик жамиятларида замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 3 мартдаги ПҚ-4265-сон “Кимё саноатини янада ислоҳ қилиш ва унинг инвестициявий жозибадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ва 2019 йил 17 январдаги ПҚ-4124-сон “Кон-металлургия тармоғи корхоналари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорлари билан йиллик молиявий ҳисоботнинг МҲХСларига мувофиқ эълон қилиниши ва уни Аудитнинг халқаро стандартлари (АХС) асосида ташқи аудитдан ўтказилиши бўйича вазифалар юклатилди.

Бугунги кунда Ўзбекистонда бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини жаҳон андозалари даражасига чиқаришнинг ягона йўли бу молиявий ҳисоботнинг

[6] “Ўзбекистон -2030” стратегияси. https://lex.uz/ru/docs/6600413

халқаро стандартларини ва илғор хорижий тажрибаларни, соҳага доир жаҳон адабиётлари ва ҳужжатларини ўрганиш ҳамда уларни мамлакатимиз иқтисодиётининг хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда жорий қилишдан иборатдир. Бу йўл энг долзарб ва ўта муҳим йўлдир.

Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларининг жорий қилиниши молиявий ҳисоботлардаги ахборотларнинг ишончлилиги ва объективлигини ошириш билан бир қаторда хорижий инвестицияларни мамлакатимиз итисодиётига киритишда муҳим восита бўлиб хизмат қилади.

Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтишининг зарурияти яна шу билан белгиланадики, дунё бозорларига чиқиш, мамлакатимиз экспорт салоҳиятини юксалтириш, дунё хом-ашё ва валюта биржаларига котировка қилиш, дунё банкларидан кредит олиш учун компания ва ташкилотлар томонидан МҲХСга мувофиқ молиявий ҳисобот тузишни талаб этилиши билан белгиланади.

Ушбу устувор вазифани ҳал қилиш мақсадади МҲХСларни тўлиқ тизимли жорий қилинишини ҳамда бу борада кадрлар тайёрлашни тубдан яхшилашга қаратилган алоҳида қарор қабул қилинишига зарурият юзага келди. Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 февралда ПҚ-4611 “Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” Қарори қабул қилинди. Ушбу Қарорнинг мақсади МҲХСларга ўтиш орқали:

мамлакатимизда хорижий инвестицияларнинг кириб келиши учун инвестицион муҳитни яхшилаш, компанияларнинг инвестициявий жозибадорлигини ошириш;

хорижий инвесторларни зарур ахборотлар билан таъминлаш, ҳисоботларнинг мазмуни ва таркибини ахборот фойдаланувчиларнинг эҳтиёжларига уйғунлаштириш;

корпоратив бошқарув тамойилларини жорий қилишни таъминлаш;

Ўзбекистон компаниялари ва банкларининг халқаро фонд ва молия бозорларига кириш имкониятларини кенгайтириш;

акциядорлик жамиятлари, холдинг компаниялар ва бошқа корхоналарнинг экспорт операциялари ҳажмини юксалтириш;

компанияларнинг рақоботбардошлигини ошириш;

бухгалтерия ҳисоби ва аудит соҳалари мутахассисларини тайёрлаш тизимини халқаро стандартлар даражасига кўтариш;

бакалавриат таълими йўналишлари ва магистратура мутахассислигидаги «Бухгалтерия ҳисоби» ва «Аудит» фанлари бўйича МҲХСни чуқур ўрганишни назарда тутувчи янгиланган ўқув дастурларини тасдиқлаш ва белгиланган тартибда таълим жараёнига жорий этиш.

Бугунги кунда бухгалтерия ҳисобининг долзарб масалалари рақамли иқтисодиётга мос бухгалтерия ҳисобини шакллантириш бўлиб ҳисобланади. Иқтисодиётда юз берган жараёнларни рақамларда ифодалашда бухгалтерия ҳисоби асосий буғин сифатида хизмат қилади. Рақамлаштириш кенг ахборот технологияларини жорий қилиш, замонавий дастурлардан фойдаланишни

тақозо этади. Инновацион иқтисодиёт шароитида бухгалтерия ҳисоби дунё тажрибаларини ўрганиб бухгалтерия ҳисоби объектларини тан олиш, баҳолаш, бухгалтерия ёзувларини амалга ошириш, молиявий ҳисоботда акс эттиришда инновацияларга асосланган энг илғор усул ва услублардан фойдаланиш, молиявий ҳисоботнинг шаффофлиги ва жозибадорлигини ошириш долзарб масалалар ҳисобланади. Яшил иқтисодиёт шароитида бухгалтерия ҳисоби экологик жараён, табиат ва унинг ресурсларидан оқилона фойдаланиш, ер, сув ресурслари, фойдали қазилмалар тўғрисида ишончли ахборотларни тақдим этадиган тизимга айланиши керак.

Ушбу вазифаларнинг ижросини таъминлаш мақсадида бухгалтерия ҳисобини халқаро стандартларга мувофиқлаштиришда бухгалтерия ҳисобининг замонавий талқини, унинг мақсади ёритиб бериш ҳамда бизнес тили сифатидаги мавқени очиб бериш муҳим аҳамият касб этади.

Буюк Британиядаги Менежмент Бухгалтерия Ҳисоби Чартер институти (CIMA) томонидан тайёрланган махсус атамаларда бухгалтерия ҳисоби "пулда ўлчаниладиган операция (битим)лар"ни қамраб олишини эътироф этган ҳолда қуйидагича таърифлайди: "Бухгалтерия ҳисоби – бу:

пулда ўлчаниладиган битимларни (monetary transaction) таснифлаш ва ёзувини амалга ошириш; ва

давр ичида ушбу битимларнинг бажарилган ишлар (performance) ва белгиланган санада молиявий ҳолатни баҳолашдаги таъсири натижаларини презентация ва интепретация қилиш; ва

фаолиятнинг режали курси муқобилларидан келиб чиқиб, келгуси фаолиятга оид пулли лойиҳаларни тузиш тизимидир."[7]

"Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида"ги Қонуннинг 4-моддасида "Бухгалтерия ҳисоби барча хўжалик операцияларини яхлит, узлуксиз, ҳужжатлар асосида ҳисобга олиш йўли билан бухгалтерия ахборотини йиғиш, қайд этиш ва умумлаштиришнинг тартибга солинган тизимидан, шунингдек унинг асосида молиявий ва бошқа ҳисоботни тузишдан иборатдир."[8] деб таъкидланган.

Республикамизда ва хорижий мамлакатларида чоп этилган адабиётларни тизимли тадқиқ қилиш натижалари олинган назарий асослар бўйича бухгалтерия ҳисобига қуйидагича таъриф берамиз:

"Бухгалтерия ҳисоби деганда, қарорлар қабул қилиш мақсадида пулда ўлчаниладиган ахборотларни яхлит ва узлуксиз қайд қилиш, тан олиш, ўлчаш (баҳолаш), тўплаш, ёзиш, қайта ишлаш, тақдимот қилиш ҳамда шу асосда бизнес субъектларнинг молиявий ҳолатини баҳолаш, таннархни бошқариш ҳамда келгуси фаолиятга оид режаларни тузиш ва ахборотлар коммуникациясини амалга ошириш тизими тушунилади".

Чет эл иқтисодчи олимлари томонидан бухгалтерия ҳисобининг мақсади анча кенг ёритилган.

---

[7] Management Accounting. Official terminology of the CIMA. The CIMA 63 Portland Place, London W1N 4AB, 2005. 157 p. 2-б.

[8] https://lex.uz/docs/2931253?ONDATE=31.12.2020%2000

Биз мамлакатимиз ва чет эл олимларининг фикрларини умумлаштирган ҳолда бухгалтерия ҳисобининг мақсадларини қуйидагича изоҳлаймиз.

Бухгалтерия ҳисоби мақсади унинг асл моҳиятини рўёбга чиқариш демакдир. Ҳар қандай ишни амалга оширишдан ёки тизимни ўрнатишдан мақсад бўлганидек, ташкилотларда бухгалтерия ҳисоби тизимини ўрнатиш орқали ҳам маълум бир мақсадларга эришиш кутилади. Ташкилот менежмент тизими менежерлар ўртасида умумий тан олинганидек, бухгалтерия ҳисобининг ҳам мақсади ҳамма учун умумий ҳисобланади. Биз бу мақсадларга қуйидагиларни киритамиз:

1. Менежерларни бухгалтерия ахборотлари билан таъмин этиш:

корхона фаолиятини режалаштиришда зарур ахборотлар билан таъмин этиш;

менежмент қарорларини ишлаб чиқишда зарур ахборотлар билан таъмин этиш;

стратегик ва тактик қарорлар қабул қилишда, узоқ муддатли режалар тузишда ахборот билан таъмин этиш;

фаолият менежменти ва назорат қилиш мақсадида юз берган жараёнлар ва ҳодисалар тўғрисида оралиқ ҳисобот бериш;

корхона фаолиятида юз берган ҳодиса ва жараёнларни (пулли битимларни) қайд қилиш, тўплаш орқали ушбу жараёнларнинг корхонанинг маълум даврдаги молиявий ҳолатига таъсирини кўрсатувчи ҳисоботларни тайёрлаш (молиявий ҳисоботлар);

2. Менежерларга кўмаклашиш. Молиявий менежментни амалга ошириш.

3. Ташқи фойдаланувчиларни, жумладан сармоядорларни, ҳукумат идоралари ва бошқа ташқи қисмларни молиявий ҳисобот тузиш орқали ахборот билан таъмин этиш.

4. Молиявий назорат ва таҳлил ўтказиш.

5. Бухгалтерия ахборотлари коммуникациясини ўрнатиш.

Ҳисоб муаммоларини ҳал қилишда шу пайтгача маълум мунозараларга сабаб бўлган ва бўлиб келаётган масалалардан бири бухгалтерия ҳисоби тизимининг таркибий қисмларини белгилаш ва уларга тавсиф бериш бўлиб ҳисобланади.

Бухгалтерия ҳисоби тизими таркибий қисмларини белгилаш бўйича чет эл адабиётларида Бухгалтерия ҳисоби тизимини мустақил менежментлик бухгалтерия ҳисоби ва молиявий бухгалтерия ҳисобига ажратиш билан чегараланадилар. Таннарх (кост) бухгалтерия ҳисоби эса иккаласи учун ҳам маълумот базаси бўлиб хизмат қилишини таъкидлашади.

Мамлакатимизда ҳам бухгалтерия ҳисоби тизими иккита таркибий қисмларга, яъни бошқарув (менежментлик) бухгалтерия ҳисоби ва молиявий бухгалтерия ҳисобига ажратилган.

Хорижий ва маҳаллий адабиётларни ҳамда корхоналар бошқарув тизимида бухгалтерия ҳисоби иштирок этиши масалаларини ўрганиш асосида бошқарув бухгалтерия ҳисобига аниқлик киритишда унинг бошқарув

мақсадларида пулда ўлчаниладиган ахборотларни қайд қилиш, қайта ишлаш ва тақдим қилиш тизими бўлиши билан бирга бошқарувда бевосита иштирок этиши, бюджет (режа)лар тузиши ва **узвийлик асосида боғлиқликнинг (feedback)** вужудга келишидаги иштироки ўз аксини топиши лозим деб ўйлаймиз. Ушбу назарий асосларни ҳисобга олиб бошқарув (менежментлик) бухгалтерия ҳисобини қуйидагича таърифлаймиз:

Бошқарув (менежментлик) бухгалтерия ҳисоби деганда, бухгалтерия ҳисоби бирликларида менежментнинг таркибий қисми бўлиб, менежерлар томонидан бизнес фаолияти менежментида фойдаланиладиган ишончли ва ҳаққоний бўлган, асосан пулда ўлчаниладиган ва ўз вақтида бериладиган ахборотларни қайд қилиш, баҳолаш (ўлчаш), классификациялаш, тўплаш, тақдим қилиш, бухгалтерия ахборотлари коммуникациясини ўрнатиш ва бухгалтерларнинг бошқарувда иштирок этиши, режалаштириш жараёнларини қамраб оладиган тизим тушунилади.

Молиявий бухгалтерия ҳисобини тавсифлашда эса унинг концептуал қоидалар асосида юритилиши, бухгалтерия ҳисобининг анъанавий хусусиятларини қамраб олиши, асосан молиявий ҳолат билан боғлиқ ахборотларни шакллантириш ва ушбу ахборотларнинг ташқи фойдаланувчиларга мўлжалланганлиги ҳамда бу ахборотлар молиявий ҳисоботлар кўринишида узатилиши каби ўзига хос жиҳатларини мужассамлантириши керак. Ушбу жиҳатларни ҳисобга олиб молиявий бухгалтерия ҳисобини қуйидагича таьрифлаймиз:

Молиявий бухгалтерия ҳисоби деганда, бухгалтерия ҳисоби бирликларида унга оид қонун, молиявий ҳисобот тамойиллари ва стандартлари асосида пулда ўлчаниладиган хўжалик операциялари ёзувларини амалга ошириш, ўлчаш (баҳолаш) ва тўплаш орқали ушбу операцияларнинг субъектлар молиявий ҳолатига таъсирини аниқлаш, молиявий ҳисобот даври охирида молиявий ҳолатни акс эттириш ва ахборотларни молиявий ҳисобот кўринишида фойдаланувчиларга тақдим қилиш тизими тушунилади.

Юқоридагилардан хулоса қилиш мумкинки, таннарх бухгалтерия ҳисоби бошқарув бухгалтерия ҳисоби учун деталли ва молиявий бухгалтерия ҳисоби учун унинг ёндашишлари доирасида ахборот манбаи бўлиб хизмат қилар экан.

“Таннарх бухгалтерия ҳисоби деганда, режалаштириш, нархларни белгилаш, маҳсулотни ишлаб чиқаришни давом эттириш ва кенгайтириш, харажатларни оптималлаштириш, ходимлар меҳнатини рағбатлантириш ва менежментнинг бошқа соҳаларига оид қарорлар қабул қилиш учун ишлаб чиқарилаётган маҳсулот, иш ва хизматлар, жараёнлар, фаолиятлар таннархини тан олиш, таснифлаш, тақсимлаш ва

баҳолаш асосида ҳақиқий таннархини аниқлаш ва таҳлил қилиш тизимга айтилади.”[9]

Бухгалтерия ҳисоби тизимида Солиқлар бухгалтерия ҳисоби ҳам ўзига хос хусусиятларга эга. Бу ҳисоб тўлиқ Солиқ қонунчилиги, жумладан Солиқ Кодекси асосида юритиладиган ҳисоб ҳисобланади. Молиявий бухгалтерия ҳисоби бу умумқабул қилинган принциплар асосида юритиладиган ҳисоб. Ушбу ҳисобот тури даромад ва харажатларни тан олишда бухгалтерия ҳисоби стандартларига таянади. Лекин, солиқ қонунчилиги солиққа тортиладиган базани аниқлашда қонунчилик талабларидан келиб чиқади. Масалан, корхона бинони ижара берди. Келишилган ижара суммаси давлат томонидан белгиланган минимал қийматдан паст бўлган ҳолларда қўшилган қиймат солиғи ёки фойда солиғини ҳисоблашда минимал қийматларни асос қилиб олади. Бошқа бир ҳолатда Солиқ Кодекси чегириб ташланмайдиган харажатларни белгилаган. Масалан, қонунчиликка мувофиқ ваколатли орган томонидан белгиланган моддий қимматликларнинг табиий камайиши нормаларидан, улар мавжуд бўлмаганда эса, солиқ тўловчи томонидан белгиланган нормалардан ортиқча товарлар йўқолиши**, жисмоний шахснинг моддий наф тарзидаги даромадлари ҳисобланадиган харажатлари,** хайрия ёрдамини амалга ошириш учун харажатлар, айбдорлари аниқланмаган талон-торож қилишлар ва камомадлардан ёки айбдор тараф ҳисобидан зарур суммаларнинг ўрнини қоплаш имкони бўлмаган тақдирда кўрилган зарар ва бошқа харажатлар солиққа тортиладиган фойда суммасини аниқлашда чегириб ташланмайдиган харажатлар сифатида тан олинади. Натижада, молиявий бухгалтерия ҳисобида фойда солиғигача аниқланган фойда суммаси билан солиқ бухгалтерия ҳисоби бўйича аниқланган солиққа тортиладиган фойда суммаси ўртасида фарқ юзага келади. Бу фарқлар **вақтинчалик фарқлар** деб эътироф этилади. Умуман олганда барча мамлакатларда солиқ қонунчилиги молиявий бухгалтерия ҳисобидаги кўрсаткичларга ўз талабларини қўяди. Шу нуқтаи назардан солиқ қонунчилиги талабларини инобатга оладиган Солиқлар бухгалтерия ҳисобини юритишга зарурият туғилади.

Солиқ Кодексининг 76-моддасида солиқ ҳисобига ва 81-моддасида солиқ ҳисоботига аниқлик берилган:

“Солиқ солиш объектлари ва (ёки) солиқ солиш билан боғлиқ объектлар тўғрисидаги ахборотни умумлаштириш ҳамда тизимлаштириш, шунингдек солиқларни, йиғимларни ҳисоблаб чиқариш ва солиқ ҳисоботини тузиш мақсадида ушбу Кодекс талабларига мувофиқ солиқ тўловчи ёки солиқ агенти томонидан ҳисоб ҳужжатларини юритиш **солиқ солиш мақсадларида ҳисобга олиш** деб эътироф этилади.”

“Солиқ тўловчининг ҳар бир солиқ тури ёки тўланган даромадлар бўйича ҳисоб-китобларни ва солиқ декларацияларини, шунингдек ҳисоб-китобларга ҳамда солиқ декларацияларига доир иловаларни ўз ичига оладиган,

[9] Ушбу таъриф тадқиқотчи Д.С.Ташназарова томондан берилган

солиқ тўловчиларнинг ва солиқ агентларининг солиқ мажбуриятларини аниқлаш учун асос бўлиб хизмат қиладиган ҳужжатлари **солиқ ҳисоботидир**.”[10]

Солиқлар бухгалтерия ҳисобига қуйидагича таърифни берамиз:

Солиқлар бухгалтерия ҳисоби деганда, бизнес субъектлари томонидан тўланадиган солиқлар ва мажбурий тўловлар бўйича солиқ қонунчилиги талабларини тўлқонли бажариш, ўз вақтида тўловларнини амалга ошириш мақсадида маълумотларни қайд қилиш, тан олиш, баҳолаш, солиқ ҳисоб-китобларини юритиш асосида солиққа тортиш базасини аниқлаш ҳамда солиқ ҳисоботларини тузиш ва тақдим этиш тизимига айтилади.

Солиқлар бухгалтерия ҳисоби активга эгалик қилиш, амалга ошириладиган хатти-ҳаракатлар ёки хўжалик фаолиятининг бошқа далилини ҳуқуқий жиҳатдан, ҳужжатлар билан тасдиқланган далили мавжудлигини белгилаш мақсадида юритилади. Ушбу далил ва хатти-ҳаракатлар бухгалтерия ва тегишинча солиқлар бухгалтерия ҳисоби ҳужжатларида ва регистрларида акс эттирилади.

МҲХСларига асосланган молиявий бухгалтерия ҳисоби эса профессионал фикр-мулоҳазаларни назарда тутади. “Профессионал фикр-мулоҳазалар деганда, муайян шароитда қарор қабул қилишга имкон яратувчи барча объектив омилларни касбий жиҳатдан баҳолаш (бухгалтер, компания раҳбарияти, техник-муҳандис ходимлар, баҳоловчилар, инвестиция департаменти ва бошқа томонидан) тушунилади. Масалан, профессионал баҳолаш узоқ муддатли активларнинг фойдали фойдаланиш муддатини ва қадрсизланиши аломатларини аниқлашда, гумонли дебиторлик қарзини, дисконтлаш ставкаларини, суд муҳокамасининг қандай тус олишини белгилашда зарур бўлади”[11].

Юқорида бухгалтерия ҳисоби бўйича халқаро стандартлар ва чет эл адабиётларини ўрганиш асосида ҳозирги кундаги Ўзбекистон Республикасида шаклланган молиявий ҳисоботлар ахборотидан фойдаланувчиларга қуйидагиларни киритишимиз мумкин (1-жадвалга қаранг).

1-жадвал

Молиявий бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи ахборотларидан фойдаланувчилар гуруҳи

Ахборот фойда-ланув-чилар гуруҳи	**Кимлар киради**	**Ахборот фойдаланувчиларнинг қизиқиши**	**Қабул қиладиган қарори**

[10]Ўзбекистон Республикаси Солиқ Кодекси. https://lex.uz/docs/4674902#4676944

[11] Гўзал Исломова.
https://buxgalter.uz/publish/doc/text166757_soliq_hisobi_qanday_standartlar_bazasida_yuritiladi

Менежментлар	Корхона маъмурияти – директорлар, директорлар кенгаши, бошқа юқори тоифадаги менежерлар. Корхона юқори ташкилоти	Корхона менежментлари молиявий хўжалик фаолияти учун жавобгар ҳисобланади. Улар корхонанинг молиявий ҳолатини баҳолайди.	Молиявий ҳолатни яхшилаш, активлардан фойдаланиш, қарзларни ундириб олиш, қарзларни тўлаш, фойданинг сармояга таъсири ва қўшимча сармоя жалб қилиш борасида менежмент қарорларини қабул қилади
Корхона таъсисчилари	Корхона мулки эгалари – сармоядорлар	Корхонанинг олган фойдаси, жорий қарзларини қоплай олиш даражаси ва қўшимча сармояга эҳтиёжи ва корхонанинг истиқболлари	Корхонага қўшимча сармоя киритиш ёки қайтариб олиш, фойданинг тақсимланиши, корхонанинг кейинги даврда фаолиятини давом эттириши, менежментларнинг фаолиятига оид қарорлар қабул қилади
Кредит берувчилар	Кредит берувчи банклар. Кредит берувчи фондлар. Қайтариб бериш шарти билан молиялаштирув-чи субъектлар	Корхонанинг кафолатловчи активлари, кредитни қайтариб бериш имконияти, дебиторлик ва кредиторлик қарзлар ҳолати ва ундирилиш имконияти, молиявий натижалар, корхонанинг бизнес истиқболлари	Кредит бериш тўғрисидаги қарор, кредитни қайтариб бера олмаслик имконияти юзага келганда кредитор сифатида ҳаракат қилиш
Акциядорлар	Оддий акция эгалари. Имтиёзли акция эгалари	Акциядорлар корхонанинг бизнес фаолиятига сармояланган маблағларидан корхона томонидан қандай фойдаланиши, сақланиш кафолатлари, молиявий натижалар ва дивиденд ҳисобланиши, келгусидаги истоқболлари	Акция сотиб олиш ёки сармоялашни тўхташ тўғрисида қарор

Давлат солиқ органи	Давлат солиқ инспекцияси, Давлат солиқ бошқармалари, Давлат солиқ Қўмитаси.	Корхона молиявий ҳолатини баҳолаш, солиқлар бўйича мажбуриятларини тўлаш қобилиятини аниқлаш, солиқ ҳисоб-китоблари билан молиявий стейтментлар ўртасидаги боғлиқликни ўрганиш	Бюджетга солиқларнинг тўғри ҳисобланганлиги, ўз вақтида тўланиши бўйича чора-тадбирлар кўриш
Ҳокимият ва суд органлари	Молия органлари. Банкротлик бошқармаси. Статистика органлари. Иқтисодиёт бошқармаси. Иқтисодий суди. Шаҳар, туман, вилоят ҳокимияти Ўз.Р. Вазирлар Маҳкамаси	Ўзининг ваколати доирасидаги масалалар билан қизиқади	Ўзининг ваколати доирасида қарорлар чиқаради
Бошқа фойдаланувчилар	Корхона ишчилари ва ходимлари. Таьминотчилар ва харидорлар. Илмий тадқиқотчилар. Оммовий ахборот воситалари ходимлари	Корхона ишчилари иш жойи ва иш хақининг кафолатланганлиги. Таъминотчиларни тўлов қобилияти ва харидорларни корхонанинг маҳсулотни етказиб бериш қобилияти . Тадқиқотчилар тадқиқот мавзуси ва журналистлар ўз мавзулари доирасида қизиқади	Ишни давом эттириш ёки ишдан чиқиш тўғрисидаги қарор, Таъминотчилар ва харидорлар шартнома тузиш тўғрисидаги қарор, Тадқиқотчилар хулоса ва таклифлар, журналистлар эса журналистик хулоса беради.

1-жадвалда ахборот фойдаланувчиларнинг гуруҳи, уларнинг ахборотга бўлган қизиқишлари ва қабул қиладиган қарорлари мазмуни йуналишлари келтирилган. Ушбу жадвалда келтирилган маълумотлар молиявий ҳисоботнинг ҳамма фойдаланувчилар эҳтиёжларини ҳисобга олиган ҳолда таркиби ва мазмунини шакллантириш имконини беради.

Бухгалтерия ҳисоби ва унинг таркибий қисмларининг яна бир муҳим масаласи бу бухгалтерия ҳисоби (молиявий ва менеджмент бухгалтерия ҳисоби) хизматининг ташкил этилишидир.

Юқоридаги олимларнинг бухгалтерия ҳисоби хизматини ташкил этилиши бўйича берган тасниф белгиларини асос қилган ҳолда бухгалтерия ҳисоби фаолиятини қуйидаги доираларга ажратиш мумкин:

1. Хусусий сектордаги бухгалтерия ҳисоби;
2. Профессионал бухгалтерия ҳисоби хизмати;
3. Давлат (бюджет) ва нотижорат ташкилотларда бухгалтерия ҳисоби;
4. Бухгалтерия ҳисоби бўйича таълим соҳаси.

Бухгалтерлар фаолиятини қуйидаги 2-жадвалда келтирамиз.

2-жадвал

Бухгалтерия хизматининг фаолият доиралари

Бухгалтерлар фаолият доираси	**Бухгалтерия ҳисоби тизими**	
	Молиявий бухгалтерия ҳисоби	**Менежментлик бухгалтерия ҳисоби**
Хусусий сектордаги бухгалтерия ҳисоби	Молиявий стейтмент (ҳисобот)ларни тайёрлаш.	Умумий бухгалтерия ҳисоби; Таннарх бухгалтерия ҳисоби; Режалаштириш; Ички аудит.
Профессионал бухгалтерия хизмати	Молиявий стейтмент (ҳисобот)ларни аудит қилиш. Бухгалтерия ҳисоби бўйича аудсорсинг хизматларини амалга ошириш	Менежмент маслаҳати хизматини амалга ошириш
Давлат ва нотижорат ташкилотларда бухгалтерия ҳисоби	Молиявий стейтмент (ҳисобот)ларни тайёрлаш; Стандартлар ва тавсияларни тасдиқлаш; Бухгалтерия ҳисобига методологик раҳбарлик қилиш; Корхоналарга ёрдам кўрсатиш.	Умумий бухгалтерияни юритиш; Таннарх бухгалтерия ҳисоби; Режалаштириш; Ички аудит.
Бухгалтерия ҳисоби бўйича таълим соҳаси	Бухгалтерия ҳисоби назарияси; Молиявий бухгалтерия ҳисоби; Бошқа тармоқларда бухгалтерия ҳисоби хусусиятлари Бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби Банкларда бухгалтерия ҳисоби Илмий-тадқиқот фаолияти	Менежментлик бухгалтерия ҳисоби. Илмий-тадқиқот фаолияти

Ҳозирги кунда бухгалтерларнинг асосий армияси хусусий сектордаги тижорат корхоналарида бухгалтерия ҳисоби юритиш билан машғул бўлиб ҳисобланади. Мамлакатимизда аудит фаолияти профессионал бухгалтерия хизмати фаолиятини йўлга қўйишни

англатади. Бухгалтерия хизматини йўлга қўйувчи фирмалар ҳам ўз фаолиятларини ривожлантириб хўжалик юритувчи субъектларга бухгалтерия ҳисобини юритиш, ташкил қилиш борасида хизматлар кўрсатмоқда. Ҳозирги кунда бухгалтерия аутсорсинг хизматлари кенг ривожланмоқда.

“**Бухгалтерия аутсорсинги** — бу бухгалтерия операциялари учун жавобгарликни бухгалтерия ҳисоби бўйича ихтисослашган ташқи хизмат кўрсатувчи провайдерга ўтказиш.

Бухгалтерия аутсорсингининг афзалликлари қуйидагилардан иборат:

1**. Вақт ва бошқа ресурсларни тежаш.** Компаниялар ҳисоб юритиш вазифаларини бухгалтерия мутахассисларига ўтказиш орқали ўзларининг асосий бизнесларига эътибор қаратиш имкониятига эга бўлишади.

2. **Харажатларни камайтириш.** Аутсорсерлар одатда компанияларга бухгалтерия харажатларини камайтиришга имкон берадиган мослашувчан тарифларни таклиф қилади.

3. **Экспертиза ва тажриба.** Бухгалтерия ҳисоби бўйича ихтисослашган аутсорсерлар молиявий бухгалтерия ҳисоби ва солиққа тортиш бўйича кенг тажриба ва билимларга эга. Бу компанияларга солиқ ва статистика ҳисоботларини топшириш бўйича кенг кўламли имкониятлар яратади.

4. **Хавфсизлик ва махфийлик**. Аутсорс бухгалтерия корхонаси очилгач, унда маълумотлар хавфсизлиги ва махфийлиги бўйича обрўси устувор ҳисобланади. Улар ўз мижозларининг маълумотларини ҳимоя қилиш учун барча зарур чораларни кўришади.”[12]

Бухгалтерларимизнинг катта қисми давлат корхоналари, муассасалари, бюджет ташкилотлари ва нотижорат ташкилотларда фаолият кўрсатади. Бухгалтерия ҳисоби бўйича таълим соҳаси ҳам эътиборга молик соҳа ҳисобланади. Ушбу соҳа ходимлари мутахассислар тайёрлаш билан бир қаторда бухгалтерия ҳисоби бўйича тадқиқот ишларини олиб боради ва бугунги кунда бухгалтерия ҳисобини такомиллаштириш, уни халқаро стандартларга уйғунлаштириш борасида сермаҳсул меҳнат қилишмоқда.

Бухгалтерия ҳисобининг яна бир муҳим жиҳати бизнес бирликлари концептига амал қилишидир.

Халқаро амалиётда бухгалтерия мақсадларидаги бирликлар деганда, мулкдорлар, кредиторлар, ишчилар, харидорлар ва бошқа хўжаликлардан мустақил равишда фаолият кўрсатадиган бизнес субъектлари тушунилади. Бизнес субъектларининг мустақил равишда фаолият юритиши бизнес бирликлари концепти деб аталади.

Ушбу концептга мувофиқ бизнес бирликларида бухгалтерия ҳисобини юритишда уларнинг фаолияти бошқа субъектлар фаолияти ва мулкдорларнинг шахсий молиявий фаолиятларидан мустақил бўлиши керак.

---

[12] Бухгалтерия аутсорсинги бизнес учун самарали ечим бўлиши мумкин https://www.gazeta.uz/uz/2023/08/04/buhexpert/

Ҳозирги замон иқтисодий интеграциялашув шароитида **бухгалтерия ҳисоби бизнес тили деб юритилади.** Ишбилармон дунёда бухгалтерия ҳисоби ташкилотлар ўртасидаги ҳисоб-китобларни юритади, пул кўчирмаларини амалга оширади, солиқлар бўйича ҳисоб-китоблар аниқланади, экспорт-импорт операциялари натижалари юзага келади, ходимларни меҳнатига мутоносиб рағбатлантириш натижаларини амалга оширади. Бизнес бухгалтерия ҳисоби тилида гапиради. Шунинг учун бухгалтерия ҳисобининг атама ва тушунчаларидан менежерлар, мулкдорлар, инвесторлар, банкирлар, ҳуқуқшунослар, бухгалтерлар – тадбиркорлик ҳаётига у ёки бу тарзда жалб қилинган ҳар киши фойдаланади. Масалан, бугунги кунда “даромад”, “харажат”, “тушум”, “фойда”, “зарар”, “маблағ”, “капитал”, “қарздорлик”, “баланс”, “пул”, “банкдаги пул маблағлари”, “тўлов топшириқномаси”, “рентабеллик”, “таннарх”, “товар”, “солиқлар”, “активлар”, “пассивлар”, “мажбуриятлар”, “хусусий капитал”, “шартнома”, “дебет”, “кредит”, “бухгалтерия счётлари”, “иккиёқлама ёзув”, “ҳисобот” ва бошқа атамалар нафақат йирик ва ўрта тадбиркорлар, балким оилавий тадбиркорлигимизда ҳам кенг фойдаланилмоқда. Зеро, йирик рус олими Я.В.Соколов таъкидлаганидек, “Бухгалтерия ҳисоби – бу ҳақиқий объектларни уларнинг белгилари билан алмаштириш учун яратилган ҳамда иқтисодий фаолият ва уларнинг натижаларини тавсифлаш имконни берадиган, шунингдек улардан фойдаланиш қоидаларининг тили.”[13]

Бухгалтерия ҳисоботлари корхонанинг молиявий ҳолатини рақамлар тилида кўрсатади. Уларнинг маълумотлари компаниянинг фаолияти фойдали ёки йўқлигини, унинг ишлаб чиқариш ва сотиш сиёсати самарали ёки самарасиз эканлигини ва фаолиятни кенгайтириш зарурлигини тушунишга имкон беради.

Бухгалтерия ҳисоби бугунги кунда фақат рақамларни ёзувини амалга оширадиган тизим деб тушунадиган бўлсак, бу нотўғри бўлади. Бухгалтерия ҳисоби рақамларни оддий қайд қилиш ёки уларни тизимга киритиш билан чегараланмасдан, ушбу ёзувлар нимага мўлжалланганлиги, уларнинг интерпритацияси ва таҳлили, бошқарув қарорлари лойиҳалари, режалаштириш, прогнозлаштириш каби муҳим ишлар билан машғул бўлишини алоҳида таъкидлаш лозим. Интернетдаги манбаларда “ҳақиқий бухгалтер нафақат боғдорчилик кооперативида ҳисобчи, балки ҳар қандай корхонанинг муваффақиятли ишлаши учун тажриба ва профессионаллик зарур бўлган усто ва сеҳргар, таниқли кординалдир”[14] деб тавсифлагани ҳам ўринли деб ҳисоблаймиз.

Шу боис, ушбу бизнес тилини ўрганиш маълум тажрибаларни талаб этади. Бу мулкдорлар, менежерлар ва бошқа ахборот фойдланувчилар учун муҳим аҳамият касб этади.

Хулоса қиладиган бўлсак, замонавий бухгалтерия ҳисоби самарали бошқарув қарорлари қабул қилиш учун менежмент тизимини ахборот билан

---

[13] Соколов Я.В. Основы теории бухгалтерского учета. М.: Финансы и статистика, 2003, 496 с., 13-б.
[14]https://dzen.ru/b/ZK3Ly2IKmhWnpi1A?experiment=948512

таъмин этиш, таннархни бошқариш, режалаштириш, молиявий ҳолатга баҳо беришни амалга оширишга қаратилган бўлиб, унинг таркибий қисмлари сифатида молиявий бухгалтерия ҳисоби, бошқарув бухгалтерия ҳисоби, таннархи бухгалтеря ҳисоби ва солиқ бухгалтерия ҳисоби каби таркибий қисмлардан иборат.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. “Ўзбекистон -2030” стратегияси. https://lex.uz/ru/docs/6600413

2. Management Accounting. Official terminology of the CIMA. The CIMA 63 Portland Place, London W1N 4AB, 2005. 157 p. 2-б.

3. https://lex.uz/docs/2931253?ONDATE=31.12.2020%2000

4.Ўзбекистон Республикаси Солиқ Кодекси. https://lex.uz/docs/4674902#4676944

5.ГўзалИсломова.https://buxgalter.uz/publish/doc/text166757_soliq_hisobi_qanday_standartlar_bazasida_yuritiladi

6. Бухгалтерия аутсорсинги бизнес учун самарали ечим бўлиши мумкин https://www.gazeta.uz/uz/2023/08/04/buhexpert/

7. Соколов Я.В. Основы теории бухгалтерского учета. М.: Финансы и статистика, 2003, 496 с., 13-б.

8. https://dzen.ru/b/ZK3Ly2IKmhWnpi1A?experiment=948512

УДК 657.2

ПРИНЦИПЫ ФОРМИРОВАНИЯ ОТЧЕТА О ФИНАНСОВЫХ РЕЗУЛЬТАТАХ В НАЦИОНАЛЬНОЙ И ЗАРУБЕЖНОЙ ПРАКТИКЕ

Эргашева Шахло Тургуновна
Ташкентский государственный экономический университет, директор инновационного ресурсного центра, к.э.н., профессор. Профессор International School of finance technology and science

Аннотация. Отчёт о финансовых результатах обобщает информацию о доходах и расходах хозяйствующего субъекта за отчетный период и аналогичные периоды предыдущих лет, раскрывает структуру финансового результата и факторы, повлиявшие на эффективность финансово-хозяйственной деятельности. В статье рассмотрены сущность и содержание отчета о финансовых результатах как источника информации о финансово-хозяйственной деятельности экономического субъекта, принципы и порядок формирования отчетных показателей в соответствии с национальными стандартами по бухгалтерскому учету. Систематизированы подходы, используемые в мировой учетной практике при представлении показателей и построении формы отчета о финансовых результатах.

Ключевые слова: бухгалтерская (финансовая) отчетность, доходы, расходы, финансовые результаты

Введение. В современных условиях бухгалтерская (финансовая) отчетность как важнейший элемент информационной системы хозяйствующего субъекта является средством внешней коммуникации, позволяющим заинтересовать инвесторов и привлечь необходимые инвестиции. Она служит основой оценки финансового и хозяйственного потенциала, деловой активности и эффективности использования ресурсов, проведения различных аналитических исследований, последующего планирования и прогнозирования деятельности экономического субъекта.

Отчет о финансовых результатах, выступая обязательной составной частью годовой и промежуточной бухгалтерской (финансовой) отчетности, показывает, как изменился собственный капитал экономического субъекта под влиянием различных видов доходов и расходов, имевших место в отчетном периоде. В нем содержатся показатели, необходимые для целей анализа доходов и расходов, финансовых результатов деятельности, для разработки тактических и стратегических планов развития предприятии. Информация, представленная в отчете, приводится нарастающим итогом с начала года до отчетной даты. Это обеспечивает оценку пользователями экономической эффективности, изменений доходов и расходов, финансовых результатов в динамике и в сопоставлении с аналогичным периодом прошлого года и на этой основе прогнозирование результатов деятельности экономического субъекта в будущем.

Оценка содержания и аналитических возможностей современной формы отчета о финансовых результатах позволяет заключить, что ключевыми показателями в нем являются доходы и расходы, промежуточные результаты по видам деятельности, конечный финансовый результат в виде чистой прибыли (убытка) за отчетный период, подлежащий включению в состав собственного капитала хозяйствующего субъекта. Отчет о финансовых результатах связан экономической логикой с бухгалтерским балансом. Считаем, что показатель чистой прибыли (убытка) как результат финансово-хозяйственной деятельности за период обеспечивает взаимосвязь отчета о финансовых результатах с балансом, в котором чистая прибыль (убыток) за отчетный период отражена в виде прироста (снижения) собственного капитала в сравнении с предшествующим периодом [4].

Обзор литературы / Literature Review

Как верно отмечает М.Е. Грачева [2], каждый из показателей, выделяемых в отчете, имеет свои особенности и аналитическое значение, однако этой информации зачастую недостаточно для полноценного анализа финансовых результатов. Различия в правилах ведения учета и составлении финансовой отчетности во многом ограничивают аналитические возможности отчета о финансовых результатах национальных предприятий. Особенностью национального отчета о финансовых результатах является безальтернативный характер в классификации расходов, представлении формы и содержания, правил его составления, что во многом объясняется неразвитостью рыночных механизмов и систем оценки выполнения экономическим субъектом

налоговых обязательств. В вопросах построения форм и моделей различных финансовых отчетов МСФО (IAS) национальные стандарты США (US GAAP) и Великобритании (UK GAAP) демонстрируют большую гибкость, чем национальные стандарты бухгалтерского учета. Обобщая американский опыт составления финансовой отчетности для внешних пользователей, О.В. Соловьева [7], Е.М. Грачева [2], А.В. Баранов, А.Е. Жминько [1] и другие авторы отмечают, что наряду с полной может формироваться и краткая финансовая отчетность (condensed financial statement), так как пользователи не всегда нуждаются в представлении развернутой информации. Отчет о финансовых результатах может представляться в двух форматах: «одношаговом» (single-step format), отличающемся простотой, и «многошаговом» (multiple-step format), представляющем собой последовательный расчет чистой прибыли при увязке соответствующих доходов и расходов.

Международные стандарты финансовой отчетности, по мнению Е.М. Грачевой [2], предполагают достаточно большую степень свободы в использовании терминов. Так, наряду с терминами «суммарный совокупный доход», «прочий совокупный доход», «прибыль или убыток» предприятии могут также использовать термин «чистая прибыль». Т.Ю. Дружиловская [3], анализируя представленные в МСФО (IAS) определения, совершенно верно отмечает их противоречивость, некоторую непоследовательность и то, что применяемая терминология является достаточно дискуссионной. Поэтому желательны дополнительные пояснения как для составителей отчетности, так и для ее пользователей.

Для обеспечения эффективного управления предприятием необходимы расширение и усиление аналитической составляющей финансовой отчетности путем представления информации, полезной широкому кругу пользователей при принятии ими экономических решений. Международный стандарт финансовой отчетности (МСФО) (IAS) 1 «Представление финансовой отчетности» и американский стандарт FAS 130 «Отчет о совокупном доходе» предоставляют возможность формирования отчетной информации о финансовых результатах в виде отчета о совокупном доходе. «Совокупный доход» рассматривается как изменение объема чистых активов компании за отчетный период вследствие операций или иных событий, источником которых не являются ее собственники. МСФО (IAS) 1 предусматривает варианты представления отчетной информации о совокупном доходе за период либо в виде единого отчета о совокупном доходе, включающего все статьи доходов и расходов, формирующие чистую прибыль (убыток) за период, либо в виде двух финансовых отчетов: отчета о финансовых результатах и отчета о совокупном доходе. При этом в отчете о финансовых результатах представляют все статьи доходов и расходов, признанные за период, за исключением статей, признанных в общем совокупном доходе не в составе прибыли (убытка), а отчет о совокупном доходе содержит итоговый финансовый результат и компоненты прочего совокупного дохода.

Международным стандартом финансовой отчетности (IAS) 1 введены термины «суммарный совокупный доход» и «прочий совокупный доход» [5]. Под суммарным совокупным доходом понимают изменение в собственном капитале в течение периода в результате состоявшихся операций и иных событий, отличное от тех изменений, которые возникают в результате операций с владельцами, действовавшими в качестве таковых. Прочий совокупный доход включает статьи дохода и расхода (в том числе переклассифицированные корректировки), которые не подлежат признанию в прибыли или убытке, как это требуется или допускается другими МСФО. Суммарный совокупный доход должен включать в себя все компоненты прибыли (убытка) и прочего совокупного дохода, включающего в себя изменения капитала от переоценки основных средств и нематериальных активов, актуарные прибыли и убытки по резервным фондам, прибыли и убытки от переоценки иностранной валюты, прибыли и убытки от переоценки финансовых активов для продажи, прибыли и убытки по инструментам хеджирования.

Результаты / Results

Несмотря на эти обстоятельства, следует подчеркнуть, что существенные изменения, про изошедшие в национальном учете, направлены не только на сближение с МСФО, но и на повышение качества и усиление информационных возможностей финансовой отчетности. Соблюдение ряда основополагающих принципов, предусмотренных МСФО (IAS) 1, а также закрепленных в положениях по бухгалтерскому учету «Учетная политика и финансовая отчетность» (НСБУ 1/ Зарегистрирован Министерством юстиции Республики Узбекистан от 14 августа 1998 г. Регистрационный № 4748)[15] предполагает представление в отчете о финансовых результатах качественной и полезной для заинтересованных пользователей информации о деятельности хозяйствующего субъекта.

Форма и содержание отчета о финансовых результатах, правила его составления предопределяют состав анализируемых показателей при принятии экономических решений заинтересованными пользователями. Согласно МСФО (IAS) 1, в котором представлены общие требования к составлению отчета о финансовых результатах (отчета о совокупном доходе), в нем необходимо давать аналитическую характеристику доходов и расходов. Стандарт рекомендует два подхода к группировке статей отчета на подклассы: ресурсный (метод «характера затрат») и функциональный (метод «функций затрат»).

Ресурсная классификация, или метод «характера затрат», предполагает, что расходы объединяются в соответствии с их экономическим содержанием (характером) и не перераспределяются в зависимости от их целевого назначения внутри организации. Такой подход основан на классификации расходов по экономическим элементам и позволяет раскрыть источники их

[15] https://lex.uz/acts/556789

формирования. Определение финансового результата от основной деятельности методом «характера затрат» предполагает сопоставление выручки от продаж продукции (товаров, работ, услуг) с общей суммой расходов отчетного периода, скорректированной на изменение остатков в запасах (незавершенного производства и готовой продукции).

Целевая классификация, или метод «функций затрат» (метод «себестоимости продаж»), предусматривает разбивку расходов по обычным видам деятельности на подклассы в соответствии с их назначением, как часть себестоимости продаж или административной деятельности. Расчет финансового результата методом «функций затрат» основан на сопоставлении выручки от продаж с себестоимостью проданной продукции (товаров, работ, услуг).

В отчете о финансовых результатах, основанном на методе «характера затрат», вначале раскрывают выручку от продажи продукции (товаров, работ, услуг), уменьшенную на суммы налогов, включаемых в цену товара. Далее отражают все затраты на производство в разрезе экономических элементов: 1) материальные затраты, отражающие стоимость израсходованных сырья, материалов, топлива, запасных частей, расходы на промышленные работы и услуги со стороны, на приобретение электрической, тепловой энергии и т.д.; 2) затраты на оплату труда, включающие все виды вознаграждений работникам и отчисления на социальное страхование и обеспечение, установленные законодательством; 3) амортизационные отчисления и другие суммы, списываемые в погашение стоимости долгосрочно эксплуатируемых активов; 4) прочие эксплуатационные затраты.

Финансовый результат от продаж выявляют путем вычитания из доходов суммы расходов за отчетный период, представленной в разрезе экономических элементов и скорректированной на изменение затрат, находящихся в запасах готовой продукции и незавершенного производства. Изменение затрат в запасах вычисляется в виде разницы в остатках запасов на начало и конец отчетного периода. Данный вариант используют в небольших организациях, где расходы не распределяют в соответствии с их функциональным назначением.

Формат отчета о финансовых результатах, основанный на методе «функций затрат», содержит информацию о выручке от реализации продукции (товаров, работ, услуг) за минусом налогов, включаемых в цену товара, которая сопоставляется с признанными в отчетном периоде расходами, классифицированными в соответствии с их функциями на производственную себестоимость, коммерческие и управленческие расходы.

Экономическим субъектам, формирующим финансовую отчетность в соответствии с МСФО (IAS), предоставлено право самостоятельно выбирать наиболее уместный и надежный способ представления аналитических данных в отчетности. Тем не менее, поскольку информация о характере затрат полезна при прогнозировании будущих потоков денежных средств, согласно пункту 105 МСФО (IAS) 1, если отчет составляется на основе функциональной

классификации расходов, то ресурсная классификация должна раскрываться в качестве дополнительной информации в примечаниях к финансовой отчетности, чем подчеркивается ее важность для заинтересованных пользователей.

Национальный формат отчета о финансовых результатах, исходя из терминологии МСФО, построен на основе функционального подхода к классификации расходов. Таким образом, все предприятия формируют свои отчеты независимо от особенностей ведения бизнеса, вида экономической деятельности и других факторов на основе единого подхода. Следует отметить, что в состав пояснений к бухгалтерскому балансу и отчету о финансовых результатах, в табличной их части, включен раздел, позволяющий предоставить пользователю информацию о затратах на производство в разрезе экономических элементов, т.е. по характеру расходов, что в принципе не противоречит нормам МСФО (IAS) 1.

Современная форма отчета о финансовых результатах, применяемая отечественными пред приятиями, имеет многоступенчатую структуру с последовательным расположением статей, которая обеспечивает расчет промежуточных показателей (валовая прибыль (убыток), прибыль (убыток) от продаж, прибыль (убыток) до налогообложения). Наличие промежуточных итогов позволяет расширить аналитические возможности информирования пользователей бухгалтерской (финансовой) отчетности оценочными показателями по видам деятельности. Все доходы и расходы отчетного периода, раскрываемые в отчете, сгруппированы в порядке, предусмотренном НСБУ 2 «Доходы от основной деятельности»[16] и по положению о составе затрат по производству и реализации продукции (работ, услуг) и о порядке формирования финансовых результатов[17], на основные, т.е. связанные с выполнением основной деятельности предприятии, и прочие. Такая группировка и последовательность отражения отчетных показателей позволяют придать однозначное содержание промежуточным итогам при расчете финансового результата отчетного периода и тем самым характеризует его структуру. Система минимальных показателей, раскрываемых в отчете о финансовых результатах, определена в соответствии с Законом Республики Узбекистан «О бухгалтерском учете» и были утверждены формы финансовой отчетности согласно Приказу министра финансов республики Узбекистан Об утверждении «Форм финансовой отчетности и правил по их заполнению»[18] .

При отражении доходов и расходов в отчете обязательному раскрытию подлежат следующие числовые показатели: выручка от продажи товаров, продукции, работ, услуг за вычетом налога на добавленную стоимость,

[16] https://lex.uz/acts/710346
[17] https://lex.uz/acts/265675
[18] Зарегистрирован Министерством юстиции Республики Узбекистан от 24 января 2003 г. Регистрационный № 1209.

акцизов и других подобных налогов и обязательных платежей (нет то-выручка); себестоимость проданных товаров, продукции, работ, услуг (кроме коммерческих и управленческих расходов); валовая прибыль; коммерческие расходы; управленческие расходы; прибыль/убыток от продаж; проценты к получению; проценты к уплате; доходы от участия в других организациях; прочие доходы; прочие расходы; прибыль/убыток до налогообложения; налог на прибыль и иные аналогичные обязательные платежи; прибыль/убыток от обычной деятельности; чистая прибыль (нераспределенная прибыль (непокрытый убыток). При этом, если в отчете обособленно отражаются существенные виды доходов, то должны быть отдельно показаны и соответствующие им расходы. В целях приведения бухгалтерского учета финансовых результатов в соответствие с требованиями налогового законодательства в отчете также раскрывают сумму текущего налога на прибыль, соответствующую величине, заявленной в налоговой декларации по налогу на прибыль и подлежащей уплате в бюджет. Кроме того, расшифровке в отчете о финансовых результатах подлежит информация о величине постоянных налоговых обязательств (активах), об изменениях отложенных налоговых активов и отложенных налоговых обязательствах, исчисленных согласно нормам Налогового Кодекса РУз.

При формировании показателей отчета о финансовых результатах национальными предприятиями должно быть обеспечено соблюдение требований национальных стандартов по бухгалтерскому учету. Методика формирования отчетных показателей о финансовых результатах основана на использовании книжных данных, т.е. данных синтетического и аналитического учета по счетам учета доходов и расходов, прибылей и убытков, представленных в соответствующих учетных регистрах экономического субъекта (табл. 1).

Таблица 1.

Методика формирования статей отчета о финансовых результатах

Строка отчета	Код строки	Исходная информация для формирования показателей отчета
Чистая выручка от реализации продукции (товаров, работ и услуг)	010	Разница между кредитовым оборотом счета «Выручка» и дебетовыми оборотами счетов «Налог на добавленную стоимость», «Акцизы», «Экспортные пошлины» счета 9410 «Продажи»
Себестоимость реализованной продукции (товаров, работ и услуг)	020	Дебетовый оборот по счету «Себестоимость продаж» счета 9010 «Продажи» в корреспонденции со счетами 2010 «Основное производства», 2910 «Товары», 2810 «Готовая продукция», а также 2310 «Вспомогательные производства» и 2710 «Обслуживающие производства и хозяйства», если продукция вспомогательных

		и обслуживающих производств реализуется на сторону.
Валовая прибыль (убыток) от реализации продукции (товаров, работ и услуг)	030	Разница между строками (стр. 010 – 020)
Расходы периода, в том числе:	040	всего (стр. 050 + 060 + 070),
Расходы по реализации	050	Дебетовый оборот счета «Себестоимость продаж» счета 9010 в корреспонденции со счетом 9410 «Расходы на продажу»
Административные расходы	060	Дебетовый оборот счета «Себестоимость продаж» счета 9010 в корреспонденции со счетом 2510 «Общехозяйственные расходы»
Прочие операционные расходы	070	Дебетовый оборот счета 9430 «Прочие операционные расходы»
Прочие доходы от основной деятельности	090	Кредитовый оборот счета учета прочих доходов от основной деятельности (9300)
Прибыль (убыток) от основной деятельности	100	Разность строки (стр. 030 – 040 + 090)
Доходы от финансовой деятельности, в том числе:	110	всего (стр. 120 + 130 + 140 + 150 + 160)
Доходы в виде дивидендов	120	Кредитовый оборот счета 9520 «Доходы в виде дивидендов»
Доходы в виде процентов	130	Кредитовый оборот счета 9530 «Доходы в виде процентов, на которых показаны проценты к получению
Доходы от финансовой аренды	140	Кредитовый оборот счета 9550 «Доходы от финансовой аренды»
Доходы от валютных курсовых разниц	150	Кредитовый оборот счета 9540 «Доходы от валютных курсовых разниц»
Прочие доходы от финансовой деятельности	160	Кредитовый оборот счета 9590 «Прочие доходы от финансовой деятельности»
Расходы по финансовой деятельности, в том числе:	170	(стр. 180 + 190 + 200 + 210)
Расходы в виде процентов	180	Дебетовый оборот счета 9610 «Расходы в виде процентов», где отражены проценты к уплате
Расходы в виде процентов по финансовой аренде	190	Дебетовый оборот счета 9430 «Прочие операционные расходы на которых отражены прочие расходы
Убытки от валютных курсовых разниц	200	Дебетовый оборот счета 9620 «Убытки от валютных курсовых разниц»,
Прочие расходы по финансовой деятельности	210	Дебетовый оборот счета 9690 «Прочие расходы по финансовой деятельности»
Прибыль (убыток) от общехозяйственной деятельности	**220**	(стр. 100 + 110 – 170)

Чрезвычайные прибыли и убытки	230	Кредитовый оборот счета 9710 «Чрезвычайные прибыли» и дебетовый оборот счета 9720 «Чрезвычайные убытки
Прибыль (убыток) до уплаты налога на прибыль	**240**	(стр. 220 +/– 230)
Налог на прибыль	250	Дебетовый оборот счета 9810 «Расходы по налогу на прибыль»
Прочие налоги и другие обязательные платежи от прибыли	260	Дебетовый оборот счета 9820 «Расходы по прочим налогам и другим обязательным платежам от прибыли
Чистая прибыль (убыток) отчетного периода	270	Строка (стр. 240 – 250 – 260)

Порядок раскрытия отчетной информации о финансовых результатах в бухгалтерской (финансовой) отчетности в соответствии с национальными стандартами бухгалтерского учета приближен, но не идентичен международным стандартам. В современном отчете о финансовых результатах предусмотрен показатель «Совокупный финансовый результат периода», определяемый как сумма строк «Чистая прибыль (убыток)», «Результат от переоценки долгосрочных активов, не включаемый в чистую прибыль (убыток) периода» и «Результат от прочих операций, не включаемый в чистую прибыль (убыток) периода». В соответствии с положению о составе затрат по производству и реализации продукции (работ, услуг) и о порядке формирования финансовых результатов[19] эту информацию раскрывают в справочном разделе, что несколько снижает ее статус в сравнении с другими показателями отчета. Введение такой справочной информации при формировании показателей финансовой отчетности экономических субъектов обусловлено общей направленностью на сближение национальных стандартов по бухгалтерскому учету с МСФО. Однако по-прежнему остаются существенные методологические расхождения в составлении и структурировании отчетной информации о финансовых результатах. Так, например, раскрытие информации о доходах, полученных от инвестирования в другие предприятии, принципиально отличается в отчетности, составленной по национальным и международным стандартам, что связано с отсутствием в системе национальных бухгалтерских стандартов соответствующих положений и недостаточной разработанностью вопросов учета инвестирования в другие предприятии.

Заключение / Conclusion

На основании вышеизложенного считаем, что для обеспечения гарантированной надежности информации, представленной пользователям в финансовой отчетности, необходимо единство принципов формирования показателей отчета о финансовых результатов в национальной и международной практике. Это возможно путем дальнейшей гармонизации

[19] https://lex.uz/acts/265675

Axborot bazasiga segment bo‘yicha buxgalteriya hisobiga qo‘yiladigan talablar umuman buxgalteriya hisobiga qaraganda ancha muhimroq bo‘lishi kerak. Shuning uchun segmentlarni hisobga olish va hisobotlarni nafaqat ichki foydalanuvchilar uchun, balki butun tashkilot uchun buxgalteriya hisobi uchun ma’lumot ishlab chiqaradigan tizim sifatida talqin qilish mumkin.

Shunday qilib, bir tomondan, segment buxgalteriyasi bir tomondan tashkilot uchun umuman buxgalteriya tizimi doirasida ma’lumotlarni umumlashtirish uchun ma’lumotlarni qayta ishlashga tayyorgarlik bosqichi sifatida talqin etiladi. Boshqa tomondan, segmentlarni hisobga olish va hisobot berish natijalari asosida boshqaruv qarorlari qabul qilinadi, alohida tuzilmalar-tashkilot segmentlari va umuman tashkilot faoliyati samaradorligi tahlili amalga oshiriladi.

Zamonaviy qarashga ko‘ra xo‘jalik yurituvchi sub’ektlarda buxgalteriya hisobi va hisoboti tizimida segmentar hisob va hisobotning o‘rnini quyidagicha belgiladik (1-rasm).

Boshqaruv hisobida yaxlit iqtisodiy birlik hisoblangan korxonaning tarkibiy qismlari sifatida uning javobgarlik markazlari, masalan, ta’minot bo‘limi, asosiy va yordamchi ishlab chiqarish sexlari, sotish bo‘limi, savdo shahobchalari yoki markazlari (uylari), turli boshqa xizmat ko‘rsatuvchi bo‘linmalari qaraladi. Yaxlit biznesning tarkibiy qismlari sirasiga asosiy faoliyat, investitsiya faoliyati, moliyaviy faoliyat, ijtimoiy faoliyat kabilar kiradi.

Mos ravishda, biznesdan olingan daromadning o‘zi alohida faoliyat turlaridan, shu jumladan, odatiy faoliyat, yangi innovatsion faoliyat, tugatilayotgan faoliyatdan olingan daromad, ichki bozor va eksport faoliyatidan olingan daromad, alohida tovarlarni sotishdan olingan daromad kabilardan tashkil topadi. Boshqaruv uchun har bir faoliyatning, mahsulot turining xarajatliligi, foydaliligi o‘ta muhim hisoblanadi. Shu bois ham har bir faoliyat, mahsulot turi bo‘yicha «daromad-xarajat-foyda» ko‘rsatkichlari zanjirini o‘zida mujassamlashtiruvchi hisobot shakllarini tuzish va ulardan samarali boshqaruv qarorlarini qabul qilishda bevosita foydalanish o‘ta muhim hisoblanadi.

Yuqoridagilar va boshqa omillar korxonalarda tashqi axborot foydalanuvchilar uchun tuziladigan moliyaviy hisobotdan tashqari o‘zlari uchun samarali boshqaruv qarorlarini o‘z vaqtida qabul qilish maqsadida atroflicha axborotlarni beruvchi ichki boshqaruv sementar hisobotlarni tuzishni ham ob’ektiv zarurat qilib qo‘yadi. Bunday boshqaruv segmentar hisobotlarning bosh maqsadi bo‘lib barcha ichki axborot foydalanuvchilarning korxona faoliyati samaradorligini yanada oshirish uchun eng zarur bo‘lgan atroflicha axborotlarga bo‘lgan talabini qondirish hisoblanadi.



1-rasm. Korxonalarning yaxlit hisob tizimida segmentar hisob va hisobotning o‘rni.[25]

Boshqaruv maqsadida tuziladigan boshqaruv segmentar hisobot korxonalar tomonidan majburiy tarzda tuziladigan moliyaviy hisobotning tarkibiy qismi hisoblanmaydi. Shu bois ham boshqaruv segmentar hisobotini tuzish majburiy hisoblanmaydi. Boshqaruv segmentar hisobotning majburiy emasligi hamda unga doir yagona tartiblarni belgilanmaganligi sababli dunyo mamlakatlarida uni turli shakl va mazmunda, tarkibda, uslublarda tuzilayotganligi ko‘rish mumkin.

Shu bilan birga xalqaro hisob ta’limotiga ko‘ra segmentar boshqaruv hisobotlarning sub’ektlari va ob’ektlari, ularda aks ettiriladigan ko‘rsatkichlar tizimiga qo‘yilayotgan umumiy talablar ma’lum darajada shakllantirilgan. Chunonchi, xalqaro ta’limotda boshqaruv segmentar hisobotni tuzuvchi sub’ektlar sifatida iqtisodiy birliklarning javobgarlik markazlari e’tirof etiladi. Boshqaruv segmentar hisobotlar tuzilishi lozim bo‘lgan javobgarlik markazlari sirasiga quyidagilar kiritiladi:[26]

*ta’minot markazi – bu rahbari ishlab chiqarishni uzluksiz kerakli mehnat kuchi, vositalari va predmetlari bilan ta’minlash uchun javobgar hisoblanadigan korxonaning tarkibiy bo‘linmalari bo‘lib, bunday markaz o‘z ichiga kadrlar bo‘limi va ta’minoti bo‘limlarini oladi. Ularda kadrlarga, mehnat vositalari va predmetlari bo‘lgan talab va ta’minotni rejalashtirish, me’yorlashtirish va hisobini yuritish bevosita boshqarish maqsadlaridan kelib chiqib tashkil etiladi.

*xarajat markazi – bu rahbari faqat xarajatlar uchun javobgar hisoblanadigan korxonaning tarkibiy bo‘linmalari; bunday markaz korxona rahbari yoki uning ishlab chiqarish bo‘yicha muoviniga bo‘ysunadigan asosiy, yordamchi va xizmat ko‘rsatuvchi bo‘limlari hisoblanadi, ushbu bo‘limlarda asosiy, yordamchi va xizmat

[25]Муаллиф ишланмаси
[26] Уразов К.Б., Пўлатов М.Э. Бухгалтерия ҳисоби. Дарслик. -Т.: “Инновацион ривожлантириш нашриёти-матбаа уйи”, 2020. 542-543б.

ko‘rsatishga oid ishlab chiqarish xarajatlarini rejalashtirish, me’yorlashtirish va hisobini yuritish ishlab chiqarish omillari hamda ulardan foydalanishni nazorat qilish, tahlil qilish va boshqarish maqsadlarida tashkil etiladi.

*foyda markazi – bu rahbari ham sotish, ham xarajatlar, ham foyda uchun javobgar hisoblanadigan korxonaning tarkibiy bo‘linmasi; bunday markaz korxona rahbari yoki uning reja-moliya ishlari bo‘yicha muoviniga bo‘ysunadigan sotish bo‘limi, reja-iqtisod, moliyalashtirish bo‘limi va buxgalteriya bo‘limlari hisoblanadi; ushbu markaz rahbari sotish baholarini, ishlab chiqarish va sotish hajmini, shuningdek, ishlab chiqarish va sotish tannarxini nazorat qiladi; mazkur markazda daromad ishlab chiqilgan va sotilgan mahsulotning pul birligidagi qiymat, xarajat – ishlatilgan resurslarning pul birligidagi qiymat, foyda esa daromad va xarajatlar o‘rtasidagi farq sifatida aniqlanadi, markazda pirovardida asosiy nazorat qilinadigan ko‘rsatkich bo‘lib foyda ko‘rsatkichi hisoblanadi.

*bosh ofis markaz – bu rahbari nafaqat tushum, xarajat va foyda uchun, balki kapital va moliyaviy investitsiyalar uchun ham javobgar hisoblanadigan korxonaning tarkibiy bo‘limi; bunday markaz korxona rahbari boshchiligidagi bosh ofis hisoblanadi, uning asosiy maqsadi va vazifasi bo‘lib korxonada nafaqat foyda olish, balki kiritilgan kapital va moliyaviy investitsiyalar rentabelligi, investitsiyalar daromadliligi va xususiy kapital ko‘payishiga erishishni ta’minlash hisoblanadi.

Xalqaro hisob amaliyotida boshqaruv segmentar hisobotni tuzish ob’ektlari bo‘yicha ham yaxlit fikr shakllantirilgan. Bunday ob’ektlar bo‘lib korxonaning bosh byudjeti va alohida olingan ko‘rsatkichlar bo‘yicha tuziladigan byudjetlar e’tirof etiladi.

Korxona Bosh byudjeti (biznes reja) ijrosi bo‘yicha hisobotni tuzishga mas’ul bo‘lib korxona bosh ofisi rahbari hisoblanadi. Rahbar bosh menejer sifatida javobgarlik markazlari tomonidan tuziladigan alohida ko‘rsatkichlar byudjetlari bo‘yicha tuziladigan hisobotlarni qabul qiladi, ular bajarilishini nazorat qiladi, shuningdek, ularga tuzatishlar kiritish, ijrosini ta’minlashga qaratilgan qarorlarni qabul qiladi, kelgusi davrlar uchun korxonaning yangi biznes – rejasini tuzishga umumiy rahbarlikni olib boradi.

Alohida olingan ko‘rsatkichlar bo‘yicha byudjetlar ijrosi to‘g‘risidagi hisobotlar korxonaning mos ravishdagi javobgarlik markazlariga kiruvchi bo‘limlari tomonidan tuziladi (1-jadvalga qarang).

1-jadval

Korxonalarda boshqaruv segmentar hisobotlarni tuzuvchi javobgarlik markazlari[27]

№	Javobgarlik markazlariga kiruvchi bo‘limlarning nomlari	Tuzish yuklatilgan boshqaruv segmentar hisobotlarning nomlari
1. Bosh ofis markazi		
1	Korxona rahbariyati - bosh ofis	Korxona Bosh byudjeti (biznes-reja) ijrosi bo‘yicha yig‘ma hisobot

[27] Уразов К.Б., Пўлатов М.Э. Бухгалтерия ҳисоби. Дарслик.-Т.: “Инновацион ривожланиш нашрёти матбаа уйи”,2020, 554 б.

2. Ta’minot markazi		
1	Kadrlar bo‘limi	*Kadrlar ta’minoti va shtat jadvali byudjeti ijrosi bo‘yicha hisobot; *Mehnat sarfi byudjeti bo‘yicha hisobot;
2	Ta’minot bo‘limi	*Mehnat vositalari ta’minoti byudjeti ijrosi bo‘yicha hisobot; *mehnat predmeti ta’minoti byudjeti ijrosi bo‘yicha hisobot; *Kommunal va boshqa xizmat turlari (suv, gaz, elektr energiyasi, bug‘, yoqilg‘i, transport va boshqalar) ta’minoti byudjeti ijrosi bo‘yicha hisobot
3. Xarajat markazi		
1	Asosiy ishlab chiqarish bo‘limi	*Ishlab chiqarish hajmi byudjeti ijrosi bo‘yicha hisobot; *Tugallanmagan ishlab chiqarish hajmi byudjeti ijrosi bo‘yicha hisobot
2	Yordamchi ishlab chiqarish bo‘limi	*Yordamchi ishlab chiqarish hajmi byudjeti ijrosi bo‘yicha hisobot; *Tugallanmagan yordamchi ishlab chiqarish hajmi byudjeti ijrosi bo‘yicha hisobot
3	Xizmat ko‘rsatish bo‘linmalari	*Umumishlab chiqarish xarajatlari hajmi byudjeti ijrosi bo‘yicha hisobot
4. Foyda markazi		
1	Sotish bo‘limi	*Sotish hajmi byudjeti ijrosi bo‘yicha hisobot
2	Reja-iqtisod va moliya bo‘limi	*Bevosita material xarajatlari byudjeti ijrosi bo‘yicha hisobot; *Mevosita mehnat va ish haqi byudjeti ijrosi bo‘yicha hisobot; *Bevosita boshqa ishlab chiqarish xarajatlari byudjeti ijrosi bo‘yicha hisobot; *Yig‘ma ishlab chiqarish xarajatlari va tannarx byudjeti ijrosi bo‘yicha hisobot; *Sotish tannarxi byudjeti ijrosi bo‘yicha hisobot *Sotish va boshqarish xarajatlari byudjeti ijrosi bo‘yicha hisobot; *Boshqa ustama ishlab chiqarish va noishlab chiqarish xarajatlari byudjeti ijrosi bo‘yicha hisobot; *Soliqlar byudjeti ijrosi bo‘yicha hisobot; *Moliyalashtirish manbalari byudjeti ijrosi bo‘yicha hisobot;

		*Kapital va moliyaviy investitsiyalar byudjeti ijrosi bo‘yicha hisobot
3	Buxgalteriya	*Buxgalteriya balansi byudjeti ijrosi bo‘yicha hisobot; *Moliyaviy natijalar ko‘rsatkichlari byudjeti ijrosi bo‘yicha hisobot; *Pul oqimlari byudjeti ijrosi bo‘yicha hisobot; *Xususiy kapital byudjeti ijrosi bo‘yicha hisobot; *Debitorlik va kreditorlik qarzlar byudjeti ijrosi bo‘yicha hisobot.

Boshqaruv segmentar hisobotlarga ma’lum talablar ham qo‘yiladi. Ushbu talablar sirasiga quyidagilar kiradi:

• o‘z vaqtidalilik – bu hisobotni unga zarurat paydo bo‘lgan vaqtda taqdim etish**;**

• yetarlilik – bu axborotning to‘liqligi, biroq o‘z ichiga zarur bo‘lmagan ortiqcha axborotlarni qamrab olmaslik**;**

• maqsadlilik – axborotning boshqaruv maqsadi xususiyatini qamrab olganligi;

• manzillilik – hisobotning konfidinsiallik tamoyiliga to‘liq amal qilingan holda faqat mas’ul xodimlarga yetkazilishi;

• ob’ektivlilik – boshqaruv uchun zarur axborotlarni shakllantirishda xatoliklarga yo‘l qo‘ymaslik;

• taqqoslamalilik – hisobot ma’lumotlarining vaqt bo‘yicha va korxona javobgarlik markazlari bo‘yicha taqqoslanish imkoniyatiga egaligi;

• tejamkorlik – boshqaruv segmentar hisobotlarni tuzish xarajatlarini ularni foydalanishdan ko‘riladigan samaradan ortib ketmasligi.

Boshqaruv segmentar hisobotlarni taqdim etish muddatlarini buzish ularda aks ettirilgan ma’lumotlar qimmatini pasayishiga olib keladi, boshqacha aytganda bunday hisobotlar operativ qarorlarni qabul qilishda nafsiz bo‘lib qoladi. Shu bois ham, segmentar hisobotlarni o‘z vaqtida - talab qilingan vaqtda, har soatda, har smenada yoki ish kuni oxirida berish foydali. Ayrim segmentar hisobotlarni talab etilgan davrlarda - har haftada, bir oyda yoki boshqa belgilangan vaqtda berish maqsadga muvofiq. Shuningdek, u yoki bu ob’ekt to‘g‘risida ma’lumotlarni ayrim guruh foydalanuvchilarga, masalan, quyi va o‘rta bo‘g‘in boshqaruv menejerlariga batafsil tarzda har kuni, yuqori bo‘g‘in menejerlariga esa ular to‘g‘risidagi hisobotlarni haftasiga yoki oy oxirida jamlangan holda berish talab qilinadi.

Ayrim ob’ektlar to‘g‘risidagi boshqaruv hisobi axborotlari ularning har bir o‘zgarishidan keyin real vaqt rejimida tegishli boshqaruvchilarga yetkazilishi lozim. Masalan, korxonaning moliyaviy holatiga mas’ul bo‘lgan yuqori bo‘g‘in menejeri uchun valyuta kurslari yoki birja kurslari, fond bozori indekslari, qimmatli qog‘ozlar kotirovkalari, tovar va xizmatlar narxlari (tariflari)ni keskin o‘zgarganini

to‘g‘risidagi operativ axborotlar zudlik bilan yetkazilishi lozim. Shuningdek, rahbarlarga korxona iqtisodiyotiga putur yetkazishi mumkin bo‘lgan ishlab chiqarishdagi kutilmagan uzilishlar, noratsional chiqimlar va yo‘qotishlar to‘g‘risida axborotlar ularga doir choralarni tezlikda qabul qilish uchun zudlik bilan yetkazilishi kerak.

Boshqaruv segmentar hisobotlari aksariyatini har kunlik yoki har haftalik, ayrimlarini esa oy yakunida berilishi yetarlidir. Masalan, mahsulot va yarim mahsulotlarni ishlab chiqarish, yaroqsizliklar, me’yorlardan chetlanishlar, sotish miqdori va qiymati to‘g‘risidagi segmentar hisobot ma’lumotlari, odatda, har kuni yoki haftada bir marta taqdim etiladi. Bozorga olib chiqilgan alohida tovarlar, ish va xizmatlarning foydaligi va rentabelligi to‘g‘risida faqatgina oylik boshqaruv hisobotlari ma’lumotlari asosida bir fikrga kelish mumkin. Xuddi shunday, uzoq muddatli investitsion loyihalar bo‘yicha qilingan ishlar, olingan natijalarning reja ko‘rsatkichlaridan chetlanishlari to‘g‘risidagi axborotlarni ham oy yakunlari bo‘yicha aniqlash mumkin.

Korxonalarda xaqiqiy qilingan xarajatlar va erishilgan natijalar to‘g‘risidagi boshqaruv hisobotlarini hisobot davri tugashi bilan qisqa muddatlarda shakllantirish va menejerlarga yetkazish tizimi yaratilishi o‘ta muhim.

Raqamli iqtisodiyotga o‘tish, zamonaviy AKTlarni qo‘llash boshqaruv segmentar hisobotlari formatlari, ularni ichki axborot foydalanuvchilarga yetkazish usullariga ham o‘ziga xos talablarni qo‘ymoqda. Bugungi kunda segmentar hisobotlarni faqat qog‘oz shaklida uzatish o‘z dolzarbligi yo‘qotmoqda, uning o‘rniga hisobotlarni bevosita kompyuter ekraniga turli ranglardagi jadval, diagrammalar, grafiklar ko‘rinishlarida taqdim etish avj olmoqda.

Boshqaruv segmentar hisobotlar shakl va mazmunan ixcham, optimal bo‘lishi, juda ko‘p sonli hisob-kitoblarni qamrab olmaganligi ham maqsadga muvofiqdir. Boshqaruv segmentar hisobotlariga tushuntirish xatlarida, qilingan tahlil natijalarida mavjud chetlanishlar hisob-kitoblari, sabablari va sababchilari, bu chetlanishlarni bartaraf etish bo‘yicha taklif va tavsiyalar aniq bo‘lishi lozim.

Foydalanilgan adabiyotlar ro’yxati

1. O‘zbekiston Respublikasining “Buxgalteriya hisobi to‘g‘risida”gi Qonuni. 2016 yil 13 aprel, № O‘RQ-404.

2. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining “Moliyaviy hisobotning xalqaro standartlariga o‘tish bo‘yicha qo‘shimcha chora-tadbirlar to‘g‘risida” gi Qarori. 2020 yil 24 fevral. PQ-4611.

3. MSFO № 8 «Operatsion segment»

4. Базалей, Н.Ю. Развитие концепции сегментарного учета, отчетности и анализа в системе управления коммерческими организациями : специальность 08.00.12. «Бухгалтерский учет, статистика» : диссертация на соискание ученой степени кандидата экономических наук / Базалей Наталья Юрьевна ; Ростовский государственный экономический университет «РИНХ». — Ростов-на-Дону, 2008. — 187 с. — Библиогр.: с. 153-163.

5. Варламова, Е.Н. Сегментирование бухгалтерской информации при аудите организаций оптовой торговли : диссертация на соискание ученой степени кандидата экономических наук / Финансовый университет при Правительстве Российской Федерации. — Москва, 2012. — 193 с. —Библиогр.: с. 157-169.

6. Бариленко, В.И. Анализ сегментов бизнеса: учебник / В.И. Бариленко, О.Ю. Гавель, О.В. Ефимова [и др.] ; под редакцией В.И. Бариленко. — КноРус, 2019. — 404 с. — ISBN 978-5-406-04880-1.

7. Cristi, A.G. An analysis of the proprietary costs of segment reporting = Анализ затрат на составление сегментной отчетности : Dissertation / A.G. Cristi // Cornell University. — 1998. — 82 p.

8. Уразов К.Б., Пўлатов М.Э. Бухгалтерия ҳисоби. Дарслик.-Т.: “Инновацион ривожланиш нашрёти матбаа уйи”,2020, 554 б.

MOLIYAVIY HISOBOTNI XALQARO STANDARTLARIGA O’TISH SHAROITIDA MOLIYAVIY BUXGALTERIYA HISOBINING ROLI

Pashaxodjayeva Dildora Djabborxonovna
“Buxgalteriya hisobi” kafedrasi dotsenti
Qilichova Fotima Xayrulla qizi
SamISI 3-kurs talabasi

Annotatsiya: Maqolada MHXS.larga o’tish sharoitida moliyaviy buxgalteriya hisobiga keng qamrovli kirishni, shu jumladan uning asosiy tushunchalarini, maqsadlarini va biznes qarorlarini qabul qilishdagi dolzarbligini ta'minlashga qaratilgan va olib borilgan tadqiqotlar natijasi xulosada keltirilgan.

Kalit so’zlar: moliyaviy byxgalteriya hisobi, moliyaviy buxgalteriya hisobi konseptual asoslari, buxgalteriya hisobi, moliyaviy natija, moliyaviy faoliyatni boshqarish, korxona, moliyaviy hisobot, foyda, zarar, aktivlar, majburiyatlar, xususiy kapital, daromadlar, xarajatlar.

Аннотация: Целью статьи является дать всестороннее введение в финансовый учёт, включая его основные понятия, цели и значимость для принятия бизнес-решений в условиях перехода на МСФО, а результаты исследования представлены в заключении.

Ключевые слова: финансовый учет, концептуальные основы финансового учета, бухгалтерский учет, финансовый результат, управление финансовой деятельностью, предприятие, финансовая отчетность, прибыль, убыток, активы, обязательства, частный капитал, доходы, расходы.

Abstract: The article aims to provide a comprehensive introduction to financial accounting, including its main concepts, objectives and relevance to business decision-making, and the results of the research are presented in the conclusion.

Keywords: financial accounting, conceptual foundations of financial accounting, accounting, financial result, management of financial activities,

enterprise, financial reporting, profit, loss, assets, liabilities, private equity, income, expenses.

Kirish. Har qanday jamiyatning taraqqiyoti ko‘p jihatdan uning boshqaruv tizimining tegishli axborot manbalari bilan ta’minlanishiga bog‘liq. Boshqaruvni axborot manbalari bilan ta’minlashda muhim o‘rinni buxgalteriya hisobining va uning tarkibiy qismi bo‘lgan moliyaviy hisob va ushbu ma’lumotlar asosida tuziladigan moliyaviy hisobotlar egallaydi. Shundan kelib chiqib, mamlakatimizni mustaqillik yillarida buxgalteriya hisobi va hisobotini yangi darajaga ko‘tarish bo‘yicha katta ishlar amalga oshirildi. Ular jumlasiga, qabul qilingan «Buxgalteriya hisobi to‘g‘risida»gi qonun (2016-y.), «Auditorlik faoliyati to‘g‘risida»gi qonunlar (2021-y.), «Buxgalteriya hisobi va auditorlik faoliyatining milliy andozalari», «Moliyaviy hisobot shakllarini to‘ldirish bo‘yicha qoidalar», «Mahsulot (ish, xizmat)larni ishlab chiqarish va sotish xarajatlarining tarkibi hamda moliyaviy natijalarni shakllantirish tartibi to‘g‘risida»gi Nizom va ularga kiritilgan o‘zgartirishlar, «Xo‘jalik yurituvchi subyektlar moliyaviy xo‘jalik faoliyati buxgalteriya hisobi, hisobvaraqlar rejasi va undan foydalanish bo‘yicha yo‘riqnoma», 2020 yil 24 fevralda PQ-4611-son «Moliyaviy hisobotning xalqaro standartlariga o’tishning qo’shimcha chora-tadbirlari to’g’risida»gi qarorlari va boshqalarni kiritish mumkin.

Respublikamizda va xorijiy mamlakatlarida chop etilgan adabiyotlarni tizimli tadqiq qilish natijalari olingan nazariy asoslar bo‘yicha buxgalteriya hisobiga quyidagicha ta’rif beramiz:[28]

“Buxgalteriya hisobi deganda, qarorlar qabul qilish maqsadida pulda o‘lchaniladigan axborotlarni yaxlit va uzluksiz qayd qilish, tan olish, o‘lchash (baholash), to‘plash, yozish, qayta ishlash, taqdimot qilish hamda shu asosda biznes sub’ektlarning moliyaviy holatini baholash hamda kelgusi faoliyatga oid rejalarni tuzish va axborotlar kommunikatsiyasini amalga oshirish tizim tushuniladi”

Moliyaviy buxgalteriya hisobini tavsiflashda esa uning konseptual qoidalar asosida yuritilishi, buxgalteriya hisobining an’anaviy xususiyatlarini qamrab olishi, asosan moliyaviy holat bilan bog‘liq axborotlarni shakllantirish va ushbu axborotlarning tashqi foydalanuvchilarga mo‘ljallanganligi hamda bu axborotlar moliyaviy hisobotlar ko‘rinishida uzatilishi kabi o‘ziga xos jihatlarini mujassamlantirishi kerak. Ushbu jihatlarni hisobga olib moliyaviy buxgalteriya hisobini quyidagicha tariflaymiz:

Moliyaviy buxgalteriya hisobi deganda, buxgalteriya hisobi birliklarida unga oid qonun, moliyaviy hisobot tamoyillari va standartlari asosida pulda o‘lchaniladigan xo‘jalik operatsiyalari yozuvlarini amalga oshirish, o‘lchash (baholash) va to‘plash orqali ushbu operatsiyalarning sub’ektlar moliyaviy holatiga ta’sirini aniqlash, moliyaviy hisobot davri oxirida moliyaviy holatni aks ettirish va

[28] Management Accounting. Offisial terminology of the CIMA. The CIMA 63 Portland Plase, London W1N 4AB, 2005. 157 p. 2-b. 26 https://lex.uz/docs/2931253?ONDATE=31.12.2020%2000

axborotlarni moliyaviy hisobot ko‘rinishida foydalanuvchilarga taqdim qilish tizimi tushuniladi. [29]

BHMS 1-sonida buxgalteriya hisobi va moliyaviy hisobotning tamoyillari sifatida quyidagilar ko’rsatilgan:

- ikki yoqlama hisob yuritish usuli bilan hisob yuritish
- uzluksizlik
- xo’jalik muammolari,aktivlari va passivlari baholash
- ishonchlilik
- ehtiyotkorlik
- mazmunning shakldan ustunligi
- aktivlar va majburiyatlarining haqiqiy bahosi
- tushunarlilik
- ahamiyatliligi
- muhimlilik
- izchilik
- tugatilganlik
- xolislik

Moliyaviy hisobotni tayyorlash va taqdim qilishning konseptual asoslarida moliyaviy holatni aniqlashda quyidagi elementlar ko‘rsatilgan: 1) Aktivlar, 2) Majburiyatlar, 3) Xususiy kapital, 4) Rezervlar, 5) Daromadlar, 6) Xarajatlar, 7) Moliyaviy natijalar (foyda yoki zarar)

Moliyaviy buxgalteriya hisobining predmetiga quyidagicha ta’rif beramiz:

Moliyaviy buxgalteriya hisobining predmeti deb, u o‘rganadigan ob’ektlarga aytiladi. Bu ob’ektlarga aktivlar, majburiyatlar, xususiy kapital, daromadlar va xarajatlar, yakuniy moliyaviy natijalar hamda ularning o‘zgarishiga olib keladigan biznes operatsiyalari kiradi.

1-jadval

Moliyaviy buxgalteriya hisobi fan sifatida shakllanishiga asoslar

Asoslar	Tavsifi
Maqsadi	Axborot foydalanuvchilarni qarorlar qabul qilishlari uchun hisob sub’ektlari moliyaviy holati, uning operatsiyalar ta’sirida o‘zgarishi, pul mablag‘larining holati va harakati hamda daromad va xarajatlari to‘g‘risida axborot bilan ta’minlash
Hisob sub’ektlari	Xususiy korxonalar, “sherikchilik jamiyatlari”, aksiyadorlik jamiyatlari, yirik korporatsiyalar, ishlab chiqarish kooperativi va unitar davlat korxonalari, banklar va kredit tashkilotlari, byudjet tashkilotlari va nodavlat notijorat tashkilotlari

[29] S.N. Tashnazarov Moliyaviy buxgalteriya hisobi; 1 darslik 80-bet

Predmeti va ob’ekti	Aktivlar, majburiyatlar, xususiy kapital, daromad va xarajatlar, foyda va zararlar hamda moliyaviy iqtisodiy hodisalar (jarayonlar)
Qoidalar va prinsiplari	Asosiy fundamental qoida: faoliyatning uzluksizligi, doimiylik va hisoblash; Fundamental sifat tavsifi: uyg‘unlik, haqqoniy va ob’ektiv taqdim etish. Axborotlarning foydaligini oshiruvchi sifat tavsifi: tushunarlilik, taqqoslanuvchanlik, tekshiruvga oidlik, o‘zvaqtidalik
Metodi (usul va uslublari)	Ob’ektlarni tan olish, baholash, axborotlarga ishlov berish, guruhlash hamda uzatishda qo‘llaniladigan usul va uslublar majmuasi
Protsedurasi hamda sikli	Pulda o‘lchaniladigan iqtisodiy hodisalarni tan olish, identifikatsiyalash, o‘lchab baholash, qayta ishlash, moliyaviy hisobotlar tuzish va taqdim qilishda bajariladigan buxgalteriya harakatlarining eng samarali mantiqiy ketma-ketligi
Buxgalteriya hisobi jarayoni mahsuli (moliyaviy hisobot)	Moliyaviy hisobotlar buxgalteriya jarayoni natijasining mahsuli hisoblanadi. Ularga moliyaviy holat to‘g‘risidagi, foyda va zararlar va boshqa to‘plam daromadlar to‘g‘risidagi, pul oqimlari haqidagi, xususiy kapitalning o‘zgarishi to‘g‘risidagi hisobotlar hamda izohlar, hisob siyosati va tushuntirishlar kiradi
Axborot foydalanuvchilari	Korxona menejerlari; mulkdorlar, potensial investorlar va kreditorlar; qonun hujjatlariga muvofiq davlat organlari (soliq va statistika organlari); boshqa axborot foydalanuvchilar

Moliyaviy buxgalteriya hisobining asosiy ob’ektlari bo‘lib qo‘yidagilar hisoblanadi:

1. Korxona va tashkilotlarda yuz bergan iqtisodiy hodisalar, operatsiyalar, jarayonlar va ularga oid bajarilishlar. Korxona faoliyatida ko‘plab operatsiyalar, jarayonlar va bajarilishlar yuz beradi. Moliyaviy buxgalteriya hisobi ushbu hodisalarni qayd qiladi, yozuvlarini amalga oshiradi, ishlov beradi, tahlil va interpretatsiya qiladi, bajarilishlarga oid hisobotlar tuzadi va menejerlarga uzatadi.

2. Mahsulot (ish va xizmat)lar tannarxi. Mahsulot (ish va xizmatlar) tannarxi alohida ob’ekt sifatida tasniflanishi lozim. Ushbu ob’ektlarni hisobga olish uchun moliyaviy buxgalteriya hisobining ma’lumot bazasi hisoblangan hamda boshqaruv buxgalteriya hisobi tarkibida qaraladigan tannarx buxgalteriya hisobi shug‘ullanadi. Tannarx buxgalteriya hisobining bosh maqsadi mahsulot birligi tannarxini hisoblashdir; [30]

[30] S.N. Tashnazarov Moliyaviy buxgalteriya hisobi; 1 darslik 109-bet

3. Alohida faoliyat turlari. Kompaniyaning asosiy va asosiy bo‘lmagan faoliyatlarini kiritish mumkin. Kompaniyaning operatsion foaoliyati (ishlab chiqarish, xizmat ko‘rsatish, savdo faoliyati), moliyaviy faoliyati, investitsiyaviy faoliyat va boshqa faoliyati buxgalteriya hisobining asosiy ob’eklaridan hisoblanadi;

4. Ishlab chiqarilayotgan mahsulot, ish va xizmatlarning turlari. Masalan, kompaniya 10 ta turdagi mahsulot ishlab chiqarsa, 10 ta ob’ekt sifatida qaraladi. Ularning tannarxidan tashqari ishlab chiqarilayotgan mahsulotlar hajmi, tayyor mahsulotlarni turlari bo‘yicha umumiy hamda hududlar kesimida sotish hajmi, ko‘rsatilayotgan xizmatlar, bajarilgan ishlar sotish hajmlari muhim ob’ektlar sanaladi.

5.Standartlar, me’yorlar va normativlar hamda ulardan chetlanishlar. Korxona faoliyati davomida ko‘plab standartlardan, masalan, standart tannarxi, me’yorlar va normativlar, masalan, normativ mehnat, me’yorida tabiiy kamayishi va boshqa ko‘rsatkichlarni kiritish mumkin. Standartlar va normativlarni umumiy normativlar va korxonalarning o‘zi tomonidan ishlab chiqqan normativlarga ajratish mumkin.

6. Ilmiy-tadqiqot ishlanmalari, mahsulot dizaynini takomillashtirish, innovatsiyalar, axborot texnologiyalari mahsulotlari. Zamonaviy kompaniyalar ushbu faoliyatlarining holatini doimiy tahlil qilib borishi lozim. Uning raqobatbardoshligi ko‘p jihatdan innovatsion ishlanmalariga, ilmiy-tadqiqot ishlarining natijalariga bog‘liq bo‘ladi. Innovatsiya qilmagan kompaniyaning kelajagi yo‘q.

Ushbu ob’yektlaridan korxona aktivlari va ularni tashkil topish manbalari haqida axborotni amaliyot bilan bog’lash uchun quyida vertikal va gorizontal tahlildan foydalanamiz.

“Jizzaxplastmassa” aksiyadorlik jamiyati misolida uning balans qiymati va uning o’zgarishlarini ko’rishimiz mumkin (2-jadval).

2-jadval

“Jizzaxplastmassa” AJ da 2021- 2022 yillar balans qiymatlari va ularning o’zgarishlari

№	Ko’rsatkichlar	2021 yil (ming so’m)	Ulushlari (%)	2022 yil (ming so’m)	Ulushlari (%)	Farqi	
						(+,-) (ming so‘mda)	%
1	Asosiy vositalar:	76 765 028	45, 91%	77 132 354	36,87%	-367 326	9.04%
2	Nomoddiy aktivlar:	-	-	-	-	-	-
3	Uzoq muddatli investitsiyalar	8 931 377	2,87%	9 865 145	0,15%	-933 768	2.72%
4	Qimmatli qog‘ozlar	39 392	0,30%	39 392	0,02%	0	0.28%
5	Shu’ba xo‘jalik jamiyatlariga investitsiyalar	-	-	-	-	-	-

6	Tovar-moddiy zaxiralari, jami	14 410 947	25,9%	10 782 888	33,21%	3 628 059	-7.31%
7	Kelgusi davr xarajatlari	135	0,26%	-	0,41%	135	-0.15%
8	Debitorlar, jami	13 675 892	15,34%	9 460 626	18,34%	4 215 266	-3%
9	Pul mablag‘lari, jami	60 836	0,55%	14 678	1,92%	46 158	-1.37%
10	Balans aktivi bo‘yicha jami	59 548 087		51 802 702		7 745 385	12%
11	Ustav kapitali	15 198 244	1.49%	15 198 244	41.05%	0	-39%
12	Rezerv kapitali	20 235 824	42.9%	20 238 929	35.83%	-3 105	7%
13	Taqsimlanmagan foyda (qoplanmagan zarar)	201 232	11.5%	704 503	19.67%	-503 271	-7%
14	Joriy majburiyatlar	7 612 020	18.48%	7 710 865	20.98%	-98 845	-2%
15	Balans passivi bo‘yicha jami	59 548 083		51 802 704		7 745 379	12%

Manba: “Jizzaxplastmassa” AJ ning ma’lumotlari asosida muallif tomonidan tuzilgan

Xulosa va takliflar. Ba’zi xulosalar chiqaradigan bo’lsak, moliyaviy hisob - bu farovon jamiyat uchun zarur bo'lgan moliyaviy javobgarlik uchun zarur. MHXS larga o’tish sharoitida roli yuqori. Tadqiqotlardan ko’rinadiki qo'llab-quvvatlangan moliyaviy buxgalteriya hisobini takomillashtirish moliyaviy javobgarlikni qanday oshirganiga ko'plab misollar mavjud. Bunday tadqiqotlar buxgalteriya hisobining nazariy va amaliyot o'rtasidagi mustahkam aloqani talab qiladi. Qanday bo'lmasin, moliyaviy buxgalteriya hisobi va shuning uchun moliyaviy javobgarlikni qanday yaxshilash mumkinligi haqida tushuncha beradigan buxgalteriya tadqiqotlarini kutayotgan ko'plab qiziqarli va ochiq savollar mavjud. Buxgalteriya amaliyoti bilan bog'liq tadqiqotlar olib boradigan va farovon jamiyatga hissa qo'shishni xohlaydigan moliyaviy buxgalteriya tadqiqotchilari uchun kelajak porloq. Quyidagicha takliflar mavjud:

- “moliyaviy buxgalteriya hisobi- bu axborotdan foydalanuvchilarga korxona faoliyati, faoliyati natijalari, aktivlari, aktivlarni tashkil topish manbalari to’g’risida buxgalteriya hisobining xalqaro standartlariga javob beruvchi uzluksiz, sifatli axborotlarni yig’ish, guruhlash, qayd etish va uzatish timidir” degan ta’rifni keltirish ;

- MHXSlar asosida tuzilgan hisobotlarni uzluksiz yuqorida keltirilgan tahliliy jadvallarga qo’yib tahlil qilib borish orqali, o’zgarish tendentsiyasini kuzatib, ichki rezervlarni aniqlash.

Foydalangan adabiyotlar ro’yxati

1. Tashnazarov S.N. Moliyaviy hisobotning xalqaro standartlari: Oliy o‘quv yurtlari magistratura mutaxassisliklari uchun darslik. – Toshkent: «IQTISOD-MOLIYA»
2. Tashnazarov Moliyaviy buxgalteriya hisobi 1 [Matn]: darslik / Samarqand iqtisodiyot va servis instituti – Samarqand.: “STEP-SEL” MChJ nashriyoti, 2023 - 580 bet
3. Management Accounting. Offisial terminology of the CIMA. The CIMA 63 Portland Plase, London W1N 4AB, 2005. 157 p. 2-b. 26 https://lex.uz/docs/2931253?ONDATE=31.12.2020%2000
4. Xasanov B., G’aniev Z., Muxammedova D. Boshqaruv hisobi. O’quv qo’llanma. –T.: Iqtisod-moliya, 2018. –279 b.
5. An Introduction to Accounting Theory, 1st edition. 2016, UWS, Australia
6. http://www.bookpost.ru
7. http://www.cfin.ru/finanalizis

МОЛИЯВИЙ ИНВЕСТИЦИЯЛАР ҲИСОБИНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

Абдурасулов Жамшидбек Ахмад угли
СамИСИ таянч докторанти
jamshidbek.abdurasulov@mail.ru

Аннотация: Мазкур мақолада қимматли қоғозларни тасарруф этувчиларни алмашишга олиб келувчи, уларни олди-сотди ва бошқа харажатлари, қимматли қоғозларни ҳар қандай корхона, акционер жамияти ва кредит муассасалари чиқариш ҳуқуқи, корхоналарнинг молиявий инвестицияларидан самарали фойдаланиш уларни тўғри ҳисобга олиш, баҳолаш ва ҳисоботларда шаффоф акс эттиришга боғлиқ таклиф ва тавсиялар берилган.

Калит сўзлар: хусусийлаштириш, молиявий инвестиция, Қимматли қоғозлар, суғурта фондлари, биржалар, молия, лизинг компаниялари, маслаҳат ва аудиторлик фирмалари ва бошқалар.

Аннотация: Эта статья предлагает обмен держателей ценных бумаг, их куплю-продажу и другие расходы, право выпускать ценные бумаги любому предприятию, акционерному обществу и кредитным учреждениям, эффективное использование финансовых вложений предприятий в их надлежащем учете, оценке и прозрачности. и даны рекомендации.

Ключевые слова: приватизация, финансовые инвестиции, ценные бумаги, страховые фонды, фондовые биржи, финансы, лизинговые компании, консалтинговые и аудиторские фирмы и многое другое.

Abstract: This article proposes the exchange of securities holders, their purchase and sale and other costs, the right to issue securities to any enterprise, joint stock company and credit institutions, the effective use of financial investments of enterprises in their proper accounting, evaluation and transparency. and recommendations are given.

Key words: privatization, financial investment, securities, insurance funds, stock exchanges, finance, leasing companies, consulting and auditing firms, and more.

Ўзбекистон Республикасида амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар теран ва кенг миқиёсда давлат мулкини хусусийлаштириш жараёнига, шунингдек акционер жамиятлари, хусусий корхоналар, қўшма корхоналар ва шунга ўхшаш субъектларни ташкил этишга қаратилган. Ушбу жараёнлар қуйидаги инфратузилмалар билан бевосита боғлангандир: тижорат банклари, инвестиция ва суғурта фондлари, биржалар, молия, лизинг компаниялари, маслаҳат ва аудиторлик фирмалари ва бошқалар.

Корхоналарнинг молиявий инвестициялари деганда, киритилган жорий ва узоқ муддатли инвестициялар, яъни қимматли қоғозларнинг қиймати тушунилади. Қимматли қоғозлар муомаласи деганда, қимматли қоғозларни тасарруф этувчиларни алмашишга олиб келувчи, уларни олди-сотди ва бошқа харажатлари тушунилади. Қимматли қоғозларни ҳар қандай корхона, акционер жамияти ва кредит муассасалари чиқариш ҳуқуқига эга. Қимматли қоғозлар чиқариш ва муомалада бўлиши Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги билан тартибга солинади.

Қимматли қоғозларнинг асосий турларидан бири акциялар ҳисобланиб, улар акционер жамиятини бошқаришда, жамиятнинг фойдасида ва жамият тугатилганда мулк қолдиғини тақсимлашда қатнашиш ҳуқуқини берувчи акционер жамиятининг устав капиталига қўшилган маблағни тасдиқловчи қимматли қоғозлар бўлиб ҳисобланади.

Сотиб олинган акциялар учун юридик ва жисмоний шахслар томонидан пул маблағлари миллий ва хорижий валюталарда, шунингдек асосий воситалар, номоддий ва бошқа активларни қўшиш йўли билан тўланиши мумкин.

Акция эгаларига берилган ҳуқуқлар ҳажмига қараб оддий ва имтиёзлига бўлинади. Оддий акциялар акционер жамиятини бошқаришда қатнашиш, ҳисобот даври тугаганда акционерлар мажлиси томонидан аниқланадиган миқдорда дивиденд олиш ва жамият фаолиятининг молиявий натижаларини аниқлаш ҳуқуқини беради.

Имтиёзли акциялар акционер жамиятини бошқаришда қатнашиш ҳуқуқини бермайди, лекин корхона ўз фаолиятини фойда билан якунланмаганда ҳам биринчи навбатда қатъий белгиланган миқдорда

дивиденд олиш ҳуқуқини беради. Бундай ҳолларда корхона резерв фондидаги маблағлардан фойдаланади.

Имтиёзли акцияларни чиқариш акционер жамиятига ўз маблағларини жалб қилиш йўли билан устав капиталини кўпайтириш имкониятини беради.

Қимматли қоғозларнинг яна бир асосий турларидан бири облигациялар ҳисобланиб, у уни сақловчиларга қатъий белгиланган фоиз билан бирга номинал қийматини тўлаш мажбуриятини тасдиқловчи қимматбаҳо қоғоз ҳисобланади.

Облигацияни тасарруф этувчи облигация чиқарган акционер жамияти ёки корхонанинг, давлат ёки маҳаллий ҳукуматнинг кредитори бўлиб ҳисобланади. Облигациялар бўйича фоизлар уларнинг ҳаракат муддати ичида даврий бериб борилиши ёки облигациянинг ҳаракат муддати тугагандан кейин бир йўла берилиши мумкин.

Бизнинг фикримизча, молиявий қўйилмалар бу корхоналар томонидан барча қимматли қоғозлар операцияларини амалга ошириш учун қилинган харажатлар ҳисобланиб, бу харажатлар келгусида корхонага, албатта, даромад олиб келувчи молиявий активлардир. Шунингдек, молиявий қўйилмалар хўжалик юритувчи субъектларнинг қимматли қоғозларни сотиб олиш учун қилган харажатлари, яъни пул маблағларини қўшма корхоналар, акционер жамиятлари, ширкатларнинг асосий воситалари, номоддий ва бошқа активларига қўшиш ва бошқа корхона ва ташкилотларга қарз бериш тарзида берилган дебитор қарзлар ҳисобланади.

Молиявий қўйилмалар содир бўлганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар бўлиб олинган акциялар, турли сертификатлар, облигациялар, амалга оширилган қўйилмалар суммасига берилган гувоҳномалар, қарз бериш бўйича шартномалар ҳисобланади. Корхонанинг амалга оширган қўйилмаларига бўлган ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжатлари олинмаган молиявий қўйилмалар маблағлари алоҳида ҳисобга олинади. Қимматли қоғозлар сотилганлигини тасдиқловчи ҳужжатларга облигациялар ва берилган қарзларни қайтарилганини тасдиқловчи олди-сотди далолатномаси, тўлов топшириқномалари киради.

Молиявий инвестицияларни ҳисобга олиш тартиби ва уларнинг турлари 12-сон “Молиявий инвестициялар ҳисоби”, 8-сон “Консолидаллашган молиявий ҳисоботлар ва шуъба хўжалик жамиятларига инвестициялар” ва 14-сон “Қўшма фаолиятда қатнашиш улушини молиявий ҳисоботда акс эттириш” бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартларда келтирилган.

Қимматли қоғозлар бозорининг мавжудлиги, фонд биржаларида қимматли қоғозларни олди-сотди муомалаларини амалга оширилиши акция облигацияларни номинал қийматидан ортиқ ёки кам баҳоларда сотиб олинишини назарда тутади. Акциялар уларни сотиб олиш билан боғлиқ бўлган ҳақиқий харажатлар суммасида қабул қилинади ва ҳисобга олинади. Фонд биржасида акциялар курсини ошиши ва камайишига ва акциялар бўйича олинадиган дивидендга қараб акцияларни сотиш қиймати билан номинал

қиймати орасидаги фарқ ёки потенциал фойда олишга ёки зарар қилишга олиб келади.

Корхонанинг активидаги акционер жамиятларидан сотиб олинган акция ва облигациялари турли сабабларга кўра сотилиши мумкин мисол, акциялар режадаги фойдани келтирмаслиги, ёки акция ва облигацияларни фақат узоқ вақт ичида фойда олиш учун эмас, балки уларни кейинчалик сотиш йўли билан фойда олиш мақсадида сотиб олинади.

Облигацияларни сотиб олишдан мақсад уларнинг номинал қийматига қараб фоиз олиш, шунингдек қайтарилгандан сўнг облигацияларнинг номинал қийматини олишдир. Шу боисдан облигациянинг ҳақиқий қиймати билан номинал қиймати орасидаги фарқ шундай амортизацияланиши керакки, қайтарилиш вақтида ҳақиқий қиймати облигациянинг номинал қийматига тенг бўлсин. Бунда икки усул мавжуд:

- облигацияни номинал қийматидан ортиқ суммага сотиб олиниши. Бундай ҳолларда облигациялар бўйича фоизлар сотиб олинган вақтда олинган даромад ҳисобидан уларнинг қийматлари орасидаги фарқини қисман ҳисобдан чиқариш йўли билан ҳақиқий қиймати номинал қийматига етказиб қўйилади;

- облигацияни номинал қийматидан кам суммага сотиб олиниши. Бундай ҳолларда облигациядан фойдаланиш муддати ичида ундан олинадиган фоиз даромадини кўпайтириш йўли билан облигацияни қайтариш муддатигача унинг сотиб олиш нархи номинал қийматига етказиб қўйилади.

Облигацияларни ҳақиқий сотиб олиш қиймати билан номинал қиймати орасидаги фарқи, уларнинг муомалада бўлиш муддати ичида бир текисда - хўжалик фаолиятининг натижасига ўтказиб борилади.

Қисқа муддатли облигациялар ва шунга ўхшаган қимматли қоғозлар бўйича фоиз суммасини пули олингунга қадар фойдага ўтказилган. Узоқ муддатли облигациялар бўйича фоиз ҳисобланмайди, чунки моддийлаштирилмаган фойда вужудга келади. Эҳтиёткорлик принципига биноан молиявий натижаларни акс эттиришда узоқ муддатли облигациялар муомалалари бўйича содир бўлган зарарларни фойда ёки зарарлар счётига ўтказиш мумкин, лекин ҳисоботда бухгалтерия ҳисоби бўйича амалдаги Низом талаб қилганидек олинган фойда миқдорини бузиб кўрсатишдир.

Халқаро бухгалтерия ҳисоби андозаси концепцияларига биноан, бошқа активлар каби, инвестициялар ҳам фақат ўзларида мужассамланган фойдани корхона келажакда олишга етарли даражада ишончи бўлсагина бухгалтерия ҳисобида активлар таркибида ҳисобга олиши мумкин. Уларни сотиб олиши учун биргина қилинган харажатлар етарли эмас. Бу харажатлар келажакда иқтисодий наф келтириши тўғрисидаги ишончни тасдиқлаш зарур. Башарти бундай ишонч бўлмаса, қилинган сарфлар активлар эмас харажатлар таркибига киради.

Корхоналарнинг молиявий инвестицияларидан самарали фойдаланиш уларни тўғри ҳисобга олиш, баҳолаш ва ҳисоботларда шаффоф акс эттиришга боғлиқ. Тадқиқотлар давомида молиявий инвестициялар ҳисобини яхшилашга қаратилган қуйидаги таклифларни ишлаб чиқдик:

•“молиявий инвестициялар” тушунчасини илмий-назарий жиҳатдан асослаш;

•молиявий инвестициялар таркибини тўғри таснифлаш ва гуруҳлаш;

•молиявий инвестицияларни ҳисобга олувчи намунавий “Счётлар тизими”ни жорий қилиш;

•молиявий инвестицияларни акс эттирувчи ҳисобот тартибини такомиллаштириш.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Қонуни. 2016 йил 13 апрель, № ЎРҚ-404.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ги Қарори. 2020 йил 24 февраль. ПҚ-4611.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 10 июлдаги ПҚ-4389-сонли “Солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори. https://nrm.uz/contentf?doc=573931_2019_yil

3. Молиявий ҳисоботнинг концептуал асослари. https://www.pwc.ru/ru/training/assets/dipifr-dec2014-textbook.pdf

ЗАДАЧИ РАЗВИТИЯ И ЦИФРОВИЗАЦИИ ЭКОНОМИЧЕСКИХ ОТЧЁТОВ ПО МЕЖДУНАРОДНЫМ СТАНДАРТАМ

Зарипова Саёхат Зафаровна

Ассистент каферды «Бухгалтерский учет в других отраслях и аудит»

Самаркандский институт экономики и сервиса

Тел: +998 99 253 84 44;

эл.почта: sayokhatzaripova98@mail.ru

Аннотации: В данной статье были проанализированы этапы изменений в системе бухгалтерского учета в Узбекистане и представлены пути решения проблем с помощью международных стандартов финансовой отчетности. Также была описана необходимость и основные направления реформирования бухгалтерского учета. Путем сравнительного анализа принципов национального бухгалтерского учета и международных стандартов были выявлены основные различия. Автор также описал основные успехи в интеграции национальной бухгалтерской системы в мировое сообщество. В заключении были сформулированы рекомендации по дальнейшему развитию бухгалтерского учета на основе международных стандартов.

Ключевые слова: Концептуальная основа, прогнозирование и экстраполяция, реформирования, диверсификация, анализ и синтез, МСФО, финансовой отчетности.

Введение. В условиях модернизации и технического развития экономических субъектов Узбекистана, значение системы бухгалтерского учета становится все более значимым. В настоящее время одной из ключевых проблем, с которой сталкивается экономика страны, является необходимость реформирования существующей системы бухгалтерского учета и отчетности. Это требуется для того, чтобы система соответствовала современным требованиям как национальной, так и международной экономики.

Узбекистан, с ориентацией на экспорт, стремится укрепить свое присутствие на международных рынках и получить доступ к льготным кредитам от зарубежных банков. Для достижения этой цели стране необходимо внедрить международную систему бухгалтерского учета и отчетности. Это является ключевым условием для успешной интеграции в мировое экономическое сообщество.

МСФО (Международные стандарты финансовой отчетности) — это набор общепринятых принципов и правил, используемых при подготовке и предоставлении финансовой отчетности, который применяется во многих странах. Для инвестора не так важно, в какую конкретно страну вложить свой капитал, как важно, чтобы он был уверен в эффективности своего инвестиционного решения. Эффективность инвестиции может быть лучше оценена, когда финансовая отчетность компании прозрачна и соответствует международным стандартам. Поэтому соблюдение принципов и правил МСФО позволяет обеспечить прозрачность и достоверность финансовой отчетности, что повышает уверенность инвесторов и способствует привлечению капитала.

Один из ключевых моментов в процессе реформирования бухгалтерского учета и финансовой отчетности в Узбекистане заключается в полном принятии Международных стандартов финансовой отчетности (МСФО). Однако это сопровождается рядом проблем, связанных с внедрением этих стандартов в практику страны:

- Отсутствие официальных версий перевода МСФО на узбекский и русский языки.
- Недостаток навыков составления финансовой отчетности в соответствии с МСФО.
- Недостаточное развитие инфраструктуры для использования и применения МСФО.
- Наличие у бухгалтеров стереотипов, связанных с переходом на МСФО из-за особенностей национальной экономики.
- Высокие затраты на подготовку финансовой отчетности по МСФО путем преобразования отчетности по национальным стандартам.
- Низкий уровень профессиональной подготовки бухгалтеров и нехватка навыков использования информации по МСФО.
- Недостаток учебников, пособий и справочных материалов по МСФО.

Эти проблемы требуют комплексного подхода и усилий для их решения, чтобы обеспечить успешное внедрение МСФО в бухгалтерскую практику Узбекистана.

Внедрение МСФО, таких как МСФО (IAS) 24 "Раскрытие информации о связанных сторонах", МСФО (IAS) 28 "Учет инвестиций в ассоциированные организации", МСФО (IAS) 31 "Участие в совместной деятельности", МСФО (IAS) 33 "Прибыль на акцию", МСФО (IAS) 36 "Обесценение активов", МСФО (IAS) 40 "Инвестиционная недвижимость", подразумевает усовершенствование нормативно-правовых актов в сфере бухгалтерского учета и финансовой отчетности. Это означает, что законы и стандарты будут адаптированы или дополнены таким образом, чтобы соответствовать требованиям и принципам МСФО. Такие изменения направлены на обеспечение более прозрачной и сопоставимой финансовой отчетности, что повышает доверие со стороны инвесторов и стимулирует приток инвестиций в экономику.

Вывод. Внедрение МСФО представляет собой долгосрочную стратегию, которая будет все более связана с международной торговлей, привлечением иностранных инвестиций и связанными с ними технологиями. Кроме того, МСФО играют важную роль в оценке работы управленческого состава компаний, поскольку отражают эффективность принимаемых ими решений. В целом, развитие системы бухгалтерского учета будет происходить путем выбора и применения более современных методов группировки учетных данных, формирования учетных регистров, а также оптимального сочетания аналитического и синтетического учета. Это также включает использование передовых форм бухгалтерского учета с применением автоматизированных систем.

Дальнейшее развитие и совершенствование системы бухгалтерского учета должны направляться на укрепление контрольных функций, расширение аналитических возможностей учета и улучшение оперативности использования полученных данных для управленческих решений. Это также предполагает более активное участие сотрудников бухгалтерии в экономической деятельности предприятия.

Когда говорят о принятии международных стандартов, обычно в первую очередь обращают внимание на бухгалтерский учет на уровне частных предприятий. Однако правила и особенности бухгалтерского учета в сфере управления государственными финансами также должны соответствовать международным стандартам. Это означает, что бюджетный учет также должен соответствовать требованиям международных стандартов финансовой отчетности. В Республике Узбекистан с участием ПРООН проводятся работы по разработке национальных стандартов бюджетного учета с применением МСФО.

Список использованной литературы

1. Мирзиёев Ш. "Мы все вместе построим свободное, демократическое и процветающее государство – Узбекистан." Т.: Узбекистан, 2017. 56 с.

2. Мирзиёев Ш. "Обеспечение верховенства закона и интересов человека – гарантия развития страны и благополучия народа." Т.: Узбекистан, 2017. 48 с.

3. Мирзиёев Ш. "Критический анализ, жесткая дисциплина и персональная ответственность должны стать повседневной нормой в деятельности каждого руководителя." Т.: Узбекистан, 2017. 104 с.

4. Указ Президента Республики Узбекистан "О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан" от 7 февраля 2017 года № УП-4947.

5. Указ Президента Республики Узбекистан "О мерах по внедрению современных методов корпоративного управления в Акционерных Обществах" от 12.04.2015 г. № УП – 4720.

6. Постановление Президента Республики Узбекистан "О дополнительных мерах по переходу на международные стандарты финансовой отчетности", № ПП-4611, 24.02.2020.

7. Vera Palea, Department of Economics and Statistics “Cognetti de Martiis”, University of Torino, Italy, China Journal of Accounting Research Volume 6, Issue 4, December 2013, Pages 247-263. [https://doi.org/10.1016/j.cjar.2013.08.003]

8. Kees Camfferman&Stephen A. Zeff, "The Challenge of Setting Standards for a Worldwide Constituency: Research Implications from the IASB’s Early History", European Accounting Review Volume 27, 2018 - Issue 2, [https://doi.org/10.1080/09638180.2017.1296780]

9. Хамдамов Б.К. "Аудитнинг халқаро стандартлари." Учебник. Т.: "IQTISOD-MOLIYA", 2020. 318 с.

Информационные источники:

1. http://www.gov.uz (Правительственный портал республики Узбекистан)

2. http://www.mf.uz (Сайт Министерства Финансов Республики Узбекистан)

3. http://www.ziyonet.uz (Образовательный портал)

4. http://www.lex.uz (Национальная база данных законодательства Республики Узхбекистан)

5. http://www.aicpa.org (American Institute of Certified Public Accountants)

БОШҚАРУВ БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ ВА ТАННАРХ БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ МОҲИЯТИ ВА ЗАМОНАВИЙ ТАЪРИФЛАРИ

Дилфуза Ташназарова

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти докторанти, PhD

Аннотация. Ушбу мақолада таннарх бухгалтерия ҳисоби тарихи, дунёдаги профессионал ташкилотлар томонидан бошқарув (менежментлик) бухгалтерия ҳисобига таъриф, унинг вазифалари баён қилинган. Тадқиқотлар асосида бршқарув бухгалтерия ҳисоби ва таннархи бухгалтерия ҳисобига таърифлар келтирилган.

Калитли сўзлар: Бошқарув бухгалтерия ҳисоби, таннарх бухгалтерия ҳисоби, стандарт костинг, таннарх табиатини (behavior), контрибутция ёндашуви

Аннотация. В данной статье описана история бухгалтерского учета себестоимости, определение управленческого бухгалтерского учета профессиональными организациями, его задачи. На основе исследований даны определения управленческого бухгалтерского учета и бухгалтерского учета себестоимости.

Ключевые слова: Управленческий бухгалтерский учет, бухгалтерский учет себестоимости, стандарт костинг, поведения затрат, подход контрибутции.

Abstract. This article describes the history of cost accounting, the definition of management accounting by professional organizations in the world, and its tasks. Definitions of management accounting and cost accounting are given based on research.

Key words: Management accounting, cost accounting, standard costing, cost behavior, contribution approach

Бошқарув (менежментлик) ҳисобининг пайдо бўлиши унинг асосий элементи бўлган **Таннархи Бухгалтерия Ҳисоби (Cost accounting)**нинг вужудга келиши билан боғлиқдир. Менежментлик ҳисобига оид дарсликда “Таннарх ҳисоби”нинг дастлабки юзага келишини ўн еттинчи асрнинг бошларида кузатиш мумкинли эътироф этилган. 1610-1620 йилларда Роберт Лодер томонидан фермер хўжалиги счётларини юритиш жараёнида таннарх ҳисоби белгиларини кўриш мумкин. XVIII асрда ишлаб чиқариш тизимининг кенг механизацияси йирик саноат ишлаб чиқарувчиларни юзага келтирди. 1805 йилда Англияда саноат ишлаб чиқаришида завод қийматини аниқлашга дастлабки уринишлар бўлган. Лекин, таннарх тушунчаси саноат соҳасидаги олимлар томонидан 1870 йилларда фойдаланилган ва асослаб берилган. Дастлабки, таннарх тушунчаси, маҳсулотни тайёрлаш қиймати, харажатларни тақсимлаш, завод счётларининг қўлланилиши ва принципларига оид мақолалар 1895-1901 йилларда Лондон ва Нью-Йоркдаги соҳага оид нашрларда чоп эттирилган.

1887 йилда англиялик иқтисодчи олимлар Дж.М. Фелса ва Э. Гарке “Ишлаб чиқариш счётлари: принциплари ва юритиш амалиёти” номли китобини чоп эттирди. Ушбу китобда харажатларнинг нормативлари ва уларнинг назорат тизимида қўлланилиши ҳамда харажатларни фикслашган (ҳизирги доимий) ҳамда ўзгарувчан харажатларга бўлиш таклиф этилган. Ишлаб чиқаришнинг харажатлари тўғрисидаги ахборотларнинг зарурлиги тўғрисида XX асрнинг бошларида Г.Эмерсон томонидан ёзилган “Меҳнат унумдорлиги оператив ишлар ва иш ҳақи асоси сифатида” номли китобида асослаб берган.

Таннарх ҳисобига оид дунёда биринчи марта 1913 йилда Дж.Л. Николсон томонидан “Таннарх ҳисоби: назарияси ва амалиёти” китоби чоп эттирилди.

XX асрнинг бошларида АҚШда ва ундан кейин Европада ҳақиқий маълумотларни стандарт маълумотларга таққослаш асосида четланишларни аниқлашга асосланган **“Стандарт костинг”** тизими кенг қўлланила бошлади ва ўзининг самарасини берди. Бу эса ушбу тизимнинг кенг тарқалишига олиб келди.

Бухгалтерия ҳисоби тараққиётида бошқарув (менежментлик) ҳисоби муаммолари ва менежмент бухгалтерларни сертификатлаш масалалари билан шуғулланадиган АҚШдаги **Менежмент Бухгалтерлар Институти (IMA)** катта роль ўйнайди. IMA бухгалтерларнинг йирик профессионал ташкилотларидан бири ҳисобланган **Бухгалтерлар Миллий Ассоциацияси (NAA)** билан ҳамкорликда асосан бошқарув (менежмент) бухгалтерларининг манфаатини ҳимоя қилади.

Дунёдаги профессионал ташкилотларнинг менежментлик ҳисобига берган таърифларини қуйидаги жадвалда умумлаштирамиз:

1.2-жадвал

Дунё бўйича профессионал ташкилотларнинг менежментлик ҳисобига берган таърифи[31]

Профессионал ташкилотларнинг номи	Менежментлик ҳисобига берган таърифи
Буюк Британиядаги Менежмент Бухгалтерларининг Дипломли Институти (Chartered Institute of Management Accountants) (CIMA)	**Менежментлик ҳисоби (management accounting)** – бу бухгалтерия ахборотларини тайёрлаш, жумладан менежментга сиёсатни шакллантириш, режалаштириш ҳамда юз берган операцияларининг назоратига доир профессионал билимлар ва кўникмаларнинг қўлланилишидир.
Буюк Британиядаги Таннарх ва Менежмент Бухгалтерларининг институти (The Institute of Cost and Management Accountants, London)	**Менежментлик ҳисоби (management accounting)** – бу менежментга сиёсатни шакллантириш, режалаштириш ва корхонада юз берган операцияларнинг назоратини амалга оширишга ёрдам бериш учун бухгалтерия ҳисоби ахборотларини тайёрлашда профессионал билимлар ва тажрибаларнинг қўлланилишидир
Америка Бухгалтерия Ҳисоби Ассоциацияси (American Accounting Association)	**Менежментлик ҳисоби (management accounting)** – бу менежментга мақбул бўлган иқтисодий мақсадлари ва вазифалари режаларини белгилаш ҳамда ушбу вазифаларни амалга ошириш бўйича рационал

[31] https://www.yourarticlelibrary.com/accounting/management-accounting/management-accounting-concept-functions-and-scope/61276 асосида муаллиф таржимаси

	қарорлар қабул қилишда ёрдам бериш учун ҳақиқий (бошланғич) ва лойиҳалаштирилган иқтисодий маълумотларга ишлов бериш жараёнидаги техника (методлар) ва концептларнинг қўлланилишидир
Англия ва Уэлис Дипломли Бухгалтерлар Институти (Institute of Chartered Accountants of England and Wales)	**Менежментлик ҳисоби (management accounting) –** бизнесни ҳамда менежментни ўз функцияларини янада самаралироқ қилишга йўналтирилган бухгалтерия ҳисобининг ҳар қандай шаклидир
MBA Crystal Ball. Management Accounting Introduction to Basic Concepts[32]	**Менежментлик ҳисоби** – бу менежмент томонидан ички мақсадларда, жумладан режалаштириш, қарорлар қабул қилиш ва операцион назоратда фойдаланиш учун молиявий ахборотларни аниқлаш, идентификациялаш ва тақдим этиш жараёнидир

Хорижий тажрибалар ҳамда менежментлик ҳисоби бўйича хорижий дарсликлардаги таърифларни ўрганиш асосида бошқарув (менежментлик) ҳисобига қуйидагича таърифни берамиз: “**Бошқарув (менежментлик) ҳисоби** – бу мавжуд объектларни бошқариш, ҳамда ташкилот фаолиятига оид муҳим қарорларни қабул қилиш мақсадида бошқарувчи (менежер)лар учун зарур бўлган (молиявий ва молиявий бўлмаган) ишончли ва ҳаққоний ахборотларни аниқлаш (тан олиш), идентификациялаш, ўлчаш (баҳолаш), қайд қилиш, тўплаш, тизимлаштириш (таснифлаш), таҳлил қилиш, интерпритациялаш, узатиш ва тақдим этиш орқали ахборотлар базасини яратиш, шунингдек, ахборотлар коммуникациясини ўрнатиш, нархлаштириш, режалаштириш ва назорат тизимидир.”

Бошқарув (менежментлик) ҳисобининг компания даражасида аниқлаштирилган вазифаларига қуйидагиларни киритиш мумкин:

1) узоқ муддатли режалар ва қисқа муддатли режалар (бюджет)ларни ишлаб чиқиш ва уларнинг бажарилиши устидан назоратни ўрнатиш;

2) харажатларни тан олиш, баҳолаш, таснифлаш ҳамда функционал боғлиқлигини аниқлаш ва регрессион таҳлилини амалга ошириш;

3) таннарх концепцияси ва таннарх табиатини (behavior) белгилаш ҳамда CVP (Cost Volume Profit) таҳлилини амалга ошириш;

4) ишлаб чиқарилаётган маҳсулот бирлиги таннархини ҳисоблаш, маҳсулот таннархининг элементлари бўйича ахборотларни шакллантириш;

5) материаллар, меҳнат харажатлари ва устама ишлаб чиқариш харажатлари ҳисобини замонавий ёндашув ва усуллар асосида юритиш;

[32] https://www.mbacrystalball.com/blog/accounting/management-accounting/

6) ишлаб чиқарилаётган маҳсулот таннархи тўғрисидаги ҳисобот, сотилган маҳсулотларнинг таннархи тўғрисидаги ҳисоботларни тайёрлаш ва тақдим этиш;

7) таннархни ҳисоблашнинг буюртмали ва жараёнли тизимларини қўллаш орқали таннархни ва харажатларни оптималлаштириш йўлларини ишлаб чиқиш;

8) контрибутция ёндашуви, маҳсулот таннархини absorpsion costing ва variable costing усуллари орқали ҳисоблашнинг услубий тартибини амалда қўллаш;

9) комплекс ишлаб чиқаришда қўшма маҳсулот ва иккиламчи маҳсулот таннархини аниқлашнинг замонавий усулларини қўллаш;

10) режалаштириш бўйича эгилувчан бюджетларини ишлаб чиқиш ва ҳақиқий бажарилишларни бюджетлар билан солиштириб бориш, юзага келган фарқларни очиқлаш;

11) стандарт костинг тизимини қўллаш ҳамда ҳақиқатда эришилган натижаларнинг белгиланган стандартлардан четланишларни аниқлаш ва омиллар таъсирини ҳисоблаш;

12) сотилган маҳсулотлар ассортиментини белгилаш, бизнес таркибини ўзгартириш (реструктуризация), баҳоларнинг шаклланиши бўйича қарорлар қабул қилиш ва трансферт баҳони белгилаш;

13) узоқ муддатли инвестициялар, хусусан молиявий қуйилмалар, янги технологияларни жорий қилинишини режалаштириш ҳамда режаларнинг бажарилишини назорат қилиш;

14) сегментар ҳисоботни тайёрлаш ва таҳлил қилиш, жавобгарлик марказлари фаолиятини баҳолаш.

15) корхонанинг ҳисоб сиёсатидан келиб чиқиб бошқа вазифаларни киритиш мумкин.

Ушбу вазифаларнинг ҳал қилиниши бошқарув ҳисобини тўғри ташкил қилинганлигига асос бўлади.

Юқоридагилардан хулоса қилиш мумкинки, таннарх бухгалтерия ҳисоби бошқарув бухгалтерия ҳисоби учун деталли ва молиявий бухгалтерия ҳисоби учун унинг ёндашишлари доирасида ахборот манбаи бўлиб хизмат қилар экан.

Таннарх бухгалтерия ҳисоби деганда, режалаштириш, нархларни белгилаш, маҳсулотни ишлаб чиқаришни давом эттириш ва кенгайтириш, харажатларни оптималлаштириш, ходимлар меҳнатини рағбатлантириш ва менежментнинг бошқа соҳаларига оид қарорлар қабул қилиш учун ишлаб чиқарилаётган маҳсулот, иш ва хизматлар, жараёнлар, фаолиятлар таннархини тан олиш, таснифлаш, тақсимлаш ва баҳолаш асосида ҳақиқий таннархини аниқлаш ва таҳлил қилиш тизимга айтилади.

Таннарх бухгалтерия ҳисобини назарий ва методологик асосларини белгилаш, уни бухгалтерия ҳисобининг алоҳида тармоғи сифатида тавсифлаш борасида қуйидаги долзарб масалаларни алоҳида қайд қилиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади:

- Таннарх бухгалтерия ҳисобини (cost accounting) тавсифлаш, уни ўрни ва моҳиятини очиб бериш;

- Таннарх бухгалтерия ҳисоби бизнесни бошқаришда ўта муҳим бўлган маҳсулот (иш, хизматлар) таннархини ҳисоблаш каби долзарб масалага қаратилганлиги алоҳида қайд қилиш керак;

- Маҳсулот (иш, хизматлар) таннархини ҳисоблаш методологияси ишлаб чиқилиши керак. Таннархни ҳисоблаш мураккаб жараён. Жуда кўплаб омиллар таъсирида таннарх шаклланади. Ушбу омилларнинг ҳар бирининг таъсирини аниқлаш талаб этилади. Бунинг учун эса бошқарув бухгалтерия ҳисоби таркибида таннарх бухгалтерия ҳисоби услубиёти бўлиши зарурият ҳисобланади;

- Таннарх бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш механизмларини такомиллаштириш зарур;

- Олий таълим муассасаларида “Бухгалтерия ҳисоби ва аудит” таълим йўналиши ўқув режаларида “Таннарх бухгалтерия ҳисоби” фанини киритишга зарурият мавжуд деб ҳисоблаймиз.

Хулоса қиладиган бўлсак, бошқарув бухгалтерия ҳисоби таркибида таннарх бухгалтерия ҳисобини алоҳида қараш, маҳсулот (иш, хизматлар) таннархини баҳолаш, уни услубиётини яратиш муҳим аҳамият касб этадиган масала ҳисобланади. Шу боис замонавий менежмент тизимини такомиллаштириш зарурияти таннарх бухгалтерия ҳисоби, уни корхоналарда ташкил этиш масалаларини мукаммал даражада тадқиқ этишни тақозо этади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

Cost accounting: A Managiral Emphasis, 7 th edition Charles T. Horngren/George Foster 1991.

L. E. Heitger, S. Matulich. Cost accounting. Mc.Graw-Hill Book Company, 1991.

С.Н. Ташназаров, К.Б. Уразов, Д.С. Тошназарова. Бошқарув бухгалтерия ҳисоби: Олий ўқув юртлари таълим йўналиши учун дарслик. – Тошкент:, 2022. – 555 б.

https://www.yourarticlelibrary.com/accounting/management-accounting/management-accounting-concept-functions-and-scope/61276
https://www.mbacrystalball.com/blog/accounting/management-accounting/

SAVDO FAOLIYATI ALOHIDA TURLARINING XUSUSIYATLARI VA ULARNING SOHA KORXONALARI XISOB SIYOSATIGA TA'SIRI

Po'latov Xudoyberdi Uktamovich
Samarqand iqtisodiyot va servis instituti
katta o'qituvchi

Savdo korxonalarida hisob siyosati xususiyatlarni muxim jixatlarni ko'rib chiqadigan bo'lsak. Savdo korxonasning buxgalteriya siyosatini buxgalteriya hisobi va soliqqa tortishni tartibga solish sohasidagi ko'plab me'yoriy hujjatlarni tahlil qilish va ularning o'zgarishini doimiy monitoring qilish, tashkilot faoliyatining xususiyatlarini, funktsiyalarini puxta bilishga asoslanishi kerak. uning tarkibiy bo'linmalari va ularning o'zaro ta'siri, hozirgi iqtisodiy vaziyatni tashkil etish va uni yanada rivojlantirish istiqbollari.Hisob siyosati ham tor, ham keng ma'noda ko'rib chiqilishi kerak. Tor ma'noda buxgalteriya siyosati buxgalteriya tizimining hujjati bo'lib, muayyan tashkilot tomonidan qo'llaniladigan o'ziga xos va variantli hisob usullarini aks ettiradi. Buxgalteriya siyosati keng ma'noda ma'lum bir tashkilotdagi buxgalteriya hisobi tizimidir. Hisob siyosati keng ma'noda tizimni qamrab oladi.

Hisob siyosati tushunchasi va uni shakllantirish uslubiyati bo'yicha adabiyotlar taxlilni ko'rib chiqsak.

Hisob siyosati **–** bu tadbirkorlik sub'ekti tomonidan moliyaviy hisobotlarni tayyorlashda va taqdim etishda qo'llaniladigan muayyan tamoyillar, usullar, odatlar, qoidalar va amaliyotlardir[33].

Ushbu meyeriy hujjatlarga, jumladan BXMS № 1 "Hisob siyosati va moliyaviy hisobot"ning 3-punktiga muvofiq, **hisob siyosati** deganda korxona rahbari tomonidan buxgalteriya hisobini yuritish va moliyaviy hisobotni tuzish bo'yicha qabul qilingan tamoyillar va tartiblar majmuasi tushuniladi[34].

Bulardan ko'rinib turibdiki, me'yoriy hujjatda ko'proq hisob siyosatini shakllantirishda korxonalarning texnologik xususiyatlarini oldingi o'rinda tutmoqda. Lekin hisob siyosatini yuritish korxonalar mulk shakli va oldiga qo'yilgan maqsadlaridan ham kelib chiqishini e'tiborga olish maqsadga muvofiq bo'ladi. Agarda olingan ma'lumotlar va ular asosida tuzilgan moliyaviy hisobotlar ma'lum bir davrlar uchun qiyoslanuvchan bo'lishligini nazarda tutsak, hisob siyosati bu maqsadga erishishni ta'minlovchi vosita, desak mubolag'a bo'lmaydi

M. Raximov (1999) bergan ta'rifga ko'ra: «**Korxona hisob siyosati** – bu korxona tomonidan buxgalteriya hisobini yuritish va moliyaviy hisobotni tuzishda uning asosiy qoidalari asosida alohida xo'jalik jarayonlarni aks ettirish yoki mulkni baholash yuzasidan belgilanadigan va hisobot yili bo'yicha to'liq amal etadigan shakl va uslublar yig'indisidir»[35]

[33] BHXS-8 Hisob siyosatlari, hisoblab chiqilgan baholardagi o'zgarishlar va xatolar
[34] K.B. Urazov, U.A. Shirinov, D.K. Urazov, X.O'.Po'latov Buxgalteriya hisobi va audit darslik Samarqand 2024
[35] Raximov M. "Bozor iqtisodiyoti sharoitida don mahsulotlari ishlab chiqarish korxonalarida moliyaviy natijalar hisobi, tahlili va auditini takomillashtirish".: Avtoref. dis…. kand. ekon. nauk -T.: 1999.

Chet el iqtisodchi olimlarining hisob siyosati tushunchasiga doir fikrlarida o‘ziga xos tahliliy qarashlar mavjud. Xususan, Rossiya olimlaridan O.V.Rojnova va S.N.Grishkinalarning (2001) fikriga ko‘ra: «**Hisob siyosati** – korxona asosiy faoliyati doirasida va umumiy qabul qilingan qoidalar asosida korxona buxgalteriya hisobini yuritishning aniq usul va shakllari yig‘indisidir»[36]

Xorijiy iqtisodiy me’yoriy hujjatlarda, xususan AQShning buxgalteriya hisobiga doir standartida (2021) quyidagilar bayon etilgan: «**Hisob siyosati**-boshqaruvda qo‘llanadigan shunday usullarki, bunda muayyan holatlarga ko‘ra korxona moliyaviy ahvolini maxfiyligini ta’minlaydi, unda yuz bergan xo‘jalik faoliyat natijalaridagi o‘zgarishlar muvofiqligidir»[37]

Shuningdek, Rossiya Federatsiyasining buxgalteriya hisobi bo‘yicha «Korxona hisob siyosati» to‘g‘risidagi nizomda (2008) quyidagi aniqlashlar berilgan: «**Korxona hisob siyosati** deyilganda, buxgalteriya hisobini yuritish usullari yig‘indisi – dastlabki kuzatuv, qiymat o‘lchovi, joriy guruhlash va yakuniy umumlashtirishlar tushuniladi»[38]

Hisob siyosati buxgalteriya hisobini yuritish bo‘yicha korxonaning o‘ziga xos rejasi hisoblanadi. Bu reja, odatda, rasmiy hujjat sifatida rasmiylashtiriladi. U korxonaning bosh hisobchisi tomonidan yilning oxirida kelgusi yil uchun ishlab chiqiladi va korxona rahbari tomonidan buyruq yoki farmoyish bilan tasdiqlanadi.

Hisob siyosati BXMS №1 ning 56-punktiga muvofiq taqvim yili maboynida doimiy xarakterga ega bo‘lishi lozim. Uni yil ichida sababsiz o‘zgartirish mumkin emas. BXMS № 1 ning 56-punktiga muvofiq tasdiqlangan va foydalaniyotgan hisob siyosati yil ichida qo‘yidagi hollarda o‘zgartirilishi mumkin:

- Korxonaning statusi va tarkibiy tuzilishi o‘zgartirilganda;
- Mulk egalari o‘zgarganda;
- Davlat qonunlari o‘zgarganda;
- Hisobning yangi shakllari va yuritish usullari joriy etilganda.

Savdo korxonalarida hisob siyosati xususiyatlarni muxim jixatlarni ko'rib chiqadigan bo'lsak. Savdo korxonasning buxgalteriya siyosatini buxgalteriya hisobi va soliqqa tortishni tartibga solish sohasidagi ko'plab me'yoriy hujjatlarni tahlil qilish va ularning o'zgarishini doimiy monitoring qilish, tashkilot faoliyatining xususiyatlarini, funktsiyalarini puxta bilishga asoslanishi kerak. uning tarkibiy bo'linmalari va ularning o'zaro ta'siri, hozirgi iqtisodiy vaziyatni tashkil etish va uni yanada rivojlantirish istiqbollari.Hisob siyosati ham tor, ham keng ma'noda ko'rib chiqilishi kerak. Tor ma'noda buxgalteriya siyosati buxgalteriya tizimining hujjati bo'lib, muayyan tashkilot tomonidan qo'llaniladigan o'ziga xos va variantli hisob usullarini aks ettiradi. Buxgalteriya siyosati keng ma'noda ma'lum bir tashkilotdagi buxgalteriya hisobi tizimidir. Hisob siyosati keng ma'noda tizimni qamrab oladi.

---

[36] Учетная политика предприятия: Формирование, раскрытие / О.В. Рожнова, С.Н. Гришкина. - М.: Экзамен, 2001. - 158, с.: табл.; 21 см.; ISBN 5-8212-0244-2;

[37] https://www.readyratios.com/usgaap/AccountingPolicies/

[38] "Учетная политика организации" (ПБУ 1/2008). Приказ Минфина России от 06.10.2008 N 106н (ред. от 28.04.2017) "Об утверждении положений по бухгалтерскому учету" (вместе с "Положением по бухгалтерскому учету "Учетная политика организации" (ПБУ 1/2008)";

Hisob siyosati tushunchasi va uni shakllantirish uslubiyati bo‘yicha adabiyotlar taxlilni ko’rib chiqsak.

Hisob siyosati **–** bu tadbirkorlik sub’ekti tomonidan moliyaviy hisobotlarni tayyorlashda va taqdim etishda qo‘llaniladigan muayyan tamoyillar, usullar, odatlar, qoidalar va amaliyotlardir[39].

Ushbu meyeriy hujjatlarga, jumladan BXMS № 1 “Hisob siyosati va moliyaviy hisobot”ning 3-punktiga muvofiq, **hisob siyosati** deganda korxona rahbari tomonidan buxgalteriya hisobini yuritish va moliyaviy hisobotni tuzish bo‘yicha qabul qilingan tamoyillar va tartiblar majmuasi tushuniladi[40].

Bulardan ko‘rinib turibdiki, me’yoriy hujjatda ko‘proq hisob siyosatini shakllantirishda korxonalarning texnologik xususiyatlarini oldingi o‘rinda tutmoqda. Lekin hisob siyosatini yuritish korxonalar mulk shakli va oldiga qo‘yilgan maqsadlaridan ham kelib chiqishini e’tiborga olish maqsadga muvofiq bo‘ladi. Agarda olingan ma’lumotlar va ular asosida tuzilgan moliyaviy hisobotlar ma’lum bir davrlar uchun qiyoslanuvchan bo‘lishligini nazarda tutsak, hisob siyosati bu maqsadga erishishni ta’minlovchi vosita, desak mubolag‘a bo‘lmaydi

M. Raximov (1999) bergan ta’rifga ko‘ra: «**Korxona hisob siyosati** – bu korxona tomonidan buxgalteriya hisobini yuritish va moliyaviy hisobotni tuzishda uning asosiy qoidalari asosida alohida xo‘jalik jarayonlarni aks ettirish yoki mulkni baholash yuzasidan belgilanadigan va hisobot yili bo‘yicha to‘liq amal etadigan shakl va uslublar yig‘indisidir»[41]

Chet el iqtisodchi olimlarining hisob siyosati tushunchasiga doir fikrlarida o‘ziga xos tahliliy qarashlar mavjud. Xususan, Rossiya olimlaridan O.V.Rojnova va S.N.Grishkinalarning (2001) fikriga ko‘ra: «**Hisob siyosati** – korxona asosiy faoliyati doirasida va umumiy qabul qilingan qoidalar asosida korxona buxgalteriya hisobini yuritishning aniq usul va shakllari yig‘indisidir»[42]

Xorijiy iqtisodiy me’yoriy hujjatlarda, xususan AQShning buxgalteriya hisobiga doir standartida (2021) quyidagilar bayon etilgan: «**Hisob siyosati**-boshqaruvda qo‘llanadigan shunday usullarki, bunda muayyan holatlarga ko‘ra korxona moliyaviy ahvolini maxfiyligini ta’minlaydi, unda yuz bergan xo‘jalik faoliyat natijalaridagi o‘zgarishlar muvofiqligidir»[43]

Shuningdek, Rossiya Federatsiyasining buxgalteriya hisobi bo‘yicha «Korxona hisob siyosati» to‘g‘risidagi nizomda (2008) quyidagi aniqlashlar berilgan: «**Korxona hisob siyosati** deyilganda, buxgalteriya hisobini yuritish usullari yig‘indisi – dastlabki kuzatuv, qiymat o‘lchovi, joriy guruhlash va yakuniy umumlashtirishlar tushuniladi»[44]

---

[39] BHXS-8 Hisob siyosatlari, hisoblab chiqilgan baholardagi o‘zgarishlar va xatolar

[40] K.B. Urazov, U.A. Shirinov, D.K. Urazov, X.O‘.Po‘latov Buxgalteriya hisobi va audit darslik samarqand 2024

[41] Raximov M. “Bozor iqtisodiyoti sharoitida don mahsulotlari ishlab chiqarish korxonalarida moliyaviy natijalar hisobi, tahlili va auditini takomillashtirish”.: Avtoref. dis…. kand. ekon. nauk -T.: 1999.

[42] Учетная политика предприятия: Формирование, раскрытие / О.В. Рожнова, С.Н. Гришкина. - М.: Экзамен, 2001. - 158, с.: табл.; 21 см.; ISBN 5-8212-0244-2;

[43] https://www.readyratios.com/usgaap/AccountingPolicies/

[44] "Учетная политика организации" (ПБУ 1/2008). Приказ Минфина России от 06.10.2008 N 106н (ред. от 28.04.2017) "Об утверждении положений по бухгалтерскому учету" (вместе с "Положением по бухгалтерскому учету "Учетная политика организации" (ПБУ 1/2008)";

Har qanday tashkilotning hisob siyosatining mohiyati normativ hujjatlarda taklif qilingan muayyan xo'jalik operatsiyalarini hisobga olish variantlaridan birini tanlash, shuningdek, buxgalteriya hisobi usullarini mustaqil ravishda ishlab chiqish va normativ hujjatlar talablaridan chetlanishlarni asoslashdir.

Hisob siyosati tashkilot faoliyatining asosiy ko'rsatkichlari qiymatlarini shakllantirish vositasidir, ya'ni hisob siyosati quyidagilar bo'lishi mumkin:

- xarajatlarni, boshqaruv hisobni, moliyaviy natijalarni, hisobot moddalarining mazmuni va moliyaviy holatni boshqarish vositasi;
- hisoblangan soliqlar miqdorini boshqarish va soliqqa tortishni minimallashtirish vositasi;
- buxgalteriya hisobi qoidalaridagi ziddiyatlarni amaliy hal etishning samarali vositasi;
- buxgalteriya hisobi tartiblarini uyg‘unlashtirmoq va ularning mehnat zichligini kamaytirish vositasi.

Savdo korxonalarida MXHSga muvofiq moliyaviy hisobotlarni tuzishda katta muxum ro'l o'ynaydigan jixatlaridan biri bu hisob siyosatini tanlash va qo'llashdir. MXHSga muvofiq hisobot beruvchi korxona tomonidan hisob siyosatini tanlash o'zi xoxlaganchalik emas balkim standartlar, qoidalari va ularning talqinlari bilan tuzuladi. Biroq, har doim professional mulohazani qo'llash zarurati kabi omillar mavjud bo'ladi. MXHSga muvofiq moliyaviy hisobotlarni tayyorlaydigan korxonaning teng siyosati modelini yaratishga imkon beradi.

MXHSga bo'yicha hisobotlarni tayyorlaydigan korxonalar uchun hisob siyosatining asosiy maqsadi tashqi va ichki foydalanuvchilarning turli guruhlari talablariga javob beradigan va bir vaqtning o'zida bir nechta turdagi hisobotlarni tayyorlash jarayonini tashkiliy, texnik va uslubiy qo'llab-quvvatlashni shakllantirishdir.

Boshqaruv hisobotining asosiy foydalanuvchilari bo'lib ichki foydalanuvchilar hisoblanadi, boshqa hisobot turlari esa tashqi foydalanuvchilar hisoblanadi. Tashqi foydalanuvchilarga moliyaviy hisobotlarni taqdim etish jarayonining ishtirokchilari bo'lgan auditorlik tashkilotlari tashqi foydalanuvchilarning MHXS va MHMSga muvofiq tuzilgan moliyaviy hisobotlarga ishonchini oshiradigan agent sifatida ishlaydi.

Hisobotni foydalanuvchilarga taqdim etish uni tayyorlashning yakuniy maqsadi bo'lganligi sababli, ular hisobot berish uchun javob berishi kerak bo'lgan talablarni belgilaydilar va ularni amalga oshirish tashkilotning hisob siyosati bilan ta'minlanishi kerak. Hisobotga qo'yiladigan talablar ichki va tashqi normativ hujjatlarda belgilanadi, xususan:

- rahbariyatga hisobot berish korxona rahbarining buyrug'i bilan belgilanadi;
- soliq hisoboti va moliyaviy hisobot ijro etuvchi O'zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari bilan belgilanadi;
- MHXS bo'yicha hisobotlar professional o'zini o'zi tartibga soluvchi tashkilot - MHXS qo'mitasi tomonidan o'rnatiladi va undan foydalanuvchilarning manfaatlarini ifodalaydi.



1-rasm Savdo faoliayti bo'yicha korxonalarning hisob siyosatining tarkibiy tuzulmasi modeli[45]

[45] Muallif ishlanmasi

Hisob siyosati hisobotni tashkiliy, texnik va uslubiy jihatdan shakllantirish jarayonini tashkil etish orqali ushbu ko'plab talablarga muvofiqligini ta'minlashi kerak. Turli bosqichlarda hisobi siyosatini ishlab chiqishda, MHXS bo'yicha moliyaviy hisobotlarni hisobga olish siyosatini ishlab chiqish jarayonida professional mulohazalar va muhimlik tamoyilini qo'llash katta ahamiyatga ega.

Фойдаланилган адабиѐтлар рўйхати:

1. Бухгалтерия ҳисобининг миллий ва халқаро стандартлари (МҲМС ва МҲХС)
2. Пўлатов, Х. У. (2023). САВДО КОРХОНАЛАРИДА МОЛИЯВИЙ ФАОЛИЯТИ ҲИСОБИНИНГ МЕТОДОЛОГИК МАСАЛАЛАРИ. *Экономика и социум*, (6-2 (109)), 931-934.
3. Уразов К.Б. Савдода бухгалтерия ҳисоби ва солиққа тортиш.–Т.: Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси, 2004.–336 б.; 101.
4. Пўлатов, Х. У. (2023). САВДО ФАОЛИЯТИНИ СОЛИҚҚА ТОРТИШДАГИ МУАММОЛАР. *Экономика и социум*, (6-2 (109)), 928-930.
5. Уразов К.Б., Вахидов С.В. Бошқа тармоқларда бухгалтерия ҳисобининг хусусиятлари. Дарслик.- Т.: «Адиб», 2011. – 480 б;
6. Пўлатов, Х. У. (2023). САВДО КОРХОНАЛАРИДА ТОВАРЛАРНИ СОТИЛИШИ АУДИТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ. *Экономика и социум*, (6-2 (109)), 919-921.

TIBBIY XIZMAT KO‘RSATUVCHI IQTISODIY SUB’EKTLARDA XARAJATLAR HISOBINING O‘ZIGA XOS XUSUSIYATLARI

Z.B.Eshpulatova
SamISI “Buxgalteriya hisobi” kafedra dotsenti
Asatova Umida
TDIU SF BH-220 guruh talabasi

Annotatsiya: Maqolada Tibbiy xizmat ko‘rsatuvchi iqtisodiy sub’ektlarda xarajatlar hisobining o‘ziga xos xususiyatlari, Tibbiy xizmatlar ko‘rsatishga sarflangan xarajatlarni “Ascension Medical” MCHJda schetlarda aks ettirilish tartibi ochib berilgan. Tibbiy xizmalarni taqdim qilayotgan tashkilotlarda xarajatlar turlari yoritilgan. Mavzuga doir xulosalar keltirilgan.

Kalit so‘zlar: Tibbiy xizmat, xarajat, tannarx xarajatlari, davr xarajatlari, boshqa xarajatlar, schuotlar rejasi, 21-son BHMS, Nizom, kalkulyatsiya, xarajat moddalari.

Tibbiy xizmatlarni ko‘rsatish, tabiiy ravishda, ma’lum sarf-xarajatlarni talab etadi. Tashkilotlarda buxgalterning vazifasi tibbiy xizmatni ko‘rsatishdan qilingan xarajatlardan oldin ushbu xizmat turini amalga oshirish uchun sarf etilgan xarajatlarni tekshirib olishi zarur. Tibbiy xizmatlarni amalga oshirishda tannarx

xarajatlarning to‘g‘ri taqsimlanganligini va harajatlar hisobi tibbiy xizmat turiga qarab to‘g‘ri tan olinganligini tekshirishi zarur.

Ushbu tibbiy xizmat ko’rsatish tashkilotlarda ham boshqa tashkilotlardalar singari xarajatlar hisobini yuritishda O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 1999-yil 5-fevraldagi 54-son qarori bilan tasdiqlangan “Mahsulot (ish, xizmatlarni ishlab chiqarish va sotish xarajatlari hamda moliyaviy natijalarni shakllantirish tartibi to‘g‘risida Nizom”ga asoslanib kelmoqdalar.

Tibbiy xizmatlarni ko‘rsatish ishlab chiqarishga tenglashtiriladi. Shu bois ham ularga ketgan sarf-xarajatlar hisobi 21- son BHMSga muvofiq 2010 “Asosiy ishlab chiqarish” schyotida yuritiladi. Mazkur schyotlar esa 2310 “Yordamchi ishlab chiqarish”, 2510 “Umumishlab chiqarish xarajatlari”, 2710 “Xizmat ko‘rsatuvchi xo‘jaliklar” kabi schyotlarda yuritilmaydi. Tibbiy xizmat ko‘rsatish xarajatlari xizmat ko‘rsatilganidayok yopilib ketadigan xarajatlar.

Tibbiy xizmatlar ko‘rsatishga sarflangan xarajatlarni “Ascension Medical” MCHJda schetlarda aks ettirilish tartibiga to‘xtalsak. Buning uchun 2010 schyot yozuvlarini keltirilgan yozuvlar asosida tahlil qilib chiqamiz (1-jadval)

1-jadval

“Ascension Medical” MCHJda 2023-yilda tibbiy servis xizmatlar ko‘rsatishga ketgan xarajatlarga berilgan buxgalteriya yozuvlari

№	Xarajat turi	Debet	Kredit	Summa
1	Tibbiy materiallar sarfi (dori-darmon) sarfi	2010	1010	354283,9
2	Tibbiyot xodimlarga hisoblangan ish haqi	2010	6710	367245,5
3	YAITga ajratma	2010	4510	87850,8
4	Hisoblangan amortizatsiya	2010	0220-0260	18722,3
5	Jami ishlab chiqarish xarajatlari			
6	Ishlab chiqarish xarajatlarini hisobdan chiqarilgan summasiga	9130	2010	1440178,54

1-jadvalda keltirilgan ma’lumotlardan ko‘rinib turibdiki, tibbiy servis xizmatlarni ko‘rsatishga ketgan moddiy xarajatlar 24,6 %ni, ish haqi xarajatlari – 25,5 %ni, YAITga ajratma-6,1 %ni, amortizatsiya xarajatlari – 42,5 %ni, boshqa turli xarajatlar – 1,3 %ni tashkil etadi. Bundan xulosa qilish mumkinki, ushbu xizmat turi amortizatsiya xarajatlariga ko‘proq sarf xarajat qilinar ekan. Sababi tibbiy texnik bazasini xizmat ko‘rsatishda tez amortizatsiyalanadi (1-diagramma).



Tibbiy xizmatlarning xarakterli xususiyati shundaki, ularda tugallanmagan ishlar qiymati bo‘lmaydi. Har bir xizmat ko‘rsatish turi, xizmat ko‘rsatilgandan ketgan xarajatlar tannarxga olib boriladi va daromad xisobini tan olib boriladi.

Tibbiy xizmatlarga ko‘rsatiladigan servis xizmatlar bo‘yicha tannarxni kalkulyatsiya qilish birligini aniqlashda xizmat turiga qarab qilinadi. Uning haqiqiy tannarxi kalkulyatsiyasi har bir muolajaga haqiqatda qilingan xarajatlar va mehnat sarflariga qarab hisob-kitob qilinadi. “Samarqand Tibbiy Diagnostika” MCHJda ko‘rsatilayotgan tibbiy xizmatlarning to‘g‘ri keladigan haqiqiy tannarxi kalkulyatsiyasi rengen apparati orqali tibbiy xizmat ko‘rsatish tannarxini misol tariqasida kuyidagi *(2-jadvalda)* keltirilgan.

2-jadval

MCHJ Ascension medical tibbiy xizmat ko’rsatuvchi korxonaning kalkulyatsiyasi

1	Daromadlar	**120000**	**50000**	**25000**	**50000**	**30000**	**30000**	**145000**	**450000**
	Xarajatlar								
1	Ish haqi	14400	6000	3000	6000	3600	3600	17400	
2	15% pensiya fondi	1728	720	360	720	432	432	2088	
3	Asosiy vosita eskirish	1200	500	250	500	300	0	1450	
4	Inventar eskirish								
5	Bank xizmati	600	250	125	250	150	150	725	

6	Aloqa xizmati	240	100	50	100	60	60	290	
7	Elektr-energiya	7200	1600	800	1600	960	960	4640	
8	Boshqa xarajatlar	6000	2500	1250	2500	1500	1500	7250	
9	Plenka				10000			20300	
10	Suyuqlik		250	125					
11	Reaktivlik					2700			
12	питание	10800							
13	Fizioterapiya	36000							
21	Jami xarajat	78168	11920	5960	21670	9702	6702	54143	188265
22	Foyda	41832	38080	19040	28330	20298	23298	90857	261735
23	Zarar								

“Ascension medical” MCHJda ko‘rsatilayotgan tibbiy xizmatlar xarajatlari hisobi va ular tannarxini kalkulyatsiyasini o‘rganish ularni yanada yaxshilash zaruratlari hamda imkoniyatlari mavjudligini ham ko‘rsatdi. Uzi apparatida bir muolajasiga rengen plyonkasiga ketadigan harajatlardan tashqari barcha xarajatlar.Biron bir operatsiya qilish bilan bog‘liq bo‘lgan tibbiy xizmatlarga kalkulyatsiyasida dori darmon uchun to‘lov harajatlari ham kiritiladi.

Tibbiy xizmat ko‘rsatuvchi “Ascension Medical” MCHJda xarajatlarini auditorlik tekshiruvidan o‘tkazishda auditorlar har bir boshlang‘ich hisob hujjatlari va registrlari hamda ularga asosan berilgan buxgalteriya yozuvlariga alohida e’tibor bermog‘i lozim. Ko‘rsatilayotgan tibbiy xizmat tannarxiga kiritiladigan xarajat moddalari bo‘yicha quyidagi jadvalda keltirilgan boshlang‘ich hisob hujjatlari va registrlariga e’tibor qaratishi kerak *(3-jadval).*

3-jadval

Tibbiy xizmat ko’rsatuvchi korxonalarda ko‘rsatayotgan xizmatlar tannarxiga kiritiladigan xarajat moddalari[46]

Xarajatlar guruhi	**Xarajatlar moddalari**	**Boshlang‘ich hisob registrlari va hujjatlari**

[46] Z.B.Eshpulatova. Serviz xizmatlari auditi. Magistrlik dissertatsiyasi. Ilmiy rahbar K.B.Urazov. 2019 y. 89 b

Material xarajatlari	Tibbiy servis xizmatlarini ko‘rsatishga bevosita sarflangan dori-darmonlar, buyumlar, xo‘jalik inventarlari va boshqalar	Dori-darmon va material hisoboti
Mehnat haqi xarajatlari	tibbiy xizmatlarini ko‘rsatuvchi xodimlarga hisoblangan asosiy ish haqi va mukofatlar	-Tabellar; -Buyruklar; -Hisob-to‘lov qaydnoma-lari
Mehnat haqi fondidan ijtimoyi ajratmalar	Tibbiy xizmatlarini ko‘rsatuvchi xodimlar ish haqi fondidan ijtimoyi ajratmalar	- Ijtimoyi ajratma hisob-kitobi.
Amortizatsiya ajratmalari	Tibbiy xizmatlarini kursatishda bevosita ishtirok etadigan asosiy vositalar va nomoddiy aktivlar bo‘yicha hisoblangan eskirish summasi	- Amortizatsiya hisob-kitobi
Boshqa xizmat ko‘rsatish xarajatlari	Tibbiy xizmatlari tannarxiga kiritiladigan boshqa xarajatlar	- schyot fakturalar - dalolatnomalar - boshqa hujjatlar

Tibbiy xizmatlarni ko‘rsatish uchun sarf etilgan xarajatlarini amalga oshirishda, tannarxni to‘g‘ri hisoblab chiqish asosiy qismi hisoblanadi.

Xulosa qiladigan bo‘lsak, tibbiy xizmatlarni ko‘rsatuvchi tashkilotlarda davr xarajatlarning schyotlarga to‘g‘ri olib borilganligini, ya’ni ikkiyoqlama yozuv to‘g‘ri amalga oshirilganligini, me’yoriy huquqiy hujjatlarga monandligini nazorat qilish kerak. Ma’muriy boshqaruv xodimlari bilan ish xaqining hisob-kitobi; asosiy vositalarning eskirishi, nomoddiy aktivlarning amortizatsiyasi to‘g‘ri hisobga noto‘g’ri tan olinganligi ma’muriy xarajatlarning oshishiga olib kelada, bu holat o‘z navbatida soliq to‘lovlariga ham o‘z ta’sirini ko‘rsatishi mumkin.

Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yxati

1. 1999-yil 5-fevraldagi 54-son qarori bilan tasdiqlangan “Mahsulot (ish, xizmatlarni ishlab chiqarish va sotish xarajatlari hamda moliyaviy natijalarni shakllantirish tartibi to‘g‘risida” gi O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining Nizom;

2. O‘zbekiston Respublikasi buxgalteriya hisobining Milliy standarti (21-sonli BHMS) Xo‘jalik yurituvchi sub'ektlar moliyaviy-xo‘jalik faoliyatining buxgalteriya hisobi schyotlari rejasi va uni qo‘llash bo‘yicha Yo‘riqnoma (AV tomonidan

23.10.2002 y. 1181-son bilan ro‘yxatga olingan Moliya vazirligining 09.09.2002 y. 103-sonli buyrug‘i bilan tasdiqlangan);

3. Z.B.Eshpulatova. Serviz xizmatlari auditi. Magistrlik dissertatsiyasi. Ilmiy rahbar K.B.Urazov. 2019 y. 89-bet.

ТАЪМИНОТ ЖАРАЁНИ ҲИСОБИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Х.Собиров
Тошкент давлат иқтисодиёт университети
магистранти

Бозор иқтисодиёти шароитида тадбиркорлик субъектларининг хўжалик маблағлари доиравий ҳаракатланишнинг турли босқичларида бўлиб, бизнес жараёнларида: *таъминот, ишлаб чиқариш ва реализация* жараёнларида иштирок этади. Мазкур хўжалик жараёнлари иқтисодий адабиётларда умумлаштирилган ҳолда бизнес жараёнлари деб аталади.

Маълумки, ишлаб чиқариш жараёни кенгайтирилган ижтимоий такрор ишлаб чиқариш жараёнидаги асосий босқич бўлиб, айнан шу босқичда моддий неъматлар ишлаб чиқарилади. Лекин, ишлаб чиқариш жараёнидан олдин яхши йўлга қўйилган таъминот жараёни бўлмаса, у муваффақиятли амалга ошмайди. Шу сабабли, тадқиқот ишида таъминот жараёни ҳисобининг ҳозирги ҳолати ва уни ривожлантириш йўлларига тўхталиб ўтмоқчимиз.

Юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, таъминот жараёни хўжалик юритувчи субъект молиявий-хўжалик фаолиятининг узлуксизлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади. Шу ўринда ҳақли бир савол туғилади. Хўш, «таъминот жараёни» деганда қандай жараён тушунилади ёки уни қандай изоҳлаш мумкин? Бунга аниқлик киритиш мақсадида айрим адабиётлар ва илмий манбалар ўрганилди. Жумладан, А.А.Каримов, Ф.Р.Исломов ва А.З.Авлоқуловларнинг нуқтаи назарича «Таъминот жараёни – корхона ишлаб чиқариш фаолиятининг нормал бориши учун мунтазам равишда хом-ашё, материал, ёқилғи, шунингдек, турли хилдаги асосий воситаларнинг харид қилиб турилиши зарурлиги билан изоҳланади. Бу жараён ишлаб чиқариш жараёни учун зарур воситаларни мол етказиб берувчилардан пулга сотиб олиб, корхонага келтириш билан чегараланади»[47].

Соҳа мутахассиси К.Б.Уразов «Корхона фаолият кўрсатиши учун унга меҳнат предметлари ва воситалари, ишчи кучи, пул маблағлари ва бошқа таъминотлар керак бўлади. Таъминот деб аталмиш бу жараённи, одатда, корхонанинг махсус таъминот бўлими ходимлари олиб борадилар. Ушбу жараёнсиз фаолиятнинг кейинги жараёнлари, яъни ишлаб чиқариш ва сотиш жараёнлари амалга ошиши мумкин эмас. Шунинг учун корхонанинг доимий фаолият кўрсатиши айнан таъминот жараёнининг узлуксизлигига бевосита

[47] Каримов А.А., Исломов Ф.Р., Авлоқулов А.З. Бухгалтерия ҳисоби. -Т.: «Шарқ» НМАК, 2004. -28 б.

боғликдир»[48] деб изоҳлайди. Ушбу ҳолатда К.Б.Уразов таъминот жараёнига таъриф бермаган бўлсада, корхонанинг ишлаб чиқариш ва сотиш жараёнларининг узлуксизлигини таъминлашда таъминот жараёни муҳим аҳамият касб этишини таъкидлаб ўтади.

Иқтисодчи олим Р.Д.Дусмуратов таъминот жараёнига таъриф бермасада, «Таъминот жараёнида корхона мол етказиб берувчилардан асосий воситалар, хом-ашё, материаллар, ёқилғилар ва маҳсулот ишлаб чиқариш ҳамда ишлаб чиқариш жараёнини таъминлаш учун зарур бўладиган бошқа буюмларни сотиб олади»[49] деб таъкидлаганлар.

Шунингдек, хорижлик иқтисодчи олимларининг таъминот жараёни тушунчасига доир фикрлари ҳам ўрганилди. Хусусан, А.С.Нечеткий ўз асарида «Таъминот (тайёрлаш) жараёнида ташкилотлар мол етказиб берувчилардан хўжалик фаолияти учун зарур бўлган меҳнат воситалари ва иш кучи билан биргаликда ташкилотнинг ишлаб чиқариш жараёнини таъминловчи ишлаб чиқариш захиралари (материаллар, ёқилғи, минерал ўғит, ўсимликларни ҳимоя қилиш воситалари ва бошқалар)ни харид қилади»[50] деб таъкидлаб ўтган.

Г.Н.Сапожникова таъминот жараёнини қуйидагича изоҳлайди: «Таъминот жараёнида ишлаб чиқариш ва хўжалик эҳтиёжлари учун зарур бўлган турли хил товар-моддий қийматликлар, реализация қилиш учун товарлар харид қилинади. Бухгалтерия ҳисобида харид қилинган захиралар таннархи аниқланади, мол етказиб берувчилар ва пудратчилар билан ҳисоб-китоблар ва бошқалар акс эттирилади»[51]. Демак, олиманинг фикрига кўра таъминот жараёнида нафақат ишлаб чиқариш ва хўжалик эҳтиёжлари учун товар-моддий қийматликлар харид қилинади, балки реализация қилиш учун ҳам товарлар таъминот жараёнида харид қилинар экан.

Хорижлик ҳамда мамлакатимиз иқтисодчи олимлари ва соҳа мутахасисларининг фикрларини умумлаштирган ҳолда шуни айтиш мумкин-ки, улар асосан маҳсулот ишлаб чиқариш фаолияти билан шуғулланувчи корхоналарнинг хусусиятидан келиб чиққан ҳолда таъминот жараёни тушунчасига таъриф беришган ёки изоҳлашган. Ваҳоланки, ишлаб чиқариш фаолиятидан ташқари, савдо ва хизмат кўрсатиш фаолияти билан шуғулланувчи хўжалик юритувчи субъектлар ҳам фаолият юритишмоқда. Жумладан, илмий тадқиқот объекти бўлган таъминот ташкилотлари маҳсулот ишлаб чиқариш фаолияти билан шуғулланмайди. Уларнинг асосий фаолият тури улгуржи савдо ҳисобланади. Яъни, ишлаб чиқарувчилардан товарларни харид қилиб, ўзларининг савдо устамаларини қуйган ҳолда харидорларга етказиб бериш фаолияти билан шуғулланади. Шу нуқтаи назардан, таъминот жараёнини қуйидагича изоҳлаш мақсадга мувофиқ ҳисобланади: «Таъминот жараёнида корхона фаолият хусусиятидан келиб чиққан ҳолда асосий фаолият

[48] Urazov K. B., Po‘latov M.E. Buxgalteriya hisobi –T.: “Innovatsion rivojlanish matbaa-uyi”, 2020. -558 b.

[49] R.D.Do‘smuratov. Buxgalteriya hisobi nazariyasi. –T.: «Fan va texnologiya», 2021. -261 b.

[50] Нечеткий А.С. Бухгалтерский учет в сельском хозяйстве: Учебник. - Мн.: ИВЦ Минфина, 2018. -17 с.

[51] Сапожникова Н.Г. Бухгалтерский учет: учебник. -М.: КНОРУС, 2019. -15 с.

узлуксизлигини ва хўжалик эҳтиёжлари учун мол етказиб берувчилардан асосий воситалар, товар-моддий қийматликлар ва бошқа буюмлар харид қилинади. Шу сабабли, ҳар бир корхонанинг асосий фаолият тури таъминот жараёнининг узлуксизлигига бевосита боғлиқ ҳисобланади».

Ўз навбатида, тадқиқот объекти бўлган таъминот ташкилотлари асосий фаолиятининг ҳам давомийлиги бевосита таъминот жараёнига боғлиқ. Юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, таъминот ташкилотлари ишлаб чиқарувчилардан қайта сотиш мақсадида товарларни харид қилиб, харидорларга савдо устамалари қўйилган ҳолда сотиш фаолияти билан шуғулланади. Яъни, уларнинг асосий фаолият тури товарларни сотиш фаолияти ҳисобланади. Демак, таъминот ташкилотининг фаолият хусусиятидан келиб чиққан ҳолда унда таъминот жараёни ва унинг ҳисобини *«ўз ички хўжалик эҳтиёжлари таъминоти»* ва *«асосий (устав) фаолияти таъминоти»*га бўлган ҳолда ташкил этиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Дастлаб, таъминот ташкилотида ўз ички хўжалик эҳтиёжлари таъминоти жараёни ва унинг ҳисобини ривожлантириш масаласига тўхталиб ўтмоқчимиз. Асосий (устав) фаолияти таъминоти жараёни ва унинг ҳисобини такомиллаштириш масалаларига тадқиқот ишимизнинг кейинги параграфида батафсил баён қиламиз.

Таъминот ташкилоти мол етказиб берувчилардан хўжалик эҳтиёжлари учун зарур бўлган асосий воситалар, товар-моддий қийматликлар ва бошқа активларни ўз ички хўжалик эҳтиёжлари таъминоти жараёнида харид қилади. «Ушбу босқичда бухгалтерия ҳисобининг вазифаси – харидлар ҳажмини тўғри ва ўз вақтида ҳисоблаш, мол етказиб берувчилардан моддий қийматликларни олиб келишдаги йўлдаги эҳтимолий йўқотишларни аниқлаш ва улар билан ҳисоб-китобларни амалга оширишдан иборат. Ушбу барча операциялар томонлар ўртасида имзоланган шартномаларда белгиланган шартларга мувофиқ ҳисобда акс эттирилади»[52].

Маълумки, амалдаги қонунчиликка мувофиқ хўжалик юритувчи субъектлар томонидан мол етказиб берувчилардан сотиб олинган товар-моддий қийматликлар ҳисобда ҳақиқий таннархи бўйича акс эттирилади. Афсуски, аграр секторда фаолият юритаётган йирик таъминот ташкилотларида товар-моддий қийматликлар турлари ҳамда хўжалик операциялари ва уларга асос бўлувчи бошланғич ҳисоб ҳужжатларининг кўплиги сабабли таъминот жараёнининг жорий ҳисобини ҳақиқий қиймати бўйича олиб бориш имконини қийинлаштиради. Шунингдек, товар-моддий қийматликларга илова қилинган ҳужжатларнинг кечикиб келиши ва уларни етказиб бериш асосан ишлаб чиқаришнинг мавсумийлиги сабабли ҳам таъминот жараёнининг жорий ҳисоби бир маромда амалга оширилмайди. Шундай экан, таъминот ташкилотида ўз ички хўжалик эҳтиёжлари таъминот жараёни жорий ҳисобини шартнома баҳоларида амалга ошириш ва четланишларни алоҳида ҳисобга олиш зарур деб ҳисоблаймиз.

[52] Астахов В.П. Теория бухгалтерского учета. – Ростов н/Д: Издательский центр «МарТ», 2020. -260 с.

Ушбу мақсадлар учун «Хўжалик юритувчи субъектлар молиявий-хўжалик фаолиятининг бухгалтерия ҳисоби счётлар режаси ва уни қўллаш бўйича йўриқнома» номли 21-сонли Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти (БҲМС)да қуйидаги счётлар кўзда тутилган: 1000-«Материалларни ҳисобга олувчи счётлар» (1010-1090), 1510-«Материалларни тайёрлаш ва харид қилиш», 1610-«Материаллар қийматидаги фарқлар» ва бошқалар.

Юқорида келтирилганларнинг тушунарли бўлиши учун таъминот жараёнини 1510-«Материалларни тайёрлаш ва харид қилиш» ва 1610-«Материаллар қийматидаги фарқлар» счётларидан фойдаланган ҳолда бухгалтерия ҳисобида акс эттиришни қуйидаги шартли амалий мисол ёрдамида ёритиб берамиз.

Айтайлик, тадқиқот объекти бўлган «Урганч нефт базаси» МЧЖ ва «WBM QO`SHKO`PIR CLASTER» (СТИР-307516712) масъулияти чекланган жамият (МЧЖ) ўртасида қуйидаги материалларни етказиб бериш тўғрисида олди-сотди шартномаси тузилган (суммалар шартли равишда):

а) Синтетик дизель ёқилғиси, 1 кг баҳоси 9500 сўмдан, 10000 кг суммаси: 95 млн.сўм.

б) Эко дизель ёқилғиси, 1 кг баҳоси 11500 сўмдан, 10000 кг. суммаси: 115 млн.сўм.

Жами: 210 млн.сўм.

Харидор-корхона ҳисобидан мол етказиб берувчи томонидан тўланган темир йўл тарифи: 2 млн.сўм.

Ҳаммаси: 212 млн.сўм сўм.

1. Шартномага мувофиқ «WBM QO`SHKO`PIR CLASTER» МЧЖ шартнома қийматининг 50 % и миқдорида олдиндан тўловни амалга оширди:

Дебет 4310-«ТМҚлар учун мол етказиб берувчи ва пудратчиларга тўланган бўнаклар» – 106 млн.сўм;

Кредит 5110-«Ҳисоб-китоб счёти» – 106 млн.сўм.

Олдиндан тўлов амалга оширилгандан кейин «Урганч нефт базаси» МЧЖ счёт-фактура бўйича «WBM QO`SHKO`PIR CLASTER» МЧЖ га материалларни юклаб жўнатди:

а) Синтетик дизель ёқилғиси, 1 кг баҳоси 9500 сўмдан, 10000 кг суммаси: 95 млн.сўм.

б) Эко дизель ёқилғиси, 1 кг баҳоси 11500 сўмдан, 10000 кг. суммаси: 115 млн.сўм.

Жами: 210 млн.сўм.

Харидор-корхона ҳисобидан мол етказиб берувчи томонидан тўланган темир йўл тарифи: 2 млн.сўм.

Ҳаммаси: 212 млн.сўм сўм.

2. Шартнома баҳоси бўйича 200 млн.сўм суммасидаги материаллар акцепти ва мол етказиб берувчи томонидан темир йўл учун олдиндан тўланган ҳамда харидор томонидан қопланадиган 2 млн.сўмлик транспорт-тайёрлов харажатлари ҳақиқий суммаси 1510-«Материалларни тайёрлаш ва харид

қилиш» счёти дебетида ва 6010-«Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган счётлар» счётининг кредитида акс эттирилади:

Дебет 1510-«Материалларни тайёрлаш ва харид қилиш» - 212 млн.сўм;

Кредит 6010-«Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган счётлар» - 212 млн.сўм.

3. Транспорт ташкилоти томонидан материалларни темир йўл станциясидан «Урганч нефт базаси» МЧЖ омборигача ташиш 4 млн.сўмни ташкил қилди ва у ҳисобда қуйидагича акс эттирилади:

Дебет 1510-«Материалларни тайёрлаш ва харид қилиш» - 4 млн.сўм;

Кредит 6010-«Мол етказиб берувчи ва пудратчиларга тўланадиган счётлар» - 4 млн.сўм.

Шундай қилиб, 1510-«Материалларни тайёрлаш ва харид қилиш» счёти дебетида мол етказиб берувчининг шартнома қиймати 212 млн.сўм ва ҳақиқатда сарфланган транспорт-тайёрлов харажатлари 4 млн. сўмдан иборат бўлган материалларнинг ҳақиқий таннархи – 216 млн.сўм шаклланади.

4. Омборга келиб тушган материалларнинг шартнома баҳоси бўйича кирим қилиниши қуйидагича акс эттирилади:

Дебет 1010-«Хом-ашё ва материаллар» - 210 млн.сўм;

Кредит 1510-«Материалларни тайёрлаш ва харид қилиш» - 210 млн.сўм.

Демак, мол етказиб берувчилардан келиб тушган материалларнинг ушбу партиясига тегишли транспорт-тайёрлов харажатлари миқдорига тенг бўлган четланиш суммаси 4200 минг сўмни ташкил қилади. Ушбу сумма 1510-«Материалларни тайёрлаш ва харид қилиш» счёти дебети (216 млн.сўм) ва кредити (210 млн.сўм) бўйича суммаларни таққослаш натижасида аниқланган.

5. 1510-«Материалларни тайёрлаш ва харид қилиш» счёти бўйича оборотларни ёпишда 6 млн.сўм фарқ 1610-«Материаллар қийматидаги фарқлар» счёти дебетига олиб борилади.

Дебет 1610-«Материаллар қийматидаги фарқлар» - 6000 минг сўм;

Кредит 1510-«Материалларни тайёрлаш ва харид қилиш» - 6000 минг сўм.

6. Кредиторлик қарзининг қолган қисми 106000 (212000 – 106000) минг сўмни сўндириш учун ҳисоб-китоб счётидан ўтказиб берилиши қуйидагича акс эттирилади:

Дебет 6010-«Мол етказиб берувчи ва пудратчиларга тўланадиган счётлар» - 106000 минг сўм;

Кредит 5110-«Ҳисоб-китоб счёти» - 106000 минг сўм.

7. Шундан кейин «WBM QO`SHKO`PIR CLASTER» МЧЖ га шартномага мувофиқ шартнома суммасининг 50 % и миқдорида олдиндан тўланган бўнак миқдорини ҳисобга олиш керак:

Дебет 6010-«Мол етказиб берувчи ва пудратчиларга тўланадиган счётлар» - 106000 минг сўм;

Кредит 4310-«ТМҚлар учун мол етказиб берувчи ва пудратчиларга берилга бўнаклар» - 106000 минг сўм.

Хўжалик операцияларининг юқорида келтирилган рўйхатини таъминот

ташкилоти ўз ички хўжалик эҳтиёжлари таъминот жараёни ҳисобининг алгоритмини қуйидагича акс эттириш мумкин (расм).

Шунингдек, ҳар бир харид қилинган материал тури бўйича ҳам ҳақиқий таннархни аниқлашимиз мумкин. Бунинг учун қуйидаги махсус ҳисоб-китоб ишларини амалга ошириш зарур. Аввало, транспорт-тайёрлов харажатларининг сотиб олинган материаллар шартнома қийматидаги улуши (фоизи)ни топиш керак. Шундан сўнг, аниқланган фоиз бўйича аналитик счётлар маълумотларидан фойдаланган ҳолда транспорт-тайёрлов харажатларининг тегишли материал турига тўғри келадиган суммаси ҳисоблаб чиқилади. Агар транспорт-тайёрлов харажатларининг суммаси сотиб олинган ҳар бир материал тури бўйича шартнома баҳосига қўшилса, сотиб олинган ҳар бир материал турининг ҳақиқий таннархи келиб чиқади.



1-Расм. Таъминот ташкилотларида ўз ички хўжалик эҳтиёжлари таъминот жараёни ҳисоби алгоритми[53]

Юқоридаги хўжалик операциялари мазмунидан кўриниб турибдики, транспорт-тайёрлов харажатлари суммаси материалларни тайёрлаш жараёнида 6000 минг сўмни ташкил қилган. Ушбу материалларнинг шартнома баҳоси 210000 минг сўмни ташкил қилади. Бундан келиб чиқадики, транспорт-тайёрлов харажатларининг материалларни тайёрлаш ҳажмидаги улуши

[53] Дусмуратов Р.Д., Болтаев А.С. Монография. Таъминот ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби ва таҳлилнинг ташкилий-услубий жиҳатлари. -Т.: «Fan ziyosi» нашриёти, 2022. – 21 бет.

қуйидагича бўлади, %:

210000 минг сўм — 100 %,
6000 минг сўм — х (%),

$$х = \frac{6000x100}{210000} = 2.85\%$$

Транспорт-тайёрлов харажатлари суммаси алоҳида материал турлари ўртасида қуйидагича тақсимланади:

$$\text{Синтетик дизель ёқилғисига} = \frac{95000x2,85}{100} = 2715 \text{ минг сўм;}$$

$$\text{Эко дизель ёқилғисига} = \frac{115000x2,85}{100} = 3285 \text{ минг сўм.}$$

Демак, «WBM QO`SHKO`PIR CLASTER» МЧЖ томонидан харид қилинган материаллар ҳар бир турининг ҳақиқий таннархи қуйидагича бўлган:

Синтетик дизель ёқилғиси = 95000 + 2715 = 97715 минг сўм;

Эко дизель ёқилғисига = 115000 + 3285 = 118285 минг сўм.

Ушбу ҳисоб-китобларга мувофиқ «WBM QO`SHKO`PIR CLASTER» МЧЖ томонидан харид қилинган материаллар таннархи калькуляциясини қуйидагича тасвирлаш мумкин (жадвал).

1-Жадвал

«WBM QO`SHKO`PIR CLASTER» МЧЖ томонидан харид қилинган материаллар таннархи калькуляцияси[54]

Харажат моддалари	Синтетик дизель ёқилғиси		Эко дизель ёқилғиси		Ҳақиқий таннархи, минг сўм
	Барча миқдорига (1000 кг), минг сўм	1 кг учун, минг сўм	Барча миқдорига (1000 кг), минг сўм	1 кг учун, минг сўм	
1. Харид (шартнома) қиймати	95000	9,5	115000	11,5	21000
2. Транспорт-тайёрлов харажатлари	2715	2,72	3285	3,28	6000
Ҳақиқий таннархи жами	97715	97,72	118285	118,28	216000

Жадвалдан кўриниб турибдики, таъминот жараёни бўйича барча хўжалик операциялари акс эттирилганидан кейин 1010 - «Хом-ашё ва материаллар» счёти дебетида харид қилинган материалларнинг ҳақиқий таннархи 64200 минг сўм, шу жумладан «А» материал аналитик счётида 21400 минг сўм, «Б» материал аналитик счётида 42800 минг сўм шаклланади.

Шундай қилиб, таъминот жараёни ҳисобини такомиллаштириш бўйича олиб борилган изланиш қуйидаги хулосаларни шакллантириш имконини берди:

биринчидан, Таъминот ташкилотининг фаолият хусусиятидан келиб чиққан ҳолда унда таъминот жараёни ва унинг ҳисобини *«ўз ички хўжалик эҳтиёжлари таъминоти»* ва *«асосий (устав) фаолияти таъминоти»*га бўлган ҳолда ташкил этиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

[54] Тадқиқот натижалари асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилди

иккинчидан, таъминот ташкилоти ўз ички хўжалик эҳтиёжлари таъминот жараёнида материаллар партияси харид қилиш ва унга доир қўшимча харажатлар билан боғлиқ хўжалик операцияларини ҳисобга олиш алгоритми ишлаб чиқилди ҳамда материалларнинг ҳар бир тури бўйича ҳақиқий таннархни аниқлаш ҳисоб-китоби кўрсатиб берилди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Қонуни. 2016 йил 13 апрел. https://lex.uz/docs/2931253
2. Ўзбекистон Республикаси Бухгалтерия ҳисоби миллий стандарти (4-сонли БҲМС) «Товар-моддий захиралар» https://lex.uz/docs/4890446
3. Ўзбекистон Республикаси Бухгалтерия ҳисоби миллий стандарти (21-сонли БҲМС) «Хўжалик юритувчи субъектларнинг молия-хўжалик фаолияти бухгалтерия ҳисоби ҳисоботлар режаси ва уни қўллаш бўйича йўриқнома». https://lex.uz/acts/417624
4. Каримов А.А., Исломов Ф.Р., Авлоқулов А.З. Бухгалтерия ҳисоби. -Т.: «Шарқ» НМАК, 2004. -28 б.
5. Urazov K. B., Po‘latov M.E. Buxgalteriya hisobi –T.: “Innovatsion rivojlanish matbaa-uyi”, 2020. -558 b.
6. R.D.Do‘smuratov. Buxgalteriya hisobi nazariyasi. –T.: «Fan va texnologiya», 2021. -261 b.
7. Нечеткий А.С. Бухгалтерский учет в сельском хозяйстве: Учебник. -Мн.: ИВЦ Минфина, 2018. -17 с.
8. Сапожникова Н.Г. Бухгалтерский учет: учебник. -М.: КНОРУС, 2019. -15 с.
9. Астахов В.П. Теория бухгалтерского учета. – Ростов н/Д: Издательский центр «МарТ», 2020. -260 с.

TASHQI IQTISODIY FAOLIYAT BO’YICHA HISOBLASHUV MUOMALALARI HISOBINI TASHKIL ETISHNING ME’YORIY XUQUQIY ASOSLARI TIZIMI

Misirov A.A.
SamISI «Buxgalteriya hisobi»
kafedra assistenti

Annotatsiya: Maqolada eksport-import operatsiyalari Xo’jalik yurituvchi sub’ektlarda eksport-import operatsiyalari bo’yicha hisoblashuv muomalalari hisobini tashkil etishning me’yoriy xuquqiy asoslari, muammo yechimlari, mamlakatimizda bugungi kunda eksport-import soxasidagi o’zgarishlar va isloxotlari ochib berilagan va mavzu doirasida xulosa va takliflar berilgan.

Kalit so’zlar: eksport, import, globallashuv, ijtimoiy-iqtisodiy, taraqqiyot, savdo-sotiq, investitsiya, moliyaviy qo’yilma, xizmatlar ko’rsatish, litsenziya, savdo markazi, dastur, patent, bojxona, tarif, iqtisod, tashqi, savdo-sotiq,

investitsiya, sub’ekt, bank, tovar-pul vositalari, hisob-kitob, xalqaro, hujjat, shartnoma, sarmoya.

O’zbekiston Respublikasida mustaqillik yillarida amalga oshirilgan tadbirlar natijasida ochiq iqtisodiyotni shakllantirish va tashki iqtisodiy alokalarni erkinlashtirish uchun mustaxkam huquqiy asoslar yaratildi. Jumladan, “Eksport-import munosabatlari to’g’risida”gi, “Chet el investorlar faoliyatining kafolatlari to’g’risidagi”, “Erkin iqtisodiy zonalar to’g’risidagi” qonunlar, O’zbekiston Respublikasi Prezidentining Farmonlari, Vazirlar Mahkamasining karorlari va boshka me’yoriy xujjatlar tashki iqtisodiy alokalar hamda eksport-import munosabatlarini tartibga solib turadi, chet el investitsiyalarini jalb qilish va ragbatlantirish tartibini belgilab beradi. Xususan, tashki iqtisodiy alokalarni amalga oshirishning asosiy tamoyillari va tartiblari “Eksport-import munosabatlari to’g’risidagi” Qonunda belgilab berilgan.

Xalqaro huquqning umume’tirof etilgan me’yorlariga muvofik, mulkchilik shakllaridan kat’iy-nazar, tashki iqtisodiy alokalar ishtirokchilarining huquqlari, manfaatlari va mol-mulklari ximoya kilinadi. “Chet el investitsiyalari va chet ellik investorlar faoliyatining kafolatlari to’g’risidagi” qonunda xujalik jamoalari va shirkatlarida, banklar va sug’urta tashkilotlarida xissadorlik asosida ishtirok etish, ya’ni mulklarni aktsiyalar va boshqa qimmatli qog’ozlarni sotib olish, shuningdek, erga (jumladan, ijaraga olingan erga) va tabiiy resurslarga egalik qilish va ulardan foydalanish huquqi ham chet el investitsiyalarini amalga oshirish shakllari bo’lib xizmat qilishi mumkinligi kayd etilgan. Bu qonunning chet ellik sarmoyador huquqlarini kafolatlovchi muxim jixatlaridan yana biri shuki, agar O’zbekiston Respublikasining keyingi qonunlari investitsiya sharoitini yomonlashtirib ko’yadigan bo’lsa, u xolda chet ellik investorlarga nisbatan o’n yilgacha bo’lgan muddatga investitsiyalar amalga oshirilib turgan paytda amalda bo’lgan qonunlar tatbiq etiladi. Shu bilan birga, qonunda chet el investitsiyalari milliylashtirish amalga oshirilmasligi kafolatlanadi, shuningdek, ularni majburan sotib olish ham mumkin emas, lekin tabiiy ofatlar, avariyalar, epidemiyalar, epizootiyalar (xayvonlar ulati) yuz bergan xollar bundan mustasno. Bunday xollarda chet ellik investorlarga tulanadigan kompensatsiyani keltirilgan zararga barobar bo’lishi nazarda tutiladi.

Chet ellik sarmoyadorlarning o’z investitsiyalarini ixtiyoriy ravishda sug’urta qilish huquqi investorlarni uz mulklarining ekspropriatsiya kilinishidan, mamlakat ma’murlarining sug’urta tashkiloti bilan investor o’rtasidagi shartnomaviy munosabatlari aralashuvidan, milliy va boshka valyutalar almashtirishni hamda ularni mamlakat tashkarisiga chiqarishni cheklashlardan va boshka xatarlardan muxofaza qilishni ta’minlaydi.

1-jadval

Tashqi iqtisodiy faoliyat bo'yicha hisoblashuv muomalalari hisobini tashkil etishning me'yoriy xuquqiy asoslari tizimi[55]

1 – POG'ONA
Tashqi iqtisodiy faoliyat bo'yicha hisoblashuv muomalalari hisobini bevosita va bilvosita tashkil etishni tartibga soluvchi qonunlar va qonuniy xujjatlar (O'zbekiston Respublikasi qonunlari, O'zbekiston Respublikasi Prezidenti farmonlari, O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Maxkamasi qarorlari).
2 – POG'ONA
Tashqi iqtisodiy faoliyat bo'yicha hisoblashuv muomalalari hisobini tashkil etishini bazaviy tamoyillarini umumlashtiruvchi me'yoriy xujjatlar (yo'riqnomalar, nizomlar, buxgalteriya hisobi milliy standartlari va boshqalar).
3 – POG'ONA
Korxonalarda tashqi iqtisodiy faoliyat bo'yicha hisoblashuv muomalalari hisobini yuritish mexanizmi, xususiyatlarini aks ettiruvchi ishlab chiqarish hisobini tashkiliy, texnik va uslubiy jixatlarini mujassamlashtirgan hisob siyosati.

O'zbekiston Respublikasi Prezidentining "Tovarlar (ishlar, xizmatlar) eksportini rag'batlantirish bo'yicha qo'shimcha chora-tadbirlar to'g'risida"gi farmoniga ko'ra, o'tgan yilning 1 noyabridan boshlab, tovarlarning (ishlar, xizmatlarning) barcha turiga eksport bojxona bojlari hamda tovarlar (ishlar, xizmatlar) eksportini litsenziyalash bekor qilindi. Faqat mahsus mahsulot turlarigagina bu qoidadan mustasno qilib qo'yildi. Ushbu Farmonda belgilangan chora-tadbirlar — birinchi navbatda, tashqi savdo faoliyatini yanada erkinlashtirishga, eksport-import operatsiyalarida tarif va notarif boshqarish usullarini tartibga solishga va takomillashtirishga qaratilgan.

Farmonda ko'rsatilgan muddatdan boshlab, raqobat-bardoshli mahsulot ishlab chiqarishni kengaytirish maqsadida erkin muomaladagi valyutaga eksport qiladigan korxonalar uchun bir qator qo'shimcha imtiyozlar berish joriy etilgan, masalan:

- bu korxonalarga o'z mahsulotini oldindan pul olmasdan va akkreditiv ochmasdan eksport qilish huquqi beriladi;
- eksport qilinayotgan tovar ulushi mahsulotni sotishning umumiy xajmi 30 yoki undan ko'proq foizini tashkil etsa, u xolda korxonalarning daromad solig'i stavkasi amaldagi stavkaga qaraganda ikki barobar kamaytiriladi;
- korxonalar o'z mahsulotlarini ichki bozor narxlaridan arzon narxlarda eksport qilgan sharoitda ulardan olinadigan soliq baza eksport mahsulotini sotishdan tushgan amaldagi narx bilan hisob-kitob qilinadi. Farmonning muxim xususiyatlaridan yana biri shundan iboratki, unda ko'rsatilgan imtiyozlar faqat eksportga tayyor mahsulot ishlab chiqarishga astoydil intilgan korxonalarni rag'batlantirishga qaratilgan.

Keyingi besh yil ichida respublikada eksport-import munosabatlarini rivojlantirish bo'yicha muhim ishlar qilindi, uning me'yoriy-huquqiy bazasi

[55] G'ulomova F.G'. "Buxgalteriya hisobini mustaqil o'rganish uchun qo'llanma". Toshkent: NORMA, 2009 yil

yaratildi, tegishli institutsional uzgarishlar amalga oshirildi, iqtisodiyotimizni tashki dunyoga yanada kengroq ochish va erkinlashtirishga qaratilgan jiddiy qadamlar qo'yildi.

Eksport-import munosabatlarining huquqiy asoslari xakida so'z yuritganda, bu erda albatta xalqaro bitimlar to'g'risida ham biroz to'xtalib o'tish maqsadga muvofiqdir. Chunki, ikkita yoki bir nechta xalqaro munosabatlar qatnashchilarining xar qanday birgalikdagi faoliyati, kelishilgan, huquqiy kuchga ega bo'lgan xujjatlar asosida amalga oshiriladi.

Ikki va o'ndan ortiq davlatlar o'rtasida xalqaro bitimlar tuziladi va ular quyidagi turlarga bo'linadi:

- umumiy tusdagi bitimlar. Ushbu bitim ikki davlat o'rtasida tuzilgan xalqaro bitim bo'lib, uz ichiga munosabatlar asosi, diplomatik munosabatlarni o'rnatish xaqida bitimdir. Unda iqtisodiy munosabatlar aloxida bo'lim sifatida ajratilib ko'rsatiladi.
- mahsus bitimlar. Bu bitimlar asosan, iqtisodiy masalalar bo'yicha ikki yoki ko'p tomonlama tuziladigan quyidagi bitimlardir:

a) bitimlar va shartnomalar. Bu bitimlar mahsulotlar va xizmatlar eksport-importining umumiy shartlari va tartibini aniqlovchi xujjatlardir. Ular qatorida aloxida ahamiyatga ega mahsulotlar va xizmatlarga taalluqli mahsus bitimlar ajratiladi. Masalan, o'simlik va xayvonot dunyosiniig yo'qolib borayotgan turlarining xalqaro savdosi bo'yicha Konventsiya, shuningdek, ishlab chiqaruvchi va iste'molchilar manfaatlarini ko'zlagan xolda keskin narx tebranishining oldini olish yoki yumshatish maqsadida xom-ashyo resurslari savdosida qo'llaniladigan ko'p tomonlama shartnomalar.

Bu bitimlar kontrogentlar yoki xorijiy sheriklar o'rtasida xalqaro tijorat shartnomalari shartnoma tuzish uchun asos bo'lib xizmat qiladi.

b) bojxona bitimlari;

v) soliq bitimlari. Masalan, ikki marta soliq olishning oldini olish maqsadida. Xalqaro munosabat qatnashchilarining soliq solish umumiy qoidalari, sharoitlari va tartibi to'g'risidagi soliq bitimlari;

g) investitsiyalarni himoyalash xaqidagi davlatlararo bitimlar, ya'ni iqtisodiy munosabat o'rnatilayotgan ikki mamlakat o'rtasida tuziladigan kapital qo'yilmalarning o'zaro kafolati va rag'batlantirish xaqidagi shartnomalardir.

O'zbekiston Respublikasi tabiati rang-barang bo'lib, agrar soxani rivojlantirish uchun shart-sharoitlar mavjuddir. Bunga jahon bozorlarida talab yuqori va bahosi qimmat bo'lgan qishloq xo'jaligi va chorvachilik mahsulotlari etishtirilishi kiradi. Bular paxta tolasi, qorako'l teri va boshqa mahsulotlar hisoblanadi. Asosan, O'zbekistonning eksportida paxta tolasi, qorako'l teri, mashinalar, kabel mahsulotlari va boshqalar etakchi o'rinda turadi.

Respublikamizga keltirilayotgan import mahsulotlari esa, ko'proq texnika va xalq xo'jaligi ustuvor soxalarining rivoji uchun xizmat qilishi kerak.

Respublikaning jahon xo'jaligi tizimiga shaxdam qadamlar bilan kirib borishi uchun, xorijiy davlatlar va xalqaro tashkilotlar bilan iqtisodiy aloqalarining o'rnatilishi tashqi faoliyatni boshqaruv tizimini tubdan o'zgartirishni talab qiladi.

Ushbu ko’rinish respublika tashqi siyosati oldiga qo’yilgan ikki muxim xolat bilan bog’liq:

Birinchidan, O’zbekiston mustaqillikka erishgach, tashqi iqtisodiy munosabatlar uchun uzining mustaqil siyosatini ishlab chiqishi va uni amalga oshirishi uchun javobgar bo’lgan mahsus tashkilotlar tuzish taqozo etildi.

Ikkinchidan, Respublikada milliy iqtisodiyotni tubdan o’zgartirib, qaytadan ishlab chiqish, ya’ni qayta qurish jarayoni tufayli eksport-import munosabatlari ishtirokchilari kengaydi, ularga turli soxada tashqi iqtisodiy bitimlarni tuzishda kengroq huquqlar berildi. Ushbu soxadagi shartnomalarni, bitimlarni faqat davlat idoralari emas, balki mulkchilikning boshka shakllariga asoslangan turli birlashmalar, korxona-tashkilotlarga ham tuzish imkoniyati berildi.

Ushbu omillarni hisobga olgan xolda respublikada eksport-import munosabatlari va eksport-import munosabatlarini boshqarish tizimi shakllanmoqda hamda uning tarkibiy qismiga kirgan tashkilotlar faoliyati takomillashtirilmoqda.

Eksport-import munosabatlariga kadrlar tayyorlash soxasida ham, bir qancha murakkab vazifalar quyilgan edi. Bu vazifalarga quyidagilarni kiritish mumkin:

- respublikamizda faoliyat yuritayotgan institut va universitetlarning tashqi iqtisodiy munosabatlari, xalqaro marketing va menejment bo’limlarida qo’shimcha o’quv-konsalting markazlarini tashkil etish;
- universitet va unstitutlarning o’qituvchi kadrlarini tayyorlash va malakasini oshirish;
- iqtisodiyotning turli soxalarida faoliyat ko’rsatyotagan rahbar xodimlar va mutaxassislarni tashqi iqtisodiy tarkibda ish olib borishlarini ta’minlash, malakasini oshirish;
- chet el universitetlarida va kompaniyalarida o’qish va amaliyotga borishni tashkil etish va xokazolar.

O’zbekistonda ta’lim soxasida ham juda katta o’zgarishlar ro’y berdi. Respublikaning “Ta’lim to’g’risida”gi qonuni qabul qilindi va o’tgan davr mobaynida 300 ta yangi turdagi ta’lim muassasalari ochildi. Respublikada bozor munosabatlarini rivojlantirish, xo’jalik yuritishning ilg’or usullari va ishlab chiqarishni ilmiy-texnikaviy rivojlantirish, eksport-import munosabatlari bilan bog’lik bilim soxalari bo’yicha mutaxassislar tayyorlash kengaymokda.

Bevosita xo’jalik yurituvchi sub’ektlarda tashqi iqtisodiy faoliyatdan olinadigan foyda va undan to’lanadigan soliq hisobini tashkil etishning me’yoriy xuquqiy asoslari negizini 2016 yil 13 aprelda qabul qilingan 404-sonli O’zbekiston Respublikasining “Buxgalteriya hisobi to’g’risida” gi qonuni tashkil etadi.

“Buxgalteriya hisobi to’g’risida” gi qonun talablari bo’yicha hisob ob’ektlaridan biri bo’lgan tashqi iqtisodiy faoliyat bo’yicha hisoblashuv muomalalari hisobini tashkil etish uchun tegishli Buxgalteriya hisobi milliy standartlari qabul qilingan. Jumladan 22 sonli “Chet el valyutasida ifodalangan aktivlar va majburiyatlarni xisobi” Buxgalteriya xisobi milliy standartida chet el valyutasidagi operatsiyalarni buxgalteriya hisobida aks ettirish, import qilingan tovar moddiy qiymatliklarni xarid qiymatini shakllantirish, kurs farqlari hisobi, mamlakatdan tashqarida faliyat yuritish uchun ishlatiladigan aktivlar va majburiyatlar hisobi keltirilgan. Shuningdek

chet el valyutasida ayrim operatsiyalarni amalga oshirish sanalari ro'yxati keltirilgan.

Eksport-import munosabatlarining yangi strategiyasi iqtisodiyotning tarkibiy qismidagi inqirozni engib o'tish, iqtisodiy taraqqiyot va xalqaro mexnat taqsimotida, jahon savdosida yuqori sifatli mahsulotlar bilan ishtirok etish hamda eksport-import munosabatlarini takomillashtirish asosiy vazifalardandir. Buning uchun:

Birinchidan, eksport saloxiyatini tiklash, rivojlantirish va eksport tarkibini yaxshilash. Buning uchun, qisqa fursat ichida eksportga muljallangan mahsulotlar ishlab chiqarishni kuchaytirish, bu erda nafakat xom-ashyomiz va tabiiy resurslarimiz hisobiga balki, ilmiy-texnikaviy bilimlarimiz, arzon ishchi kuchi hisobiga, ishlab chiqarishning ustuvor soxalarini rivojlantirish hisobiga erishish kerak.

Ikkinchidan esa, importni ratsionallashtirish muxim vazifalardan biri bulib, bu erda import siyosati nafaqat aholining turmush tarzi va manfaatlarini ko'zlab, balki iqtisodiyotni yangilash va raqobatbardoshligini ta'minlashga xizmat qiladi. Mashinasozlik importida imkon boricha tayyor mashinalar, transport vositalari va texnologik asbob-uskunalari ko'proq foydali qazilmalar qazish ishlari uchun va qayta ishlovchi soxalar uchun sotib olinishi kerak. Importning samarasini oshirilishida yana, O'zbekiston iqtisodiyoti uchun zarur bo'lgan mahsulotlar o'rnini bosuvchi va kam xarajatlar sarflanadigan (ya'ni, bu erda albatta sotib olish va olib kelish uchun ketgan xarajatlar e'tiborga olinib) mahsulotlar ishlab chiqarishni tashkil etish ham asosiy yo'nalishlardandir.

Uchinchidan, respublikada ishlab chiqarilayotgan mahsulotlarning jahon bozorlarida raqobatbardoshligini oshirishdir. Eksport potentsialini kengaytirishda va jahon xo'jaligiga kirishning integratsiya jarayonida, O'zbekistonda ishlab chiqarilgan mahsulotlar iloji boricha sifatli va kam xarajat qilingan, jahon bozori shartlari va talablarini qoniqtiradigan darajada bo'lishi shart. Buning uchun esa, asta-sekinlik bilan ichki va jahon ishlab chiqarish andozalari va mahsulotlar sifatini bir-biriga yaqinlashtirish kerak.

Turtinchidan, texnologiyani yangilash va kengaytirilgan ishlab chiqarish saloxiyatini tashkil qilishga chet el investitsiyalarini jalb qilish. Chet el kreditlari uzoq muddatli va katta masshtabli investitsiyalarni ta'minlashning yagona manbasi ekanligi ma'lumdir. Bu masalada aniq bir maqsad sari intilish kerakligini ta'kidlab o'tish lozim.

Respublikada chet el sarmoyalarini siyosiy va iqtisodiy riskdan sug'urta qiluvchi institutlar yaxshi ishlamasa, chet el investitsiyasining respublikamizga kirib kelishi qiyinlashadi. Shuning uchun, respublikamizda chet el investitsiyasi uchun qulay shart-sharoitlar, aniq maqsad sari yo'naltirilgan vazifalar yo'lga qo'yilishi zarur.

Beshinchidan, O'zbekiston Respublikasining iqtisodiy xavfsizligini ta'minlash. Eksport-import munosabatlari soxasi shartlari tashkil etilishida iqtisodiy xavfsizlik asosiy rollardan birini o'ynaydi. Milliy xavfsizlikni ta'minlashda tartibga solishning asosiy 3 xil ko'rinishi mavjud:

1. Valyuta nazorati.

2. Eksport va import nazorati.

3. Xom-ashyoning strategik turlari olib chiqilishini tartibga solish.

Ushbu soxalarning o'ziga xos shakllari va tartibga solish uslublari mavjud. Albatta, yuqorida keltirilgan fikr-muloxazalarga, tahliliy qarashlarga hamda nazariy xulosalarga ustuvor yo'nalish sifatida e'tibor berish, shak-shubxasiz eksport-import munosabatlarini rivojlantirish uchun xizmat qiladi

Adabiyotlar r o'yxati

1. PQ-4611-son «Moliyaviy hisobotning xalqaro standartlariga o'tish bo'yicha qo'shimcha chora-tadbirlari to'g'risidagi O'zbekiston Respublikasi Prezidentining qarori. 2020 yil 24 fevral;

2. O'zbekiston Respublikasi "Buxgalteriya hisobi to'g'risida" gi Qonuni, Yangi taxriri. 2016 yil 13 aprel;

3. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining qarori, 07.05.2020 yildagi PQ-4707-son « Eksport faoliaytini yanada qo'llab-quvvatlash chora-tadbirlari to'g'risida»;

4. O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining qarori, 30.01.2020 yildagi 46-son «"O'ZBEKINVEST" eksport-import milliy sug'urta kompaniyasining faoliyatini yanada takomillashnirish chora-tadbirlari to'g'risida»;

5. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining Farmoni, 28.01.2022 yildagi PF-60-son 2022 — 2026-yillarda mo'ljallangan yangi O'zbekistonning taraqiyot strategiyasi to'g'risida»;

6. Baratovna E. Z. Other comrehensive income, accounting structure and their improvement //Thematics Journal of Economics. – 2021. – T. 7. – №. 2.

7. Baratovna E. Z. CONCEPT AND CONTENT OF OTHER COMPREHENSIVE INCOME, ACCOUNTING PRINCIPLES AND WAYS TO IMPROVE //Eurasian Journal of Academic Research. – 2021. – T. 1. – №. 6. – C. 84-89.

Internet saytlari

http://www. gov.uz. (O'zbekiston Respublikasi hukumat portali)

http://www.mf.uz(O'zbekiston Respublikasi Moliya vazirligi)

http://www.ziyonet.uz (Axborot ta'lim tarmog'i)

http://www. lex.uz (O'z. Resp. qonun hujjatlari ma'lumotlari milliy bazasi).

ХАРАКТЕРНЫЕ СВОЙСТВА УЧЕТА РАСХОДОВ ПЕРИОДА В ХОЗЯЙСТВУЮЩИХ СУБЪЕКТАХ

Ж.А.Ниятов

Ассистент кафедры «Бухгалтерского учет»

СамИЭС

Аннотация: Эта статья раскрывает учет и анализ в хозяйствующих субъектах. Раскрываются понятие, цель и роль расходов периода в бухгалтерском учете и экономических данных для пользователей информаций.

Даются предложения по оптимизации, а также совершенствование учета на основе международных стандартов финасовой отчетности.

Ключевые слова: Доходы, расходы, затраты периода, доход от прочей деятельности, прибыль или убыток, финансовая деятельность.

В нынешнем этапе рыночной экономики хозяйствующие субъекты должны эффективно использовать имеющиеся ресурсы. Целевое использование материальных, финансовых и трудовых ресурсов дает возможность организациям получить больше прибыли и выгоды. Прибыл – это фактор расширения деятельности организации и материального поощрения персонала. Объем ресурсов уменьшается в результате глобального экономического кризиса. И это делает актуальным рациональное использования имеющихся в организации оборудований, зданий, орудии труда, товарно-материальных ценностей и финансовые ресурсы. Показатели деятельности организации должны быть сформированы и отображены правильно в отчетах и учетах организации.

Затраты, в том числе затраты периода, являются важными качественными показателями финансовой и хозяйственной деятельности организации. В результате правильного определения затрат и правильное ведение отчетности организации получают доход. Допущение лишних затрат, неэффективное использование имущества, расхищение, несоблюдение законов и договоров и другие негативные случаи этого типа приводит необоснованному увеличению затрат в организации, в результате чего организация выйдет с убытком в конце деятельности и придет к банкротству. Поэтому затраты, в том числе затраты периода, на ряду с другими важными показателями организации должны рассматриваться как немало важные объекты бухгалтерского учета.

Фактором правильного ведения контроля и учета затрат периодов является полное соблюдение и исполнение требований нормативно-правовых актов нашей страны.

В нынешнем этапе рыночной экономики усовершенствуется и порядок контроля за деятельностью организаций. На сегодняшний день необоснованное вмешательство в деятельность предприятий запрещено. Расширяется спектр услуг по ведению учета, организацию бухгалтерского учета, разработке учетной политики и обеспечению финансовой стабильности.

Непосредственное изучение деятельностей предприятий показывает, что основная задача учета направлена на определения правильности составления финансовой отчетности предприятия. По нашему мнению, в основном надо обратить внимание на качественные показатели предприятия, в том числе на аудит расходов. Причиной того является то, что если денежно-материальные ресурсы предприятия направлены правильно в результате предприятие имеет выгоду.

В результате проведенного исследования мы продвигаем следующие предложения по улучшению учета расходов текущего периода:

- обращение внимание на правильное признание текущих расходов и их формированию.

- достижение ведения расходов текущего периода по отдельному аудиторскому плану и программе.

- разъяснение учета расходов текущего периода при формировании учетной политики предприятия.

- на сегодняшний день компьютерные средства широко используются в учетных вопросах предприятий. Это является основой для использования компьютеризованных методов и средств аудиторской проверки при проверке расходов текущего периода.

- широкое использования аудиторских услуг при правильного учета расходов текущего периода.

- широкое использования информационных ресурсов при аудите расходов текущего периода.

- анализ расходов текущего периода и их основных статей.

- улучшение внутреннего контроля расходов текущего периода.

- расширение методов контроля.

- использование международной практики при учете прибыли и убытков.

Эффективность учета расходов текущего периода напрямую связан на имеющийся информационных источников. Эффективность учета расходов периодов также связан с методами используемых в процессе бухгалтерских операций.

Учет расходов периода в нашей республике основываются на национальных стандартах бухгалтерского учета (НСБУ). В свою очередь эти стандарты основываются на международные стандарты финансовой отчетности (МСФО). Поэтому, целесообразно использовать международные методы при учете показателей, в том числе расходов текущего периода предприятий. Учет расходов периода в компьютеризованной обстановке и использование информаций для пользователей компаний широко практикуется в международной практике. Мы считаем, что это приведет к позитивным результатам при учете расходов периода на основе международных стандартов финансовой отчетности (МСФО), то есть повисит эффективность достоверной информаций учета расходов текущего периода для инвесторов.

Исходя из вышеуказанных данных, мы предлагаем следующие рекомендации по оптимизации расходов периода общества:

1. Совершенствовать принципы учета расходов периода на основании Международных стандартов финансовой отчетности.

2. Оптимизировать Положением о составе затрат по производству и реализации продукции (работ, услуг) и о порядке формирования финансовых результатов (постановление Кабинета Министров Республики Узбекистан от 5 февраля 1999 г. (№ 54) с принципами МСФО.

Список использованной литературы

1. 54-сон 05.02.1999. Об утверждении положения о составе затрат по производству и реализации продукции (работ, услуг) и о порядке формирования финансовых результатов
2. Наука сегодня: проблемы и перспективы развития [Текст]: материалы международной научно-практической конференции, г. Вологда, 25 ноября 2020 г. – Вологда: ООО «Маркер», 2020. – 54-58 с
3. 2011/Панкова С.В, Обухова Т.И. «Стандартизация процесса проведения аудитором бухгалтерской экспертизы расходов коммерческой организации»
4. Абдукаримов И.Т., Пардаев М.К., Пулатов М.Э., Усманова Д.К. Экономический анализ хозяйственной деятельности предприятий. Учебное пособие. // Т.: Изд-во “Fan va texnologiya”. 2019. – С. 768.
5. www.lex.uz

MOLIYAVIY HISOBOTNING XALQARO STANDARTLARINI QO’LLASH ASOSIDA QISHLOQ XO’JALIK MAHSULOTLARINI SOTISH JARAYONINING MOLIYAVIY TAHLILI

Berdaliyev Xaydarqul Kattaboyevich
Toshkent amaliy fanlar universiteti
“Moliya va buxgalteriya hisobi”
kafedrasi katta o‘qituvchisi
Xolmuradov Musurmon Avlakulovich
Toshkent amaliy fanlar universiteti
“Bank ishi” kafedrasi o’qituvchisi

Annotatsiya: Bugungi rivojlanayotgan davrda tadbirkorlik faoliyatining yangi sharoitlariga o’tish, buxgalteriya hisobining asosiy tamoyillarini xalqaro standartlarga yaqinlashtirish mamlakatimizda moliyaviy natijalarni hisobga olishda biz uchun yangi konsepsiyani shakllantirish zaruratini keltirib chiqardi. Bunga jahon iqtisodiyotining globallashuvi va xalqaro moliyaviy hisobot standartlari rolining ortib borayotgani yordam bermoqda.

Kalit so‘zlar: buxgalteriya hisobining xalqaro standartlari, milliy buxgalteriya hisobi, xalqaro moliyaviy hisobot, moliyaviy natijalar, moliyaviy buxgalteriya hisobi, xalqaro buxgalteriya standartlari qo’mitasi, xalqaro moliyaviy hisobot standartlari.

Qishloq xo’jaligida qishloq xo’jaligi mahsulotlarini yetishtirish va har bir fermer xo’jalik muomalari O’zbekiston Respublikasining 2004-yil 26-avgustdagi 662-II-son “Fermer xo’jaligi to’g’risida”gi Qonun va boshqa me’yoriy xujjatlar bilan tartibga solinadi.

Amaliyot shuni ko’rsatadiki, fermer xo’jaliklari bir qancha faoliyat turlari bilan shug’ullanadi, masalan, qishloq xo’jaligi mahsulotlarini yetishtirish, qayta ishlash, uni sotish va qishloq tovar ishlab chiqaruvchilari uchun transport xizmatlari. Qishloq

xo’jaligi fermer xo’jaliklari faoliyatining har bir turi ma’lum bir xo’jalik muomalalariga ega.

Qishloq xo’jaligi fermer xo’jaliklarining sotish muomalalari quyidagi maqsadlarda amalga oshiriladi:

- a’zolar tomonidan yetishtirilgan turli hil qishloq xo’jaligi mahsulotlarini sotish yoki uni qayta ishlash, savdo va marketingga yetkazib berish;

- to’g’ridan-to’g’ri sotish - bu qishloq xo’jaligi mahsulotlarini iste’molchiga to’g’ridan-to’g’ri sotish sotish hisoblanadi, fermer xo’jaligining ayrim a’zolaridan shartnoma bo’yicha sotish yoki boshqalarga berish uchun uni qayta ishlaydigan yoki ishlatadigan a’zolar chorva va parrandalarni yetishtirish va boqish uchun qishloq xo’jaligi mahsulotlaridir.

Ushbu jadval ma’lumotlaridan ko’rinib turibdiki, fermer xo’jaligi 2022-yilda 2019-yilga nisbatan qishloq xo’jaligi mahsulotlarini 1,45 baravar ko’proq sotishga va mahsulot tannarxini 0,1 baravarga kamaytirishga erishgan.

1.1-jadval

“Oltin tola” fermer xo’jaligining yalpi foyda ko’rsatkichining dinamik tahlili

№	Ko’rsatkichlar nomi	2019 y.	2020 y.	2021 y.	2022 y.	2022 yilga nisbatan farq (+; -)		
						2019 y.	2020 y.	2021 y.
1	Mahsulot (tovar, ish va xizmat) larni sotishdan sof tushum	653 159	612 305	712 305	947 856	294 697	335 551	235 551
2	Sotilgan mahsulot (tovar, ish va xizmat) larning tannarxi	482 329	415 420	515 420	654 778	172 449	239 358	139 358
3	Mahsulot (tovar, ish va xizmat) larni sotish-ning yalpi foydasi (zarari)	170 830	196 885	196 885	293 078	122 248	96 193	96 193

Banklar turli sabablarga ko’ra tovar ishlab chiqaruvchilarga summalarni o’z vaqtida bermaydilar. Bunday sharoitda asbob-uskunalarni sotib olish bo’yicha rejalar bajarilmaydi, lekin fermer xo’jaligiga qo’shilish uskunalardan oqilona foydalanish, shuningdek, partiyalarni shakllantirish tufayli yilda ham omon qolish imkonini berishi qiyin.

Tadqiqotlarimiz shuni ko’rsatdiki, agrosanoat majmuasida keng ko’lamli ishlab chiqarish asosan don va paxta yetishtirishga ixtisoslashgan. Paxtachilik

eksportga yo’naltirilgan bo’lib, uni rivojlantirishga xususiy investorlar katta sarmoya kiritmoqda. Shu bilan birga, chorvachilik sohasining kengayishi davom etmoqda. Hayvonlar sonining ko’payishi ozuqa donlariga bo’lgan talabni ko’paytiradi.

Binobarin, o’rganilayotgan hududda chorvachilikni va birinchi navbatda chorvalar sonini tiklamay, don yetishtirishni yanada rivojlantirish ham maqsadga muvofiq emas. Go’sht yetishtirish salohiyati yuqori bo’lgan viloyat qishloq xo’jaligi ishlab chiqaruvchilari g’allani undan tashqarida sotadilar, go’sht esa, boshqa viloyatlardan olib kelinadi. Bu muammolarni hal qilish uchun davlat va xususiy ishlab chiqaruvchilar bilan hamkorlik qilish, yirik va kichik biznesni integratsiyalash, komuomala asosida xo’jalik yuritishning kichik shakllarida go’sht ishlab chiqarishni ko’paytirish zarur.

Xususan, Chinoz tumanida chorvachilikning baliqchilik tarmog’ini rivojlantirish uchun katta imkoniyatlar mavjud.

1.2-jadval

Hududlar kesimida qishloq xo`jaligi mahsuloti

(amaldagi narxlarda, mlrd. so‘m)

Hududlar	2018	2019	2020	2021	2022
O‘zbekiston Res’ublikasi	**187425,6**	**216283,1**	**250250,6**	**303415,5**	**347564,4**
Qoraqal’og‘iston Res’ublikasi	6562,9	8208,1	9751,6	11511,8	13389,0
Andijon	19606,3	23686,7	26096,1	30413,0	35811,3
Buxoro	17064,6	19182,1	23876,0	28529,3	33255,9
Jizzax	11448,2	13720,1	16352,8	20471,1	23081,6
Qashqadaryo	17206,5	19933,9	23777,8	28275,6	32227,2
Navoiy	8299,8	9467,8	11309,7	14547,2	15266,7
Namangan	12639,6	15509,0	17913,1	21596,1	25117,9
Samarqand	25658,0	28379,5	32158,0	38549,7	41833,9
Surxondaryo	15046,2	17844,1	19424,0	23415,5	27474,1
Sirdaryo	5654,3	7401,5	8002,0	9755,0	11465,3
Toshkent	18359,1	20417,1	23875,1	29538,3	32880,1
Farg‘ona	17457,1	18532,2	21455,5	27501,2	32457,4
Xorazm	12423,0	14001,0	16258,9	19311,7	23304,0
Toshkent viloyati ko’rsatkichlari (%da)	**9,7**	**9,4**	**9,5**	**9,7**	**9,4**

1.2-jadval ma’lumotlaridan ko’rinib turibdiki, Toshkent viloyati boshqa viloyatlarga nisbatan respublika miqyosida sezilarli ulushga ega, lekin 2018-yilga nisbatan 2022-yilda o’sish sur’atlari 0,3 % ga kamaygan.

Fermer xo’jaliklari faoliyat yuritish uchun resurslar narxining oshishi bilan (yoqilg’i, moylash materiallari, o’g’itlar) kichik qishloq xo’jaligi ishlab chiqaruvchilari birgalikda xarid qilish maqsadida fermer xo’jaligilarga birlashishi

natijasida mahsulotlarni sotish, shuningdek, yerga ishlov berish uchun zamonaviy texnika sotib olishni va aholiga turli xizmatlarni ko’rsatishni ta’minlaydi.

1.3-jadval

Hududlar kesimida qishloq xo‘jaligi mahsulotlarini ishlab chiqarishning o‘sish sur’atlari

(o‘tgan yilga nisbatan foizda)

Hududlar	2018	2019	2020	2021	2022
O‘zbekiston Res’ublikasi	**100,2**	**103,3**	**102,7**	**103,9**	**103,6**
Qoraqal’og‘iston Res’ublikasi	100,6	107,0	102,3	104,2	103,6
Andijon	106,3	103,0	101,1	104,5	103,4
Buxoro	102,9	103,6	101,9	104,7	103,7
Jizzax	99,7	106,4	102,7	104,2	103,4
Qashqadaryo	96,5	101,4	103,7	101,3	103,7
Navoiy	102,1	101,6	103,3	104,4	103,9
Namangan	102,2	102,7	104,0	107,0	104,3
Samarqand	94,1	103,1	102,5	103,1	103,9
Surxondaryo	97,2	103,5	105,3	104,2	102,5
Sirdaryo	96,5	108,4	101,8	103,8	103,4
Toshkent	98,8	101,1	100,1	104,1	103,8
Farg‘ona	109,7	103,5	104,9	103,2	103,6
Xorazm	98,0	103,8	101,7	102,9	103,3

Qishloq xo’jaligi fermer xo’jaliklari ko’pincha qishloqda mahalliy aholi uchun yashash va mehnat sharoitlarini yaratadigan yagona dehqonchilik shaklidir. Ular qishloq xo’jaligi ishlab chiqaruvchilariga fermer xo’jaligi yoki shaxsiy yordamchi xo’jalikning asosiy ixtisoslashuviga bog’liq bo’lmagan iqtisodiy masalalarni hal qilish imkonini beradi. Fermer xo’jaligi texnikasi va mutaxassislari xo’jalik xo’jaliklarining ishlab chiqarish xizmatiga (mexanizatsiyalashgan va transport ishlariga) jalb qilingan. Fermer xo’jaligi o’z a’zolari tomonidan ishlab chiqarilgan mahsulotlarni xarid qilish va sotishni amalga oshiradi. Bundan tashqari, fermer xo’jaligi qishloq aholisini ish bilan ta’minlaydi va ijtimoiy paket (vaqtinchalik nogironlik bo’yicha nafaqa to’lash, pensiyalarni rasmiylashtirish).

Qishloq xo’jaligi fermer xo’jaliklari o’tgan yillar davomida qishloq aholisining ishbilarmonlik faolligini, turmush darajasini oshirish, ijtimoiy-iqtisodiy muammolarni hal etishda o’z hayotiyligini namoyon etishda muayyan natijalarga erishdi.

Fermer xo’jaligi xaridorni va yetkazib beriladigan qishloq xo’jaligi mahsulotlari turini tanlab, xaridorlar bilan muzokaralar olib boradi, shundan so’ng mahsulot sotishning dastlabki shartlarini tuzadi va fermer xo’jaligi a’zolariga taqdim etadi.

Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yhati

1. O‘zbekiston Respublikasining Konstitutsiyasi. “Xalq so‘zi” gazetasi, 1992 yil 15 dekabr, Qonun hujjatlari ma’lumotlari milliy bazasi, 05.09.2019 y., 03/19/563/3685-son.
2. O‘zbekiston Respublikasining Soliq Kodeksi. Qonun hujjatlari ma’lumotlari milliy bazasi, 04.12.2020 y., 03/20/653/1592-son.
3. O‘zbekiston Respublikasining “Buxgalteriya hisobi to‘g‘risida"gi Qonuni. O‘zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to‘plami, 2016 y., 15-son, 142-modda; Qonun hujjatlari ma’lumotlari milliy bazasi, 31.12.2020 y., 03/20/660/1682-son; *Qonunchilik ma’lumotlari milliy bazasi, 30.10.2021 y., 03/21/726/1001-son*
4. “Mahsulot (ishlar, xizmatlar)ni ishlab chiqarish va sotish xarajatlari tarkibi hamda moliyaviy natijalarni shakllantirish tartibi to‘g‘risidagi nizomni tasdiqlash haqida”gi Qarori. 1999 yil 5 fevral № 54. O‘zbekiston Respublikasi Hukumatining qarorlari to‘plami, 2015 y., 9-son, 100-modda; 2016 y., 17-son, 176-modda; Qonun hujjatlari ma’lumotlari milliy bazasi, 15.04.2020 y., 09/20/217/0426-son.
5. “Xususiylashtirilgan korxonalarni korporativ boshqarishni takomillashtirish chora-tadbirlari to‘g‘risida” O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2003 yil 19 apreldagi 189-sonli Qarori.
6. O‘zbekiston Respublikasi 21-sonli BHMS. “Xo‘jalik yurituvchi sub’ektlarning moliya-xo‘jalik faoliyati buxgalteriya hisobi hisobotlar rejasi va uni qo‘llash bo‘yicha yo‘riqnomani tasdiqlash to‘g‘risida”gi O‘zbekiston Respublikasi moliya vazirligining 2002 yil 9 sentyabrdagi 103-sonli buyrug‘i. O‘zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to‘plami, 2009 y., 22-son, 261-modda.
7. O‘zbekiston Respublikasining buxgalteriya hisobi milliy standartlari. O‘zbekiston buxgalterlar va auditorlar milliy assotsiatsiyasi – T.: 2003. – 186 b.
8. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2018 yil 19 sentyabrdagi PQ 3946-sonli Qarori. Qonun hujjatlari ma’lumotlari milliy bazasi, 06/19/5894/4161-son; 25.02.2020 y., 07/20/4611/0209-son, Qonunchilik ma’lumotlari milliy bazasi, 21.04.2022 y., 06/22/113/0330-son
9. O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Mirziyoev Sh.M. Tanqidiy tahlil, qat’iy tartib-intizom va shaxsiy javobgarlik - har bir rahbar faoliyatining kundalik qoidasi bo‘lishi kerak. Mamlakatimizni 2016 yilda ijtimoiy-iqtisodiy rivojlantirishning asosiy yakunlari va 2017 yilga mo‘ljallangan iqtisodiy dasturning eng muhim ustuvor yo‘nalishlariga bag‘ishlangan Vazirlar Mahkamasining kengaytirilgan majlisidagi ma’ruza, 2017 yil 14 yanvar. – T.: O‘zbekiston, 2017.- 104 b.
10. Пизенгольц М.З. Бухгалтерский учёт в сельском хозяйстве. - М.: Финансы и статистика, 2001. том 2. – С. 113
11. Хоружий Л.И. Калькуляция себестоимости продукции в аграрной сфере//Аудиторские ведомости. 2003. - № 5. - с. 62-69.
12. www.bhms.uz
13. www.buhgalt.ru
14. www.cyberleninka.ru
15. www.gcomim.uz

IQTISODIY SUB'EKTLARDA MOLIYAVIY HISOBOT MAZMUNI VA AHAMIYATI

J.A.Niyatov
SamISI "Buxgalteriya hisobi" kafedrasi
assistent

Annotatsiya: Ushbu maqolada iqtisodiy rivojlanishning hozirgi bosqichida iqtisodiy sub'ektlarda moliyaviy hisobotlarning mazmuni va ahamiyati tasvirlangan. Moliyaviy hisobot turlari, shuningdek foydalanuvchilar uchun ishonchli ma'lumotlarni taqdim etishning mohiyati va ahamiyati. O 'zbekiston Respublikasi iqtisodiy subyektlarida moliyaviy hisobotning xalqaro standartlari (MHXS) asosida moliyaviy moliyaviy hisobotni takomillashtirish bo' yicha xulosalar va taklif lar berilgan.

Kalit so'zlar: buxgalteriya (moliyaviy) hisoboti, moliyaviy faoliyat, xalqaro moliyaviy hisobot standartlari, chorak, yil, taqqoslanuvchanlilik, ishonchlilik, o'z vaqtidalik, moliyaviy buxgalteriya, soliq hisobi, boshqaruv hisobi.

Global iqtisodiy dinamikasi bugungi kunda rivojlanayotgan davlatlarda muhim rol o'ynaydi. Mamlakatning iqtisodiyotiga ta'sir qiluvchi tashqi va ichki omillar bilan birgalikda iqtisodiy sub'ektlarda buxgalteriya hisobining roli to'g'ri iqtisodiy qarorlar qabul qilishning eng muhim omili sifatida qarashimiz mumkin. Shu boz6 ushbu sohada buxgalteriya (moliyaviy) hisobotlarni to'g'ri o'z vaqtida foydalanuvchlarga taqdim etish muhim ahamiyatga ega.

Bugungi kunda mamlakatimizda qabul qilinayotgan buxgalteriya sohasiga doir qonunlar, PQ-4611-son «Moliyaviy hisobotning xalqaro standartlariga o'tish bo'yicha qo'shimcha chora-tadbirlari to'g'risida»gi [56], 2021 yil 4 avgustdagi PQ-5210-son «Auditorlarni sertifikatlashtirish tizimini takomillashtirish bo'yicha qo'shimcha chora-tadbirlar to'g'risida»gi[57] O'zbekiston Respublikasi Prezident Qarorlari, buxgalteriya hisobi va hisobotlarni yuritishning yangicha yondashuvini moliyaviy hisobotning xalqaro standartlar (MHXS) asosida yuritishni talab qiladi. Bunung uchun buxgalteriya hisobi soha vakillari uchun zamonaviy yondashuvlar, bilim va ko'nikmalarni talab qiladi.

Moliyaviy hisobot-bu tashkilotning ma'lum bir davrdagi faoliyati to'g'risidagi belgilangan tartibda va ketma-ketlikda guruhlangan ma'lumotlar to'plami. Hisobot ushbu ko'rsatkichlarni o'z ichiga olgan bir qator shakllardan (jadvallardan) iborat. Bu korxonani boshqarishning muhim vositasi, uning ishini baholash uchun asos va iqtisodiy tahlil uchun ma'lumotlar manbai.

[56] 24.02.2020 y. PQ-4611-son «Moliyaviy hisobotning xalqaro standartlariga o'tish bo'yicha qo'shimcha chora-tadbirlari to'g'risida»gi O'zbekiston Respublikasi Prezident Qarori
[57] 4.08.2021 y. PQ-5210-son «Auditorlarni sertifikatlashtirish tizimini takomillashtirish bo'yicha qo'shimcha chora-tadbirlar to'g'risida»gi O'zbekiston Respublikasi Prezident Qarori

Hisobot buxgalteriya jarayonini yakunlaydi va hisobot davri oxirida joriy buxgalteriya ma'lumotlarini hisoblash va maxsus qayta ishlash (umumlashtirish, tafsilotlar, guruhlash va boshqalar) orqali olingan yakuniy ko'rsatkichlardan iborat.. Tashkilotlar tomonidan tuziladigan hisobot bir qator xususiyatlarga ko'ra tasniflanadi.

Iqtisodiy tarkibga ko'ra:

- Statistik hisobot-bu tashkilotning ma'lum vaqt davomida ishlashini tavsiflovchi miqdoriy va sifat ko'rsatkichlari tizimi. Uning yordami bilan ishlab chiqarilgan mahsulotlarning hajmi va sifati, ishlab chiqarish, moliyaviy va mehnat ko'rsatkichlarining harakati nazorat qilinadi.
- Operatsion hisobot xo'jalik yurituvchi sub'ektning ishini doimiy nazorat qilish uchun mo'ljallangan. Unda faoliyatning ayrim turlari bo'yicha ish natijalarini tavsiflovchi minimal ko'rsatkichlar mavjud. Operatsion hisobot-bu faoliyatni doimiy ravishda kuzatib borish usuli. Tarkibi va tuzish tartibi bo'yicha u statistik hisobotga yaqin.
- Soliq hisoboti (soliq hisob-kitoblari) - bu soliqlar bo'yicha turli darajadagi byudjetlar bilan hisob-kitoblarning to'liqligini tavsiflovchi ko'rsatkichlar to'plami. Soliq hisob-kitoblari (deklaratsiyalar) ma'lumotlariga ko'ra soliq to'lovlari miqdorini hisoblashning to'g'riligi aniqlanadi. Ushbu turdagi hisobot buxgalteriya hisobi va maxsus hisob-kitoblarga muvofiq tuziladi.

Buxgalteriya (moliyaviy) hisobot orqali buxgalteriya hisobining asosiy vazifasi amalga oshiriladi – tashkilot faoliyati va uning moliyaviy holati to'g'risida to'liq va ishonchli ma'lumotlarni shakllantirish va ushbu ma'lumotlarni ichki va tashqi foydalanuvchilarga taqdim etish. Maqsadga muvofiq hisobot ichki va tashqi bo'linadi

Tashqi hisobot tashqi foydalanuvchilar uchun moliyaviy barqarorlik, moliyaviy va iqtisodiy faoliyat natijalari, xo'jalik yurituvchi sub'ektning to'lov qobiliyati to'g'risida ma'lumot manbai bo'lib xizmat qiladi. Xalqaro amaliyotda tashqi hisobot ommaviy axborot vositalarida, maxsus nashrlarda va bukletlarda majburiy nashr etilishi kerak va u ommaviy deb nomlanadi.

Ichki hisobot sub'ektning boshqaruv qarorlarini qabul qilish jarayonida uning axborot ehtiyojlarini qondiradi va boshqaruv hisobi ma'lumotlariga asoslanadi.

Davriylikka ko'ra, moliyaviy hisobotlar yillik (moliyaviy yil uchun tuzilgan) va oraliq (chorak, yarim yil, to'qqiz oy uchun hisob-kitob asosida tuzilgan)ga bo'linadi.

Qamrov bo'yicha hisobot individual, konsolidatsiyalangan va konsolidatsiyalangan bo'linadi. Individual hisobot alohida xo'jalik yurituvchi sub'ekt — yuridik shaxs faoliyatining holati va natijalarini tavsiflaydi. Jamlanma hisobot vazirliklar va idoralar tomonidan mustaqil yuridik shaxs bo 'lmagan bo' linmalari va filiallari bo 'yicha ma' lumotlar asosida ko ' rsatkichlarni statistik umumlashtirish uchun yoki yuridik shaxs ichida tuziladi. Konsolidatsiyalashgan hisobot yagona xo 'jalik tashkiloti sifatida ko' rib chiqiladigan moliyaviy guruh (bosh kompaniya va uning sho ' ba korxonalari) tomonidan tuziladi.[58]

[58] https://studfile.net/preview/4179908/page:19/

Taqqoslash talablariga muvofiq, moliyaviy hisobotda avvalgi hisobot davridagi o'xshash ma'lumotlar bilan taqqoslashga imkon beradigan ma'lumotlar bo'lishi kerak.

Hisobot davriga rioya qilish talabi O 'zbekiston Respublikasida hisobot yili sifatida 1-yanvardan 31-dekabrgacha bo' lgan davr qabul qilinganligini, ya'ni hisobot yili kalendar yilga mos kelishini bildiradi.

Zamonaviy sharoitda xalqaro amaliyotda buxgalteriya tizimi foydalanuvchilarga qarab uchta quyi tizimga bo'linadi:

(1) moliyaviy hisobi;

(2) boshqaruv hisobi;

(3) soliq hisobi

Moliyaviy, boshqaruv va soliq hisobi o'rtasida juda ko'p farqlar mavjudligiga qaramay, amalda bir qator o'xshashliklar mavjud. Avvalo shuni ta'kidlash kerakki, moliyaviy buxgalteriya ko'rsatkichlarining aksariyati boshqaruv va soliq hisobida ham aks etadi. Moliyaviy buxgalteriya hisobining bir qator asosiy printsiplari soliq va boshqaruv hisobi uchun ham qo'llaniladi. Shuni ham yodda tutish kerakki, korxona rahbariyati va menejerlari har doim faqat sub'ektiv fikrlar va baholarga amal qila olmaydi.

Bundan tashqari, boshqaruv hisobi uchun to'plangan operatsion ma'lumotlarning ma'lumotlari moliyaviy hujjatlarni tayyorlash uchun ishlatilishi mumkin, chunki dastlabki ma'lumotlarni to'plash yagona qoidalar va tartiblarga muvofiq amalga oshiriladi. Biz kim uchun ma'lumot berayotganimizni farqlash muhimdir.

Umuman olganda, ularning katta o'xshashligi shundaki, moliyaviy, soliq va boshqaruv hisobi ma'lumotlari boshqaruv qarorlarini qabul qilish uchun ham, korxonalarning strategik rejalarini ishlab chiqish uchun ham teng ravishda qo'llaniladi.

Shunga qaramay, shuni ta'kidlash kerakki, moliyaviy, soliq va boshqaruv hisobi o'rtasida yaqin munosabatlarning mavjudligi ular o'rtasida mutlaq, aniq chegaralarni belgilashga imkon bermaydi.[59]

Yuqoridagi ma'lumotlarga asoslanib, biz quyidagi xulosaga kelishimiz mumkin

Birinchidan, buxgalteriya tasniflanishi bilish va moliyaviy hisobotlarning o'zaro bog'liqligi muhim rol o'ynaydi, chunki buxgalteriya ko'rsatkichlari qaysi axborot foydalanuvchiga taqdim etilayotganiga qarab, shaffof va ishonchli tarzda taqdim etilishi kerak. Bu makro va mikroiqtisodiy darajada to'g'ri iqtisodiy qaror qabul qilish imkoniyatini beradi.

Ikkinchidan, buxgalteriya hisobi va moliyaviy hisobotlar muhim ishonchli ma'lumotlarni taqdim etishda va shu ma’lumotlar asosida to‘g’ri, sifatli iqtisodiy qarorlarni qabul qilishda katta rol o'ynaydi.

[59] Р.А.Абдуллаев., К.Б. Уразов. «Основы бухгалтерского учета» Учебное пособие для студентов, обучающихся на основе совместной подготовки с Казанским Федеральным университетом по направлению подготовки 38.03.01 – «Экономика», профилю подготовки «Бухгалтерский учет, анализ и аудит» 2021., СамИЭС, 8-9 с

Uchinchidan, tashqi iqtisodiy munosabatlardagi rolni oshirish maqsadida xalqaro moliyaviy hisobot standartlari asosida buxgalteriya (moliyaviy) hisobotlarni takomillashtirish zarur.

Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yxati

1. 24.02.2020 y. PQ-4611-son «Moliyaviy hisobotning xalqaro standartlariga o‘tish bo‘yicha qo‘shimcha chora-tadbirlari to‘g‘risida»gi O‘zbekiston Respublikasi Prezident Qarori
2. 4.08.2021 y. PQ-5210-son «Auditorlarni sertifikatlashtirish tizimini takomillashtirish bo‘yicha qo‘shimcha chora-tadbirlar to‘g‘risida»gi O‘zbekiston Respublikasi Prezident Qarori
3. Т.А.Мошкова. Бухгалтерская финансовая отчетность в системе финансового менежмента. САМАРА. Изд-во Самарского университета 2018. С 25-26
4. Р.А.Абдуллаев., К.Б. Уразов. «Основы бухгалтерского учета» Учебное пособие для студентов, обучающихся на основе совместной подготовки с Казанским Федеральным университетом по направлению подготовки 38.03.01 – «Экономика», профилю подготовки «Бухгалтерский учет, анализ и аудит» 2021., СамИЭС, 8-9 с
5. З.Б.Эшпулатова. “Иқтисодий субъектларда даромадлар ҳисоби методологиясини такомиллаштириш (ҳалқаро стандартлар асосида)” Samarqand: “STAR-SEL” MCHJ. Nashriyot – matbaa bo‘limi, 2023. -143 bet
ISBN: 978-9910-752-36-0
6. https://studfile.net/preview/4179908/page:19/

SOG'LIQNI SAQLASH MUASSASALARIDA DORI VOSITALARI TANNARXINI HISOBGA OLISH

Yunusova Raykhona Bahodirovna
"Jannat-Omad-Baraka" MChJ Bosh hisobchi
shuhratga@mail.ru

Annotatsiya: Bu maqolada sog'liqni saqlash muassasalarida dori vositalari tannarxini hisobga olish mavzusi ko'rib chiqiladi. Dori vositalari tannarxini hisobga olishning ahamiyati, bu muassasalar uchun qanday foyda va imkoniyatlar yaratishini o'rganish uchun ko'rsatilgan ilmiy tadqiqotlarga asoslangan.

Kalit so'zlar: sog'liqni saqlash muassasalari, dori vositalari, tannarxini hisobga olish, foyda, imkoniyatlar, ilmiy tadqiqotlar.

Kirish. Dunyoning aksariyat mamlakatlari sog'liqni saqlash muassasalarini quyidagi asosiy vositalarni birlashtirgan holda moliyalashtiradi

1. umumiy soliq tushumlari (ish haqi solig'i)
2. badallar kabi manbalar
3. ijtimoiy sug'urta,

4. xususiy sug'urta mukofotlari,

5. foydalanuvchilar tomonidan to'g'ridan-to'g'ri tibbiy to'lovlar va boshqalar

Barcha fuqarolarning adolatli va teng huquqliligini ta'minlashga qaratilgan sog'liqni saqlash xizmatlari va ularni himoya qilish tufayli ortiqcha moliyaviy yo'qotishlardan xalos etish davlat tomonidan moliyalashtirish deb ataladi (hududiy hamjamiyat mablag'lari).

Biroq, dunyo guvohlik berganidek tajriba, davlat sog'liqni saqlash muassasalari har qanday mamlakatda u yoki bu tarzda moliyaviy resurslar kamchilik- muammosini hal qilish kerak.

Tibbiy yordam narxining oshishi, shuningdek, so'nggi o'n yilliklarning demografik dinamikasi kam byudjetlarga sabab bo'ldi

Byudjet muassasalarni byudjet bilan moliyalashtirish bo'yicha sog'liqni saqlash, shuningdek, mavjud moliyaviy resurslarning yetishmasligi haqida xabar berildi. Tadqiqot shuni ko'rsatdiki, sog'liqni saqlash muassasalarini moliyalashtirishni davlat tomonidan tartibga solish masalalari N. D. Solonenko, M. M. Shutova, E. V. Kovjarova, V. M. Rudogo, N. I. Karpishina, O. A. Yevtushenko, E. A. Malik, O. V. Vinogradova., O. V. Galatsanning ilmiy ishlari bag'ishlangan, ushbu mualliflarning asarlari natijalari batafsil " sog'liqni saqlash muassasalarini moliyaviy qo'llab - quvvatlashning dolzarb masalalari: nazariya va amaliyot " ma'lumotlar berib o'tilgan.

Sog'liqni saqlash muassasalarining byudjet moliyaviy resurslarining etishmasligi byudjetning xarajatlar qismidan oshib ketishi foydali ham bo'lishi mumkin. Bu moliyaviy sog'liqni saqlash muassasasi bo'lgan holatlar uning daromadining mumkin bo'lgan miqdoridan ko'proq xarajatlarga murojaat qilishga majbur [1, 87-bet]. Tibbiy yordam narxini hisobga olgan holda to'g'ri hisoblash qobiliyati uning barcha tarkibiy qismlari sog'liqni saqlash muassasalarining moliyaviy holatini yaxshilaydi, ularni amalga oshirish sharoitida yanada samarali boshqarish uchun zamin yaratadi:

- majburiy tibbiy sug'urta.
- Yagona yagona texnika
- tibbiy xizmatlar narxini hisoblash,
- ambulatoriya-poliklinika va statsionar davolash, tibbiy-iqtisodiy
- davlat, kommunal modellar
- va boshqa sog'liqni saqlash muassasalari

Metodikada xarajatlarni hisoblash uchun bosqichma-bosqich kamaytirish usuli qo'llaniladi (step-down). Tibbiy xizmatlarning narxini batafsil hisoblashning mavjudligi juda muhimdir.

Dori vositalari tannarxini hisobga olganida sog'liqni saqlash muassasalarining faoliyatini rivojlantirish va mustahkam qilishda yirik ahamiyatga ega. Bu vositalar shifokorlar, meditsina sotuvchilari, laborantlar va boshqa xodimlar tomonidan ishlatiladi. Ularning sifatini ta'minlash uchun yaxshi sifatli dori vositalari kerak.

Dori vositalarining tannarxi o'zgaruvchan bo'lib, ularning sifati va effektivligi sog'liqni saqlash muassasalarining faoliyatiga to'sqin ta'sir ko'rsatishi mumkin.

Yomon sifatdagi dori vositalari xasta qayta tiklanish jarayonini uzaytirishi va shifoxona xodimlari uchun zararli bo'lmaslikka olib kelishi mumkin.
Buning bilan birga, dori vositalarining tannarxi keng tarqalgan san'ati shartlari bilan ham bog'liqdir. Sog'liqni saqlash muassasalarida dori vositalari tannarxini hisobga olgan holda, ularga kerak bo'lgan nazorat va monitoringning amal qilinishi zarur. Bu jarayon davomida, dori vositalarining sifati va faoliyati doimiy ravishda baholanib boriladi va ularning mustahkamligi ta'minlangan.
Bundan tashqari hisoblashish jarayoni tashqi iqtisodiy faoliyatda asosiy o'rinlardan birini egallab, bu munosabatlar «Valyuta tartiblari va valyuta nazorati to'g'risida»gi Qonunga asosan amalga oshiriladi. Valyuta tartiblariga rioya qilish

Markaziy bank tomonidan nazorati qilinadi, ushbu bankga kuyidagi vakolatlar yuklatilgan:

- xorij valyutalari muomalalarining tartibi va faoliyat jarayonlari;
- rezident va norezidentlar tomonidan valyuta muomalalarini amalga oshirish qoidalari;
- valyuta muomalalarini hisobga olish, hisoblab hujjatlashtirish va statistikasining umumiy tartibini o'rnatish.

Xalqaro tartiblar esa «Tovarlarning xalqaro oldi-sotdi to'g'risidagi shartnoma» BMT konventsiyasi, A/SONE. 97/18 Annex 1. va Inkoterms hujjatlariga asoslanadi. Ushbu hujjatlarda:

iqtisodiy aloqalarga qulay shart-sharoitlar yaratish, aloqa o'rnatish, shartnomalar tuzish va tegishli tartib va qoidalarni o'rnatish uchun ma'lumotlar va axborotlar bilan ta'minlash;

- tovarlarni olish va sotishdagi to'siqlardan o'tish, shartnomalar tuzish, tovarlarning turlari, miqdori va grafiklarini belgilash va etkazib berish uchun sharoitlar yaratish;
- tovarlarni sotib olish va sotish bo'yicha kamsitishlar (diskriminatsiya)ni tugatish, tomonlarning manfaatlarini ko'zlagan holda xo'jalik muammolarini amalga oshirish;
- shartnomalarni amalga oshirishga sarflanadigan vaqt va xarajatlarni qisqartirish maqsadida ko'rsatilgan shakllarda xarajatlarni hisobga olishda tasdiqlangan «Nizom» qoidalariga amal qilinadi. Yuqoridagi munosabatlarni korxona faoliyatida to'g'ri va aniq tarzda yuritish, eksport-import muomalalariga doir hisob-kitob hujjatlarini rasmiylashtirish hamda bu munosabatlarning amalga oshirish jarayonini samarali boshqarish va nazorat qilish uchun eksport-import muomalalarining hisobi va uning tahlilini yuritish lozim bo'ladi.

Eksport-import operatsiyalari buxgalteriya hisobining asosiy maqsadi – foydalanuvchilarni eksport-import operatsiyalariga oid to'liq va ishonchli moliyaviy hamda buxgalteriya axboroti bilan o'z vaqtida ta'minlashdan iborat.

Iqtisodiyotni liberallashtirish sharoitida har qanday tashqi iqtisodiy faoliyat bilan shug'ullanuvchi korxonada boshqaruv tizimi eksport-import munosabatlari bo'yicha axborot bilan ta'minlashning tegishli tizimiga ehtiyoj sezadi. Shu sababli, mazkur mavzu bo'yicha axborot to'plash, umumlashtirish va qayta ishlashning eng muhim vositalaridan biri – buxgalteriya hisobi va tahlildir. Bundan tashqari, eksport-import muomalalarining holati va harakatini o'z vaqtida hamda to'g'ri hisobga olishi, talqin etishi va ana shu asosda barqaror rivojlana olishi uchun bunday ma'lumotlarni yig'ish va qayta ishlashning samarali tizimiga ega ega bo'lishi kerak.

Eksport-import operatsiyalari bo'yicha buxgalteriya hisobining asosiy vazifalari qo'yidagilardan iborat:

- Korxona faoliyatining eksport-import operatsiyalari bo'yicha sodir bo'layotgan xo'jalik muomalalarini hujjatlarda to'g'ri va o'z vaqtida rasmiylashtirish;
- Buxgalteriya hisobi hisobvaraqlarida eksport-import munosabatlarining holati va harakati, bu munosabatlar bo'yicha hisoblashishlar

tartibi va ular bo’yicha korxona majburiyatlarining holati to’g’risida to’liq va ishonchli ma’lumotlarni shakllantirish.

- Tashqi iqtisodiy faoliyat sub’ektlarida boshqaruv samaradorligini oshirish uchun eksport-import muomalalariga oid buxgalteriya hisobi ma’lumotlarini umumlashtirish va bu ma’lumotlar asosida boshqaruv qarorlarini ishlab chiqish.

- Eksport-import muomalalarining holati va harakatini moliyaviy hisobotlarda o’z vaqtida aks etttirish va tegishli organlarga taqdim etish

Yuqoridagilarni inobatga olib, quyidagi xulosa va takliflarni berishimiz mumkin:

Birinchidan, eksport saloxiyatini tiklash, rivojlantirish va eksport tarkibini yaxshilash. Buning uchun, qisqa fursat ichida eksportga mo’ljallangan mahsulotlar ishlab chiqarishni kuchaytirish, bu erda nafaqat xom-ashyomiz va tabiiy resurslarimiz hisobiga balki, ilmiy-texnikaviy bilimlarimiz, arzon ishchi kuchi hisobiga, ishlab chiqarishning ustuvor soxalarini rivojlantirish hisobiga erishish kerak.

Ikkinchidan esa, importni ratsionallashtirish muxim vazifalardan biri bo’lib, bu erda import siyosati nafaqat aholining turmush tarzi va manfaatlarini ko’zlab, balki iqtisodiyotni yangilash va raqobatbardoshligini ta’minlashga xizmat qiladi. Mashinasozlik importida imkon boricha tayyor mashinalar, transport vositalari va texnologik asbob-uskunalari ko’proq foydali qazilmalar qazish ishlari uchun va qayta ishlovchi soxalar uchun sotib olinishi kerak. Importning samarasini oshirilishida yana, O’zbekiston iqtisodiyoti uchun zarur bo’lgan maxsulotlar o’rnini bosuvchi va kam xarajatlar sarflanadigan (ya’ni, bu erda albatta sotib olish va olib kelish uchun ketgan xarajatlar e’tiborga olinib) mahsulotlar ishlab chiqarishni tashkil etish ham asosiy yo’nalishlardandir.

Uchinchidan, respublikada ishlab chiqarilayotgan mahsulotlarning jahon bozorlarida raqobatbardoshligini oshirishdir. Eksport potentsialini kengaytirishda va jahon xo’jaligiga kirishning integratsiya jarayonida, O’zbekistonda ishlab chiqarilgan mahsulotlar iloji boricha sifatli va kam xarajat qilingan, jahon bozori shartlari va talablarini qoniqtiradigan darajada bo’lishi shart. Buning uchun esa, asta-sekinlik bilan ichki va jahon ishlab chiqarish andozalari va maxsulotlar sifatini bir-biriga yaqinlashtirish kerak.

Adabiyotlar r o’yxati

1. PQ-4611-son «Moliyaviy hisobotning xalqaro standartlariga o’tish bo’yicha qo’shimcha chora-tadbirlari to’g’risidagi O’zbekiston Respublikasi Prezidentining qarori. 2020 yil 24 fevral;

2. O’zbekiston Respublikasi “Buxgalteriya hisobi to’g’risida” gi Qonuni, Yangi taxriri. 2016 yil 13 aprel;

3. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining qarori, 07.05.2020 yildagi PQ-4707-son « Eksport faoliaytini yanada qo’llab-quvvatlash chora-tadbirlari to’g’risida»;

4. Ветошкина Е. Ю., Эшпулатова З. Б. УЧЕТ ДОГОВОРОВ С ОБРАТНОЙ ПОКУПКОЙ //Учет, анализ и аудит: их возможности и направления эволюции. – 2022. – С. 13-19.

5. Eshpulatova, Z., 2020. DETERMINATION OF INCOME AND PROFIT AS AN ELEMENT OF FINANCIAL STATEMENTS. International Finance and Accounting, 2020(1), p.20.

Internet saytlari

http://www. gov.uz. (O'zbekiston Respublikasi hukumat portali)
http://www.mf.uz(O'zbekiston Respublikasi Moliya vazirligi)
http://www. ziyonet.uz (Axborot ta'lim tarmog'i)
http://www. lex.uz (O'z. Resp. qonun hujjatlari ma'lumotlari milliy bazasi)

MOLIYAVIY HISOBOT XALQARO STANDARTIGA O'TISH DAVR TALABI VA JORIY ETISH ASOSLARI

Zaynab Baratovna Eshpulatova
Samarqand iqtisodiyot va servis instituti
Buxgalteriya hisobi" kafedra dotsenti

Annotatsiya: Maqolada O'zbekiston Respublikasi mustaqillika erishgan yillaridan boshlab, buxgalteriya sohada yangi uyg'onish davri va Moliyaviy hisobotning xalqaro standartlari (MHXS) standartiga o'tish davr talabi va joriy etish asoslari, bosqich qadamlari ochib berilgan. Mavzuga doir xulosa va takliflar berilgan.

Kalit so'zlar: Strategiya, Farmon, Qaror, Moliyaviy hisobotning xalqaro standartlari, investor, ta'sischi, manfaatdor tomonlar, axborot foydalanuvchiar, soliq organlari, iqtisodiy sub'ektlar.

O'zbekiston Respublikasi mustaqillika erishgan yillaridan boshlab, barcha sohada yangi uyg'onish davri boshlandi. Buxgalteriya sohasida ham bosqichma-bosqich uchunchi renesans davriga etib keldi. O'zbekiston Respublikasi Prezidentning "O'zbekiston – 2030" satrategiyasi to'g'risida"gi[70] Farmonining muhim vazifalardan biri - bu barqaror iqtisodiy o'sish orqali daromadi o'rtachadan yuqori bo'lgan davlatlar qatoridan o'rin olish, aholi talablariga va xalqaro standartlarga to'liq javob beradigan ta'lim, tibbiyot va ijtimoiy himoya tizimini tashkil qilishdan iborat. Strategiayda belgilangan vazifalarga erishishda, aholi daromadlarini oshirish, iqtisodiy sub'ektlarni oshirish, ushbu sub'ektlarda aholi talablariga va xalqaro standartlarga to'liq javob beradigan daromadlar hisobi xalqaro standandartlar asosida yuritish, bugungi kunda dolzarb masalalardan biri bo'lib hisoblanadi. Mazkur strategiya ijrosini ta'minlash yuzasidan qabul qilingan qator farmon va qarorlar, shuningdek davlat dasturlarida moliyaviy hisobotning xalqaro standartlariga o'tish ustuvor vazifalar hamda aniq chora-tadbirlar belgilangan.

Moliyaviy hisobotning xalqaro standartlari (MHXS) asosida tuzilgan moliyaviy hisobotdan axborot foydalanuvchilari asosan xalqaro investorlar, soliq organlari va ta'sischilar foydalanishadi. Sababi ular faoliyat yuritayotgan iqtisodiy

[70] 11.09.2023 yildagi PF-158-son "O'zbekiston – 2030" satrategiyasi to'g'risida O'zbekiston Respublikasi Prezidentning Farmoni

sub’ektning manfaatdor tomonlari bo‘lib, moliyaviy hisobotdagi ko‘rsatkichlar natijasida, ular kopmaniy uchun to‘g’ri iqtisodiy qarorlarni qabul qilishda, muhim omil bo‘lib hisoblanadi.

Umuman olganda, dastlabki mustaqillakka erishginimizdan beri buxgalteriya sohasi, bosqichma-bosqich shakillanib quyidagi qadamlarda, asta-sekinlik balan moliyaviy hisobotning xalqaro standartlar asosida yuritiladigan hisob tizimiga kirib bormoqda (1-rasm).

O’zbekiston Respublikasi Prezidentining 24.02.2020 yildagi PQ-4611-son “Moliyaviy hisobotning xalqaro standartlariga o’tish bo’yicha qo’shimcha chora tadbirlar to’g‘risida“gi qarorlari 2021 yil 1 yanvardan boshlab, moliyaviy hisobotlarini moliyaviy hisobotning xalqaro standartlari (MHXS) printsiplari asosida taqdim etilishi belgilab berilgan. Ushbu qonun xujjatning tasdiqlanishi buhgalteriya sohasida va moliyaviy hisobot taqdim etish talablari tubdan o‘zgarishiga tutki bo‘ldi desak bo‘ladi. Moliyaviy hisobotning xalqaro standartlari (MHXS) printsiplari moliyaviy hisobot elementlarini baholash, tan olish va hisobotda aks ettirishning o‘ziga xos yondashuvni talab qiladi.

1 qadam	O‘zbekiston Respublikasining 09.12.1992 y. 734-XII-son "Auditorlik faoliyati to‘g‘risida"gi Qonuni (Yangi tahriri) va O‘zbekiston Respublikasining 30.08.1996 y. 279-I-son "Buxgalteriya hisobi to‘g‘risida"gi Qonuni (Yangi tahriri) qabul qilindi
2 qadam	1993 yildan boshlab schyotlar rejasi 21-son Buxgalteriya hisobi milliy standartlari va barcha BHMSlar 2009 yilgacha shakillandi
3 qadam	13.04.2016 y. O‘RQ-404-son Qonuni bilan "Buxgalteriya hisobi to‘g‘risida"gi O‘zbekiston Respublikasining Qonuni (yangi tahriri) va 25.02.2021 yilda O‘RQ-677-son "Auditorlik faoliyati to‘g‘risida"gi O‘zbekiston Respublikasining Qonuni (yangi tahriri) qayta ishlab chiqildi va tasdiqlandi
4 qadam	O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2022 yil 28 yanvardagi PF-60-son «2022-2026 yillarga mo‘ljallangan yangi O‘zbekistonning taraqqiyot strategiyasi to‘g‘risida»gi Farmoni, O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 11.09.2023 yildagi PF-158-son “O‘zbekiston -2030” strategiyasi to‘g’risidagi Farmoni, 2019 yil 19 sentyabrdagi PQ-3946-son «O‘zbekiston Respublikasida auditorlik faoliyatini rivojlantirish chora-tadbirlari to‘g‘risida»gi, 2020 yil 24 fevraldagi PQ-4611-son «Moliyaviy hisobotning xalqaro standartlariga o‘tish bo‘yicha qo‘shimcha chora-tadbirlari to‘g‘risida»gi, 2021 yil 4 avgustdagi PQ-5210-son «Auditorlarni sertifikatlashtirish tizimini takomillashtirish bo‘yicha qo‘shimcha chora-tadbirlar to‘g‘risida»gi O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining Qarorlari qabul qilindi

1-rasm. Moliyaviy hisobotning xalqaro standartlarga o‘tish bosqich qadamlari

1-rasimdan ko‘rinib turibdiki o‘zimizning mukamal, xalqaro darajada hisob tizimiga erishishimiz uchun 1991 yildan boshlab bugingi kunga qadar shakillantirib bormoqdamiz. Yillar kesimida hisoblaydigan bo‘lsak, 33 yil davrni o‘z ichiga olgan jarayon hisoblanadi. Demak, yuqoridagilarni inobatga olgan holda, quyidagi xulosa va takliflarni keltiraman:

Bugungi kunda moliyaviy hisobotlarimizni zamon talab etadigan Moliyaviy hisobotning xalqaro standartlari (MHXS) asosida to‘liq yondashishimizga erishish uchun, qyidagi maqsad va vazifalarni o‘z oldimizga qo’yishimiz lozim:

- Moliyaviy hisobotning xalqaro standartlarini qo‘llash mohiyati va ahamiyati, shuningdek ularning hisob ob’ektlari sifatidagi xususiyatlarini asoslash va tasnifiy asoslarini ishlab chiqish;
- Iqtisodiy sub’ektlarda Moliyaviy hisobotning xalqaro standartlarini qo‘llash maqsadi, vazifalari, tamoyillari va usullarini belgilash;
- Iqtisodiy ko’rsatuvchi sub’ektlar faoliyatini Moliyaviy hisobotning xalqaro standartlarini qo‘llash tashkiliy asoslarini ochib berishdan iborat.

Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yxati

1. 11.09.2023 yildagi PF-158-son “O‘zbekiston – 2030” satrategiyasi to‘g’risida O‘zbekiston Respublikasi Prezidentning Farmoni;
2. 2022 yil 28 yanvardagi PF-60-son «2022-2026 yillarga mo‘ljallangan yangi O‘zbekistonning taraqqiyot strategiyasi to‘g‘risida»gi O‘zbekiston Respublikasi Prezidentning Farmoni;
3. 2019 yil 19 sentyabrdagi PQ-3946-son «O‘zbekiston Respublikasida auditorlik faoliyatini rivojlantirish chora-tadbirlari to‘g‘risida»gi O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining Qarori;
4. 2020 yil 24 fevraldagi PQ-4611-son «Moliyaviy hisobotning xalqaro standartlariga o‘tish bo‘yicha qo‘shimcha chora-tadbirlari to‘g‘risida»gi O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining Qarori;
5. 2021 yil 4 avgustdagi PQ-5210-son «Auditorlarni sertifikatlashtirish tizimini takomillashtirish bo‘yicha qo‘shimcha chora-tadbirlar to‘g‘risida»gi O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining Qarori

СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ УЧЕТА НЕМАТЕРИАЛЬНЫХ АКТИВОВ

Ташназарова Д.С.
докторант СамИСИ,
и.о. доцента кафедры «Бухгалтерский учет, анализ и аудит» ТГАУ,
Кенджаева З.М.
магистрант 1-курса кафедры "Организация совместной образовательной программы" ТГАУ

Аннотация: В статье рассматриваются актуальные вопросы учета и аудита нематериальных активов в условиях современной экономической

системы Республики Узбекистан. Проанализированы как внутренние, так и внешние факторы, влияющие на признание и учет этих активов, а также предложены пути их оптимизации в соответствии с международными стандартами финансовой отчетности. Работа акцентирует внимание на необходимости адаптации и модернизации бухгалтерского учета нематериальных активов для повышения экономической эффективности предприятий.

Ключевые слова: нематериальные активы, бухгалтерский учет, аудит, экономическая система, МСФО, инновации, конкурентное преимущество, инвестиции, узнаваемость бренда, финансовые вложения.

После обретения независимости Республики Узбекистан изменения в экономической системе страны привели к появлению класса собственников и возникновению чувства собственности на имущество, а расширение границ экономических отношений между хозяйствующими субъектами в свою очередь привело к увеличению количества объектов бухгалтерского учета, так как увеличилось количество видов долгосрочных активов. Это, в свою очередь, вызвало проблемы, связанные с учетом и аудитом долгосрочных активов. Наблюдения в ходе исследования показали, что в первые годы независимости в первом разделе бухгалтерского баланса хозяйствующих субъектов значительную долю занимали основные средства, а в дальнейшем появились и такие статьи, как нематериальные активы, финансовые вложения, долгосрочная дебиторская задолженность и расходы будущих периодов.

В международном стандарте финансовой отчетности «Нематериальные активы» понятию нематериальных активов дано следующее определение: "Нематериальный актив (intangible asset) — идентифицируемый немонетарный актив, не имеющий физической формы". Ученый-экономист И. Давлетов в своем исследовании исследованиион поддерживает данное А. Полтораком и П. Лернером (2002) определения интеллектуального капитала, интеллектуальной собственности и интеллектуальных активов и признает, что включение интеллектуальной собственности в состав нематериальных активов является правильным подходом.

Существуют внутренние и внешние факторы, влияющие на признание и учет нематериальных активов. Если к внешним факторам относятся система и ситуация в стране, то внутренние факторы определяются, прежде всего, различием между фундаментальными нематериальными активами и традиционными средствами производства.

Прежде всего, с юридической точки зрения нематериальные активы – это не материальные объекты, а индивидуальные права, такие как технология производства, права владения товарными знаками, которые не материализуются, а приносят доход.

Во-вторых, недорогие нематериальные активы предоставляют удобную возможность получения масштабной прибыли. И, наконец, в-третьих, вовлечение нематериальных активов в экономическую деятельность предприятий затруднено рядом присущих этим активам недостатков

(отсутствие рынка определенных услуг и товаров, наличие рисков и специальных ограничений).

Таким образом, привлечение нематериальных активов к хозяйственной деятельности предприятий, с одной стороны, и адекватная разработка теоретических и практических вопросов нематериальных активов в условиях реформирования системы бухгалтерского учета, с другой стороны, делают необходимым совершенствование их учета.

Нематериальные активы играют важную роль в успехе бизнеса. Благодаря исследованиям мы изучили некоторые причины, почему нематериальные активы важны:

Конкурентное преимущество. Такие активы, как товарные знаки и патенты, могут помочь предприятию дифференцировать свои продукты или услуги от продуктов конкурентов, давая ему конкурентное преимущество на рынке.

Узнаваемость бренда. Такие активы, как названия брендов и логотипы, помогают повысить узнаваемость бренда и лояльность клиентов, что может иметь решающее значение для долгосрочного успеха.

Инновации: такие активы, как патенты и авторские права, могут стимулировать инновации, защищая идеи и изобретения предприятий и частных лиц, поощряя постоянные инвестиции в исследования и разработки.

Получение дохода. Некоторые активы, такие как лицензионные соглашения и потоки роялти, могут приносить значительный доход бизнесу, не требуя физического продукта или услуги.

Доверие инвесторов. Наличие ценных активов на балансе компании может продемонстрировать инвесторам, что бизнес имеет прочную основу и потенциал для долгосрочного успеха, повышая доверие инвесторов и привлекая дополнительные инвестиции.

Согласно МСФО № 38 «Нематериальные активы», нематериальные активы признаются компанией только в том случае, если они соответствуют определенным критериям или активу, связанному с услугами. После первого признания, согласно МСФО № 38 «Нематериальные активы», нематериальные активы подлежат учету двумя способами:

1) основной метод - вычитание обесцененной накопленной амортизации и убытков из первоначальной цены;

2) альтернативный метод - вычесть амортизацию и убытки, накопленные после обесценения, из переоцененной цены.

Амортизация рассчитывается непрерывно в течение срока полезного использования нематериальных активов. Этот метод амортизации определяет отношение компании к формированию экономической стоимости, полученной в результате использования нематериального актива в будущем. Если нет возможности использовать этот метод, необходимо использовать метод прямого расчета амортизации. Срок амортизации должен пересматриваться не реже одного раза в год.

Основными документами, которые строго определяют процедуры признания, оценки и учета понятия нематериальных активов, являются национальный стандарт бухгалтерского учета № 7. Основными случаями учета нематериальных активов являются: момент признания, оценка стоимости и определение срока полезного использования, учет амортизации, учет других изменений балансовой стоимости и определение их окончательной оценки и финансовых результатов после их выпуска, а также раскрытие информации о нематериальных активах в финансовой отчетности предприятия. Нематериальные активы – это идентифицированные объекты имущества, имущество которых не может быть сохранено в целях использования объектов собственности предприятий в производственном процессе, для выполнения работ, оказания услуг или реализации товаров либо для выполнения административных и иных задач в течение длительного периода. времени. Определение нематериальных активов требует, чтобы актив использовался бизнесом и не имел физической сущности. Активы, не имеющие физического значения, соответствуют определению нематериальных активов, если они находятся в собственности и будут использоваться в течение длительного периода времени.

Подводя итог, можно сказать, что в последние годы вырос уровень использования нематериальных активов в производственной и финансовой деятельности предприятия, резко возросла их роль. Поэтому для предприятий актуальной стала проблема учета нематериальных активов, а также его совершенствования. Важно изменить (классифицировать и оценивать) отчетность в соответствии с требованиями МСФО, составленными на основе НСБУ, и осветить информацию в бухгалтерской отчетности. В бухгалтерском учете нематериальные активы еще не полностью исследованы и являются одним из новых объектов учета. Поэтому изучение требований международных стандартов и внедрение их в практику при организации их учета в дальнейшем будет оставаться актуальным.

СПИСОК ИСПОЛЬЗОВАННОЙ ЛИТЕРАТУРЫ:

1. Andriessen D., Tissen R. Weightless Wealth: Find Your Real Value in a Future of Intangible Assets. Financial Times Prentice Hall, 2000., Bernard Marr. Perspectives on Intellectual Capital. Elsevier Butterworth Heinemann, 2005.,

2. Brad Sherman The making of modern intellectual property law: the British experience, 1999. 1760-1911.Cambridge University Press. P.207. ISBN 978-0- 521-56363-5

3. Пулатов М.Е. Вопросы совершенствования учета и аудита нематериальных активов. Диссертационная работа написана для получения ученой степени к.э.н. Ташкент 2006.

4. Исманов И. СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ УЧЕТА ДОЛГОСРОЧНЫХ АКТИВОВ монография; научная публикация; «Классик», 2021. – 152 стр.

5. Ташназаров С.Н. Международные стандарты финансовой отчетности: учебник для магистрантов высших учебных заведений. – Ташкент: «ЭКОНОМИКА-ФИНАНС», 2019. – 584 с.6. Международные стандарты финансовой отчётности. http://finansist.uz/uz/ moliyaviy-hisobotning-xalqaro-standartlari-ozbekistonda-qollanilishi/

XO'JALIK YURITUVCHI SUBYEKTLARDA ISHLAB CHIQARISH XARAJATLARINI KAMAYTIRISHNING IQTISODIY AHAMIYATI VA ULARNI TO'G'RI HISOBGA OLISH ZARURIYATI

Ro'ziboyev Zoirjon Toxirovich
Soliq qo'mitasi huzuridagi Fiskal institut "Buxgalteriya hisobi"mutaxasisligi magistranti,
Farg'ona viloyati soliq boshqarmasi soliq to'lovchilarga xizmat ko'rsatish bo'limi davlat soliq bosh inspektori.
Telefon raqam:+99890-861-62-88
+99897-502-88-11
E-mail: zruziboyev@gmail.com

Annotatsiya. Mazkur ma'ruzada xo'jalik yurituvchi subyektlarda ishlab chiqarish xarajatlarini kamaytirishning iqtisodiy ahamiyati, zaruriyati va uning boshqaruv usullari tahlil qilinadi, bu muammo olimlar tomonidan eng ko'p muhokama qilinayotgan mavzulardan biridir, bu o'z o'rnida xo'jalik yurituvchi subyektlarning iqtisodiy jihatdan o'sishiga, rivojlanishiga imkon beradi. Albatta tadbirkorlik sub'yektlatining asosiy maqsadi samaradorlikni eng yuqori cho'qqisiga olib chiqishdir.

Kalit so'zlar: xarajatlar, xarajatlarning tarkibi, xarajatlarni boshqarish, xarajatlarni kamaytirish, xarajatlarni kamaytirish yo'llari, xarajatlar tahlili, xarajatlarning nazorat qilish jarayonlari.

Аннотация. В докладе анализируется экономическая значимость, необходимость и методы управления снижением себестоимости продукции в дочерних обществах – проблема, которая является одной из самых обсуждаемых тем ученых, что в свою очередь позволяет хозяйствующим субъектам расти и развиваться экономически. Конечно, главная цель хозяйствующего субъекта – довести эффективность до пика.

Ключевые слова: затраты, структура расходов, управление затратами, снижение затрат, способы снижения затрат, анализ затрат, процессы контроля затрат.

Annotation. This talk analyzes the economic importance, necessity, and management methods of reducing production costs in subsidiaries, a problem that is one of the most discussed topics by scientists, which in turn allows business entities to grow and develop economically. Of course, the main goal of the business entity is to bring efficiency to the peak

Key words: expenses, composition of expenses, cost management, cost

reduction, ways to reduce costs, cost analysis, cost control processes.

Barchamizga ma’lumki O’zbekiston Respublikasi dunyoda rivojlanayotgan mamalakatlar qatorida turadi. Shuningdek, davlatimiz iqtisodiyoti xam dunyo miqyosida iqtisodiyoti rivojlanayotgan mamalakatlar qatoriga kiradi. Mamlakatimiz iqtisodiyoti rivojlanishida va o’sishida xo’jalik yurituvchi sub’yektlarda mahsulotlar ishlab chiqarish sohasi alohida o’rin tutadi. Bozor iqtisodiyoti sharoitida esa ishlab chiqarilgan mahsulotni xaridorgir, sifatli, xamyonbop bo’lishi muximdir. Xo’jalik yurituvchi sub’yektlarda mahsulotni ishlab chiqarish, qayta ishlash, sotish jarayonida esa xarajatlar asosiy omil bo’lib vujudga keladi. Bu jarayonda esa xo’jalik yurituvchi sub’yektlarning xarajatlarini kamaytirish beqiyos ahamiyatga egadir.

Bozor iqtisodiyoti sharoitida har bir xo’jalik yurituvchi sub’yekt yoki korxona yuqori foyda olish va uni ko‘paytirib borishni o’z oldiga maqsad qilib qo’yadi. Sub’yekt oladigan foyda miqdori esa dastavval ishlab chiqargan mahsuloti yoki ko‘rsatayotgan xizmatining hajmiga, sifatiga, tannarxiga va baholar darajasiga bog‘liq bo‘ladi. Xo’jalik yurituvchi sub’yektlarning bozorga mahsulot etkazib berib, foyda olishga bo‘lgan layoqatini aniqlab beruvchi muhim omil sarf-harajatlar darajasi hisoblanadi. Har qanday tovarni ishlab chiqarish iqtisodiy resurs sarflarini taqozo qilib, ular ham ma’lum narxga ega bo‘ladi. Korxona oladigan foydaning miqdori bir tomondan bozorga taklif qiladigan tovar miqdoriga bog‘liq bo‘lsa, ikkinchi tomondan unga qilinadigan iqtisodiy xarajatlar darajasiga, resurslardan foydalanish samaradorligi va tovarlar bozorida sotiladigan narxlarga bog‘liq. Shuning uchun ham ishlab chiqarish xarajatlari iqtisodiyotning muhim kategoriyalaridan biri bo‘lib, uni o‘rganish muhim ahamiyatga egadir. Chunki uni o‘rganish asosida har bir xarajatning ulushini baxolash va kamaytirish imkoniyatlari aniqlanadi.

O’zbekiston Respublikasi Sh.M. Mirziyoyev aytganlaridek, “Mahsulot tannarxini kamaytirish orqali jahon bozoriga chiqish kerak”. Umuman olganda, resurslarni tejash mahsulot birligiga ketayotgan xarajatlarning pasayishi, resurslardan foydalanish darajasining ijobiy tomonga o‘sishi sifatida aniqlanadi. Bundan tashqari, “resurslarni tejash” tushunchasi ularning samarali iste’moli natijasida olinadigan foyda, natijani ham taqozo etadi. Resurslar tejamkorligiga ikki tomonlama, ya’ni mutlaq va nisbiy tejamkorlik nuqtai-nazaridan yondashish mumkin.

Mutlaq tejamkorlik – bu mahsulotni ishlab chiqarish va iste’mol qilish jarayonida uning tarkibiga kiruvchi jonli va buyumlashgan mehnat miqdorining kamayishi darajasini tavsiflaydi. Biroq, bunda ishlab chiqarilgan mahsulotning naflilik darajasi va qiymati o‘zgarmaydi.

Nisbiy tejamkorlik- tushunchasi ostida jonli va buyumlashgan mehnat xarajatlari nisbatan barqaror bo‘lgan sharoitda ishlab chiqarishning foydali natijalari, ya’ni qiymat hajmining o‘sishini ta’minlash jarayonini tushunish zarur. Shuning uchun resurslar tejamkorligi muammosining hal qilinishi iqtisodiyotning samarali rivojlanishi uchun juda muhimdir. Tejamkorlik darajasini baholash nisbiy

tarzda amalga oshiriladi. Agar jamiyat yagona individdan iborat bo‘lsa, uning hatti-harakatini tejamkorlik nuqtai-nazaridan baholash mumkin bo‘lmas edi. Shunga ko‘ra;

Tejamkorlik - jamiyat ijtimoiy-iqtisodiy taraqqiyotining muayyan darajasida barcha resurslardan tejamli foydalanish bo‘yicha iqtisodiy munosabat bo‘lib, ishlab chiqarish samaradorligini ta’minlashning asosiy omili hisoblanadi. Iqtisodiy samaradorlik ham “xarajatlar - ishlab chiqarish” muammosini o‘z ichiga oladi. Aniqroq aytganda, iqtisodiy samaradorlik ishlab chiqarish jarayonida qo‘llaniladigan taqchil resurs birliklari yig‘indisi va iste’mol tovarlari yig‘indisi o‘rtasidagi aloqani tavsiflaydi. Sarflangan xarajatlar hajmidan olingan mahsulotning ortiqligi samaradorlikning o‘sishini anglatadi. Shuning uchun har bir korxona ishlab chiqarish xarajatlarini kamaytirish bo‘yicha o‘z strategiyasiga ega bo‘lishi zarur. (1-jadval)

Korxona ishlab chiqarish xarajatlarini kamaytirish strategiya tarkibi

Xarajatlarini kamaytirish strategisi	**Strategi mazmuni**
Ishlab chiqarishning texnik darajasini oshirish	1. Ilg‘or texnologiyalarni joriy etish, ishlab chiqarish jarayonlarini mexanizatsiyalash va avtomatlashtirish. 2. Zaxiralardan foydalanishni takomillashtirish, yangi turdagi xom ashyo va materiallardan foydalanish. [8, 9, 14]. 3. Mahsulotlarning dizayni va texnik xususiyatlarining o‘zgarish. 4. Ilmiy-texnika yutuqlari va ilg‘or tajribalarning mahsulot narxiga ta’sirini tahlil qilish.
Ishlab chiqarish va mehnatni tashkil qilish	1. Ishlab chiqarishni boshqarishni takomillashtirish 2. Asosiy vositalardan foydalanishni takomillashtirish 3. Moddiy-texnika ta’minotini yaxshilash 4. Transport xarajatlarini kamaytirish
Mahsulotlar hajmi va belgilashdagi o‘zgarishlar	1. Belgilangan xarajatlarning (amortizatsiya bundan mustasno) kamayish. 2. Mahsulotlarning nomenklaturasi va assortimentining o‘zgarishiga va sifatining oshishiga olib kelish. 3. Ishlab chiqarish o‘sishi bilan mahsulot birligiga shartli ravishda belgilangan xarajatlar soni kamaytirish.[11, 12]
Tabiiy resurslardan foydalanishni	1. Tabiiy sharoitlarning o‘zgaruvchan xarajatlar ta’sirini aniqlash. 2. Tabiiy yaqin xom-ashyo resurslarini aniqlash va tahlil etish
takomillashtirish	
Sanoat va boshqa omillar	1. Yangi sexlarni, ishlab chiqarish bloklarini ishga tushirish va rivojlantirish. [10, 13] 2. Turdosh tarmoqlarning birlashishi, o‘z-o‘zidan komponentlar ishlab chiqarishni yo‘lga qo‘yish. 3. Tayyor mahsulot narxini muntazam tahlil etish.

Ishlab chiqarish jarayonida xarajatlarni shakllantirish jarayoniga ta’sir qilishning eng samarali usullaridan yana biri moliyaviy javobgarlik markazlarini tashkil etish asosida korxonaning xarajatlari va daromadlarini boshqarishdir. Xarajatlarni boshqarish tizimining asosiy funktsiyalari prognozlash va rejalashtirish,

buxgalteriya, nazorat qilish (monitoring), muvofiqlashtirish va tartibga solish, shuningdek, xarajatlarni tahlil qilish hisoblanadi.

Moliyaviy javobgarlik markazi (MJM) - bu daromadni optimallashtirish, rentabellikka bevosita ta'sir ko'rsatish yo'llarini topish, belgilangan chegaralar doirasida xarajatlar darajasini nazorat qilish va xarajatlarni kamaytirish yo'llarini topish uchun asosiy vazifalarni bajaradigan tarkibiy bo'linma yoki bo'linmalar guruhi desak mubolag'a bo'lmaydi.

Bozor iqtisodiyoti sharoitida tadbirkorlar maqsadlarni tanlash imkoniyatiga ega bo'lishdi (1-rasm). Maqsadlarni tanlash va shakllantirish korxona strategiyasi va kelgusi davr uchun ularni amalga oshirishning aniq shartlari bilan belgilanadi.



1-rasm. Tadbirkorlik faoliyatida xarajatlarni boshqarish maqsadlari

Xulosa qilib aytadigan bo'lsak, shunday qilib, xarajatlarni rejalashtirish, xarajatlarni boshqarish tizimining muhim elementi bo'lib, keng qamrovli bo'lishi va korxonaning resurslari qayerda, qachon va qanday hajmda sarflanishini aniqlash imkonini beradi. Shuni ham ta'kidlash joizki, tashkilotning o'ziga xos xususiyatlarini va kompleks yondashuvni hisobga olgan holda xarajatlarni boshqarish tizimidan foydalanish korxona faoliyatining yuqori iqtisodiy natijalariga erishishga imkon beradi.

O'zbekiston Respublikasida iqtisodiyotni rivojlantirish va liberallashtirish sharoitida ishlab chiqarishni texnik va texnologik jihatdan qayta jihozlash xo'jalik yurituvchi subyektlarning moliyaviy-xo'jalik faoliyatini to'g'ri yo'lga qo'yishga, ularning iqtisodiy va moliyaviy barqarorligini ta'minlashga xizmat qiladi.

KORXONALARDA MAJBURIYATLARNI XALQARO STANDARTLAR ASOSIDA TAN OLISH VA BAHOLASH

Jabbarova Charos Aminovna,
Iqtisodiyot universiteti tayanch doktoranti

Annotatsiya. Mazkur maqolada majburiyat, baholangan majburiyat, shartli majburiyat tushunchalari, ularni xalqaro standartlar asosida tan olish, baholash hamda bekor bo‘lishi xususiyatlari o‘rganilgan, shuningdek, misollar yordamida yoritib berilgan.

Kalit so‘zlar*:* moliyaviy hisobotning xalqaro standartlari, majburiyat, baholangan majburiyat, shartli majburiyat, kutilayotgan qiymat usuli.

Butunjahon globallashuvi sharoitida MDH mamlakatlari iqtisodiyotining raqobatbardoshligini ta’minlash tobora muhim ahamiyat kasb etmoqda. Bunday holda, talablardan biri buxgalteriya hisobi va moliyaviy hisobot tizimining moliyaviy hisobotning xalqaro standartlariga (MHXS) muvofiqligi hisoblanadi.

Iqtisodiyotni boshqarishning bozor mexanizmlarini rivojlantirish bo‘yicha fundamental muammolarni hal qilishda buxgalteriya tizimini isloh qilish ustuvor o‘rinni egallaydi. Iqtisodiy munosabatlarning yangi bosqichda rivojlanishi sharoitida buxgalteriya hisobi sohasida nazariy tadqiqotlar olib borish zarurati buxgalteriya obyektlarini hisobga olish va baholash uchun MHXS tamoyillari asosida taqdim etilgan buxgalteriya hisobini tashkil etish talabi asosida yuzaga keladi.

MHXS kengashi tomonidan ishlab chiqilgan standartlar kompaniyalar faoliyati to‘g‘risidagi ma’lumotlarni butun dunyo bo‘ylab shaffof va tushunarli taqdim etish uchun samarali vosita sifatida tan olingan. Aynan moliyaviy hisobotning shaffofligi va boshqaruv sifati investorlar va kreditorlar investitsiya qilish uchun obyektlarni tanlashda e’tibor qaratadigan asosiy mezonlardir.

Mamlakatimizda buxgalteriya hisobi va hisobotini me’yoriy tartibga solish MHXSga o‘tishga allaqachon yo‘naltirilib, uning ustuvor maqsadi moliyaviy hisobotlarning ichki va tashqi manfaatdor foydalanuvchilarining boshqaruv qarorlarini qabul qilish uchun zarur bo‘lgan tegishli ma’lumotlarga bo‘lgan ehtiyojlarini qondirishdir. Investor odatda, kompaniyaning kelajagi to‘g‘risidagi, yanada aniqroq aytadigan bo‘lsak, kiritgan investitsiyasi kelajakda qancha daromad keltirishi to‘g‘risidagi aniq va ishonchli hisob-kitobga ega bo‘lishni ko‘zlaydi va bunday holatda, albatta, moliyaviy hisobot ko‘rsatkichlaridan eng qiziqtiradigan element – bu majburiyatlar hisoblanadi.

Majburiyatlar korxona moliyaviy hisobotining muhim elementi bo‘libgina qolmay ularning turlari bo‘yicha miqdori korxona kelajagiga jiddiy ta’sir qiluvchi omil hisoblanadi. Shunday ekan, joriy va uzoq muddatli majburiyatlar, uzoq muddatli majburiyatlarning joriy qismi kabi hisobot elementlari foydalanuvchi uchun aniq va tushunarli bo‘lishi lozim. So‘nngi yillarda hisob tizimimizda

qollanilayotgan *baholangan majburiyat, shartli majburiyat* terminlari esa xalqaro standartlar (IAS 37) bilan kirib kelgan.[71]

Mazkur standart "*Baholangan majburiyatlar, shartli majburiyatlar va shartli aktivlar*" deb nomlanib, unda baholangan majburiyatlarga – noaniq bajarish muddatiga yoki noaniq qiymatga ega bo‘lgan majburiyatdir deya tarif berilgan. Umuman olganda standartga ko‘ra majburiyat – bu tashkilotning bo‘lib o‘tgan hodisalardan yuzaga keladigan mavjud javobgarligi bo‘lib, so‘ndirilishi natijasida tashkilotdan o‘zida iqtisodiy nafni mujassamlashtirgan resurslarning chiqib ketishi kutiladi. Standartning maqsadi baholangan majburiyatlar, shartli majburiyatlar va shartli aktivlarga nisbatan tegishli tan olish mezonlari va baholash asoslari qo‘llanilishini hamda foydalanuvchilar ularning xarakterini, vaqtini va qiymatini tushunishi uchun izohlarda yetarlicha ma’lumotlar yoritib berilishini ta’minlashdan iborat.

Korxonalarda baholangan majburiyatlarni tan olish uchun quyidagi shartlar bajarilishi lozim:

- tashkilot oldingi hodisalar natijasida mavjud (yuridik yoki konstruktiv) javobgarlikka ega bo‘lishi;
- javobgarlikni bajarish uchun o‘zida iqtisodiy nafni mujassamlashtirgan resurslarning chiqib ketishining talab etilishi ehtimoli mavjud bo‘lishi;
- javobgarlik qiymatini ishonchli baholana olishi. Agar ushbu shartlar bajarilmasa, baholangan majburiyat tan olinmasligi lozim.

Ushbu uchala shart bajarilgan taqdirda majburiyat balansda tan olinadi, shartlarga qisman rioya etilganida esa majburiyat balansda rezervlar sifatida yoki umuman, moliyaviy hisobotga ilovalarida ochib berilishi mumkin.

Buxgalteriya hisobida baholangan majburiyatlarni tan olishda quyidagicha hisob o‘tkazmalari beriladi:

Debet. Xarajatlar yoki aktivlarni nazarda tutuvchi schyotlar

Kredit. Baholangan majburiyat

Misol. Kompaniya sud nizosi ayblanuvchisi bo‘lib, huquqshunoslar sud qarori kompaniya foydasiga bo‘lmaydi, deb ishonishmoqda va ishning mumkin bo‘lgan natijalarini quyidagicha baholashmoqda: 20% ehtimol bilan kompensatsiya miqdori 50,000, 25% - 40,000, 55% - ehtimollik bilan – 30,000. Hisobot sanasida baholangan majburiyat qanday qiymatda balansda aks ettiriladi?

Baholangan majburiyat sifatida tan olinishi lozim bo‘lgan summaga tegishli noaniqliklarni bartaraf etish uchun, holatga qarab, turli usullardan foydalaniladi. Agar baholangan majburiyatni baholash katta xajmdagi moddalar jamlanmasini o‘z ichiga olsa, javobgarlik barcha mumkin bo‘lgan natijalarni ularga tegishli bo‘lgan ehtimolliklar bilan hisobga olgan holdagi tortilgan qiymatini aniqlash orqali baholanadi. Baholashning bu statistik usuli "kutilayotgan qiymat" deb nomlanadi.

Bizning misolda kutilayotgan qiymat usuli orqali quyidagicha hisob-kitob qilinishi mumkin:

[71]Бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандарти (37-сон БҲХС) «Баҳоланган мажбуриятлар, шартли мажбуриятлар ва шартли активлар» https://lex.uz/uz/docs/6312360

(50, 000 * 20%) + (40, 000 * 25%) + (30, 000 * 55%) = 36, 500

Ya’ni o’ratacha olganda korxona 36,500 so’mni baholangan majburiyat sifatida tan olishi mumkin. Ammo, mavjud vaziyat bo‘yicha 37 sonli xalqaro standartga asosan majburiyat individual baholanganida ehtimoli eng yuqori bo‘lgan variant summasi tanlanishi kerakligi ta’kidlangan. Ya’ni, bizning misolda ushbu summa 55% - 30,000 so‘mni baholangan majburiyat sifatida tan olishimiz kerakligini anglatadi. Vaholangki, sudning hukmida bu summa aynan biz hisoblaganimiz kabi bo‘lishi mumkinmi yoki mumkin emasligini aniqlash zarur. Chunki, hukm chiqarilganda yuqoridagi uchta summadan biri sud hukmida e’lon qilinadi.

Baholangan majburiyat sifatida tan olingan qiymat hisobot davri oxirida mavjud javobgarlikni bajarish uchun talab etiladigan sarfning eng to‘g‘ri hisob bahosi bo‘lishi lozim.

Pulning vaqt qiymati sababli, hisobot davridan keyin qisqa muddatda yuzaga keladigan pul mablag‘lari chiqimlari aynan shu qiymatda keyinroq yuzaga keladigan pul mablag‘lari chiqimlariga qaraganda kattaroq baholangan majburiyatlarni yuzaga keltiradi. Shu bois, ta’siri muhim bo‘lganida, baholangan majburiyatlar diskontlanadi. Yani biz majburiyatni dastlabki baholagan paytimizda baholangan majburiyatning joriy qiymati paydo bo‘lgan edi. Endilikda har yili ushbu joriy qiymatni diskontlash stavkasi orqali qiymatini oshirib boramiz va buxgalteriya hisobida quyidagicha aks ettiramiz.

Debet. Foiz xarajati

Kredit. Baholangan majburiyat

Pullik majburiyatning bajarilmagani, masalan, qarz qaytarilmagani, pul mablag‘lari o‘tkazilmagani va boshqalar uchun yoki majburiyat bajarilmagan davrning hammasiga: kechiktirish boshlangan paytdan boshlab amalda ijro etilgan paytgacha, qarz sud tartibida undiriladigan holatda esa – da’vo berilgan yoki qaror chiqarilgan kunigacha shuningdek, har bir kechiktirilgan to‘lov va to‘lanmagan qarz summasiga foizlar hisoblanishi mumkin.

Foizlar miqdorini Markaziy bankning (MB) pul majburiyatini yoki uning tegishli qismini ijro etish kunidagi, qarz sud tartibida undiriladigan holatda esa – da’vo berilgan yoki qaror chiqarilgan kunidagi qayta moliyalashtirish stavkasidan kelib chiqib aniqlanadi. Foizlarning boshqacha miqdori esa qonunchilikda yoki shartnomada belgilangan bo‘lishi mumkin.

Bunday holatda foizlar miqdori quyidagi formula bo‘yicha hisoblanadi:

$$FS=KTS*KKS*QMS/KS$$[72]

Bunda: FS - foizlar summasi;

KTS - kechiktirilgan to‘lov summasi yoki qarz summasi;

KKS - kechiktirilgan kunlar soni;

QMS - to‘lov, sudga murojaat qilish, qaror chiqarish sanasiga MB qayta moliyalashtirish stavkasi;

KS - bir yildagi kunlar soni.

---

[72] Галкин В. Мажбуриятлар: ишни енгиллаштириш учун саккизта ёрдам. Солиқ солиш ва бухгалтерия хисоби. №6 сон. 2022 йил.

Kechiktirilgan butun davrga foizlar hisoblanishini misolda ko‘rib o‘tamiz: *Misol*: Kechiktirilgan butun davr uchun kompaniya to‘lovlarni amalga oshirmadi. Qarz davri – 2024 yil 1 fevraldan 31 martgacha. To‘lov kechiktirilgan kunlar soni – 60 kun. Qarz miqdori – 10 000 000 so‘m. Kompaniya foizlarni quyidagicha hisoblaydi: 10 000 000 × 60 × 16 % ÷ 360 = 266 667 so‘m.

Majburiyat bekor bo‘lishi borasida esa Fuqarolik kodeksida[73] (FK 340-moddasi 1-qismi), shuningdek, boshqa qonun hujjatlarida yoki shartnomada asoslangan.

FKda quyidagi10 ta asos nazarda tutilgan:

- majburiyatning bajarilishi;
- voz kechish haqi;
- hisobga o‘tkazish bilan majburiyatning bekor bo‘lishi;
- qarzdor bilan kreditor bir shaxs bo‘lib qolishi;
- majburiyatning yangilanishi;
- qarzdan voz kechish;
- bajarish mumkin bo‘lmasligi;
- majburiyatning davlat organi hujjati asosida bekor bo‘lishi;
- fuqaro vafot etishi;
- yuridik shaxs tugatilganda.

Shuni ta’kidlash joizki 70 foiz hollarda majburiyat uning lozim darajada bajarilishi bilan bekor bo‘ladi. Ya’ni taraflar shartnomaning barcha shartlarini yoki qonunchilik talablarini bajargan bo‘ladi.

Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yxati

1. O‘zbekiston Respublikasi Fuqarolik kodeksi 1997 yil 1 mart. https:/ /lex.uz/ ru/docs/-111189
2. O‘zbekiston Respublikasi “Buxgalteriya hisobi to‘g‘risida”gi Qonuni (yangi tahriri). 2016 yil 13 aprel. O‘RQ-404-son. https://lex.uz/acts/2931253
3. O‘zbekiston Respublikasining 21-sonli “Xo‘jalik yurituvchi subyektlarning moliya-xo‘jalik faoliyati buxgalteriya hisobi hisobotlar rejasi va uni qo‘llash bo‘yicha yo‘riqnomani tasdiqlash to‘g‘risida”gi buxgalteriya hisobining milliy standarti. https://lex.uz/acts/417624
4. Buxgalteriya hisobining xalqaro standarti (37-son BHXS) “Baholangan majburiyatlar, shartli majburiyatlar va shartli aktivlar” https://lex. uz/ uz/ docs/ 6312360
5. Galkin V. Majburiyatlar: ishni yengillashtirish uchun sakkizta yordam. Soliq solish va buxgalteriya hisobi. №6 son. 2022 yil.

[73] O’zbekiston Respublikasi Fuqarolik kodeksi 1997 yil 1 mart. https:/ /lex.uz/ ru/docs/-111189

ХЎЖАЛИК ЮРТИУВЧИ СУБЪЕКТЛАРДА МОЛИЯВИЙ ҲИСОБОТНИНГ ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАРИГА ЎТИШ ЗАРУРИЯТИ ВА АҲАМИЯТИ

Рахмонкулов Аббосбек
Банк-Молия Академияси
“MBA Finance&FinTech” тингловчиси
тел: 937838970, innovaterd@gmail.com

Аннотация: Ушбу мақолада хўжалик юртиувчи субъектларда молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига (МҲХС) ўтиш зарурияти очиб берилган. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия тизимида МҲХСни жорий этишининг назарий ва амалий жиҳатдан такомиллаштириш масалалари кўриб чиқилган.

***Калит сўзлар*:** МҲХС, БҲМС, молиявий ҳолат, фойда, зарар, АССА.

Аннотация: В данной статье раскрывается необходимость перехода на международные стандарты финансовой отчетности (МСФО) в отечественных хозяйствующих субъектах. Также были рассмотрены вопросы теоретического и практического совершенствования внедрения ИСУ в систему бухгалтерского учета Республики Узбекистан.

Ключевые слова: международные стандарты финансовой отчетности (МСФО), национальные стандарты бухгалтерского учета (НСБУ), финансовое положение, прибыль, убыток, АССА.

Abstract: This article reveals the need to transition to international financial reporting standards (IFRS) in domestic business entities. Issues of theoretical and practical improvement of the implementation of MIS in the accounting system of the Republic of Uzbekistan were also considered.

Keywords: International Financial Reporting Standards (IFRS), National Accounting Standards (NAS), financial position, profit, loss, ACCA.

Ишлаб чиқариш субъектлари, ташкилотлар фаолияти самарадорлиги, умуман, қитисодиёт ривожида молиявий ҳисоботларнинг ўзига хос ўрни бор. Шу маънода, Президентимиз томонидан 2020 йил 24 февралда “Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтишнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорга имзо чекилиши ва унга биноан, 18 та банддан иборат “Йўл харитаси” тасдиқлангани юртимизда ушбу йўналишда ҳам жиддий ишлага қўл урилаётганидан далолат. Бу тўғри йўл. Бинобарин, биз халқаро доирага, жаҳон бозорига интилаётган эканмиз, фаолиятимиз ҳам халқаро стандартларга мос бўлиши лозим. Яъни молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтишни жадаллаштириш орқали хорижий инвесторларни зарур ахборот муҳити билан таъминлаш ва халқаро молия бозорларига кириш имкониятлари кенгаяди. Ҳисоб ва аудит соҳалари мутахассисларини халқаро стандартлар бўйича тайёрлаш тизими такомиллаштирилади.

Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясининг 26-мақсадида Мамлакатда инвестиция муҳитини янада яхшилаш ва унинг жозибадорлини ошириш, келгуси беш йилда 120 миллиард АҚШ доллари, жумладан 70 миллиард доллар хорижий инвестицияларни жалб этиш чораларни кўриш белгилаб қўйилган[1]. Ушбу белгиланган вазифаларни амалга ошириш мақсадида юртимизда халқаро ташкилотлар, компаниялар билан фойдали иқтисодий алоқаларни ўрнатиш ва ривожлантириш бўйича кенг қамровли ишлар амалга оширилиб келинмоқда. Шу жумладан, хорижий инвесторларни зарур ахборот муҳити билан таъминлаш, халқаро фонд биржаларида қатнашиш имкониятларини кенгайтириш мақсадида бухгалтерия ҳисоби соҳасида ҳам қонун хужжатлар қабул қилинди. Юртимизда хўжалик юритувчи субъектлар 2021 йил 1 январдан бошлаб МҲХС асосида бухгалтерия ҳисоби юритилишини ташкил этиш ва 2021 йил якунларидан бошлаб молиявий ҳисоботни МҲХС асосида тайёрлаш қонун белгилаб қўйилган[2].

Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари акциядорлик жамиятлари, банклар, кредит ташкилотлари, суғурта ташкилотлари, инвестиция фондлари ва бошқа кўплаб йирик компанияларнинг молиявий ҳисоботларини тузиш ва унинг маълумотларини аниқ, шаффоф, глабал миқиёсда тушунарли бухгалтерия тилида дунё мамлакатлари бўйлаб осон таҳлил қилиш имкониятлари яратиб берувчи бухгалтерия ҳисоби тартиб қоидалари тўплами ҳисобланади. Молиявий ҳисобот маълумотларни осон таҳлил қилиш компания мулкдорлари ва инвесторларнинг ўз вақтида қарор қабул қилиши билан ифодаланади[4].

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 24 апрелдаги ПФ-4720-сонли "Акциядорлик жамиятларида замонавий корпоратив бошқарув усулларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида" ги Фармонига биноан 2015-2018 йилларда барча акциядорлик жамиятлари йиллик молиявий ҳисоботларини аудитнинг халқаро стандартлари ва молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига мувофиқ нашр этиши ва ташқи аудитни ўтказиши кўрсатиб ўтилган.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 январдаги ПФ-5635-сонли фармонига асосан йирик давлат корхоналарида молиявий ҳисобот тузиш ва аудит ўтказишда халкаро стандартларни жорий қилиш мақсадида, ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 31 январдаги ПҚ-4141–сонли Қарорларига асосан йирик акциядорлик жамиятлари МҲХСга мувофиқ молиявий ҳисоботлар тузиши белгилаб қўйилди.

МҲХСга ўтишнинг янги босқичи

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 февралдаги “Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтишнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида” ги Қарори тасдиқланган бўлиб, унга кўра қуйидагиларни амалга ошириш белгиланган:

- 2021 йилнинг 1 январидан бошлаб молиявий ҳисоботни ихтиёрий равишда МҲХСга мувофиқ тайёрловчи ташкилотлар бухгалтерия ҳисобининг

миллий стандартлари бўйича молиявий ҳисоботни тақдим этишдан озод этилади;

•акциядорлик жамиятлари, банклар, суғурта ташкилотлари, устав фондида давлат улуши бўлган хўжалик юритувчи субъектлар, йирик солиқ тўловчилар тоифасига киритилган юридик шахслар МҲХС асосида 2021 йилнинг 1 январидан бошлаб бухгалтерия ҳисобининг юритилишини ташкил этади ва 2021 йилнинг якунларидан бошлаб молиявий ҳисоботни тайёрлайди;

•акциядорлик жамиятлари, банклар, суғурта ташкилотлари, устав фондида давлат улуши бўлган хўжалик юритувчи субъектлар, йирик солиқ тўловчилар тоифасига киритилган юридик шахслар 2021 йилнинг якунига қадар бухгалтерларни халқаро сертификатлаш доирасида МҲХС бўйича “Молиявий ҳисоб” ёки “Молиявий ҳисобот” фанларини муваффақиятли топширганлиги тўғрисидаги ҳужжатга ёхуд халқаро бухгалтер сертификатига (ACCA ва унинг дипломлари, CPA, CIPA) эга бўлган уч нафар мутахассисдан кам бўлмаган миқдорда МҲХСни сифатли қўллаш учун етарли бўлган ходимлар сони билан таъминлайди.

МҲХСга ўтиш бўйича ислоҳотларнинг дастлабки босқичида Молия вазирлиги ва МҲХС фонди ўртасида 2020 ноябрь ойида келишув имзоланди. Мазкур келишувга мувофиқ, МҲХС хужжатларидан Ўзбекистон Республикасида фойдаланиш хуқуқи берилди.

Халқаро стандартларда (2018) **"Харажатлар - бу ташкилотнинг хусусий капиталига нисбатан талаб қилиш ҳуқуқи эгаларининг фойдасига тақимлаш билан боғлиқ бўлмаган ҳолатда хусусий капиталнинг камайишига олиб келадиган активларнинг камайиши ёки мажбуриятларнинг ошиши**" деб тавсифлайди.

Б.Нидлз (2003) қуйидагича таърифни келтиради: "Харажатлар – бу ушбу бизнес бирлигининг асосий ва доимий иш йўналишини ташкил этувчи товарларни етказиб бериш ёки ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш ёки фаолиятнинг бошқа турларини амалга ошириш оқибатида активларнинг камайиши ёки бошқа сарфланиши ёхуд қарздорлик (пассив)нинг юза келиши, ёки унисини ҳам буниси ҳам бир вақтда амалга ошиши."

Бизнинг фикримизча, харажатларни тавсифлашда унинг молиявий натижаларни, хусусан соф фойдани шакллантиришда тескари боғлиқликдаги

омил эканлиги (харажатлар соф фойдани камайтиради ёки харажатлар даромадлардан катта бўлса зарар юзага келади), харажатларнинг юзага келиш муқаррар равишда ресурсларнинг чиқиб кетиши, яъни активларнинг камайиши ёки мажбуриятларнинг кўпайиши билан боғлиқ бўлиб, агарда ҳисобот йили соф фойда билан якунланган бўлса ҳам харажатлар соф фойдани камайтириши орқали хусусий капиталнинг камайишига таъсир кўрсатади, агарда ҳисобот йили зарар билан якунланган бўлса ўтган йиллар тақсимланмаган фойдасини камайтириш орқали хусусий капиталнинг камайишига таъсир кўрсатиш орқали иқтисодий нафнинг камайишида ўз аксини топиши каби хусусиятлари намоён бўлади. Ушбу хусусиятларини ҳисобга олиб, харажатларга қуйидагича таъриф келтирамиз.

Харажатлар деганда, молиявий ҳисоботнинг муҳим элементи сифатида корхонанинг фаолиятида сарфланган русурсларнинг пулдаги ифодаси бўлиб, соф фойдага тескари боғлиқликда ҳамда зарар юзага келишига олиб келувчи омил, унинг тан олиниши мақаррар равишда хусусий капиталига нисбатан талаб қилиш ҳуқуқи эгаларининг фойдасига тақсимлаш билан боғлиқ бўлмаган ҳолатда хусусий капиталнинг камайишига олиб келувчи активларнинг камайиши ёки мажбуриятларнинг кўпайиши тушунилади.

Харажатларни тан олиш ва ҳисоботларда акс эттиришда муҳим шарти унинг активларни камайтириши ёки мажбуриятларнинг ошишига олиб келувчи ҳодиса эканлигини таъкидлаш лозим. Бизнес жараёнларини харажатларни юза келтирувчи ёки харажатларни юзага келтирмовчи ҳодисаларга тавсифлашда маълум қоидани инобатга олиш керак. Харажатларни юзага келтирувчи ҳодисалар ўрганилганда тўғридан-тўғри соф фойданинг камайишига олиб келувчи ҳодисалар олинди. Масалан, хом-ашё ва материалларни ишлаб чиқаришга чиқарилиши харажатни юзага келтирувчи ҳодиса деб қаралмайди. Чунки, материалларнинг ишлаб чиқаришга чиқарилиши материалларни камайтиради, ишлаб чиқарилаётган тайёр маҳсулотлар таннархини оширади. Худди шу тартибда ишлаб чиқариш билан боғлиқ барча сарфлар тугалланмаган ишлаб чиқариш счётида жамланади. Ушбу жараёнлар таннархнинг шаклланишининг ушбу босқичларида соф фойдага таъсир кўрсатмайди. Тайёр маҳсулотлар таннархи бўйича қабул қилинади. Натижада, ишлаб чиқариш жараёни харжатлари ёпилади. Тайёр маҳсулот сотилгандан кейин эса унинг таннархи бўйича ҳисобдан чиқарилади. Ушбу сотилган товарларнинг таннархи активларнинг камайишини юзага келтиради. Сотилган товарлар таннархи соф тушумдан қопланилади. Натижада, соф фойда камайиши юз беради. Соф фойданинг камайиши тақсимланмаган фойдани камайтиради. Тақсимланмаган фойда хусусий капиталнинг элементи ҳисобланади.

Даромадлар ва харажатларга берилган таърифларни тадқиқ қилиш асосида қуйидаги хулосалар қилинди:

Тадқиқотлар асосида даромадларга таъриф ишлаб чиқилди. Унга мувофиқ даромадларни тавсифлашда ташкилотнинг соф фойдани шакллантиришда иштирок этадиган, хусусан соф фойда ҳисобидан

дивидендлар тўланиши ҳамда хусусий капиталига нисбатан талаб қилиш ҳуқуқи эгаларининг бадаллари билан боғлиқ бўлмаган ҳолда хусусий капиталнинг кўпайишига олиб келадиган ҳолатдаги активларнинг ошиши ёки мажбуриятларнинг камайиши кўринишидаги иқтисодий нафнинг олиниши каби хусуситлари инобатга олинди. Корхоналарда юз берган бизнес жараёнлари даромадларни юзага келтиувчи ҳодисалар ва даромадларни юзага елтирмовчи ҳодисаларга бўлиниб, уларнинг мазмуни моҳияти очиб берилди.

Молиявий натижаларнинг шаклланишида муҳим омил бу харажатлар ҳисобланади. Мақолада харажатлар тушунчасига бухгалтерия ҳисоби маъносида таъриф ишлаб чиқилди. Ушбу таърифда харажатларнинг молиявий ҳисоботнинг муҳим элементи сифатида корхонанинг фаолиятида сарфланган русурсларнинг пулдаги ифодаси, соф фойдага тескари боғлиқликда ҳамда зарар юзага келишига олиб келувчи омил, унинг тан олиниши мақаррар равишда хусусий капиталига нисбатан талаб қилиш ҳуқуқи эгаларининг фойдасига тақсимлаш билан боғлиқ бўлмаган ҳолатда хусусий капиталнинг камайишига олиб келувчи активларнинг камайиши ёки мажбуриятларнинг кўпайишига олиб келувчи хусусиятлари ўз аксини топди.

Ушбу таклиф ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилиши молиявий натижалар бухгалтерия ҳисобини халқаро стандартларга мувофиқлаштириш ҳамда меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни такомиллаштиришга хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. 2022 — 2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси. https://lex.uz/docs/5841063
2. Концептуальные основы представления финансовых отчетов https://time-to-study.ru/pages/msfo/framework.html
3. З.Б.Эшпулатова. Корхоналарда даромадлар ҳисобини такомиллаштириш". PhD докторлик диссертацияси. ТДИУ. 2021. 17-бет
4. https://www.kontur-extern.ru/info/22735-doxody_organizacii_v_otchetnosti
5. М.Б.Калонов. Корхоналарда даромадлар ва харажатлар ҳисоби ҳамда таҳлили методологиясини такомиллаштириш. DSc дисс. автореферати. Т.2019 https://tfi.uz/ru/doc-page/kalonov-muhiddin
6. Б.Нидлз ва бошқалар. Принципы бухгалтерского учета. –М.: Финансы и статистика, 2003.-496. 45-б.
7. https://lex.uz/docs/4674902#4676055
8. Д.С.Ташназарова. Харажатлар ва таннарх тушунчаси, уларнинг мазмуни ва тавсифи // "Iqtisodiyot va innovatsion texnologiyalar" ilmiy elektron jurnali. № 3, may-iyun, 2021 yil
9. Р.Энтони. Учет: ситуация и примеры. М.Финансы и статистика. 1993
10. Б.Нидлз ва бошқалар. Принципы бухгалтерского учета. М.: Финансы и статистика, 2003 г.-496-с. 46-б.

ТЕОРЕТИЧЕСКИЕ ОСНОВЫ ПРИМЕНЕНИЯ ЛЕКАРСТВЕННЫХ СРЕДСТВ В СУБЪЕКТАХ ОТРАСЛИ ФАРМАЦЕВТИКИ: МЕЖДУНАРОДНЫЕ И НАЦИОНАЛЬНЫЕ АСПЕКТЫ

Сатторов Тохир Толмас угли
ассистент кафедры «Бухгалтерского учета»
Самаркандский институт экономики и сервиса

Аннотация: Рецепты статьи содержат в себе основные теоретические и теоретические инструменты, направленные на минимизацию и устранение незначительных проблем, с которыми сталкиваются туркмены.

Ключевые слова: Лекарственные формы, лекарственные средств, лекарственные препараты, производство, технологии, поставка, хранение, транспортировка и реализация.

Президентство Республики Узбекистан “Республика Узбекистан «2022 год учредить государственный бюджет Республики Узбекистан»ги Закон Республики Узбекистан О мерах по обеспечению безопасности Республики Узбекистан”ги постановления келтирилган “2022-2024 год учредить в бюджетном бюджете средства для распределения и развития инструкция цель индикатора”да “реформирования сельского хозяйства, в особенности сектора государство в процессе совершенствования, рынок муниципалитетов, продовольственный сектор стран – участниц, продукты питания и услуги субъекты развития муниципалитетов укрепили свои основные права, инвестиционная сфера компания” стратегик цели белгилаб берилган " является одним из крупнейших производителей сельскохозяйственной продукции в мире. Стратегическая цель СБУ продовольственная и сельскохозяйственная промышленность прогноз экспорта сельскохозяйственной продукции на 2022, 2023 и 2024 годы[87]

Решение таких актуальных проблем и задач на предприятиях страны сегодня требует совершенствования не только практических, но и теоретических вопросов учета готовой продукции.В ходе исследования можно увидеть, что при изучении нормативно-правовых актов, международных и национальных стандартов, а также зарубежной и отечественной литературы даны различные определения и определения терминов готовой продукции, в том числе лекарственных средств.

В Законе Республики Узбекистан «О качестве и безопасности лекарственных средств» содержатся следующие определения о лекарственных средствах:

Продукты питания - продукты, изготовленные из лекарственных средств и реализуемые в натуральном или переработанном виде;

[87] Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасининг «2022 йил учун Ўзбекистон Республикасининг давлат бюджети тўғрисида»ги Қонуни ижросини таъминлаш чора- тадбирлари тўғрисида”ги Қарори. 2021 йил 30 декабрь. ПҚ-73.

Лекарственное средство - лекарственное вещество (в том числе этиловый спирт), пищевые продукты и их компоненты, лекарственное вещество и вещества, относящиеся к пищевым веществам, материалы, вспомогательные и упаковочные материалы и изделия из них:

Детские лекарственные средства - специальные лекарственные средства, отвечающие физиологическим характеристикам детского организма (до трех лет);

Оборот лекарственных средств - деятельность, связанная с производством, изготовлением, закупкой, переработкой, поставкой, хранением, транспортировкой и реализацией лекарственных средств;

Качество лекарственной продукции - совокупность критериев, определяющих потребительские свойства лекарственной продукции и обеспечивающих ее безопасность для жизни и здоровья людей;

Лекарственное вещество - растительное, животное, микробиологическое, а также минеральные объекты, используемые для производства продуктов питания.

В международном стандарте бухгалтерского учета № 2 (IAS) «Запасы» термин «товарно-материальные запасы» определен следующим образом:[88]

"Товарно-материальные запасы - это активы, предназначенные для продажи в рамках обычной деятельности, находящиеся в процессе производства для такой продажи, или в виде сырья и материалов, предназначенных для использования в процессе производства или оказания услуг. Проведенные исследования требовали изучения мнений и комментариев ряда зарубежных ученых.

Как отметила российский ученый С.Н.Поленова, "готовая продукция - это полностью завершенный производственный процесс на предприятии, отвечающий стандартным требованиям и техническим условиям, продукция, принятая службой, оформленная приемо-сдаточными документами и сданная на склад готовой продукции.

В Национальном стандарте бухгалтерского учета № 4 Республики Узбекистан приведены следующие определения:

Товарно-материальные запасы - материальные активы, хранящиеся в процессе деятельности с целью последующей реализации и находящиеся в процессе производства, а также используемые в процессе производства продукции, выполнения работ или оказания услуг либо для осуществления административных и социально-культурных задач. Готовая продукция, изготовленная в организации (активы, предназначенные для реализации и прошедшие обработку (комплектацию), соответствующие техническим и качественным характеристикам, предусмотренным договором или

[88] 2-сон БҲХС (IAS) “Заҳиралар (Inventories)”. https://www.ifrs.org/content/dam/ifrs/publications/pdf-standards/english/2022/issued/part-a/ias-2-inventories.pdf

требованиями других документов в случаях, установленных законодательством).[89]

При проведении исследований продукции, в том числе готовой, необходимо учитывать научные исследования отечественных ученых.

По мнению экономистов нашей страны К.С.Исмайлова и А.Б.Утемуратова, "Готовая продукция - это результат производственного процесса. На производственных предприятиях к трудовой продукции относится вся произведенная готовая продукция "[90]

В интернет-источниках в словарях, относящихся к сфере, приводится следующее определение этих категорий:

Продукт - результат экономической деятельности, воплощенный в вещах и услугах. Его материально-вещевая форма имеет вид материального продукта.[91]

Готовая продукция (Finished Goods) - товары, прошедшие производственный процесс или приобретенные с целью перепродажи и находящиеся в собственности компании, но еще не реализованные.

Готовая продукция (Finished Goods) - категория инвентаря, характерная для производственных предприятий. Это продукция, закончившая производственный процесс, но еще не реализованная или не распространенная продавцам[92]

Готовая продукция - это продукция, прошедшая все этапы технологических процессов и отвечающая установленным требованиям (заказчик, государственные стандарты, технические условия). Она учитывается по видам, сортам и местам хранения по показателям реальной и себестоимости. В зависимости от принятой учетной политики готовая продукция может учитываться по фактической себестоимости производства или расчетной цене.[93]

Готовая продукция - конечный продукт процесса ее производства на предприятиях. Готовой продукцией считается продукция, прошедшая все этапы технологической обработки, соответствующая утвержденным стандартам и техническим условиям (обеспеченная сертификатом или иным документом, подтверждающим ее качество), поступившая и сданная на склад или отгруженная покупателю.[94]

Готовая продукция (Finished goods) - это продукция или товары, произведенные в течение полного цикла производства или приобретенные в готовом виде, но еще не проданные покупателям[95]

---

[89] 4-сон БҲМС “Товар моддий заҳиралар” // АВ томонидан 30.06.2020 й. 3259-сон билан рўйхатга олинган. https://lex.uz/docs/4890446

[90] Исмайлов К.С., Утемуратов А.Б. Молиявий ҳисоб. Маъруза матни. -Т.: Иқтисод-молия. 2011. -356 б

[91] https://qomus.info/encyclopedia/cat-m/mahsulot-uz/

[92] https://www.indeed.com/career-advice/career-development/finished-goods

[93] https://buxgalter.uz/publish/doc/text146642_uchet_gotovoy_produkcii

[94] http://hozir.org/tajer-masulot-isobi-tajer-mahsulot.html

[95] https://www.audit-it.ru/ifrs/terms/items/finished-goods.html

Готовая продукция - продукция и полуфабрикаты, полностью готовые путем переработки, соответствующие действующим стандартам и техническим условиям, принятые на складе организации и заказчика (покупателя)[96]

Готовая продукция (ТМ) - это товар, производимый компанией с целью дальнейшей реализации[97]

Таким образом, в результате проведенных исследований, на основе описаний и описаний, приведенных в литературе, можно сделать вывод, что готовая продукция является товаром, самостоятельно произведенным и законченным предприятием, который должен полностью отвечать установленным государством требованиям и быть готов на складе для реализации покупателям. Данный актив, являющийся готовой продукцией для предприятия-производителя, предназначен для процесса переработки и является приобретенным товарно-материальным запасом

Приведенные выше международные и национальные стандарты, а также изложенные в источниках информации, имеют важное научно-практическое значение и раскрывают важные аспекты готовой продукции. Однако из этих описаний видно, что не существует единого описания продуктов, в том числе готовых, в которых содержатся все их свойства. Нельзя сказать, что в них описаны все аспекты продукции и готовой продукции.

В чем состоит сегодняшняя задача учета готовой продукции? Что освещается в нашем национальном стандарте по активам этого предприятия и какие проблемы существуют? Какие подходы существуют в международных стандартах финансовой отчетности и какие есть потребности в совершенствовании нашего национального стандарта? На что следует обратить внимание в плане совершенствования теоретических основ учета готовой продукции?

Одной из важных задач, стоящих перед международным и национальным учетом, является поиск ответов на перечисленные и другие актуальные вопросы, касающиеся учета готовой продукции.

Список литературы

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 февралдаги ПҚ4611-сонли “Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш бўйича қўшимча чора- тадбирлар тўғрисида” ги қарори.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 19 сентябрдаги 3946 сонли “Ўзбекистон Республикасида аудиторлик фаолиятини янада ривожлантириш чора- тадбирлари тўғрисида” ги қарори.

3. . Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 5 майдаги 280 сонли “Ички аудит ходимларини тайёрлаш тизимини такомиллаштириш чора- тадбирлари тўғрисида”ги қарори

[96] https://www.audit-it.ru/terms/accounting/gotovaya_produktsiya.html

[97] https://www.b-kontur.ru/enquiry/911-uchet-gotovoy-produkcii-v-buhguchete

4. Стратегии экономического развития России до 2030 года URL: http://static.government.ru/media/files/41d457592e04b76338b7.pdf
5. Меновщикова А.Н. Развитие информационной экономики в России / А.Н. Меновщикова, О.В. Селина // Актуальные вопросы современной экономики. – 2021
6. Сбалансированная система показателей: краткий обзор рынка программного обеспечения [Электронный ресурс] – Режим доступа: www.citcity.ru

КОРХОНАЛАРДА ПУЛ ОҚИМЛАРИ ТЎҒРИСИДАГИ ҲИСОБОТНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Эшонқулов Акмал Қудратович
Самарқанд иқтисодиёт ва сервес институти
“Бухгалтерия ҳисоби” кафедраси ассистенти

Аннотация: Мақолада пул оқими тушунчаси ҳақида тўхталиб, Бухгалтерия ҳисоботи миллий стандарти унда белгиланган умумий қоидалар, мақсади, амал қилиш соҳаси, пул оқими каби тушунчалар акс этган. Қолаверса, мақолада пул маблағлари оқимининг шаклланиши, ўзлик маблағлари, жалб қилинган маблағлар, қарз маблағлари, оператив пул маблағлари тўғрисида ҳам маълумот келтириб ўтилган. Корхоналарда пул маблағлари оқимини самарали бошқариш ва оптималлаштиришдаги бир қанча тамойиллар келтириб ўтилган.
Калит сўзлар: пул оқими, актив, активлар гуруҳи, маблағлар оқими, эквивалент, ҳисобот, молиявий аҳвол, баҳолаш, субъект, ўзлик маблағлари, жалб қилинган маблағлар, қарз маблағлари, оператив пул маблағлари, фойда, прогнозлаш, бозор муносабатлари, устав капитали, мулк эгалари, иқтисодий ўсиш, бизнес, мулк.

Жамиятимизда иқтисодиёт соҳасини ривожлантириш борасида бир қанча ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Бу борада иқтисодий ўсиш, бизнес, шунингдек, тадбиркорлик фаолиятини қўллаб –қувватлаш орқали кўплаб натижаларга эришилди. Бозор муносабатлари шароитида пул маблағларидан оқилона фойдаланиш, айниқса, корхоналарда пул маблағлари оқимини ошириш муҳим аҳамият касб этади.

Республикамизда 2017-2021 йилларда ривожланишининг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегиясида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, хусусан, корхоналарнинг ишлаб чиқариш салоҳияти ва қийматини оширишдаги вазифалари алоҳида белгилаб берилган эди.Ушбулар ижросини амалда тадбиқ этиш юзасидан бир қанча муҳим вазифалар белгилаб берилиб, аниқ мақсад ва вазифалар амалга оширилиб келинмоқда. Мамлакатимизда иқтисодиёт соҳасини ривожлантириш, корхоналарда пул маблағлари ҳажмини ошишига, шунингдек, пул маблағлари оқимини прогнозлаш муҳим вазифалардан биридир.

Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкини бошқариш давлат қумитасининг қарорининг илова қисмида 1-боби яъни, Умумий қоидаларида пул оқими тушунчасига алоҳида тўхталиб ўтилган. [98]

Яъни, пул оқими-муайян давр мобайнида актив, активлар гуруҳи, корхона томонидан яратиладиган пул маблағлари оқими деб келтириб ўтилган.

Пул оқими тўғрисидаги ҳисобот Ўзбекистон Республикаси Бухгалтерия ҳисоботи миллий стандарти 9-сон БҲМС да Умумий қоидалари, мақсади, амал қилиш соҳаси, пул оқими, ҳаракати тўғрисидаги ахборотни, билиш фойдалилиги, тушунчалар, пул маблағи ва эквивалентлари пул оқимлари тўғрисидаги ҳисоботни тақдим этиш кабилар тўғрисида алоҳида қайд этилган.[99] Ушбудан келиб чиқиб, пул оқимлари тўғрисидаги ҳисобот ундан фойдаланувчиларга хўжалик юритувчи субъектнинг молиявий аҳволидаги ўзгаришларни баҳолашга имкон беради.

Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирининг “Молиявий ҳисобот шакллари ва уларни тўлдириш бўйича қоидаларни тасдиқлаш тўғрисида”ги буйруғи[100] пул оқимлари тўғрисидаги ҳисобот, хусусий капитал тўғрисидаги ҳисобот кабилар алоҳида келтириб ўтилган.

Корхоналарда пул маблағлари оқимининг иқтисодий моҳияти, асосий хусусиятлари, корхона пул маблағларидан самарали фойдаланиш, корхонанинг пул маблағлари оқимини шаклланиши асосий вазифалардир.

Пул маблағлари ҳаракати ҳисоботи молиявий ҳисоботнинг умумлашган даромад, молиявий ҳолат ва капиталдаги ўзгаришлар тўғрисидаги ҳисоботлар қаторидаги асосий ҳисоботларидан бири ҳисобланади.

Корхонанинг пул маблағлари оқимини шаклланиши, ўзлик маблағлари, жалб қилинган маблағлар, қарз маблағлари, оператив пул маблағлари асосий ўринга эга.

Ушбу тушунчалар ҳақида тўхталиб ўтарканмиз, пул маблағлари ва уларнинг эквивалентлари таокибидаги ўзгаришлар хусусида ҳам фикр юритиш жоиз. Ушбулар бўйича қуйидагиларни келтиришимиз жоиз:

Пул маблағлари ҳисобот даврида пул маблағлари ва ларнингэквивалентлари таркибидаги ўзгаришлар тўғрисидаги маълумотларни, ҳисобот давридаги ўзгаришлар тўғрисидаги маълумотларни, ҳисобот давридаги пул оқимларини операцион, инвестиция ва молиявий фаолиятлар бўйича таснифлаш орқали ёритиб беради.

Юқорида корхонанинг пул маблағлари оқимини шаклланиши асосий ўринга эга эканлиги таъкидланиб ўтилди. Ушбулар бўйича маълумот бериб ўтсак. Ўзлик маблағларига (устав капитали, қўшимча капитал, резерв капитали, тақсимланмаган фойда, амортизация фонди, жамғарма фонди), жалб қилинган маблағларга (қимматли қоғозлар эмиссиясидан шаклланган фонд, дивидендлар бўйича ҳисоботлар, келгуси давр даромадлари, кутиладиган

[98] Ўзбекистон Республикаси давлат мулки қўмитасининг 2009 йил 6 октябрдаги 01/19-18/19 сон қарори

[99] Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги 1998 й. 4 ноябрь 519 сон.

[100] Ўзбекистон Республикаси Молия вазирининг 2002 йил 27 декабрдаги 140-сон буйруғи

харажатлар резервлари), қарз маблағлари (банк кредиталри, кредиторлик қарзлари, факторинг, лизинг ва бошқа фондлар), оператив пул маблағлари (меҳнат фонди тўлаш учун фонд, дивидендлар тўлаш учун фонд, бюджетга тўловлар ва бошқалар учун).

Корхона ўз фаолиятини бошлашда зарур бўлган мулкни сотиб олишни ҳамда ишлаб чиқаришни юритишни молиялаштирадиган асосий манба бўлиб корхонанинг устав капитали шаклида жамғариладиган мулк эгалари маблағлари корхонада белгиланган тартибда шаклланган бошқа капитталлар ҳамда таъсисчиларнинг ишлаб чиқаришни кенгайтириши учун қолдирган фойдалари ҳисобланади.

Корхоналарда пул оқими тушунчаси корхона тижорат фаолиятининг соф пулли натижаси сифатида ифодаланиб, улар ҳаракатланишининг йўналиши бўйича, тушумларнинг тавсифлари бўйича, гуруҳларга ажратиш мумкин.

Пул оқими ўз ҳаракатининг йўналиши бўйича пул маблағлари кирими, пул маблағлари чиқимига ажратилса, тушумлар тавсифи бўйича бир хил ва доимий равишда бўлмаган тушуми пул оқими, бир хил бўлган лекин доимий равишда бўлмаган тушуми пул оқими, бир хил миқдордаги ва доимий бир муддатда ташувчи пул оқими, ҳар қандай молиявий битимда мақсад икки йўналишдаги пул оқими тўғрисида боради, 1. Ҳозирдан келгусига томон, 2. Келгусидан ҳозирга томон.

Корхоналарда пул маблағлари оқимини самарали бошқариш ва оптималлаштиришда ахборотларнинг ишончлилиги тамойили, баланслаштирилиш тамойили, самарадорликни таъминлаш тамойили, ликвидликни таъминлаш тамойили каби тамойиллар орқали амалга оширилади.

Корхоналар бошқарув сиёсатида пул оқимларини бошқариш муҳим аҳамиятга эга. Жумладан, корхоналарда пул маблағларидан самарали фойдаланиш мақсадида пул маблағларини бошқариш сиёсатини ишлаб чиқиш, пул маблағларига бўлган зарур минимал эҳтиёжни аниқлаш, маълум бир белгиланган муддатда пул маблағлари қолдиғининг тебраниш диапазонини аниқлаш, пул маблағларига бўлган эҳтиёжни максимал даражада камайтириш мақсадида тўлов оқимларини тўғирлаш, пул маблағларинии тез айлаувчанлигинии таъминлаш, вақтинчалик бўш пул маблағларининг рентабеллигини таъминлаш кабилардир.

Айнан пул оқимларини бошқариш ва ундан самарали фойдаланишда фақатгина пул маблағларига бўлган эҳтиёжни аниқлаш, вақтинчалик бўш пул маблағларининг рентабеллигини таъминлаш кабилардан билан биргаликда, корхоналар бошқарув сиёсатида пул оқимларини бошқариш муҳим аҳамиятга эгадир.

Корхоналар бошқарув сиёсатида пул оқимларини бошқаришни самарали йўлга қўйиш орқали юқорида келтириб ўтилган жараёнлар шаклланиб боради.

Корхоналарда пул оқимларини бошқариш молиявий фаолиятни янада ривожлантиришдан иборатдир.

Корхоналар қийматини бошқариш, инвестицияларни жалб қилишга доир изланиш ва тадқиқотлар А.Маршалл [101], Ж.Милл, Д.Рикардо[102], А.Смит[103] каби вакиллар шуғулланган.

Юқоридагилардан хулоса ва таклиф сифатида қуйидагиларни келтириш мақсадга мувофиқ:

Пул оқимлари ҳажмига ва уларнинг вақт бўйича шаклланиш характерига таъсир этадган омилларни ҳисобга олиш;

Корхоналарда пул оқимларини самарали бошқаришни йўлга қўйиб бориш;

Корхоналарда пул оқимларидан самарали фойдаланиш бўйича аниқ механизмлар ишлаб чиқиш;

Пул оқимлари ва уларни шакллантиришда аниқ чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқиш;

Ушбулар бўйича халқаро стандартларга мос равишда тажрибалар алмашишни йўлга қўйиш;

Корхона айланма маблағларини фоизли ва фоизсиз қарзлар олиш орқали тўлдириш;

Устав фондини купайтириш орқали корхонанинг айланма маблағларини тўлдириш;

Савдо мақсадларида бир қанча шартномалар тузишни йўлга қўйиш;

Товарларни сотиш ва хизматларни кўрсатишдан пул маблағларининг келиб тушиши;

Молиявий ёки инвестиция фаолиятига аниқ тегишли бўлмаган фойда солиғи бўйича пул маблағларининг тўлови ёки уларнинг қайтарилиши.

Ушбу таҳлиллар, изланишлар шуни кўрсатадики, корхоналарда пул оқимларидан самарали бошқариш, корхона айланма маблағларини фоизли ва фоизсиз қарзлар олиш орқали тўлдириш, устав фондини купайтириш орқали корхонанинг айланма маблағларини тўлдириш, савдо мақсадларида бир қанча шартномалар тузишни, йўлга қўйиш, молиявий ёки инвестиция фаолиятига аниқ тегишли бўлмаган фойда солиғи бўйича пул маблағларининг тўлови ёки уларнинг қайтарилиши кабилар орқали корхоналарда пул оқимлари жараёнини янада такомиллаштириш сифатида қараш мумкин ва ушбу таклиф ва тавсиялар орқали такомиллаштириш мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1.Ўзбекистон Республикаси давлат мулки қўмитасининг 2009 йил 6 октябрдаги 01/19-18/19 сон қарори

2.Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги 1998 й. 4 ноябрь 519 сон.

3.Ўзбекистон Республикаси Молия вазирининг 2002 йил 27 декабрдаги 140-сон буйруғи

[101] Маршалл А.Принципқ экономической науки. Т.1.и 2. –Изд РОО,1996

[102] Милл Дж.Основы политической экономии. Пер с анг.-Т.1-3.-М:Прогресс,1980-1981

[103] Рикардо Д.Начало политической экономии и налогового обложения. Том 1. Пер.с.анг.-М.:Госполитиздат,1955

4.Маршалл А.Принципы экономической науки. Т.1.и 2. –Изд РОО,1996
5.Милл Дж.Основы политической экономии. Пер с анг.-Т.1-3.-М:Прогресс,1980-1981
6.Рикардо Д.Начало политической экономии и налогового обложения. Том 1. Пер.с.анг.-М.:Госполитиздат,1955

IJARA HISOBINING DOLZARBLIGI VA UNGA NAZARIY ASOSLARDA BERILGAN TA'RIFLAR

Djumayeva G.A.
SamISI, assistent

O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2020 yil 24 fevraldagi PQ4611-son «Moliyaviy hisobotning xalqaro standartlariga o'tish bo'yicha qo'shimcha chora-tadbirlar to'g'risida»gi, 2020 yil 24 avgustdagi 507-son «Moliyaviy hisobotning xalqaro standartlari va unga tushuntirishlar matnini tan olish tartibi to'g'risidagi Nizomni tasdiqlash haqida»gi mazkur sohaga tegishli boshqa me'yoriy-huquqiy hujjatlarda belgilangan vazifalarni amalga oshirishga buxgalteriya hisobi ob'yekti bo'lgan aktivlar, xususan uzoq muddatli aktivlar ijarasi tushunchasining iqtisodiy mohiyatini yanada chuqurroq o'rganishni, ular hisobini xalqaro hisob amaliyotidan kelib chiqib takomillashtirishni taqazo etmoqda. Shu bois bugungi kunda eng muhim masalalardan biri bu MHXS(moliyaviy hisobning xalqaro standartlari)larini o'rganish va uni joriy etish hisoblanadi.

Bizning oldimizga xalqaro standartlarni o'rganish, milliy hisob tizimi bilan integrasiyalash masalasi, ta'lim sohasiga to'liq kiritish, xo'jalik yurituvchi tashkilotlarda MHXS talablari asosida hisob siyosatini ishlab chiqish, moliyaviy hisobot shakllarini xalqaro tamoyillarga asosan tayyorlash, shuningdek buxgalteriya hisobi ob'yektlari(uzoq muddatli, joriy aktivlar, majburiyatlar, xususiy kapital) hisobining konseptual asosinini takomillashtirish vazifasi qo'yilmoqda. Bilamizki, yangi mahsulotlar ishlab chiqarish, yangi bozorlarni rivojlantirish, korxona faoliyatini kengaytirish uzoq muddatli aktivlarga talabni keltirib chiqaradi, shu o'rinda korxonalar oldida ikkita tanlov turadi, birinchisi uzoq muddatli aktivlarni sotib olish va ikkinchisi ularni ijaraga olish.

Fan-texnikaning shiddat bilan rivojlanib borishini hisobga oladigan bo'lsak, uzoq muddatli aktivlarni ijaraga olish korxonalar uchun eng maqbul tanlov bo'ladi. Xususan zamonaviy bozor iqtisodiyoti sharoitida aktivlar ijarasi bilan bog'liq munosabatlar hajmi ortib bormoqda. Buni quyidagi ko'rsatkichlar orqali ham ko'rishimiz mumkin bo'ladi.

2023-yil yanvar-aprel oylarida ijara xizmatlari 2 177,3 mlrd. so‘mga yetib, jami ko‘rsatilgan xizmatlar hajmida ularning ulushi 1,6 % ni tashkil etdi. O‘tgan yilning mos davriga nisbatan o‘sish sur’ati 103,9 % ni tashkil etgan. Ushbu xizmat turi bo‘yicha yuqori o‘sish sur’atlari Toshkent shahri (115,4 %) va Samarqand (109,8

%) viloyatida kuzatilgan. Bu ko‘rsatkich o‘tgan yilning mos davri bilan solishtirilganda 3,9 % ga oshgan.[104]



1-rasm. “E-IJARA” axborot tizimi orqali soliq organlarida hisobga qo’yilgan ko’chmas mulk ijara shartnomalari(2024-yil 1-yanvar holatiga).[105]

2024-yil 1-yanvar holatiga soliq organlarida 531 757 ta ko‘chmas mulk ijara shartnomasi hisobga qo‘yilgan. Ko’chmas mulk ob’yektlari soni 300 876 ta, bu bilan bog’liq ijara summasi 8 661,9 mlrd so’mni tashkil etgan. Yuridik shaxslar o‘rtasida tuzilgan 144,9 mingdan ortiq ijara shartnomasi asosida 561,6 mlrd so‘m soliq hisoblanib, o‘tgan yilning mos davriga nisbatan ijara shartnomalari soni 30,2% va hisoblangan soliq summasi 31,2 %ga oshgan. Jismoniy shaxslar o‘rtasida tuzilgan 386,8 mingta ijara shartnomasi asosida 194,8 mlrd so‘m daromad solig‘i hisoblanib, o‘tgan yilning mos davriga nisbatan ijara shartnomalari soni 60,5 % va hisoblangan daromad solig‘i summasi 21 %ga oshgan.

Ma’lumotlardan ko’rinib turibdiki, ijara munosabatlari nafaqat buxgalteriya hisobi ob’yekti, balki soliq hisobining ham ob’yekti hisoblanadi. Demak,

---

104 https://stat.uz/uz/matbuot-markazi/qo-mita-yangiliklar/40692-ijar-a-xizmatlari-2

105 https://t.me/fiskaltahlil

korxonalarda ijara hisobini to’g’ri yuritish, xalqaro standartlar asosida takomillashtirish buxgalteriya hisobining muhim vazifalardan biri hisoblanadi.

Turli axborot manbalari, adabiyotlar va me’yoriy-huquqiy hujjatlarda ijaraga quyidagicha ta’riflar berilgan:

Ijara (arab. - ijora) tarixiy-etnografik atama bo’lib, uning ikki ko’rinishi e’tirof etilgan:

1) Islom dini tarqalgan davlatlarda yer egalari tomonidan yerni ishlash uchun dehqonlarga berish shartlaridan biri bo’lib, yer egasining haqini pul bilan to‘langan. Yer egasi haqi hosildan ulush (natura tarzida) beriladigan bo‘lsa muzora’a deb atalgan. 20-asrning 20-yillariga qadar O‘rta Osiyoda ham keng tarqalgan bo‘lgan va u korandalik[106] deb yuritilgan.

2) mol-mulkni yollash va undan foydalanish bo‘yicha shartnoma. Unga ko‘ra, bir tomon (ijara beruvchi) ikkinchi tomon (ijara oluvchi)ga ma’lum to‘lov, ya’ni ijara haqi evaziga mol-mulkni vaqtincha foydalanish uchun beradi. Ijara haqi mol-mulkning qiymati va keltiradigan daromadiga bog‘liq bo‘lib, o‘zaro kelishuv bilan belgilanadi.

Ijarachi ayrim jismoniy shaxs, yuridik shaxs va hatto davlat bo‘lishi mumkin. Mehnat jamoalari o‘z korxonalaridan, korxonalar esa bir-biridan ijara shartnomasiga binoan asosiy ishlab chiqarish va noishlab chiqarish vositalarini ma’lum muddatga qonun hujjatlarida taqiqlanmagan faoliyatlarda samarali foydalanish va qo‘shimcha daromadga erishish maqsadida oladi.[107]

Islom huquqshunosligida ijara atamasi ikki xil amaliyot uchun qo'llaniladi. Birinchisi bir kishini xizmat haqi to'lash asosida ishga yollash amaliyotidir. Ish beruvchi mustajir, yollanma ishchi esa ajir deyiladi. Agar A tomon ishxonasiga B tomonni boshqaruvchi yoki oddiy xodim qilib oylik maosh to'lash sharti bilan ishga olsa, A mustajir, B esa Ajir deyiladi. Shuningdek agar A chamadonlarini aeroportga ko'tarib borish uchun yuk tashuvchini yollasa, A mustajir, B esa ajir bo'ladi. Ikkala holatda ham tomonlar o'rtasidagi munosabat ijara muomalasi hisoblanadi. Bu turdagi ijaraga insonlarning xizmatlari yollanishi mumkin bo'lgan barcha ijara kelishuvlari kiradi. Bu xizmatlarga vrach, huquqshunos, o'qituvchi, ishchi yoki boshqa har qanday kasb vakillarining xizmatlari kirishi mumkin. Yollangan xizmatchilar “ajir”, ularni yollagan kishi “mustajir” deyiladi, ularga to'langan haq esa “ujra” deb nomlanadi. Ijaraning ikkinchi turi inson xizmatidan emas, balki aktiv va mulklardan foydalanish holatiga taalluqli. Bunda ijara «muayyan mulkni ijara haqi evaziga boshqa shaxsning foydalanishiga topshirish» amaliyotini bildirib, ingliz tilida qo'llaniladigan «lizing» atamasi bilan bir xil ma`noda ishlatiladi. Bunda lizing beruvchi mujir, lizing oluvchi mustajir va lizing beruvchiga to'lanadigan ijara haqi ujra deb nomlanadi. Ijara qonun-qoidalari lizing sifatida ko'p jihatdan savdo qonun-qoidalariga o'xshab ketadi. Chunki ikki holatda ham muayyan narsa arziydigan haq evaziga boshqa kishiga ko'chadi. Ijara va savdoning asosiy farqi shundaki, savdoda mulkning egaligi xaridorga ko'chadi, ijarada esa mulk egaligi

[106] https://uz.wikipedia.org/wiki/Korandalik
[107] https://uz.wikipedia.org/wiki/Ijara

ijaraga beruvchida qoladi, faqat mulkdan foydalanish huquqi ijara oluvchiga ko'chadi.[108]

Ijara - tovon evaziga muayyan davr mobaynida aktiv(tayanch aktiv)dan foydalanish huquqi beriladigan shartnoma yoki shartnomaning bir qismi.[109]

Ijara - shartnoma asosida yerga, boshqa tabiiy resurslarga, shuningdek xo‘jalik faoliyatini va o‘zga faoliyatni mustaqil ravishda amalga oshirish uchun ijarachiga zarur bo‘lgan mol-mulkka haq evaziga muddatli egalik qilish va undan foydalanishdan iboratdir.[110]

6-son “Ijara hisobi” BHMS nuqtai nazaridan ijara quyidagilarga bo‘linadi:

a) lizing (moliyaviy ijara);

b) uzoq muddatli ijara;

v) qisqa muddatli ijara.

Lizing (moliyaviy ijara) — ijara munosabatlarining alohida turi bo‘lib, unda bir taraf (lizing beruvchi) ikkinchi tarafning (lizingga oluvchining) topshirig‘iga binoan uchinchi tarafdan (sotuvchidan) lizing shartnomasida shartlashilgan mol-mulkni (lizing obyektini) mulk qilib sotib oladi va uni shu shartnomada belgilangan shartlarda haq evaziga egalik qilish va foydalanish uchun lizingga oluvchiga o‘n ikki oydan ortiq muddatga beradi.[111]

1-jadval

Ijara va lizingning farqlanishlari[112]

	Ijara	**Lizing**
Ob’yektlari	korxonalar, ayrim ishlab chiqarishlar, sexlar, fermalar, boshqa bo‘linmalar, tashkilotlar; ayrim binolar, inshootlar, uskunalar, transport vositalari, inventarlar, asboblar, boshqa moddiy boyliklar; er (qishloq xo‘jaligi uchun ajratilgan yerlar ijaraga faqatgina qishloq xo‘jalik mahsulotlari yetishtirish uchun beriladi) va boshqa tabiiy resurslar	Tadbirkorlik faoliyati uchun foydalaniladigan iste’mol qilinmaydigan har qanday ashyolar, shu jumladan korxonalar, mulkiy komplekslar, binolar, inshootlar, uskunalar, transport vositalari hamda boshqa ko‘char va ko‘chmas mulk
Sub’yektlari	Ijaraga beruvchi va ijarachi	Lizing beruvchi, lizing oluvchi va sotuvchi

[108] https://globalhalal.uz/blog/datahub/ijara/?script=lat

[109] 16-son Moliyaviy hisobotning xalqaro standarti “Ijara”

[110] https://lex.uz/acts/-112328

[111] https://lex.uz/ru/docs/-85259, 6-son BHMS “Ijara hisobi”

[112] https://lex.uz/acts/-112328, https://lex.uz/ru/docs/-85259 ga asosan muallif ishlanamasi

Shakllari (turlari)	Operativ, moliyaviy	Uchta subyekti ishtirok etadigan to‘g‘ridan-to‘g‘ri shaklda ham, lizing oluvchi va sotuvchi bo‘lib bir shaxsning o‘zi ishtirok etadigan qaytariladigan shaklda ham amalga oshirilishi mumkin
Shartnoma tuzish shakli	yozma shaklda, qonunchilikda belgilangan tartibda tuziladi	yozma shaklda, qonunchilikda belgilangan tartibda tuziladi
Shartnoma muddati	1 yilgacha; 1 yildan ortiq	12 oydan ortiq muddatga
To’lovlar	haq to`lash tartibi, shartlari va muddatlari mulk ijarasi shartnomasi bilan belgilanadi	Lizing to‘lovlari shartnomaning butun amal qilish muddatiga taqsimlanadi va bo‘lib-bo‘lib to‘lanadi. Lizing to‘lovlarining miqdorlari va davriyligi lizing shartnomasi bilan belgilanadi
Mulk huquqi	Mol-mulkni ijaraga berish ana shu mol-mulkka egalik qilish huquqining boshqa kishiga o‘tkazilishiga olib kelmaydi	Lizing ob’yektiga bo‘lgan mulk huquqi lizing oluvchi tomonidan sotib olingunga qadar lizing beruvchiga tegishli

Shuningdek, amaliyotda, adabiyotlarda va manbalarda prokat atamasi ham ishlatiladi. Fuqarolik Kodeksiga asosan prokat doimiy tadbirkorlik faoliyati sifatida mol-mulkni ijaraga beruvchi haq evaziga ijaraga oluvchiga vaqtinchalik egalik qilish va foydalanish uchun ko`char mol-mulkni topshirish hisoblanadi.

Yuqorida keltirilganlardan ko’rinib turibdiki, ijara va lizing munosabatlarida ma’lum farqlanishlar mavjud. Ijara hisobini yuritishning asosi bo’lgan 6-son “Ijara hisobi” BHMSda ijaraga berilgan ta’rif lizingga berilgan ta’rif bilan aynan bir xil. Me’yoriy-huquqiy hujjatlarda ijaraga beriladigan yagona ta’rif ishlab chiqilishi lozim.

II-SHO‘BA
INNOVATSION IQTISODIYOT SHAROITIDA AUDITNI XALQARO STANDARTLAR ASOSIDA TASHKIL ETISH VA O‘TKAZISHNING TASHKILIY DASTAKLARI HAMDA METODOLOGIK MASALALARI

KORXONALAR MOLIYAVIY FAOLIYATINI IFODALOVCHI KO’RSATKICHLARNI SWOT TAHLILDAN O’TKAZISH TARTIBI

Urazov Komil Baxromovich
Iqtisod fanlari doktori, proffesor
Samarqand Iqtisodiyot va servis instituti
Abduxalil-zoda Ra’no Muzaffar qizi
2 bosqich magistranti
Samarqand Iqtisodiyot va servis instituti

Anotatsiya: maqolada korxonalarda moliyaviy faoliyat tahlilini olib borishning ahamiyati, moliyaviy faoliyat daromadlarini oshirish, xarajatlarini kamaytirishda SWOT tahlili o’tkazilishi bo’yicha tavsiyalar berilgan

Kalit so’zlar: SWOT tahlil, moliyaviy faoliyatning kuchli tomonlari, zaif tomonlari, imkoniyatlari hamda bozordagi tahdidlar, SWOT matritsa

Bozor iqtisodiyoti sharoitida korxonalar faoliyati natijasida ko’proq foyda olishga intiladi. Aynan foyda olish maqsadida korxonalar bir vaqtning o’zida qonun bilan ta’qiqlab qo’yilmagan bir necha faoliyat turi bilan shug’ullanishga haqlidirlar. Rivojlangan mamlakatlar amaliyotida shuni ko’rish mumkinki, korxonalar nafaqat asosiy faoliyatini, balki moliyaviy faoliyatini ham jipslikda olib borilishga intiladilar, bu esa korxonalarning yana ham ko’proq daromad olishlariga yordam beradi. Daromadni ko’paytirish maqsadida to’g’ri boshqaruv qarorlarini qabul qilinishini taqozo etadi. Ushbu jarayonlarda korxona o’z faoliyatini, jumladan moliyaviy faoliyatini doimiy tahlil qilib borishi lozim. Tahlil qilishning zamonaviy usullaridan biri bu SWOT tahlilidir.

SWOT tahlili biznesga ta'sir etuvchi kuchli tomonlar, zaif tomonlar, imkoniyatlar va tahdidlarni aniqlash uchun foydalaniladigan strategik rejalashtirish vositasidir. SWOT so’zi ingliz tilidagi quyidagi to’rtta so’zning bosh harflari jamlanmasidan iboratdir:

”S” – ”Strengths” – kuchli tomonlar
”W” – ”Weaknesses” – zaif tomonlar
”O” – ”Opportunities” – imkoniyatlar
”T” – ”Threats” – tahdidlar

SWOT tahlili biznesning samaradorligiga ta'sir qiluvchi ichki va tashqi omillarni baholashga yordam beradigan vositadir, ya’ni SWOT tahlillari kompaniyalarga asosiy ichki va tashqi omillarni aniqlash va tahlil qilish imkonini

beradi. Kuchli va zaif tomonlar ichki omillardir. Imkoniyat va tahdidlar esa tashqi omillardir.

SWOT tahlilni butun biznes uchun qaraydigan bo’lsak, kuchli va zaif tomonlar bu korxonaning resurslari, obro'i kabi nazorat qilinishi mumkin bo'lgan ichki omillardir, hamda ular joriy davrda mavjud hisoblanadi. Imkoniyatlar va tahdidlar bozor tendentsiyalari, mijozlar ehtiyojlari, qoidalar va raqobat kabi korxona nazorat qila olmaydigan tashqi omillardir, hamda ushbu omillar biznesga foyda keltirishi mumkin bo'lgan, ammo hozirda mavjud bo’lmagan omillardir.

Yuqoridagilardan kelib chiqib, moliyaviy faoliyat ko’rsatkichlarini SWOT tahlilidan o’tkazishni quyidagi ketma-ketlikda amalga oshirishimiz mumkin:

1. SWOT tahlilini o’tkazish orqali erishmoqchi bo'lgan maqsadni aniq ifodalab olish zarur.

Moliyaviy faoliyatni tahlil qilishdan ko’zlangan asosiy maqsad – davr yakunida ijobiy moliyaviy faoliyat natijasiga erishish, ya’ni moliyaviy faoliyatdan foyda ko’rishdir.

2. Qo’yilgan maqsadga erishishga yordam beradigan yoki to'sqinlik qiladigan omillarni aniqlab olish zarur.

Moliyaviy faoliyat natijasida foyda olish ikki asosiy ko’rsatkichga bog’liq. Bular daromadlarni oshirish, xarajatlarni kamaytirish.

a) Moliyaviy faoliyat daromadlariga ta’sir qiladigan omillar:
   - Bozorda korxona qimmatli qog’ozlari narxining oshishi;
   - To’g’ri boshqaruv qarorlarini qabul qilish natijasida ulushlar kiritilgan subyektlar faoliyati natijasida olinadigan dividend summalarining ortishi;
   - Noto’g’ri boshqaruv qarorlarini qabul qilish natijasida ulushlar kiritilgan subyektlar faoliyati natijasida olinadigan dividend summalarining kamayishi;
   - Ishlatilmay turgan pul mablag’larini qarzlar ko’rinishida boshqa shaxslarga berilishi;
   - Foydalanishda bo’lmagan asosiy vositalarni moliyaviy ijaraga berilishi;
   - Mamlakatda mavjud iqtisodiy sharoitni to’g’ri baholash natijasida ijobiy kurs farqlariga erishish;
b) Moliyaviy faoliyat xarajatlariga ta’sir qiladigan omillar:
   - Mamalakatda valyuta kurslarining muttasil o’sishi natijasida salbiy kurs farqlarini vujudga kelishi;
   - Ichki pul mablag’larinig yetishmovchiligi natijasida, chetdan pul jalb qilish, hamda natijada foiz ko’rinishidagi xarajatlarning ortishi;
   - Asosiy vositaga bo’lgan talabni moliyaviy ijara orqali qondirilishi;
   - Ichki pul mablag’larinig yetishmovchiligi natijasida, qimmatli qog’ozlarni chiqarish, hamda ularni tarqatish bilan bog’liq xarajatlarning ortishi;
   - Qimmatli qog’ozlarga qo’yilgan mablag’larning qayta baholanishi(qiymatini kamaytirilishi) natijasida zararlar ko’rish

3. Mavjud omillarni ichki va tashqiga ajratib olish

Ichki omillar	Tashqi omillar
To’g’ri boshqaruv qarorlarini qabul qilish natijasida ulushlar kiritilgan subyektlar faoliyati natijasida olinadigan dividend summalarining ortishi	Bozorda korxona qimmatli qog’ozlari narxining oshishi
Noto’g’ri boshqaruv qarorlarini qabul qilish natijasida ulushlar kiritilgan subyektlar faoliyati natijasida olinadigan dividend summalarining kamayishi	Qimmatli qog’ozlarga qo’yilgan mablag’larning qayta baholanishi (qiymatini kamaytirilishi) natijasida zararlar ko’rish(bozorda narxining tushishi)
Ichki pul mablag’larinig yetishmovchiligi natijasida, qimmatli qog’ozlarni chiqarish, hamda ularni tarqatish bilan bog’liq xarajatlarning ortishi	Mamalakatda valyuta kurslarining muttasil o’sishi natijasida salbiy kurs farqlarini vujudga kelishi
Ichki pul mablag’larinig yetishmovchiligi natijasida, chetdan pul jalb qilish, hamda natijada foiz ko’rinishidagi xarajatlarning ortishi	Mamlakatda mavjud iqtisodiy sharoitni to’g’ri baholash natijasida ijobiy kurs farqlariga erishish
Asosiy vositaga bo’lgan talabni moliyaviy ijara orqali qondirilishi	
Foydalanishda bo’lmagan asosiy vositalarni moliyaviy ijaraga berilishi	
Ishlatilmay turgan pul mablag’larini qarzlar ko’rinishida boshqa shaxslarga berilishi	

4. Yuqorida keltirilgan ichki omillarni korxona uchun kuchli va zaif tomonlarga ajratib chiqamiz:

Kuchli tomonlar	Zaif tomonlar
To’g’ri boshqaruv qarorlarini qabul qilish natijasida ulushlar kiritilgan subyektlar faoliyati natijasida olinadigan dividend summalarining ortishi	Noto’g’ri boshqaruv qarorlarini qabul qilish natijasida ulushlar kiritilgan subyektlar faoliyati natijasida olinadigan dividend summalarining kamayishi
Foydalanishda bo’lmagan asosiy vositalarni moliyaviy ijaraga berilishi	Ichki pul mablag’larinig yetishmovchiligi natijasida, qimmatli qog’ozlarni chiqarish, hamda ularni tarqatish bilan bog’liq xarajatlarning ortishi

Ishlatilmay turgan pul mablag'larini qarzlar ko'rinishida boshqa shaxslarga berilishi	Ichki pul mablag'larinig yetishmovchiligi natijasida, chetdan pul jalb qilish, hamda natijada foiz ko'rinishidagi xarajatlarning ortishi
	Asosiy vositaga bo'lgan talabni moliyaviy ijara orqali qondirilishi

Tashqi omillarni esa korxona uchun imkoniyatlar, hamda tahdidlarga ajratib chiqamiz:

Imkoniyatlar	Tahdidlar
Bozorda korxona qimmatli qog'ozlari narxining oshishi	Qimmatli qog'ozlarga qo'yilgan mablag'larning qayta baholanishi (qiymatini kamaytirilishi) natijasida zararlar ko'rish (bozorda narxining tushishi)
Mamlakatda mavjud iqtisodiy sharoitni to'g'ri baholash natijasida ijobiy kurs farqlariga erishish	Mamalakatda valyuta kurslarining muttasil o'sishi natijasida salbiy kurs farqlarini vujudga kelishi

5. SWOT tahlilning yakuniy bosqichi SWOT matritsani tuzish.

SWOT matritsani tuzishda ustun va satr birlashgan qismidagi katakchada shu ustun, hamda satr uchun xulosa beriladi va ushbu xulosalar orqali umumiy xulosaga kelinadi.

	Imkoniyatlar	Tahdidlar
Kuchli tomonlar	Doimiy tarzda mamlakat bozorini o'rgangan holda to'g'ri boshqaruv qarorlarini qabul qilish	Joriy davr uchun korxonada moliyaviy faoliyatning eng foydali turlari bilan shug'ullanish
Zaif tomonlar	Mamlakatdagi iqtisodiy sharoitlardan foydalanishda qabul qilingan noto'g'ri boshqaruv qarorlari ustida ishlash hamda kelgusi uchun maqbul xulosalar chiqarish	Boshqaruv qarorlariga bevosita ta'sir ko'rsatadigan xodimlarni qayta o'qitish, malakasini oshirish, iqtisodiy jarayonlarga to'g'ri baho bera olmaydigan jarayonda korxona moliyaviy faoliyatini cheklash

Xulosa qilish mumkinki, SWOT tahlilni qilishdan asosiy ko'zlangan maqsad bu SWOT matritsani tuzish hisoblanadi, hamda u SWOT tahlil natijasi hisoblanadi. Tahlildan maqsad o'tgan davr uchun korxonaning kuchli, hamda zaif tomonlarini topish, imkoniyatlardan to'g'ri foydalangan holda kuzatilishi mumkin bo'lgan tahdidlarni oldindan ko'ra olish orqali kelajakda ko'proq foyda olishga intilishdan iboratdir.

БАҲОЛАНГАН МАЖБУРИЯТЛАР АУДИТИНИ ЎТКАЗИШ КЕТМА-КЕТЛИГИ

Очилов Фарходжон Шавкатжон ўғли
Тошкент давлат иқтисодиёт университети
“Аудит” кафедраси доценти, PhD

Хўжалик юритувчи субъектларда халқаро стандартлар асосида тузилган молиявий ҳисоботларнинг «баҳоланган мажбуриятлар» моддасида учрайдиган муҳим бузиб кўрсатишлар аудиторларнинг фикрига кўра, молиявий ҳисоботларнинг ишончсиз деб тан олинишига олиб келиши мумкин, бу манфаатдор фойдаланувчиларнинг қарорларига сезиларли таъсир кўрсатади. Натижада, молиявий ҳисоботнинг ушбу моддасида аниқланган хато ва қоидабузарликлар муҳим бузиб кўрсатишлар риски даражасини оширади ҳамда аудиторлик текширувида моҳиятига кўра аудит амалларини тўлиқ қўллашни талаб қилади.

Баҳоланган мажбуриятлар аудити аудиторга мажбуриятларни баҳолашнинг ишончлилиги ва мувофиқлигини текширишга ёрдам берадиган бир неча босқичларни ўз ичига олади. Баҳоланган мажбуриятлар аудитининг асосий босқичлари ҳамда уларнинг қисқача тавсифи 2-жадвалда келтириб ўтилган.

1-жадвал

Баҳоланган мажбуриятлар аудитини ўтказиш босқичлари[113]

Босқич	Босқич номи	Бажариладиган ишлар	Аудит амаллари
1-босқич	Режалаштириш	1. Рискларни баҳолаш ва баҳоланган мажбуриятларнинг хусусиятларини аниқлаш. 2. Аудиторлик текширувининг ҳажми ва соҳаларини аниқлаш. 3. Аудит стратегиясини ишлаб чиқиш ва аудиторлик текшируви учун зарур ресурсларни аниқлаш.	Назорат тестлаш, моҳиятига кўра аудит амаллари
2-босқич	Ички назорат тизимини баҳолаш	1. Хўжалик юритувчи субъектнинг назорат муҳити ва операцион фаолиятини ўрганиш. 2. Баҳоланган мажбуриятларни баҳолаш билан боғлиқ ички назорат қоидаларини таҳлил қилиш. 3. Жавобгарлик юклайдиган	Назорат тестлаш

[113] Муаллиф ишланмаси

		ҳодисани баҳолаш ва уларнинг натижаларининг умумий таҳлилини ўтказиш.	
3-босқич	Баҳоланган мажбуриятларни баҳолаш методологиясини тасдиқлаш	1. Баҳоланган мажбуриятларни баҳолашда фойдаланиладиган методология ва моделларни тасдиқлаш. 2. Баҳолаш усулларининг тўғри қўлланилганлиги ҳамда бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандартлари ва ҳисобот қоидаларига риоя этилганлигини таҳлил қилиш.	Моҳиятига кўра аудит амаллари
4-босқич	Таҳминларни баҳолаш	1. Мажбуриятларни баҳолашда қўлланилган тахминларнинг оқилоналиги ва мақсадга мувофиқлигини текшириш. 2. Тахминларнинг ҳақиқий ҳолатлар ва ташқи шароитларга мувофиқлигини таҳлил қилиш.	Назорат тестлаш, моҳиятига кўра аудит амаллари
5-босқич	Далиллар тўплаш	1. Мажбуриятларни баҳолашнинг тўғрилиги ва ҳаққонийлигини тасдиқловчи етарли ва мос аудиторлик далилларини тўплаш. 2. Баҳоланган мажбуриятлар қиймати тўғрилиги бўйича назорат тестлашни ўтказиш ҳамда тақдим этилган маълумотларнинг арифметик аниқлигини текшириш.	Назорат тестлаш, моҳиятига кўра аудит амаллари
6-босқич	Муҳим бузиб кўрсатиш риски даражасини ҳамда номувофиқликларни баҳолаш	1. Баҳоланган мажбуриятлар билан боғлиқ потенциал риск ва номувофиқликларни аниқлаш. 2. Ушбу рискларнинг молиявий ҳисоботларнинг ишончлилигига таъсирини баҳолаш. 3. Аниқланган рискларга нисбатан аудиторнинг жавоб ҳаракатларини қўллаш	Моҳиятига кўра аудит амаллари
7-босқич	Хулоса ва тавсияларни шакллантириш	1. Баҳоланган мажбуриятлар аудити натижалари бўйича хулосаларни шакллантириш. 2. Текширув жараёнида	Моҳиятига кўра аудит амаллари

		аниқланган муаммоларни, баҳолаш жараёнларини такомиллаштириш бўйича тавсияларни ва бошқа муҳим ҳолатларни акс эттирувчи аудиторлик ҳисоботини тайёрлаш.	
8-босқич	Якуний босқич	1. Якуний аудит амалларни бажариш, шу жумладан аудит натижаларини хўжалик юритувчи субъект раҳбарияти билан муҳокама қилиш. 2. Баҳоланган мажбуриятлар аудити бўйича якуний хулосани тайёрлаш ва субъект раҳбариятига тақдим этиш.	Моҳиятига кўра аудит амаллари

Баҳоланган мажбуриятлар аудитининг ҳар бир босқичи молиявий ҳисоботларнинг ишончлилигини таъминлаш ва молиявий маълумотлардан фойдаланувчиларнинг ишончини оширишда муҳим аҳамият касб этади. Юқорида келтирилган босқичлар асосида аудиторлик текширувида баҳоланган мажбуриятлар ҳисобини текшириш молиявий ҳисобот аудити натижаларининг тўғри акс эттирилишига ҳамда ишончли ва холисона аудиторлик хулосасининг шакллантирилишига имкон яратади.

CONDUCTING AN AUDIT OF IMPAIRMENT OF ENTERPRISE ASSETS

Shirinov Uchkun
Samarkand Institute of Economics and Service, associate professor
Turaeva Farida
Samarkand Institute of Economics and Service, master's degree in auditing

Abstract: In this article we will discuss one of the most critical aspects of financial reporting - conducting an audit for impairment of enterprise assets.

Keywords: fixed assets, depreciation, impairment, recoverable amount, net realisable value (NRV), value in use, initial value, impairment loss,

In today's fast-paced business world, it's becoming increasingly important for companies to maintain transparent and accurate reports that adhere to international standards. The correct assessment and measurement of asset impairment can have a significant impact on a company's financial statements, which makes it even more vital to get it right!

Impairment of assets is a common occurrence in many businesses and can have significant impacts on financial statements. According to International Standards of Financial Reporting (IAS) 36, an impairment loss should be recognized if the carrying amount of an asset exceeds its recoverable amount. Recoverable amount refers to the higher of an asset's fair value less costs to sell and its value in use. Value in use represents the present value of estimated future cash flows expected to arise from the continuing use of an asset.
It is essential for companies to conduct regular audits of their assets to determine if any impairments exist. This process involves assessing whether there are any indicators that suggest that an asset may be impaired, such as technological developments or changes in market demand.

If it is determined that there is a need for impairment testing, it must be carried out at least annually or whenever there has been a significant change in circumstances since the last test was conducted. Conducting periodic audits based on IAS 36 can help businesses identify potential losses early on and take necessary actions while ensuring compliance with international reporting standards.

An impairment of assets audit is a financial assessment that is conducted by companies to ensure that the value of their assets on their balance sheets is accurate and reflects the true value of the assets. This is important because the value of assets can change over time, and if the value is overestimated, it can lead to financial misstatements and inaccuracies. The audit involves a review of the company's assets, including property, plant, and equipment, intangible assets, and financial assets, to determine if any of them have decreased in value. If an asset's value has decreased, the company must write down the value of the asset on their balance sheet to reflect its current value. This process is important because it ensures that the company's financial statements are accurate and gives investors and stakeholders a clear idea of the company's financial health.

Conducting an impairment of assets audit can be a complex process, but it is essential to ensure that financial statements accurately reflect the value of a company's assets. Following these steps will help to conduct an impairment of assets audit based on International Financial Reporting Standards:

1. Identify the assets: The first step is to identify the assets that need to be tested for impairment. This could include tangible assets such as property, plant, and equipment, as well as intangible assets such as goodwill or patents.

2. Determine the recoverable amount: Once we have identified the assets, we need to determine their recoverable amount. This is the higher of the asset's fair value less costs to sell and its value in use.

3. Compare the recoverable amount with the carrying amount: The next step is to compare the recoverable amount with the carrying amount of the asset. If the recoverable amount is less than the carrying amount, the asset is impaired.

4. Recognize the impairment loss: If an asset is impaired, we need to recognize the impairment loss in the financial statements. The loss is calculated as the difference between the carrying amount and the recoverable amount.

5. Reassess the impairment: Finally, we need to reassess the impairment at each reporting date to determine whether the impairment loss should be reversed or increased. Conducting an impairment of assets audit is an important process that helps ensure the accuracy of financial statements. By following these steps, we can help ensure that the company's assets are properly valued and that financial statements provide an accurate picture of the company's financial health.

To conclude, conducting an audit of impairment of enterprise assets is a crucial aspect of financial reporting that ensures transparency and accuracy in the valuation of assets. Adhering to International Standards of Financial Reporting guarantees that this process is carried out consistently across different enterprises and jurisdictions.

The measurement stage determines whether there has been any decline in the value or usefulness of an asset, which can have significant implications on a company's financial statements. It is essential for auditors to exercise professional judgment when assessing impairment indicators and determining the recoverable amount.

Auditing impairment requires technical expertise and knowledge about accounting standards; therefore, it is recommended that companies seek guidance from professionals who are familiar with IFRS guidelines. By doing so, they can avoid errors or misstatements in their financial reporting processes, thereby ensuring compliance with regulatory requirements while providing stakeholders with reliable information about the state of their business affairs.

List of used literature

1. IAS 36- Impairment of Assets
2. IAS 16- Property, Plant and Equipment
3. IFRS 38- Intangible Assets

MOLIYAVIY HISOBOTLARNING ISHONCHLILIGINI BAHOLASHDA AUDITNING XALQARO STANDARTLARINI QO'LLASHNING AHAMIYATI

Ilyorov Elbek Eldorjon o'g'li
O'zbekiston Respublikasi Soliq qo'mitasi huzuridagi Fiskal institut "Buxgalteriya hisobi"mutaxasisligi magistrant
Farg'ona viloyati soliq xizmati mahallalarga biriktirilgan soliq inspektorlari sho'basi davlat soliq bosh inspektori.
Telefon raqam:+99891-123-12-42
E-mail: eilyorov@gmail.com

Annotatsiya. Mazkur ma'ruzada xo'jalik yurituvchi sub'ektlarda moliyaviy hisobotlarning xalqaro standartlari talablari asosida moliyaviy hisobotlarning ishonchliligini baholashda auditning xalqaro standartlarini qo'llash va tayyorlashning ahamiyati va zaruriyati keltirib o'tilgan. Shuningdek, moliyaviy hisobotning xalqaro standartlariga muvofiq tayyorlangan moliyaviy hisobotlarda

auditning xalqaro standartlarini foydalanuvchilarning tasnifi hamda ulardan foydalanish doirasi belgilab berilgan.

Kalit so'zlar: Aksiyadorlik jamiyatlari, aksiyadorlar, xo'jalik yurituvchi sub'ekt, moliyaviy hisobotlarning xalqaro standartlari (MHXS), buxgalteriya hisobotlarning xalqaro standartlari (BHXS), xalqaro auditorlik standartlari.

Аннотация. В данном отчете отмечена важность и необходимость применения и подготовки международных стандартов аудита при оценке достоверности финансовой отчетности на основе требований международных стандартов финансовой отчетности хозяйствующих субъектов. Также в финансовых отчетах, подготовленных в соответствии с международными стандартами финансовой отчетности, определена классификация пользователей международных стандартов аудита и сфера их использования.

Ключевые слова: Акционерные общества, акционеры, хозяйствующий субъект, международные стандарты финансовой отчетности (МСФО), международные стандарты бухгалтерской отчетности (BHXS), международные стандарты аудита.

Abstract. In this report, the importance and necessity of applying and preparing international standards of auditing in assessing the reliability of financial statements based on the requirements of international standards of financial statements in economic entities is mentioned. Also, in financial reports prepared in accordance with international standards of financial reporting, the classification of users of international standards of auditing and the scope of their use are defined.

Key words: Joint-stock com'anies, shareholders, economic entity, international standards of financial re'orting (IFRS), international standards of accounting re'orts (BHXS), international auditing standards.

O'zbekiston Respublikasida zamonaviy korporativ boshqaruv printsiplari to'la-to'kis joriy etilishi uchun xalqaro talablarni hisobga olgan holda aktsiyadorlik jamiyatlarida korporativ boshqaruv tizimining samaradorligini oshirish, shuningdek, ularning investitsiya jarayonlarida hamda iqtisodiyotdagi tarkibiy o'zgarishlarni amalga oshirishda keng ishtirokini ta'minlash bugungi kunda dolzarb masalalardan biridir. Bu borada O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2015-yil 24-apreldagi "Aktsiyadorlik jamiyatlarida zamonaviy korporativ boshqaruv uslublarini joriy etish chora-tadbirlari to'g'risida"gi PF-4720 Farmonining qabul qilinishi aktsiyadorlik jamiyatlari faoliyatini rivojlantirishda muhim hisoblanadi. Mazkur Farmonning 8-bandiga muvofiq "Aktsiyadorlik jamiyatlari faoliyatining ochiqligini oshirish, ular tomonidan xalqaro standartlar asosida audit va moliyaviy hisobot axborotini nashr qilish" belgilab qo'yilgan. Bu holat o'z-o'zidan aktsiyadorlik jamiyatlarida xalqaro audit standartlari asosida auditorlik tekshiruvlarini o'tkazishni talab qiladi.

Jahon iqtisodiyotiga jadal sur'atlar bilan integratsiyalashayotgan O'zbekistonda hozirgi kunda moliyaviy hisobot va auditning xalqaro standartlariga o'tish masalalariga alohida e'tibor berilmoqda. Bugungi kunda mulkdorlar va investorlar aktsiyadorlik jamiyatlari nazoratiga muhim e'tibor qaratishlari, undagi ishlar holati haqida aniq va xolisona axborotga ega bo'lishlari kerak. Auditorlik

amaliyoti bo'yicha xalqaro qo'mita Xalqaro buxgalterlar federatsiyasi kengashi nomidan audit standartlarini chop etdi, Shuningdek, audit tekshirishlarini o'tkazish bilan bir vaqtda qo'shimcha xizmat ko'rsatish bo'yicha xalqaro standartlarni ishlab chiqdi. Bugungi kunda xalqaro audit standartlari 43 tani tashkil qilib, ular quyidagilardan iborat:



1-rasm. Xalqaro audit standartlari tarkibi[114]

Auditorlik standartlari auditorlik tekshiruvlarining barcha jihatlarini belgilab beradi. Jumladan, auditorlik tekshiruvi vaqtida dallillarni to'plash, ularni xulosa tuzish vaqtida isbot sifatida ko'rsatish jarayonida auditorlik standartlari muhim ro'l o'ynaydi. Shuningdek, auditorlik standartlari tekshiruvda mavjud haqiqiy axborot va audit protsedurasini belgilashga xizmat qiladi. Auditorlik standartlari nafaqat dalillar yig'ish, balki, o'sha dalillarni yig'ish paytida auditordan talab qilinadigan malaka va axloq qoidalarini, tekshiruv paytida qo'llanilishi mumkin bo'lgan auditorlik protseduralarini (taomillarini), Shuningdek ushbu dalillarni to'plashda qo'llaniladigan usullarni ham belgilab beradi. Demak, auditorlik standartlari mijoz korxonada auditorlik tekshiruvi o'tkazilish vaqtida butun bir jarayonni boshqarib turishga samarali xizmat ko'rsatadi.

O'zbekiston Respublikasida iqtisodiyot tarmoqlari va sohalarida ko'plab aksiyadorlik jamiyatlari faoliyat yuritadi. Ma'lumotlardan ko'ra 2020-yildan boshlab aksiyadorlik jamiyatlari sonida o'sish kuzatilgan va 2023 yil 1-yanvar holatiga kelib ularning soni 628 tani tashkil etgan.

Xalqaro audit standartlarini milliy amaliyotda qo'llash zarurligi quyidagilarda o'z aksini topadi:

[114] Muallif ishlanmasi.



2-rasm. Xalqaro audit standartlarini milliy amaliyotda qo'llash zarurligi[115]

Keyingi vaqtlarda auditorlik faoliyatining xalqaro ko'lamda rang-barang bo'lib borish jarayoni kuzatilmoqda. Rivojlangan mamlakatlarda 20-asrning so'ngi o'n yilligida auditorlik xizmatining yangi turi – guvohlik beruvchi audit turi shakllandi. Auditorlik xizmatining ushbu turi, ayniqsa, bank sohasida keng ko'lamda tarqalmoqda. Bank muassasalari mijozga kredit berishda auditorlik kompaniyalarini guvohlik beruvchi shaxs tomon sifatida qaramoqda. Bunda auditorlik kompaniyasi bankdan kredit olgan mijozning kredit shartnomasini bajarish holatini kuzatib boradi.

1-jadval

MDH davlatlarida xalqaro audit standartlarining qo'llanilishi[116]

MDH davlatlari	Xalqaro audit standartlarini qo'llash chora-tadbirlar dasturining mavjudligi	Ushbu chora-tadbirlarni amalga oshiruvchi tashkilot	Xalqaro audit standartlarini qo'llash davri
Ozarbayjon Respublikasi	Mavjud	–	01.01.2010 yildan
Armaniston Respublikasi	Mavjud emas	–	–
Belarusiya Respublikasi	Mavjud emas	–	–
Qozog'iston Respublikasi	Mavjud	Moliya vazirligi, professional auditorlik tashkilotlari	01.01.2011 yildan
Qirg'iziston Respublikasi	Mavjud emas	–	-
Moldaviya	Mavjud	Moliya vazirligi,	01.01.2012

[115] Muallif ishlanmasi.
[116] O'zbekiston Respublikasi Moliya vazirligi ma'lumotlari asosida tayyorlangan.

Respublikasi		Buxgalteriya hisobi va audit sohasida professional tashkilotlar	yildan
Rossiya Federatsiyasi	Mavjud	Moliya vazirligi, Auditorlik faoliyati bo'yicha Kengash, mustaqil auditorlik tashkilotlari	2013–2016 yildan
O'zbekiston Respublikasi	Mavjud	Moliya vazirligi Markaziy bank, buxgalterlar va auditorlarning professional jamoat birlashmalari	2011–2015 yillarda Bosqichma-bosqich

Yuqoridagi jadval ma'lumotlaridan ko'rinib turibdiki, Ozarbayjon, Qozog'iston, Moldaviya va O'zbekiston Respublikalari hamda Rossiya Federatsiyasida xalqaro audit standartlarini qo'llash chora-tadbirlar dasturi mavjud. Quyidagi jadvalda esa MDH davlatlarida milliy va xalqaro audit standartlarining qo'llanilish darajalari ko'rsatilgan.

2-jadval

MDH davlatlarida auditorlik faoliyatining milliy va xalqaro standartlarining qo'llanilishi darajalari[117]

MDH davlatlari	Xalqaro standartlar asosida ishlab chiqilgan milliy standartlar	Xalqaro standart milliy standart sifatida tan olinadi	Xalqaro standart bevosita qo'llaniladi
Ozarbayjon Respublikasi	–	+	–
Armaniston Respublikasi	–	+	–
Belarusiya Respublikasi	+	–	–
Qozog'iston Respublikasi	–	–	+
Qirg'iziston Respublikasi	–	+	–
Moldaviya Respublikasi	–	+	–
Rossiya Federatsiyasi	+	–	–
Tojikiston Respublikasi	+	–	–
O'zbekiston Respublikasi	+	–	+

Yuqoridagi jadval ma'lumotlaridan ko'rinib turibdiki, O'zbekiston Respublikasida xalqaro standartlar asosida milliy audit standartlari ishlab chiqilgan. Shuningdek, xalqaro standartlar ham bevosita qo'llaniladigan sohalar mavjud.

Xulosa. Yuqoridagilardan xulosa qilishimiz mumkinki, moliyaviy hisobotning xalqaro standartlari milliy buxgalteriya qoidalariga qaraganda ancha murakkab bo'lib, buxgalterlardan ko'proq kasbiy tayyorgarlik va bilim talab qiladi. Moliyaviy hisobotlarni tayyorlaydigan xodimlarning kasbiy tayyorgarligi va malakasi darajasining o'sishini taqozo etadi.

Respublikamiz iqtisodiyotini jadal rivojlantirish, investitsion faollikni kuchaytirish uchun buxgalteriya hisobini moliyaviy hisobotning xalqaro

[117] O'zbekiston Respublikasi Moliya vazirligi ma'lumotlari asosida tayyorlangan.

standartlariga moslashtirish lozim. Xalqaro standartlardagi yangi tushunchalar va tamoyillarning muvaffaqiyat bilan joriy qilinishi ularni O'zbekiston buxgalteriya amaliyotida qo'llash mazmuni va maqsadlari buxgalterning o'ziga qanchalik tushunarli bo'lishiga bog'liq. Shu boisdan ularni qo'llash bo'yicha izohlar, nafaqat muayyan hisob operatsiyalari va vaziyatlari, balki bunday yangiliklarni O'zbekiston amaliyotida joriy qilishning maqsadga muvofiqligi borasida mukammal sharhlarni ishlab chiqish zarur.

Moliyaviy hisobot ma'lumotlaridan har bir foydalanuvchi o'zining manfaatlaridan kelib chiqqan holda, auditorlik xulosasida ifodalangan auditorlik fikriga o'zining muhimlik mezonini qo'yadi, xuddi shu kabi o'zining professional mulohazasiga asoslangan holda ish ko'rayotgan auditor ham har bir konkret auditorlik tekshiruvi uchun ushbu mezonni mustaqil belgilab oladi. Ammo, auditorlik fikri moliyaviy hisobot ishonchliligi haqida auditorlik xulosasini shakllantirishda asosiy kategoriya sanaladi. Shu boisdan auditorlik fikrining shakllanishi va unga ta'sir etuvchi omillar auditorlik xulosasi va hisobotiga sezilarli ta'sir ko'rsatadi.

БАҲОЛАНГАН МАЖБУРИЯТЛАР АУДИТИНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ ВА ЎТКАЗИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ

Очилов Фарходжон Шавкатжон ўғли
Тошкент давлат иқтисодиёт университети
"Аудит" кафедраси доценти, PhD

Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари асосида молиявий ҳисоботларни тузиш ва тайёрлаш чоғида мажбуриятлар миқдорини тўғри ҳамда ҳаққоний акс эттиришни мақсад қилишини инобатга олган ҳолда, баҳоланган мажбуриятлар аудитининг аниқ йўналишларини белгилаб олиш ҳамда баҳоланган мажбуриятлар аудитини ташкил қилиш ва ўтказиш босқичларини ишлаб чиқиш долзарб аҳамият касб этади.

Хўжалик юритувчи субъектларда баҳоланган мажбуриятларни аудиторлик текширувидан ўтказиш чоғида баҳоланган мажбуриятлар билан боғлиқ бўлган хўжалик муомалаларини тўғри амалга оширилганлигини текшириш, баҳоланган мажбуриятлар билан боғлиқ солиққа тортиш ва ҳисобга олиш қоидаларини, молиявий ҳисоботларнинг ишончлилиги мезонларини, аудит усулларини, текширилаётган субъектнинг маълумотларини тартибга солувчи меъёрий ҳужжатларни тизимлаштириш орқали баҳоланган мажбуриятларни текшириш бўйича аудит амалларини қўллашнинг асосий йўналишлари ва қоидаларини белгилаш мақсадга мувофиқдир. Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда, баҳоланган мажбуриятларни аудиторлик текширувидан ўтказиш йўналишлари ишлаб чиқилди (1-расм).



1-расм. Баҳоланган мажбуриятларни аудиторлик текширувидан ўтказиш йўналишлари[118].

Баҳоланган мажбуриятлар аудитининг самарадорлигини оширишга аудиторлик текшируви жараёнларини оптималлаштириш ва аудит иши сифатини оширишга қаратилган бир қатор чора-тадбирлар орқали эришиш мумкин.

Баҳоланган мажбуриятларнинг ўзига хос хусусиятларини инобатга олган ҳолда пухта режалаштириш, аудиторлик текширувини ўтказиш учун ресурслар ва вақтни оптималлаштириш, баҳоланган мажбуриятлар билан боғлиқ рискларни таҳлил қилиш ва баҳолаш ҳамда аудит режасини ишлаб чиқишда уларни инобатга олиш, маълумотларни йиғиш ва таҳлил қилишни осонлаштириш учун махсус аудит дастурлари ва воситаларидан фойдаланиш, баҳоланган мажбуриятларни текширишни амалга оширувчи аудиторларнинг тегишли тайёргарлиги ва малакасини мунтазам ошириб бориш, аудит амалларини қўллашда барча амалдаги профессионал аудитнинг халқаро стандартларига риоя қилиш ҳамда ҳар бир мижоз учун унинг хусусиятлари ва эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда индивидуал аудит стратегияларини ишлаб чиқиш молиявий ҳисоботларнинг ишончлилиги ва сифатини таъминлаш ва манфаатдор томонларнинг ишончини ошириш билан бирга, баҳоланган мажбуриятлар аудитининг самарадорлигини сезиларли даражада оширишга хизмат қилади.

Аудитнинг халқаро стандартлари асосида молиявий ҳисоботларни аудиторлик текширувидан ўтказиш чоғида баҳоланган мажбуриятлар аудитини самарали ташкил қилиш ва ўтказишнинг мақсади, вазифалари ҳамда ахборот манбаларига аниқлик киритилди. Бунинг натижасида мажбуриятлар аудитининг ҳаққонийлиги ҳамда шаффофлиги ортишига эришилади.

[118] Муаллиф ишланмаси

Шунингдек, молиявий ҳисоботларда мажбуриятлар миқдорининг тўғри акс эттирилишига нисбатан аудиторнинг оқилона ишончини тақдим этиш имкони пайдо бўлади.

Хўжалик юритувчи субъектларда баҳоланган мажбуриятлар аудитини ўтказишнинг 8 босқичли кетма-кетлиги ҳамда мазкур босқичларда бажариладиган ишлар ва қўлланиладиган аудит амаллари ишлаб чиқилди. Мажбуриятлар аудитини ўтказиш жараёнида, хусусан, баҳоланган мажбуриятларни аудиторлик текширувидан ўтказишда мазкур босқичларни амалга ошириш орқали хўжалик юритувчи субъектнинг баҳоланган мажбуриятлари бўйича маълумотлар молиявий ҳисоботларда ишончли ва ҳаққоний ёритиб берилганлиги бўйича холисона хулоса шакллантиришга замин яратади. Шунингдек, аудиторлик текширувида хўжалик юритувчи субъектнинг молиявий ҳисоботларидаги муҳим бузиб кўрсатишлар риски даражасини пасайтиришга эришилади.

III-SHO‘BA
IQTISODIYOTNI RAQAMLASHTIRISH SHAROITIDA XIZMAT KO‘RSATISH TARMOQLARI IQTISODIYOTINI RIVOJLANTIRISH HAMDA IQTISODIY TAHLIL, MARKETING VA MENEJMENTNI XALQARO STANDARTLAR ASOSIDA TAKOMILLASHTIRISH

Пардаев Мамаюнус Қаршибаевич
Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти профессори, и.ф.д.
Пардаев Обид Мамаюнусович
Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги
Транспорт, алоқа, туризм ва уй-жой коммунал хўжалиги
корхоналари иқтисодиёти, молияси ва нарх сиёсати департаменти
директорининг 1-ўринбосари

ЗАМОНАВИЙ СТРАТЕГИК ТАҲЛИЛНИ АМАЛГА ОШИРИШДА ТАСАВВУР ФАЛСАФАСИДАН ФОЙДАЛАНИШ

Аннотация: мақолада замонавий стратегик таҳлилни амалга оширишда тасаввур фалсафасидан фойдаланиш йўллари ёритилган. Бунда инсоннинг ўзини англаши ва барча ҳолатларни таҳлил қилиши учун қўлланиладиган тасаввур фалсафасининг учта турига тўхталган. Ушбу йўналишни иқтисодий таҳлилнинг назарий ва амалий қисмига киритиш лозимлиги тавсия қилинган.

Калит сўзлар: стратегия, замонавий стратегия, таҳлил, тасаввур фалсафаси, синергетика, кечаги ҳолат, бугунги аҳвол, эртанги марра.

Мамлакатимизда стратегик тараққиётнинг жорий қилиниши замонавий стратегик таҳлилдан ҳам фойдаланиш заруриятини келтириб чиқарди. Буни амалга оширишда жуда кўп усуллардан фойдаланиш мумкин. Улардан бири тасаввур фалсафаси бўлиб ҳисобланади. Бу иқтисодий таҳлилни ўрганиш ва амалга оширишда янги замонавий ёндошув бўлиб, инновацион усуллардан фойдаланиш имкониятини ҳам яратади. Бунда синергетика усулларидан ҳам фойдаланишда мумкин. Буларнинг ўзаро боғлиқлигини таъминлашда тасаввур фалсафасининг аҳамияти беқиёс.

Одатди **тасаввур фалсафасидан** фойдаланиб, биз бугун кимлигимизни, қандай миллат ва халқ эканлигимизни тўғри ангашимиз учун ўзимизга, ҳозирги вазиятга, олдинги мустабид даврда, 30 йилдан зиёд мустақиллик даврида эришган ютуқларимизга баҳо бера оладиган бўлишимиз керак.

Узоқ йиллик педагогик ва унда таҳлилий тажрибалар шуни кўрсатдики, инсон бирор нарсани ўрганиш ва унга баҳо бериш учун энг аввало ўзини яхши ўрганиши ва ўзига баҳо бера оладиган бўлиши лозим экан. Айнан тасаввур фалсафаси инсоннинг ўзини англаши учун муҳим аҳамиятга эга. Биз кимлигимизни билиш учун энг аввало, мен кимлигимни билишим лозим бўлади. Инсон ўзини тўлиқ англамагунча бизни англаган тушунчалари чала

бўлади. Шу туфайли инсон ўзини англаб, ким эдим, ҳозир кимман ва эртага ким бўламан деган тушунча билан ҳаракат қилмас экан, унда тараққиёт, ўнгланиш бўлмайди. Шу туфайли, тасаввур фалсафаси синергетик самарага, стратегик тараққиётининг мазмун-моҳиятига эришишда муҳим аҳамиятга эга.

Бунинг учун тасаввурнинг турларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Фикримизча, биз кеча ким эдик, бугун киммиз ва келажада ким бўлишимизни англаш учун айнан шу фалсафапдан фойдаланишимизга тўғри келади. Шу жиҳатдан, тасаввурни қуйидаги турларга бўлиш мақсадга мувофиқ (1-расм).



1-расм. Инсоннинг ўзи англаши ва барча ҳолатларни таҳлил қилиши учун қўлланиладиган тасаввур фалсафасининг турлари[119]

Расмдан кўриниб турибдики, бизнинг **биринчи тасаввуримиз**, бугун кимлигимизни англашимизда номоён бўлади. Буни ҳар бир киши, айниқса ёшлар ўзининг кимлигини тўғри англаши учун олдинги даврни тасаввур қила олиши лозим. Бизнинг халқимиз 100 йил олдин қандай яшаган? Бундан 50 йил олдин қандай яшаган эди? Мустақилликнинг биринчи йилларида қандай аҳволда кун кечирган? Бугун ўтмишдан фарқли ўлароқ қандай яшаяпман, моддий фаровонлигим, ижтимоий аҳволим, маънавиятим, дунёқарашим қандай деган саволни ҳар бир киши ўзига бериб, шундан хулоса чиқариши керак бўлади. Бу саволга тсаввур фалсафасидан фойдаланган ҳолда ҳар бир киши жавобини энг аввало, ўзи топиши лозим. Шундагина бугунги эришилган ютуқларни, бугунги фаровон, тинчлик ва осойишталик замоннинг қадрига етади. Биз кўпинча ўз ўтмишимизни унутиб, ўзимизни бошқаларга қиёс қиламиз. Кўпгина мамлакатлар асрлар давомида мустақил ўз тақдирини ўзлари ҳал қилиб келмоқда. Бизчи, мустақил бўлганимизга эндигина 30 йилдан ошди. Биз ўзимизни бошқаларга қиёслаб баҳо бера олмаймиз. Биз энг аввало, бугунги кунимизни ўзимизнинг ўтмишимиз билан қиёслайлик. Шундагина қанчалик мувоффақиятларга эришганлигимизни англаймиз.

[119] Тадқиқотлар натижасида муаллифлар томонидан ишлаб чиқилган.

Бу борада яна бир йўналиш, ўзимизни билишимиз ва ҳаётимизга аниқ ташхис қўйишимиз учун бугунги кунда бошқа мамлакатлар халқлари қандай яшаяпди, биз қандай яшаяпмиз, деган саволга ҳам аниқ жавоблар бўлиши керак. Бизга нисбатан, юқорида таъкидланганидек, бой ва фаровон яшаётган двлатлар бор. Шу билан бирга жуда қашшоқ мамлакатлар ҳам йўқ эмас. Илғор давлатлар нима эвазига ва қанча вақтда бундай мувоффақиятларга эришган ва қолоқ давлатлар нима учун бундай қолоқ аҳволда юрганлигини ҳам тасаввур қилиб кўрмасак ўзимизнинг ўрнимизга тўғри баҳо бера олмаймиз. Ҳар бир жараёнга тўғри баҳо бериш учун аниқ натижаларга таянган ҳолда тасаввур фалсафасидан фойдаланган ҳолда таҳлил қилиш йўлларини ҳам билишимиз лозимдир.

Тасаввур натижасида биз аҳолиси фаровон, хотиржам ҳолда яхши яшаётган давлатларга ҳавас қилдик. Эндиги вазифа биз қачон шундай бўламиз, бунинг учун нима қилиш керак, қанча вақт талаб қиқлади, қанча маблағ керак, қанақа ва қандай кадрларни етиштириш лозим ва ҳ.к. саволларга жавобни ўзимиз ахтаришимиз ва топишимиз лозим бўлади. Шундагина бугун биз нималарга эришдик ва яна нималар қилишимиз мумкин, деган саволларга жавоб топамиз. Ҳозирги пайтда кам бўлса ҳам ачинарли ҳодисаларга дуч келмоқдамиз. Қайси давлатда аҳвол яхши бўлса, бизнинг фцқароларимиз ҳам ўша давлатга бориб яшашга интилмоқда. Ҳақиқий инсонпарвар, миллатпарвар, халқпарвар, том махнода айтганда ватанпарвар инсонлар қаерда яхши бўлса, ўша ердан яшаш ҳақида эмас, балки шу шароитни ўз юртида, Ватанида барпо қилишга киришадилар ва шунга ҳаракат қилиб, бор куч ва имкониятларидан фойдаланиб иш кўрадилар. Бугунги кунда қаерда яхши бўлса, ўша жойда яшашга интилаётган тоифадагилар ҳам, ўз юртимни бошқа зўр мамлакатлар қаторига кўтараман деган тоифадагилар ҳам йўқ эмас. Ўзимизнинг юртимизни фақат ўзимиз обод қиламиз, ҳеч ким бизнинг муаммоларимизни ташқаридан келиб ҳал қилибю бермайди. Буни ҳар биримиз тўғри ангашимиз лозим. Бу айнан шу биринчи тасаввур – ўзини англаш фалсафасининг ҳосиласидир. Шу йўл билан ҳар бир шахс ўзини ўзи таҳлил қилади ва ўзига ўзи келажаги учун режасини ҳам тузиб олади.

Иккинчи тасаввурни ҳам ҳамма билиш керак бўлган жараёнлардир. Бунда бугунги кунга ўз-ўзидан эришилиб қолинган эмас, қандай машақатлар, синовли дамларни одамлар бошидан кечирганлигини тўлиқ ва аниқ тасаввур қилиши лозим. Муҳими, ҳар бир киши “Бугунги мувоффақиятга ўзим нима билан ҳисса қўшдим. Яна шу Ватаннинг тинчлиги, осойишталиги, элимнинг фаровонлиги учун нима қила олишим мумкин?”, деган саволни ҳар бир киши ўзига бериши мақсадга мувофиқ. Ушбу жараённи бошдан аёқ ҳар бир киши ўз тасаввурида ҳам таҳлил қиладиган бўлиши керак. Бугунги жамиятдаги ўрнини ҳар бир новқирон ёш билиши лозим. Бунёдкор ёшларнинг шиори “Мен бугун нимани истеъмол қиламан, деганидан кўра, мен яна нима қила олишим мумкин”, деган савол билан яшаса, интилиш ва изланиш бўлади. Натижада ўзи хоҳлаганидан ҳам кўпроқ ва сифатлироқ истеъмол қиладиган неъматларни

қўлга киритади. Чунки истеъмол қилиш учун неъматларимиз етарли, меҳнат қилса, бунга ҳеч қандай муаммо йўқ, ҳеч ким оч қолмайди.

Ҳар бир инсонда, айниқса ёшларда нима қўлимдан келади, уни такомиллаштириш учун яна нималар қилишим мумкин, деган аниқ стратегия бўлиши ҳам ёшларнинг комолот сари интилиши учун замин бўлади. Мақсад аниқ бўлмаса, унга интилиб яшаш умиди бўлмаса, агар интилиш бўлмаса, бирор нарсага ўз-ўзидан эришиб бўлмайди. Бизга бугунги кунни аждодларимиз қолдирганлигини унутмаслигимиз лозим ва мос равишда биз ҳам авлодларимиз олдида қарздормиз. Шу туфайли ҳаётимизни яхшилаш ва авлодларимизга бунданда фаровон яшайдиган шароитни қолдиришимиз, бизнинг инсонийлик бурчимиздир.

Учинчи тасаввур, ҳар бир инсон, Аллоҳ ёш берса, яна ўн йилда нимага эришаман, бунинг учун бугун нима қилишим керак, келгуси йилда нима қила оламан, беш йилдан кейин мақсадимнинг қанча қисмига эриша оламан, буни қандай уддалай оламан деган саволга аниқ жавоби бўлиши ва шунга эришиш учун аниқ шахсий дастури бўлиши керак. Ҳаётда ҳамиша вақт ва яшаш учун зарур неъматларга эриши билан боғлиқ омилларни унутмаслик лозим. Бу дегани мақсадга қанча вақтда эришаман ва нималар эвазига буни амалга ошираман деган аниқ тасаввур бўлмаса мақсад қуруқ орзу бўлиб қолаверади. Бу аҳволда юксак натижаларни қўлга киритиб бўлмайди.

Хуллас, ҳар бир инсон бундан беш йилдан кейин қандай мувоффақиятларга эришаман, ўн йилдан кейин нималарни қўлга киритаман, ўн беш йилдан кейин яна нималарга эришаман. Йигирма йилдан кейин, менда қандай натижалар бўлади, 25 йилдан кейин, аҳволим нима бўлади? 30 йилдан кейин, мен қандай даражага эришишим керак ва ниҳоят 100 ёшимда (Аллоҳ шу ёшга етказса), менда қандай натижалар бўлади. Ушбу мақсадларни амалга оширишда мен билан ким бўлади, булар менга кўмакчи бўлиш билан бирга ўзлари ҳам ўрганиб борадиган бўлишлиги лозимдир. Ниҳоят, Мен бу дунёда авлодларимга, халқимга, миллатимга нима қолдираман ва охират учун нималар қилдим, деган саволларга ҳар бир инсоннинг аниқ жавобларнинг стратегик дастури бўлиши ҳам инсон комолотининг, жамият тараққиётининг муҳим омилларидан биридир. Шу йўл билан ҳаётий синергетик самарага эришиш мумкин.

Биз неча асрлик ўтмишимизга назар солсак, буюк халқмиз. Чунки инсоният тарихига бетакрор алломаю-фузалоларни, ўз ақл-заковати билан фақат ўз замонасининг кишилари бўлиб, фақат замондошларинигина хизмат қилиб, уларни қойил қилдирмасдан, балки бутун авлодларининг ҳам минг йиллардан буён фахри бўлиб кетаётган жаҳонни ҳайратга солган буюк дахоларни етиштириб берган, башариятнинг гултожи бўлган халқмиз. Аждодларимиз Имом Бухорий, Абу Мансур Мотрудий, Бурҳониддин Марғиноний, Баҳовуддин Нақшбанд, Абул Муъин Насафий, Муҳаммад Хоразмий, Мусо Хоразмий, Абу Райхон Беруний, Махмуд Замахшарий, Абу Али ибн Сино, Аҳмад Фарғоний, Абдураҳмон Жомий, Алишер Навоий, Абу Наср Фаробий, Қозизода Румий, Мирзо Улуғбек, Ғиёсиддин Коший, Али

Қушчи, Лутфий, Саккокий, Ҳофиз Хоразмий, Бобур Мирзо, Шарафиддин Али Яздий, Мирхонд, Хондамир, Маҳмуд Музаҳҳиб, Камолиддин Беҳзод каби машҳур даҳолар, алломаларимиз, тарихчилар, мумтоз шоир ва мутафаккирлар жаҳоншумул илмий-ижодий кашфиётлари билан умумбашарият тараққиёти ривожига, дунё тамаддунига пайдевор қўйган мўътабар зотлардир.

Агар улар ҳаётини таҳлил қилиб, бунга чуқур назар соладиган бўлсак, улар фақат ўзини ёки миллатини ўйлаб иш тутган эмас, балки бутун башариятни ўйлаб фаолият кўрсатганлар. Илм йўли шундай йўл. Унда эришилган мувоффақиятлар миллатни ҳам, ҳудудни ҳам, вақтни ҳам тан олмайди, балки инсоният манфаатига хизмат қилади. Фақат бирорта ҳудуд учун эмас, балки ихтиролар бутун ер юзини қамраб олади. Бундай кашфиётлар фақат шу яратилган вақтда эмас, абадиятга дахлдордир. Бунинг ёрқин мисоли, юқорида исмлари ёд олган мутафаккирларимиз ҳаётидир.

Уларнинг ҳаётига назар солсангиз бу мўътабар зотлар ўнлаб тилларни пухта билганлар, уларда диний ёки дунёвий деб ажратилган илм бўлмаган, ҳаммаси битта илмни ўрганган. Бу илмнинг манбаи, ўзгармас китоб Қурони Каримда ўз ифодасини топган. Бу муқаддас китоб бутун моддият, табиат ва инсоннинг маънавий дунёсини қамраб олган илм манбаидир. Жамиятнинг тараққиёти билан илмлар ҳам такомиллашиб ўзгариб боради. Аммо ягона Қурони Карим ўзгармас муқаддас китб бўлиб қолаверади. Бирорта мамлакатда ёки бирорта даврда ўз моҳиятини йўқотмайдиган ва барча даврга мос бўлиб қоладиган абадийликка дахлдор илм манбидир. Бу илмни пухта билганлиги туфайли аждодларимиз IX-XII асрларда биринчи, XIV-XVI асрларда эса иккинчи ренесанс даврини вужудга келтирди. Улар неча асрллардан буён инсониятнинг моддий ва маънавий тараққиёти учун маёқ бўлиб келмоқда. Бу ҳам кўрсатадики, биз ўтмишда буюк халқ бўлганмиз. Чунки ислом дини Арабистонда дунё келишига қарамасдан, унинг гуллаб яшнаши ва ривожланиши Марказий Осиё мамлакатларига, хусусан, мамлакатимизга тўғри келади. Бу ҳам ушбу тупроқнинг муқаддаслигидан далолатдир.

Хулоса қилиб айтганда, замонавий стратегик таҳлилни амалга оширишда тасаввур фалсафасидан фойдаланиш ҳар бир шахс ва хўжалик юритувчи субъектнинг кечаги ўтмиши, бугунги куни ва келажагини аниқ тасаввр қилиш орқали иш кўриб, фаолият олиб бориш билан бирга, ўзининг рақобатбардошлигини таъминлаган ҳолда барқарор риқожланиш ва тараққиёт стратегиясини ҳам ишлаб чиқиш имкониятига эга бўлади.

Илмий тавсия: Мақолада ёритилган замонавий стратегик таҳлилни амалга оширишда тасаввур фалсафасидан фойдаланиш йўллари бугунги кунда ўта муҳимлигини инобатга олиб, инсоннинг ўзини англаши ва барча ҳолатларни таҳлил қилиши учун қўлланиладиган тасаввур фалсафасининг учта турига бўлган ҳолда, ҳар бир йўналишини алоҳида изоҳлаган ҳолда иқтисодий таҳлилнинг назарий ва амалий қисмига киритиш лозимлиги тавсия қилинган.

Адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 11 сентябрда ПФ-158-сонли «ЎЗБЕКИСТОН — 2030» стратегияси тўғрисида”ги фармони. LexUZ шарҳи.
2. https://aniq.uz/yangiliklar/2023-yilda-uzbekiston-respulikasid-aholi-jon-boshigahisoblangan-yalpi-ichki-mahsulot-hajmi-qanchani-tashkil-etd.
3. Пардаев М.Қ., Пардаева О.М., Пардаев О.М. Иқтисодиётни стратегик ривожлантиришнинг инновацион моделлари. Монография. / – Т.: “Fan va texnologiyalar nashriyot-matbaa uyi”, 2022. – 228 бет.
4. Mamayunus Pardaev, Ozoda Pardaeva, Obid Pardaev Innovative models of Synergistic efficiency. LAMBERT academic Publishing, 2022. – 109 p. – 6,8 б.т. https://www.lappublishing.com/cover_playgrounds/oiancevskaia
5. Пардаев М.Қ. Инсон салоҳияти, инсон капитали ва инновация билан боғлиқ категорияларнинг назарий масалалари. Монография. – Т.: “Fan va texnologiyalar nashriyot-matbaa uyi”, 2024. - 202 бет.
6. Саидахрор Ғуломов, Мамаюнус Пардаев. Инсон ақлий слоҳияти билан қадрланиши керак. August 03, 2022 // https://telegra.ph/Inson-a%D2%9Blijsalo%D2%B3iyati-bilan-%D2%9 Badirlanishi-kerak-08-03

ЖАҲОН СТАНДАРТЛАРИ АСОСИДА ЭКОТУРИЗМНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ЙЎЛЛАРИ

Хашимова Мадина Мурадхановна
"Ипак йўли" туризм ва маданий мерос халқаро университети
таянч докторанти
Тел:+998993113312
m.xashimova@univ-silkroad.uz

Аннотация: Жаҳон стандартлари асосида экологик талабларга амал қилиб, туризм хизматларини диверсификация қилиш ва хизматлар сифатини ошириш асосида экотуризмни ривожлантиришнинг барқарорлигини таъминлаш мумкин. Бу стратегия асосида удуднинг экологик ҳолати ҳамда ушбу ҳудудда ноёб табиий объектлар ва мажмуаларни, ўсимликлар ва ҳайвонларнинг генетик фондини сақлаш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш имконини яратади.

Аннотация: Обеспечить устойчивость развития экотуризма можно на основе диверсификации туристических услуг и повышения качества услуг, следуя экологическим требованиям, основанным на мировых стандартах. На основе этой стратегии можно реализовать меры по сохранению экологической ситуации региона и уникальных природных объектов и комплексов, генетического фонда растений и животных на этой территории.

Abstract: The sustainability of ecotourism development can be ensured by diversifying tourism services and improving the quality of services, following environmental requirements based on world standards. Based on this strategy, it is

possible to implement measures to preserve the ecological situation of the region and unique natural objects and complexes, the genetic fund of plants and animals in this territory.

Калит сўзлар: Экотуризм, стандартлар, жаҳон стандарти, стратегик режа, барқарор туризм.

Ключевые слова: Экотуризм, стандарты, мировой стандарт, стратегический план, устойчивый туризм.

Key words: Ecotourism, standards, world standard, strategic plan, sustainable tourism.

Иқтисодиётни рақамлаштириш шароитида хизмат кўрсатиш тармоқлари иқтисодиётини ривожлантиришни халқаро стандартлар асосида экотуризмни ривожлантириш ва такомиллаштириш мақсадга мувофиқ. Экотуризм кластери иштрокчилари фаолиятининг мамлакат ижтимоий экологик фаолиятига таъсир этувчи омилларни жаҳон стандарти ва белгиланган нормалар асосида таҳлил қилиш бу соҳанинг барқарор ривожланишига сабаб бўлади.

Стратегик режаларни амалга ошириш учун барқарорлик концепцияси асосида рекриация зоналарида сайёҳлар ташриф буюриши учун зарурий шарт-шароитлар яратиш учун эса стандартларни таҳлил қилишимиз зарур.
Туризм соҳасидаги иқтисодий стратегияларни амалга ошириш учун фаолият туридан келиб чиқиб, қуйидаги стандартлардан фойдаланиш керак:

Ўзбекистон Республикаси давлат стандартлари. [1]

т/н	Стандарт	Объекти
1	O‘z DSt 3220:2017	Туризм хизматлари. Жойлаштириш воситалари. Умумий талаблар
2	O‘z DSt ISO18513:2017	“Туризм хизматлари. Меҳмонхона ва туристларни жойлаштириш воситаларининг бошқа турлари. Атамашунослик
3	O‘z DSt ISO14785: 2018	“Туризм ахборот бюролари. Туризм ахбороти ва қабул қилиш хизматлари. Талаблар»
4	O‘z DSt 3331:2018	Туризм хизматлари. Туризм соҳасида навигация тизимининг ахборот белгилари. Умумий талаблар
5	O‘z DSt 3334:2018	Туризм хизматлари. Мусулмон меҳмондўстлиги. Талаблар
6	O‘z DSt 3336:2018	Туризм хизматлари. “Tourist-friendly”. Талаблар
7	O‘z DSt 3417:2019	Туризм хизматлари. Жойлаштириш воситаларида хизмат кўрсатадиган ходимларга доир умумий талаблар
8	O‘z DSt 3418:2019	Туризм хизматлари. Туроператор ва турагентлар ходимларига доир умумий талаблар
9	O‘z DSt ISO 13009: 2019	Туризм хизматлари. Пляж фаолиятига доир талаблар ва тавсиялар

10	O‘z DSt EN 13809:2019 (EN 13809:2003, IDT)	Туризм хизматлари. Туроператорлар ва турагентлар. Атамашунослик
11	O‘z DSt ISO18065: 2019	Туризм хизматлари. Қўриқланадиган табиий ҳудудларнинг маъмурияти томонидан тақдим этиладиган, умумий фойдаланиш учун туризм хизматлари. Талаблар
12	O‘z DSt 37.001:2020	Корхоналар фаолиятининг хавфсиз шароитларини стандартлар тизими. Туристик индустрия объектларида хавфсиз туристик хизматлар кўрсатишга доир тавсиялар
13	O‘z DSt _____:2021 (loyiha)	Туризм хизматлари. Меҳмонхоналар ва ўхшаш жойлаштириш воситалари. Балли таснифлаш тизими
14	O‘z DSt ISO 21401:2022	Туризм ва у билан боғлиқ бўлган хизмат турлари. Жойлаштириш воситаларининг барқарор ривожланишини бошқариш тизими. Асосий талаблар
15	O‘z DSt ISO 22525:2022	Туризм ва унга боғлиқ хизматлар. Тиббий туризм. Хизмат кўрсатишга доир талаблар
16	O‘z DSt 22483:2022	Туризм ва ёндош хизматлар. Меҳмонхоналар. Хизматларга доир талаблар
17	O‘z DSt ISO 17679:2022 (ISO 17679:2016, IDT)	Туризм ва ёндош хизматлар. Соғломлаштирувчи спа-курорт.Хизматларга доир талаблар
18	O‘z DSt ISO 21102:2022 (ISO 21102:2020, IDT)	Саргузашт туризми. Етакчилар. Ходимларнинг лаёқатлилиги
19	O‘z DSt ISO 21902:2022 (ISO 21902:2021, IDT)	Туризм ва ёндош хизматлар.Барча учун мақбул туризм.Талаблар ва тавсиялар
20	O‘z DSt 3612:2022	Туристик - экскурсия хизмати саёҳларни ўтовда қабул қилиш ва жойлаштириш. Умумий талаблар
21	O‘z DSt 3459:2019	Туризм хизматлари. Тоғ чанғиси трассалари. Таснифлаш тизими
22	O‘z DSt ISO 13811:2022	Туризм ва унга боғлиқ хизматлар. Жойлаштириш воситалари учун экологик талабларни ишлаб чиқиш бўйича қўлланма

Ўзбекистонда туризм соҳасини стандартлаштирилишида эътиборга лойиқ томони шундаки станартларда экологик жихатларга кам эътибор қаратилган. Вахоланки чет элда бу жавхага катта эътибор қаратилмоқда ва тегишли стандартлар ишлаб чиқилган. Масалан:

ISO 21401, Туризм ва тегишли хизматлар. Турар-жой биноларини барқарор бошқариш тизими. Талаблар турар жой провайдерларига атроф-муҳитга таъсирини камайтириш, ижтимоий алмашинувни рағбатлантириш ва маҳаллий иқтисодиётга ижобий ҳисса қўшиш.

ISO 21416, Фаол дам олиш ва ўйин-кулги учун Diving. Шўнғишда экологик барқарор амалиёт учун талаблар ва кўрсатмалар. Шўнғиш марказларига ва тегишли хизматларга сув муҳитига зарар етказмасдан фаолият олиб бориш учун ёрдам беради.

ISO 18065, Туризм ва тегишли хизматлар. Қўриқланадиган ҳудудлар маъмурияти томонидан кўрсатиладиган умумий фойдаланиш учун туристик

хизматлар. Ўрмон ёки қўриқланадиган ҳудудлар каби табиий объектларда ташриф буюрувчиларнинг экологияга салбий тасир кўрсатмасдан эҳтиёжларини қондиришда ёрдам беради.

ISO 20611, Экстремал туризм. Барқарорлик билан боғлиқ энг яхши амалиётлар. Талаблар ва тавсиялар, саргузашт туризми провайдерларига туризмнинг салбий экологик, иқтисодий ёки ижтимоий оқибатларини минималлаштириш ёки камайтириш ва ижобий таъсирни кучайтириш учун зарур бўлган тавсиялар беради.

ISO 14000-бу халқаро экологик стандарт бўлиб, компаниялар учун экологик жиҳатдан иш фаолиятини яхшилаш учун қўлланма бўлиб хизмат қилади.[2]

Стандартлаштириш ва сифат сертификатини қўллаб-қувватлаш фирмалар учун маҳсулот ва жараёнларни халқаро стандартларга мувофиқ ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш ҳамда кичик ва ўрта корхоналарни интеграциялашувига кўмаклашиш учун муҳим шартдир. [3]

Экотуризм табиий гўзал объектларга экускурсия хизматларини ўз ичига олганлиги сабабли туризм-экскурсия хизматларига хам эътиборимизни қаратишимиз лозим. Туризм-экскурсия хузмат кўрсатишни стандартлаштиришнинг асосий мақсади, сифат даражасини кўтариш ва меъёрий техник таъминлашдир. Шунингдек, туризмда самарадорлик деганда, биз экскурсия хизмат кўрсатиш ва хизматлардан фойдаланувчи истеъмолчиларнинг манфаати тушунилади.[4]

Демак, сайёҳлар талабларини эътиборга олган ҳолда саёҳларнинг ташриф буюриши учун зарурий шарт-шароитлар яратишда туризмга оид стандартлар асосида ташкилий иқтисодий механизмни такомиллаштиришимиз лозим.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. https://tourquality.uz/uz/normativnye-dokumenty/standarty/
2. Стандарты ISO серии 14000 https://www.ru.mmks-tomsk.com/info/standarts/standarty-iso-serii-14000/
3. UNITED NATIONS ECONOMIC COMMISSION FOR EUROPE. Innovation for Sustainable Development. Review of Uzbekistan. Geneva, 2022.67-бет
4. А. Эштаев Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси “Фан” нашриёти Тошкент -2011 йил . 43- бет.

ИНСОННИНГ ЎЗИНИ ТАҲЛИЛ ҚИЛИШ ОРҚАЛИ СИНЕРГЕТИК САМАРА ВА СТРАТЕГИК МАҚСАДЛАРГА ЭРИШИШ ИМКОНИЯТЛАРИ

Пардаев Мамаюнус Қаршибаевич
Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти профессори, и.ф.д.
Пардаев Обид Мамаюнусович
Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги

Транспорт, алоқа, туризм ва уй-жой коммунал хўжалиги
корхоналари иқтисодиёти, молияси ва нарх сиёсати департаменти
директорининг 1-ўринбосари
Мамаюнусов Темур Олимович
ТДИУ Самарқанд флиали тадқиқотчиси

Аннотация: мақолада инсоннинг ўзини таҳлил қилиш орқали синергетик самара ва стратегик мақсадларга эришиш имкониятларидан фойдаланиш йўллари ёритилган. Бунда инсон ўз мақсадига эришиши учун амалга ошириш босқичларининг кетма-кетлиги, қилинадиган ишларни тизимлаштириб бажариш эвазига синергетик самарага эришиш босқичлари, синергетик самарадорликка эришишнинг айрим жиҳатларининг ўзаро боғлиқлиги, масъулият туйғусини шакллантирувчи туйғулар йиғиндиси каби масалаларга аҳамият берилган. Ушбу йўналишни иқтисодий таҳлилнинг назарий ва амалий қисмига киритиш лозимлиги тавсия қилинган.

Калит сўзлар: стратегия, замонавий стратегия, стратегик таҳлил, тасаввур фалсафаси, синергетика, синергетик самара, стратегик мақсад.

Инсон ўз туйғуларини бошқариш эвазига синергетик самара ва мувоффақиятга эришиш учун барча имкониятларини ишга соладиган кучга эга бўлиши керак. Бунинг учун у ўзининг туйғуларини бошқариши лозим. Бунинг биринчи босқичи мақсадга эришиш туйғусининг пайдо бўлиши билан бошланади. Бу албатта маълум даражада инсонда ташвиш туйғусини қўзғалади. Бу ташвишни енгиш, яъни бартараф қилиш учун ғамхўрлик ҳиси пайдо бўлади. Мазкур масала инсоннинг навбатдаги ҳиссиётини, яъни ташвишни бартараф қилиш тадбирларини ишлаб чиқишга киришади. Буларнинг бажарилиши эвазига катта мувоффақиятларга эришилади. Бу жараёнларнинг кетма-кетлиги қуйидаги расмда келтирилган (1-расм).



1-расм. Мақсадни мувоффақиятга айлантириш босқичларининг кетма-кетлиги

Ушбу жараёнда синергетик самарага эришиш учун ишнинг якунини ёдда тутиб иш бошланг. Бизда бир ғалати руҳият бор. Бу ишни қилсам, эртага мен ҳақимда одамлар нима дейиши муҳим, деган ташвиш билан, айрим ишлардан бош тортиб ҳам қоламиз. Инсонлар бу туйғудан бутунлай қутилишлари лозим. Одамлар бир ҳодиса юзасидан турли фикрни айтиши мумкин. Шу туфайли мувоффақиятга етакловчи, яхши ва ҳалол ишдан орқага

қайтмаслиги керак. Шу туфайли синергетик самарага эришиш учун ўзингизнинг қатъий режангиз бўлсин.

Режада ҳар бир ишни бажариш учун қанча вақт кетиши ва маблағни талаб қиладиган бўлса қанча маблағ сарфланиши, бир вақтнинг ўзида неча киши иштирокида бажарилиши ҳамма-ҳаммаси аниқ бўлиши лозим. Бунда қуйидаги кетма-кетликка амал қилиш мақсадга мувофиқ (2-расм).



2-расм. Ишнинг ҳар бир турларини алоҳида режалаштириб бажарилишини назорат қилиш босқичлари

Расмдан кўриниб турибдики, иш алоҳида турлари бўйича режалаштирилади. Муҳими ҳар бир босқич учун вақтни белгилаш ҳам юқори самарадорликнинг омили бўлиб ҳисобланади. Ишнинг сифатини таъминлаш учун ҳар бирининг қандай бажарилишини аниқ белгилаб олинганлигидан келиб чиқиб, бажарувчилар ўзларини ўзлари назорат қилиб боришлари лозим. Бунинг учун одамлардан қаттиқ интизомга амал қилишликни талаб қилади. Буларга нимадан (маблағ, иш кучи, материаллар ва ҳ.к.) қанча кераклигини аниқлаб, унинг сарфини назхорат қилиш ҳам катта мувоффақиятлар калити бўлиб ҳисобланади. Хуллас, режалаштирилган ишнинг ҳар бирининг бажарилиши бўйича вақт ва маблағни назорат қилиб бориш ишнинг натижадорлигини тўлиқ таъминлайди.

Одатда қилинадиган ишларнинг сони бир қанча бўлиши мумкин. Буларнинг қайси биридан ишни бошлаш лозимлигини аниқлаш учун уларни муҳимлиги бўйича кетма-кетликни шакллантириш лозим. Ишга киришишда ишни энг муҳимларидан бошланг. Ишни бажариш жараёнида маълум миқдорда вақт ва маблағ талаб қилинади. Айрим ишлар борки, унга анча вақт сарфлашга тўғри келади. Бундай шароитда йўлни тасаввур қиламиз ва бу йўл унчалик текс эмас. Унга эриши учун гуё чўққига чиқаётгандек машақатли йўлни босиб ўтиш лозим бўлади. Кўриниб турибдики, бу ерда ҳам тизимли ҳаракат орқали маълум натижага, яъни синергетик самарага эришилади. Бу жараённинг кетма-кетлиги қуйидаги расмда келтирилган (3-расм).



3-расм. Қилинадиган ишларни тизимлаштириб бажариш эвазига синергетик самарага эришиш босқичлари

Расмдан кўринибю турибдики, қилинадиган ишлар кўплигидан, уларни бажаришда тизимлаштирилади. Муҳимлари танлаб олиниб бажаришни шундан бошлайди. Қолганлари ҳам шунчаки қолиб кетмайди. Ҳаммаси кетма-кетликда бажарилади ва шу тариқа белгиланган чўққи забт этишда бир қанча кучларни бирлаштиришга тўғри келади. Шу орқали барча белгиланган ишларни бажариш эвазига синергетик самарага, яъни кучларни бирлаштириш эвазига кўзда тутилган натижага тўлиқ эришилади.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, биргаликдаги саъй-ҳаракатлар орқали катта натижаларга, ютуқларга эришилади. Албатта бу ўз-ўзидан содир бўлмайди. Бунда ҳам мураккаб жараёнлар бўлиши табиий. Аммо бунга бефарқ бўлмаслик керак. Яхши ишлаб, тегишли натижага мувоффақият билан эришилган бўлса, буларни рағбатлантириш мақсадга мувофиқ бўлади. Мувоффақиятларнинг муҳим омилларидан бири рағбатлантириш механизмини тўғри қўллаш билан боғлиқдир. Ушбу жараённинг кетма-кетлиги қуйидаги расмда келтирилган (4-расм).



4-расм. Эришилган ютуқларни тақдирлаш механизмининг кетма-кетлиги

Расмдан кўриниб турибдики, ютуққа эришгандан сўнг тўхтамаслик керак экан. Яна ҳаракатлар давом эттирилса ютуқлар бардавом бўлади. Буни таъминлаш учун эса доимо натижага эришган хидимларни, жамоани рағбатлантириб туриш лозим. Ҳозирги пайтда ютуқларнинг яна бир тамойили:

Атрофингиздагилар билан рақобатчи эмас, ҳамкор сифатида муносабатда бўлишга эришиш лозим.

Инсоннинг фаолияти ҳамиша мулоқотда бўлиш билан ифодаланади. Бу жараён ўта нозик. Бунда ҳар бир ходим ким бўлишлигидан қатъи назар, у

раҳбарми ёки ижрочими гапга ва жараёнга тушунадиган ва тушунтира оладиган бўлишлиги лозим.

Инсон ҳаётида уйқудан холи пайтда фақат мулоқот қилади.
ГАПИРАДИ ва ТИНГЛАЙДИ

Гапирганда кимга нимани, қачон гапиришни билиш керак. Бунинг учун у нафақат мутахассис ва инсон сифатида ҳам ўзига яраша зийрак бўлиши лозим. Чунки ҳамиша тушунтирамиз ва тушунтиришга ҳаракат қиламиз. Агар биз ўз ишимизни билсак қисқа вақтда кўзланган гапни гапириб қўйишимиз мумкин. Аммо билим етарлик бўлмаса гапириш ҳам, тинглаш ҳам жуда мураккаб кечади. Одам бир соат гапириб ҳеч нарса айтмаслиги мумкин ва жуда қасқа вақтда ҳаммасини тушунарли қилиб айтиши ҳам мумкин. Шу туфайли зийрак ва билимли одам:

Тушунтира олади		**Эшитганда тушуниш қобилиятига ҳам эга бўлади**

Шундай характерли инсонлар ҳам борки, кўпинча гапиришни билади, аммо эшитишни билмайди. Бундайларда билим ҳам, савия ҳам етарли бўлиши мумкин. Аммо фаросат фанидан йироқ бўлади. Шуни таъкидлаш жоизки, бирорта расмий мактабда фаросат фани ўтилмайди. Аммо ҳаёт мактабининг асосий дастурларининг бир бўлаги айнан шу фаросатга бағишланган. Шу туфайли фаросатли бўлишлик ҳам инсоннинг илмини, ақлини, тажрибасини кўпнинг олдида номоён қилиш имконини беради.

Ҳаётий тажрибадан маълумки, ЭШИТИШНИНГ 2 та йўнали бор экан. Одам эшитади ва биринчи галда гапирилган гапига жавоб беришга мажбур. Иккинчи йўналиш эшитасиз ва бу эшитганларингиз топшириқ маъносида бўлади. Буни албатта бажариш ва амал қилиш лозим бўлади. Шундагина кўзланган мақсадга, синергетик самарага эришилади. Буларнинг ўзаро боғлиқликлари қуйидаги расмда келтирилган (5-расм).



5-расм. Синергетик самарадорликка эришишнинг айрим жиҳатларининг ўзаро боғлиқлиги

Расмдан кўриниб турибдики, синергетикага эришиш учун гапни тушунадиган, унга тўғри жавоб берадиган ва ўз вақтида бажарадиган ва кўрсатмаларга амал қиладиган бўлишлиги лози экан. Буни тизимли амалга ошириш учун фаросат илмидан хабардор ва ундан унумли фойдалана оладиган салоҳиятга ҳам эга бўлишга тўғри келар экан. Бу ҳам ўз-ўзидан шаклланиб

қолмайди. Инсон ҳамиша ўз устида ишласагина бундай самарага эришади. Бунинг учун у энг аввало танани ва ақлни чархлашлиги лозим. Бу жараён ҳам узлуксиз тизимли равишда давом этиб турсагина кўзда тутилган натижага, мувоффақиятларга эришиши мумкин. Буларнинг ўзаро боғлиқлиги қуйидаги расмда келтирилган (6-расм)



6-расм. Одамнинг шахси билан боғлиқ ютуққа эриши унсурлари

Мана шу жараёнда ҳар бир киши биринчи галда ўзига бефарқ бўлмаслиги лозимлиги кўриниб турибди. Инсон танасини ҳам ўзи чархлайди ва мос равишда ақлини ҳам ўзи ўз ақли билан бошқаради. Бунда инсон сийрати ва вужудидаги барча нарсалар, хусусан:

АҚЛ	РУҲИЯТ	ХУЛОСА	ҲАРАКАТ

ҳаммаси ишга туширилади. Биринчи галда инсон ўзини бошқариш ва назорат қилиб туриши учун ақлини ишлатиши лозим. Бу ишларни бажаришда руҳияти ҳам тайёр бўлишлигини тақозо қилади. Ўз олдидаги вазифалардан келиб чиқиб, тегишли хулоса қилиш ҳам инсоннинг ўзига боғлиқ. Хулоса эса ҳар қандай ўзига бефарқ бўлмаган кишини ҳаракатга ундайди. Бу ҳаракат ўзини бошқариш бўйича тегишли чора-тадбирларни ишлаб чиқиш лозимлигини тақозо қилади. Шу тариқа ҳар бир инсон синергетикага эришади.

Синергетика - бу энг юқори даражадаги фаолият - ҳақиқий синов ва бошқа барча кўникмаларнинг биргаликда намоён бўлиши.

Умуман олганда синергетика, бирорта соҳани ривожлантириш ва самарадорлигини ошириш ёки инсонни такомиллаштириш мақсадида алоҳида-алоҳида субъектлар ва тафаккур кучларини бир жойга ва нуқтага жамлаган ҳолда ҳаракат қилиш ёки бир куч билан узлуксиз ҳолда белгиланган мақсадга эришиш йўлида тизимли равишда таъсир қилиш орқали амалга оширилади.

Синергетиканинг мувоффақиятли амалга оширилишида турли омиллардан фойдаланилади. Буларни мазмуни жиҳатидан учта йўналишга ажратиш мумкин. Булар қўйилган мақсадга эришиш учун омилларнинг ишончлилиги, мативация, яъни эришилган натижа учун уни рағбатлантиришнинг муқаррарлиги. Ушбу ҳолат барқарор фаолиятни таъминлаш учун асос бўлиб хизмат қилади. Аммо бугунги мураккаб иқтисоди жараёнларда имкон қадар рақобатдан кўра ҳамкорликни йўлга қўйиш мақсадга мувофиқ. Агар ушбу омилларнинг уйғунлиги таъминланса, булар эвазига

юқори синергетик самарани қўлга киритиш мумкин. Бу қуйидаги расмда келтирилган (7-расм).

СИНЕРГЕТИК САМАРАГА ЭРИШИ ОМИЛЛАРИ
ИШОНЧЛИЛИК – МАТИВАЦИЯ (рағбатлантириш) – ҲАМКОРЛИКДА ТИЗИМЛИ ТАЪСИР
ЮҚОРИ СИНЕРГЕТИК САМАРАДОРЛИК

7-расм. Юқори самарадорликка эришишнинг асосий омиллари

Ушбу расмдан кўриниб турибдики, синергетик самарани қўлга киритиш учун барча омилларни ишга тушириш лозим экан. Жумладан, ишончлилик омилида битта жараён эмас, бутун жараён ва унинг натижадорлилига тўлиқ ишонч ҳосил қилган бўлиши керак. Бунда, юқорида таъкидланганидек, мативациянинг ўрни ҳам катта. Мативация ҳар бир шахсга ва ва ҳар бир жамоага ишончли равишда амалга ошириш мақсадга мувофиқ. Синергетик самарага эришиш учун йўналтирилган фаолиятга мативация, яъни рағбат туйғусини уйғотиш орқали қизиқтириш, рағбатлантириш жараёни ҳар бир ходим ва бутун жамоа учун муҳимдир.

Инсон, ўта қимматли ва ноёб ресурс. Улардан фойдаланиш учун унинг руҳиятига ҳам таъсир қила олиш лозим. Шундагина у ташқи таъсир билан эмас, балки ўзининг ички қувватини ишга тушириш билан, иштиёқ билан ишлайди. Бунга эришиш учун ҳар бир кишига ўзига хос тарзда ёндошиш мақсадга мувофиқ бўлади. Бунинг учун инсон ресурсларини боқарувчи менежерлар жуда билимдон, тажрибали, руҳшунос кишилар бўлиши керак. Булар ҳар қандай вазиятда мативация бера оладиган бўлиши ҳам мақсадга мувофиқ. Мативация моддий рағбатлантириш билан бирга маънавий рағбатлантириш орқали ҳам катта самара беради. Бунинг учун ходимнинг бутун фаолиятига бефарқ бўлмаслик керак. Унинг ташвишлари бўлса, уни бирга ҳал қилиш учун киришиш ва ёрдам бериш ҳам мақсадга мвофиқ.

Ҳар бир шахс ўз ўрнини ўзи билиши ва ўзи баҳолаши лозим. Ҳамиша мен кимга керакман ва менга ким керак, деган савол қуршовида бўлиши лозим. Чунки ақилли инсон бўлса, кимгадир ҳамиша керак ва мос равишда кимдир унга ҳам керак. Шу туфайли инсонда ҳамиша масъулият бўлиши керак. Ушбу боғлиқлик қуйидаги расмда ўз аксини топган (8-расм).



8-расм. Масъулият туйғусини шакллантирувчи туйғулар йиғиндиси

Расмдан кўриниб турибдики, ҳар бир инсон масъулият туйғусини уйғотиш учун Нобель мукофрти лауруяти Даниэль Канеманнинг “Секин ўйла, тез ҳал қил”, деган шиорига амал қилиши лозим экан. Ўзимизда ҳам битта мақол бор: “Етти ўлчаб бир кес”, деган. Агар ўйламасдан бирданига бир марта кесиб қўйсангиз, етти марта ташвишга қолишингиз мумкин. Агар Сиз самарали кадр бўлишни истасангиз ҳар куни битта ғалаба, битта ютуқни қўлга киритиш кундалик шиолрингиз бўлсин.

Ҳар куни битта ғалаба, битта ютуқ

Шу йўл билан ўзингизда мувоффақиятлар тизимини яратасиз ва мос равишда умрингиз давомида синергетик самарани қўлга киритаиб борасиз.

Хулоса қилиб айтганда, инсон ҳамиша битта нарсани ёдидан чиқармаслиги лозим экан, яъни ҳаёт йўли бир хилда давом этавермас экан. Қаердадир мувоффақиятлар тизимига учраши билан бирга, айрим жойларда турли рисклар, хавф-хатарларга ҳам дуч келишингиз мумкин экан. Бундай вазиятга ҳар бир одам ҳамиша тайёр бўлиши керак экан. Айниқса турли хавф-хатарлар бўлган пайтда талвасага тушиб қолмасдан, тушкунлик кайфиятини ўзидан имкон қадар тезликда йироқлаштиришга одатланиши ҳам мақсадга мувофиқдир.

Илмий тавсия: Мақолада ёритилган инсоннинг ўзини таҳлил қилиш орқали синергетик самара ва стратегик мақсадларга эришиш имкониятларидан фойдаланиш йўлларини ҳозир ўқув жараёнига жорий қилинаётган “Янги стратегик таҳлил” дарслигига киритиш мақсадга мувофиқ. Бунда инсон ўз мақсадига эришиши учун амалга ошириш босқичларининг кетма-кетлиги, қилинадиган ишларни тизимлаштириб бажариш эвазига синергетик самарага эришиш босқичлари, синергетик самарадорликка эришишнинг айрим жиҳатларининг ўзаро боғлиқлиги, масъулият туйғусини шакллантирувчи туйғулар йиғиндиси каби масалаларни қамраб олиши мақсадга мувофиқ. Ушбу йўналишни иқтисодий таҳлилнинг назарий ва амалий қисмига ҳам киритиш лозимлиги тавсия қилинган.

ЎРТА БИЗНЕС СУБЪЕКТЛАРИНИ ТОИФАЛАШ

Муродбеков Бобур Нурбекович
Фискал институт

Аннотация: Ушбу тезисда кичик, ўрта ва йирик тадбиркорлик субъектлари тушунчалари, тадбиркорлик субъектлари бўйича халқаро меъёрлар, тадбиркорлик субъектларининг кучли ва кучсиз томонлари ҳақида фикр юритилган.

Калит сўзлар: кичик тадбиркорлик субъектлари, ўрта тадбиркорлик субъектлари, йирик тадбиркорлик субъектлари, кичик бизнес, ўрта бизнес, йирик бизнес, тоифа, мезон, кучли ва кучсиз томонлар (SW) таҳлили.

Аннотация: В данной статье рассматриваются понятия субъектов малого, среднего и крупного предпринимательства, международные стандарты для субъектов предпринимательства, сильные и слабые стороны субъектов предпринимательства.

Ключевые слова: субъекты малого предпринимательства, субъекты среднего предпринимательства, субъекты крупного предпринимательства, малый бизнес, средний бизнес, крупный бизнес, категория, критерий, анализ сильных и слабых сторон (SW).

Abstract: This article reveals the concepts of small, medium and large business entities, international standards for business entities, strengths and weaknesses of business entities.

Key words: small-sized business entities, medium-sized business entities, large -sized business entities, small business, medium business, large business, category, criterion, strengths and weaknesses (SW) analysis.

Жаҳон иқтисодий тараққиётида тадбиркорлик субъектларини ривожлантиришга бўлган зарурат кундан кунга ортиб бормоқда. Бунда якка тадбиркорлик субъектларини босқичма-босқич кичик, ўрта ва йирик тоифаларга айлантириш муҳим аҳамият касб этмоқда. Мазкур жараёнларни амалга ошириш ва ушбу ривожланиш натижасида тадбиркорлик субъектларининг келгуси фаолият натижадорлигини ошириш ҳам хусусий секторнинг, ҳам давлат сектори ташкилотларининг диққат марказидан ўрин эгалламоқда.

Ҳозирги кунда жаҳон иқтисодиётида тадбиркорлик субъектларининг ривожланиш босқичлари бир нечта мезонлар асосида амалга оширилиб келинмоқда. Мазкур мезонларга мисол қилиб, тадбиркорлик субъекти ходимлари сони, йиллик айланмаси, ишлаб чиқарилган маҳсулот ва реализация қилинган хизматлар ҳажми, жалб қилинган инвестициялар миқдори, тадбиркорлик субъектларининг бозор капитализацияси ва бошқа мезонларни келтиришимиз мумкин.

Шу билан бирга, тадбиркорлик субъектларини тоифаларга ажратиш давлатлар ва халқаро ташкилотларга қараб ҳам фарқ қилиши мумкин экан. Мисол учун, Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилоти (OECD) тадбиркорлик субъектларини 4 та тоифага фақатгина ходимлар сонига қўра ажратса, Европа иттифоқи Комиссияси (EU EC) тадбиркорлик субъектларини 4 та тоифага, Кичик бизнес администрацияси (SBA)лар эса 3 та тоифага ходимлар сони ва йиллик айланма миқдорига кўра ажратади.

1-жадвал

АҚШ, Россия, Буюк Британия ва Германия давлатларида тадбиркорлик субъектларини тоифаларга ажратиш мезонлари қиёсий тавсифи[120]

Тоифалар / Давлатлар	Кичик		Ўрта		Йирик	
	Ходим сони	Йиллик айланма	Ходим сони	Йиллик айланма	Ходим сони	Йиллик айланма
АҚШ	<1500	38,5 млн доллар	1500-2000	38,5 млн доллар – 1 млрд доллар	>2000	>1 млрд доллар
Россия	16-100	120-800 млн рубль	101-250	800-2000 млн рубль	>251	>2000 млн рубль
Буюк Британия	10-50	2-10 млн евро	50-250	10-50 млн евро	>251	>50 млн евро
Германия	10-50	2-10 млн евро	50-250	10-50 млн евро	>251	>50 млн евро

Юқорида келтирилган 1-жадвалда АҚШ, Россия, Буюк Британия, Германия давлатларида тадбиркорлик субъектларини тоифаларга ажратиш мезонлари келтириб ўтилган. Унга кўра Европа Иттифоқи давлатларида тадбиркорлик субъектларини тоифаларга ажратиш мезонлари ўхшаш шаклда бўлса ҳам, мезонларнинг миқдорий ўлчовларида фарқлар мавжуд экан.

Ўзбекистонда тадбиркорлик субъектлари Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 10 февралдаги “Тадбиркорлик субъектларини тоифаларга ажратиш мезонлари ҳамда солиқ сиёсати ва солиқ маъмуриятчилигини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-21-сон Фармонига асосан календарь йил давомидаги жами даромадга кўра кичик (10 млрд сўмгача), ўрта (10-100 млрд сўмгача) ва йирик (100 млрд сўм ва ундан юқори) тоифаларга ажратилган[121].

[120] АҚШ, Россия, Буюк Британия, Германия давлатлари расмий сайтлари маълумотлари асосида муаллиф томонидан яратилган.

[121] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 10 февралдаги «Тадбиркорлик субъектларини тоифаларга ажратиш мезонлари ҳамда солиқ сиёсати ва солиқ маъмуриятчилигини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-21-сон Фармони.

2-жадвал

Кичик, ўрта ва йирик тадбиркорлик субъектларининг кучли ва кучсиз томонлари (SW) таҳлили[122]

	Кучли томонлари	Кучсиз томонлари
Кичик тадбиркорлик субъектлари	1. Бошланғич капиталнинг пастлиги; 2. Бизнес устидан тўлиқ назорат қилиниши; 3. Бизнеснинг мослашувчанлиги; 4. Ривожлантириш учун қулайлиги; 5. Муаммоларни ҳал қилиш тезлиги; 6. Давлат томонидан бериладиган имтиёзлар.	1. Ресурс билан таъминланганлик чегараси; 2. Юқори даражадаги рақобат; 3. Юқори инқироз хавфи; 4. Юқори ишлаб чиқариш харажатлари; 5. Банкларнинг ишончсизлиги; 6. Қўшиб олиш бўйича таҳдидлар; 7. Жамоада профессионалларнинг етишмаслиги.
Ўрта тадбиркорлик субъектлари	1. Ечимларни танлаш ва янги иш шароитларига тезда мослашиш эркинлиги; 2. Бошқарув ҳаракатларини амалга оширишда самарадорлик ва тезкорлик; 3. Операцион харажатларнинг нисбатан пастлиги; 4. Маҳаллий шароитга унинг барча хусусиятларини ҳисобга олиб, юқори сифатли мослашиш; 5. Дастлабки капиталга нисбатан кам талаб; 6. Асосчиларнинг шахсий мотивациясининг юқори даражаси.	1. Шиддатли рақобат ва йирик компаниялардан қўшиб олиш таҳдиди; 2. Ишни чеклайдиган ва секинлаштирадиган кўплаб қонун ва қоидалар; 3. Лицензия ва патент олишдаги тўсиқлар; 4. Айланма маблағларнинг танқислиги; 5. Инқироз даврида молиявий йўқотишларнинг юқори эҳтимоли ва бизнеснинг муваффақиятсизлиги; 6. Банкларнинг ишончсизлиги.
Йирик тадбиркорлик субъектлари	1. Ишлаб чиқариш кўлами (масштаб самараси) ; 2. Инвестицияларнинг рентабеллиги; 3. Юқори рақобатбардошлик; 4. Доимий юқори даромад ва реклама қилиш имконияти; 5. Иқтисодий ҳолатга сезиларли таъсир кўрсатиши; 6. Янги ишлаб чиқариш технологиялари жорий этилиши.	1. Йирик молиявий инвестициялар талаби; 2. Патент ва лицензиялар олишдаги қийинчиликлар; 3. Йирик савдода айланма маблағлар етишмаслиги эҳтимоли; 4. Бошқарувдаги қийинчиликлар.

[122] Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилоти (OECD), Европа иттифоқи Комиссияси (EU EC), Кичик бизнес администрацияси (SBA)нинг расмий маълумотлари асосида муаллиф томонидан яратилган.

Юқорида келтирилган 2-жадвал маълумотларини таҳлил этадиган бўлсак, ҳар бир тоифа тадбиркорлик субъектлари ўзининг кучли ва кучсиз томонлари мавжуд экан. Ўрта тадбиркорлик субъектларининг кучли томонлари кичик тадбиркорлик субъектларини ривожланишга ва кейинги даражадаги тоифа ҳисобланган ўрта тадбиркорлик субъектлари тоифасига ўтишларига туртки бўлади дейишимиз мумкин.

Якуний хулоса сифатида шуни таъкидлаш мумкинки, тадбиркорлик субъектларининг ривожланиш тенденциялари кундан кунга тезлашиб бормоқда. Бунда ўзига хос жиҳатлардан бири сифатида тадбиркорлик фаолиятини йўлга кўйган ва келгусида ўз тадбиркорлик фаолиятини кенгайтиришни хоҳловчи тадбиркорлик субъектлари сони ортаётганини келтиришимиз мумкин. Мазкур жараёнларни амалга оширишда ташаббускор тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш учун тадбиркорларга бюрократик енгилликлар яратиш, инвестицион жозибадорлигини ошириш, давлат молиявий кўмагини кўрсатиш, кичик тадбиркорлик субъектларининг ўрта тадбиркорлик субъектлари кўринишига трансформация қилиш жараёнларига кўмаклашувчи ташкилотлар фаолиятини рағбатлантириш ўрта бизнес вакиллари сонининг ортишига ёрдам бериши мумкин экан.

Адабиётлар рўйхати:

1. АҚШ, Россия, Буюк Британия, Германия давлатлари расмий сайтлари маълумотлари.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 10 февралдаги «Тадбиркорлик субъектларини тоифаларга ажратиш мезонлари ҳамда солиқ сиёсати ва солиқ маъмуриятчилигини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-21-сон Фармони.
3. Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилоти (OECD), Европа иттифоқи Комиссияси (EU EC), Кичик бизнес администрацияси (SBA)нинг расмий маълумотлари.

САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ ТУРИЗМИНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШДА ИННОВАЦИЯСИНИНГ РОЛИ

Шукуров Фарух Тохирович
“Ипак йўли” туризм ва маданий мерос халқаро университети таянч докторанти.

Кириш

Ушбу тезис Самарқандда туризм соҳасини янада ривожлантириш учун туризмда инновацияларнинг ролини ўрганишга қаратилган. Туризмда инновация дейилганда маҳсулот инновацияси, жараён инновацияси, ташкилий инновация, маркетинг инновацияси, яшил инновация ва технология инновациялари тушинилади. Барча ривожланган мамлакатлар туристик инновацияларга катта эътибор қаратиб келмоқдалар. Бунинг энг асосий сабаби

эса, туризм бозорида рақобатбардошликни сақлаб қолиш, янги мижозларни жалб қилиш, инновациялар орқали ташкилот ва ишчиларнинг самарадорлигини ошириш ва энг асосийси ўзларининг иқтисодий ҳолатини яхшилашдан иборат. Бошқа давлатлар каби Ўзбекистон ҳам туризм тармоғини ривожлантиришга, ушбу соҳани иқтисодиётнинг асосой драйвларидан бирига айлантиришга уринмоқда. Самарқанд вилоятида туристлар оқимини янада кўпайтириш мақсадида, инновацион барқарор туризм шаклларини яратишга ҳозирги кунда катта эътибор қаратилмоқда. Чунки, ушбу инновацион туризм шакллари туристларнинг ўсиб бораётган талаб ва эхтиёжларини қондиришга қаратилган.

Адабиётлар таҳлили

Келинг аввал инновация сўзи ўзи нимани англатишини билиб олсак. Оксфорд бизнес ва менежмент луғатида ёзилганидек, инновация бу устунлик бериш учун хизматлар ва товарларни ишлаб чиқариш, лойихалаш ёки сотишнинг ҳар қандай янги усули ҳисоланади [1]. Инновация назариясининг асосчиси сифатида кўриладиган Ҳана эса инновацияни бир хил нарсани янги усул билан ишлаб чиқариш дея атаган [2]. Умуман олганда инновациялар маҳсулот ва сервисларни яхшилаш учун ижобий ўзгаришларни амалга оширишга қаратилган [3]. Шунинг учун, инновация мижозларга ягни маҳсулот, хизмат ёки жараённи таклиф қилади. Улвик эса инновация бу маҳсулотни ишлаб чиқариш ёки бозорда янги хизмат кўрсатиш учун ечимларни топиш жараёни деб ёзиб ўтган. Шунингдек у инновация истемолчиларга янги товарлар ва хизматларни тақдим этиш учун билимларни ривожлантиришга инвестиция қилиш эканлигини таъкидлаган1[4]. Туризмда инновацияларнинг роли тўғрисида ўзбек олимларидан Мусаева Ш., ва Усмонова Д.лар ўзларининг мақолаларида, туризм тизимини инновацион модернизация қилиш жараёнида “Ипак йўли”ни қайта тиклаш, туризмни янада ривожлантириш учун замонавий инфратузилмани яратиш, барча туризм дестинацияларида илғор инновацияларни қўллаш муҳим аҳамиятга эгалигини қайд этишган [5]. Сипе ва Теста, 2009-йилда ёзган мақолаларида сайёҳлик инновацияси бу сайёҳлик дестинациясида ёки умуман туристик бозорда янги ва такомиллашган хизматларни жорий қилиш қобилиятидир деб таъриф берган [6]. Бундан ташқари Жахон Туризм Ташкилоти ҳам туризм инновацияларини туризм ва туризм иштирокчилари учун моддий ва номоддий манфаатларга эришишга қаратилган такомиллаштирилган ёки янги компонентни жорий этиш, бу эса туризм саноатининг рақобатбардошлигини оширишга ҳизмат қилишини баён этган [7]. Шундай қилиб, туризм инновациясини туристик йўналишни ривожлантириш, туристларнинг истак ва эҳтиёжларини қондириш учун уларга кўрсатиладиган хизматларни яхшилашга қаратилган янги ва такомиллашган операциялар мажмуи сифатида таърифланиши мумкин.

Тадқиқот метедологияси

Ушбу тезисда асосан иккиламчи тадқиқот усулидан фойдаланилган бўлиб, соҳага оид ўзбекистонлик ва бошқа чел эл олимлари томонидан тўпланган маълумотлар ишлатилган. Шунингдек, тезисда танқидий ёндашув,

индукция ва дедукция, таҳлил ва синтез, қиёсий таққослаш, гуруҳлаш ва кузатиш усулларидан фойдаланилган.

Таҳлил ва натижалар

Келинг энди туризм инновациясининг фойдали томонларини кўриб чиқсак. Туризм инновациясининг нафақат иқтисодий томондан фойдали жиҳатлари мавжуд. Балким, туристларга, маҳаллий аҳолига ва туристик ҳудудларга ҳам бир нечта ижобий томонлари бор. Туристик инновациялар иқтисодий самарадорликнинг ажралмас қисми бўлиб, у туризм ташкилотлари ва ҳудудларнинг рақобатбардошлигини оширади. Инновациялар туризм ташкилотларининг самарадорлигини ошириб, ташкилот ҳаражатларини камайтиришга ёрдам беради. Туризм соҳасида инновацияларни қўллаш Самарқанд вилояти маҳаллий аҳолисига ҳам ижобий таъсир ўтқазади. Чунки, туризмнинг ривожланишини маҳаллий фуқароларни ҳисобга олмасдан тасаввур қилиб бўлмайди. Ҳар қандай ташриф буюрадиган туристлар энг аввало маҳаллий одамлар билан иқтисодий ва ичтимоий алоқага киришадилар. Туризмда инновацияларнинг қўлланилиши, ташриф буюрувчиларнинг талаб ва эҳтиёжларини қондиришга ва уларнинг ташрифларини янада ёқимли ва мазмунлироқ қилиб ўтказишаг ёрдам беради.

Энди туризм инновацияларининг турларини кўриб чиқсак. Инновация турлари ниҳоятда мураккаб ва хилма-хилдир ва туризм соҳасидаги инновацияларнинг кўп турлари мавжуд. Буларга мисол қилиб: маҳсулот ва сервислар инновациялари, жараён инновацияси, ташкилий инновация, маркетинг инновациялари, яшил инновациялар, технологик инновациялар ва ичтимоий инновациаларни келтириш мумкин. Маҳсулот ёки ҳизматлар инновацияси дейилганда янги туристик товарлар ва хизматларни тақдим этиш ёки мавжуд товарлар ва хизматларни туристларнинг юқори истакларини мослаштириш мақсадида уларни такомиллаштириш тушунилади. Жараёнлардаги инновациялар дейилганда туризм соҳасига янги ёки такомиллашган жараёнларни кашф этиш тушунилади. Ташкилий инновациялар дейилганда вилоятда туризм бизнес жараёнларини ташкил этишнинг янги усулларини жорий этиш, ходимларнинг билимини янада ошириш мақсадида трейнинглар ўтқазиш тушунилади. Маркетинг инновацияси бу туристик маҳсулот дизайнига янги ўзгаришлар киритиш ва туристик маҳсулотларнинг жозибадорлигини ошириш ёки янги туристик бозорларга кириш учун янги реклама сиёсатини қўллашдир. Яшил инновация туристик фаолиятнинг атроф-муҳитга таъсирини минималлаштирадиган ёки анъанавий инновация турларидан ташқари тубдан яхшиланишларни таъминлаш орқали туризм ресурсларидан фойдаланишни оптималлаштирадиган инновация сифатида таърифланади. Яшил инновациялар экологик тоза хизматларга бўлган талабни қўллаб-қувватлайдиган ва пировардида маҳаллий, минтақавий ва глобал барқарорликка ҳисса қўшадиган чиқиндиларни бошқариш, сув ресурсларини бошқариш ва қайта тикланадиган энергиядан жамоавий фойдаланиш орқали барқарор маҳаллий ривожланишга ҳисса қўшади, деб ҳисобланади.

Ҳозирги кунга келиб, вилоятимизда инновацион барқарор туризмни ривожлантириш учун туризмнинг турли янги йўналишлари ташкил қилинмоқда. Бундан асосий мақсад эса, вилоятимизга ташриф буюурувчиларнинг сонини янада ошириш, уларнинг ўсиб бораётган талабларини қондириш ҳисобланади. Мана бир неча мисоллар инновацион барқарор туризм шаклларигa мисол бўла олади:

1. Агротуризм - туристлар қишлоқ хўжалиги ишларида қатнашиши, маҳсулот етиштириш жараёнини ўрганиши ва ҳатто ҳосил йиғишда иштирок этиши мумкин. Бу уларни маҳаллий аҳоли ҳаётига яқиндан таништиради ва қишлоқ хўжалигининг қийматини тушунишга ёрдам беради.

2. Экотуризм - табиатни сақлашга эътибор қаратиш ва туристларни барқарор амалиётлар бўйича ўқитиш. Қишлоқ жойларидаги экотуризм экологик тоза меҳмонхоналарда яшашни, табиатни тиклаш дастурларида қатнашишни ўз ичига олиши мумкин.

3. Гастрономик туризм - меҳмонларга маҳаллий ошхона ва кулинар анъаналарни ўрганишни таклиф қилади. Бу маҳсулот дегустациялари, кулинар мастер-классларда қатнашиш ва маҳаллий бозорларга маҳаллий ошпазлар билан ташриф буюришни ўз ичига олиши мумкин.

4. Соғлиқни сақлаш ва фаровонлик туризми - туристлар қишлоқ жойларида дам олиш ва кучни тиклаш учун яшаши мумкин бўлган, ёга, медитация билан шуғулланиши, детокс дастурларида қатнашиши ёки маҳаллий ўтлар асосида даволовчи процедураларда иштирок этиши мумкин.

5. Тематик ва тарихий турлар - тарихий жойларга, қалъаларга, қадимий қишлоқларга экскурсиялар ташкил этилади, бу туристларга минтақанинг тарихи ва маданиятига чуқурроқ ўрганиш имконини беради.

6. Экстремал спорт ва саргузашт туризми - фаол туристларни жалб қилади, велосипед йўллари, пиёда саёҳатлар, от устида сайр қилиш ва бошқа фаол дам олиш турларини таклиф қилади.

Хулоса.Ушбу тезис Самарқанд вилоятидаги туристик дестинацияларда туризм инновацияларининг аҳамиятини ва унинг турли турларини ўрганишга қаратилган. Бу шуни кўрсатдики, туризм инновацияси фақат технологик инновациялар билан чекланиб қолмайди, балки маҳсулот инновацияси, жараён инновацияси, ташкилий инновация, маркетинг инновацияси, яшил инновация, ижтимоий инновациялар каби бошқа турларга ҳам эга. Туризм инновациясининг аҳамияти турлича бўлиб, иқтисодий, ижтимоий ва туристик ва дестинация даражаларини ўз ичига олади. Туризм инновациясининг иқтисодий аҳамияти сайёҳлик йўналишининг рақобатбардошлигини оширишдан иборат.

Сайёҳлар учун туризм инновацияси сайёҳнинг қониқишига ҳисса қўшади ва тажрибани яхшилайди. Туристик йўналишлар нуқтаи назаридан туризм инновацияси барқарор ривожланишга эришишга ёрдам беради. “Ипак йўли” ҳудудларида туризм барқарор ривожланиши учун туризм инновацияларининг роли жуда катта. Туризмда инновацияларни қўллаш,

туризм тармоқининг барча иштирокчилари учун бирдек фойдали ва бу 21-аср заруряти ҳисобланади.

Адабиётлар рўйхати

1. Law, J. (2006). Oxford Dictionary of Business and Management, Forth edn., Oxford University Press, New York

2. Hana, U. (2013). Competitive Advantage Achievement through Innovation and Knowledge, Journal of Competitiveness, Vol. 5, (1), pp. 82-96

3. Nauwankas, J. (2013). Application of Innovation Strategies to Create A Sustainable Competitive Advantage at The National Bank of Kenya Limited, Master thesis, school of business, University of Nairobi.

4. Ulwick, A. (2005), What Customers Want, New York: McGraw-Hill, NY

5. Musayeva, Sh., Usmonova D. (2021). Innovative Strategies of Tourism Development in Uzbekistan. European Journal of Innovation in Nonformal Education, Volume 2, ISSN:2795-8612

6. Sipe, L. and Testa, M. (2009). What is Innovation in the Hospitality and Tourism Marketplace? A Suggested Research Framework and Outputs Typology, International CHRIE Conference-Refereed Track. 22., Accessed on 19/10/2018, Available at: https://pdfs.semanticscholar.org/3973/f32e2372d1cb026ed0dfb1dd2e7bf804162c.pdf

7. World Tourism Organization (2019). UNWTO Guidelines for Institutional Strengthening of Destination Management Organizations (DMOs) – Preparing DMOs for new challenges, UNWTO, Madrid, Accessed on 19/5/2019

O‘ZBEKISTONDA ELEKTRON HUKUMATNI RIVOJLANTIRISH ISTIQBOLLARI

Habibullo Hasanov
Samarqand iqtisodiyot va servis instituti tadqiqotchisi
E-mail: khabibulloeco@gmail.com

Annotatsiya. Raqamli texnologiyalarning jadal evolyutsiyasi butun dunyo bo‘ylab boshqaruvni o‘zgartirdi, davlat xizmatlarini boshqarish va taqdim etish usullarini tubdan o‘zgartirdi. Bu o‘zgarish, ayniqsa, elektron aloqa qurilmalari, kompyuterlar va internet hal qiluvchi rol o‘ynaydigan elektron hukumat kontekstida yaqqol namoyon bo‘ladi. Ushbu maqolada elektron hukumatning zamonaviy jamiyatdagi ahamiyati, uning O‘zbekistonda joriy etilishi va istiqbollariga alohida e’tibor qaratilgan. U raqamlashtirish qanday qilib xizmatlar samaradorligini, foydalanish imkoniyatini va shaffofligini oshirishi va shu orqali fuqarolarning qoniqish va faolligini oshirishini o‘rganadi.

Kalit so‘zlar: Davlat xizmatlari, elektron hukumat, samaradorlikni oshirish, raqamli platformalar, onlayn xizmatlar.

So‘nggi yilliklarda raqamli texnologiyalarning evolyutsiyasi butun dunyo bo‘ylab hukumatlarning davlat xizmatlarini boshqarish va taqdim etish usullarini

inqilob qildi. Elektron hukumatlarning tashkil etilishi fuqarolarga davlat xizmatlarini ko‘rsatishda elektron aloqa qurilmalari, kompyuterlar va internetdan foydalanishda keng imkoniyatlar yaratdi [1]. Elektron hukumatning bugungi jamiyatdagi ahamiyati juda katta, u nafaqat xizmatlar ko‘rsatish, balki davlat siyosati va boshqaruviga ham ta’sir qiladi. Ushbu maqola elektron hukumatning davlat xizmatlarini ko‘rsatishdagi ahamiyatini o‘rganib, O‘zbekistonda elektron hukumatni rivojlantirish istiqbollarini o‘rganadi.

Elektron hukumat tashabbuslari hukumatlarga xizmatlarni yanada samarali taqdim etish imkonini beradi. Jarayonlarni raqamlashtirish orqali ushbu tashabbuslar jismoniy qog‘oz yo‘llariga bo‘lgan ehtiyojni va ma’muriy qo‘shimcha xarajatlarni kamaytiradi, shuningdek, xizmatlarni taqdim etish tezligini oshiradi [2]. Xizmatlarni avtomatlashtirish inson xatolarini kamaytiradi va resurslarni taqsimlashni yaxshilaydi, bu ijtimoiy farovonlik kabi sohalarda muhim ahamiyatga ega, Shuningdek, xizmatlarni o‘z vaqtida ko‘rsatish fuqarolar qoniqishiga sezilarli ta’sir ko‘rsatadi.

Raqamli platformalar fuqarolarga har qanday vaqtda va istalgan joydan xizmatlardan foydalanish imkonini beradi, geografik to‘siqlarni olib tashlaydi. Bu ayniqsa markazlardan uzoqda yashovchi qishloq joylarda yashovchi fuqarolar uchun foydalidir. Elektron hukumat platformalari shahar va qishloq orasidagi tafovutni bartaraf etib, ruxsatnomalar olish, sog‘liqni saqlash va ta’lim resurslari kabi muhim davlat xizmatlaridan teng foydalanishni ta’minlaydi. Masalan, COVID-19 pandemiyasi davrida ko‘plab hukumatlar muhim xizmatlarini taqdim etish uchun elektron hukumat tizimlaridan foydalanish orqali raqamli hukumatning rolini ko‘rsatib berdi [1].

Bundan tashqari, elektron hukumat fikr-mulohazalar va o‘zaro aloqalar uchun platformalar taqdim etish orqali fuqarolarning kengroq ishtirokini osonlashtiradi. Raqamli forumlar va elektron ovoz berish tizimlari fuqarolarga xizmatlar bo‘yicha fikr-mulohazalarni taqdim etishdan tortib, qaror qabul qilish jarayonlarida ishtirok etishgacha bo‘lgan boshqaruvda faol ishtirok etish imkoniyatini beradi [3]. Ushbu interaktiv yondashuv hukumatlarga o‘z fuqarolarining ehtiyojlari va afzalliklarini yaxshiroq tushunishga yordam beradi, bu esa ko‘proq fuqarolarga qaratilgan xizmatlar ko‘rsatish va siyosatni ishlab chiqishga olib keladi.

Elektron hukumatning bugungi jamiyatdagi ahamiyati ortib borayotgani hech kimga sir emas. Bu samaradorlik, qulaylik, shaffoflik va fuqarolarning faolligini oshirish orqali davlat xizmatlarini ko‘rsatish darajasini oshiradi. Raqamli asrga o‘tayotganimiz sari elektron hukumatning davlat boshqaruvidagi roli o‘sib bormoqda.

Mamlakatimizda raqamli iqtisodiyotni faol rivojlantirish, barcha tarmoqlar va sohalarda, eng avvalo, davlat boshqaruvi, ta’lim, sog‘liqni saqlash va qishloq xo‘jaligida zamonaviy axborot-kommunikatsiya texnologiyalarini keng joriy etish bo‘yicha kompleks chora-tadbirlar amalga oshirilmoqda.

Xususan, elektron hukumat tizimini takomillashtirish, dasturiy mahsulotlar va axborot texnologiyalarining mahalliy bozorini yanada rivojlantirish, respublikaning barcha hududlarida IT-parklarni tashkil etish, shuningdek, sohani malakali kadrlar

bilan ta’minlashni ko‘zda tutuvchi 220 dan ortiq ustuvor loyihalarni amalga oshirish boshlangan [4].

Elektron hukumat tashabbuslarining huquqiy asoslarini yaratishga qaratilgan qonunlar qabul qilinishi, ularda ham davlat organlarining, ham fuqarolarning elektron o‘zaro munosabatlardagi huquq va majburiyatlarini belgilab berdi.

2013-yilda Yagona interaktiv davlat xizmatlari portalining ishga tushirilishi byurokratik tartib-taomillarni soddalashtirib, davlat xizmatlarini raqamlashtirishda muhim voqea bo‘ldi [5]. Davlat xizmatlarini yagona portalga birlashtirilishi fuqarolar va tadbirkorlik subyektlari uchun jarayonni bir necha barobarga soddalashtirdi. Davlat boshqaruvi tizimlarini raqamlashtirish va yangi xizmatlarni joriy etish foydalanuvchilar uchun qulaylikni oshirish, qulay ishbilarmonlik muhitini mustahkamlash va ijtimoiy-iqtisodiy o‘sishni ta’minlashda muhim ahamiyat kasb etadi [6].

O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2015 yil 17 dekabrdagi “Jismoniy va yuridik shaxslar markaziy ma’lumotlar bazalarini shakllantirish va “Elektron hukumat” tizimi foydalanuvchilarini identifikatsiyalashning yagona axborot tizimini joriy etish chora-tadbirlari to‘g‘risida” 365-son qarori qabul qilindi [7], qaror ijorisni ta’minlash maqsadida 2016 yilda OneID - Yagona identifikatsiya tizimi (id.egov.uz) ishga tushirildi. Ushbu tizim orqali portal foydalanuvchilarining xavfsizlik va haqiqiyligini ta’minlashning mustahkam mexanizmlarini joriy qilindi. Yagona identifikatsiya tizimining joriy qilinishi davlat xizmatlaridan foydalanuvchilar uchun ko‘plab imkoniyatlar paydo qildi. Xususan, elektron hukumat portaliga 100 dan ortiq axborot tizimlari ulangan bo‘lib, barcha vazirliklar, davlat tashkilotlarining axborot tizimiga yagona identifikatsiya tizimining bitta login, bitta parol yoki elektron raqamli imzo orqali kirish imkoniyati yaratildi [8].

Elektron hukumatning rivojlanish holatini baholash boshqaruv texnologiyalaridan foydalanishdagi taraqqiyot, muammolar va potentsial sohalarni tushunish uchun juda muhimdir [9]. Rivojlanish holatini o‘rganib, siyosatchilar, tadqiqotchilar va amaliyotchilar bo‘shliqlarni aniqlashlari, strategiyalarni ishlab chiqishlari va elektron davlat xizmatlarini va ularning boshqaruvga ta’sirini yanada yaxshilash uchun asosli qarorlar qabul qilishlari mumkin.

Dunyo mamlakatlarining elektron hukumatni rivojlantirish indeksi Birlashgan Millatlar Tashkilotining Iqtisodiy va Ijtimoiy Ishlar Departamenti (UNDESA) tomonidan 2001-yildan buyon Birlashgan Millatlar Tashkilotining Elektron Hukumat Tadqiqoti doirasida hisoblab chiqiladi va chop etiladi. 1-jadvalda O‘zbekiston elektron hukumatni rivojlantirish indeklari aks ettirilgan.

1-jadval

O‘zbekistonda elektron hukumatni rivojlantirish (EGDI) indeklari [10]

	2004	2005	2008	2010	2012	2014	2016	2018	2020	2022
Onlayn xizmatlar indeksi	0,23	0,27	0,27	0,38	0,50	0,45	0,69	0,79	0,78	0,74
Telekommunikatsiya infratuzilmasi indeksi	0,05	0,05	0,04	0,09	0,21	0,23	0,25	0,33	0,47	0,66
Inson kapitali indeksi	0,91	0,91	0,91	0,89	0,83	0,73	0,70	0,74	0,74	0,78

Elektron hukumatni rivojlantirish indeksi	0,40	0,41	0,41	0,45	0,51	0,47	0,54	0,62	0,67	0,73
Jahon bo‘yicha reytingi	81	79	109	87	91	100	80	81	87	69

O‘zbekistonda elektron hukumatni rivojlantirish indekslari bo‘yicha taqdim etilgan 1-jadvalda quyidagi tendensiya va tushunchalarni kuzatishimiz mumkin:

Onlayn xizmatlar indeksi: Onlayn xizmatlar indeksi onlayn davlat xizmatlarining mavjudligi va ulardan foydalanish imkoniyatini ifodalaydi. O‘zbekistonda indeks 2004-yildagi 0,23 dan 2020-yilda 0,78-ga bosqichma-bosqich o‘sib borayotganini ko‘rsatib, onlayn xizmatlar ko‘rsatishda sezilarli muvaffaqiyatlar borligini ko‘rsatadi.

2010 yildan 2018 yilgacha Onlayn xizmatlar indeksida sezilarli yaxshilanish kuzatildi, u 0,38 dan 0,79 gacha ko‘tarildi, bu o‘sha davrda onlayn xizmatlar takliflarining sezilarli darajada kengayganini ko‘rsatadi.

Biroq, 2018 yildan 2022 yilgacha bir oz pasayish kuzatildi, indeks 0,74 gacha pasaydi. Bu so‘nggi yillarda onlayn xizmatlarning mavjudligini saqlab qolish va yaxshilash bo‘yicha keyingi harakatlarga potentsial ehtiyoj borligini ko‘rsatadi. O‘zbekiston uchun EGDI 2004-yildagi 0,40 dan 2020-yilda 0,73 gacha barqaror o‘sishni ko‘rsatdi. EGDI reytingida sezilarli yaxshilanish kuzatildi, O‘zbekiston 2004-yildagi 81-o‘rindan 2020-yilda 69-o‘ringa ko‘tarildi. Bu yillar davomida reytingda biroz o‘zgarishlar bo‘lgan bo‘lsa-da, O‘zbekiston boshqaruv texnologiyalarini qo‘llashda muvaffaqiyatga erishganidan dalolat beradi [11].

O‘zbekistonda elektron hukumatning kelajagi dunyoning boshqa ko‘plab davlatlari kabi o‘z istiqboliga ega. U strategik rejalashtirish, texnologiyalarga sarmoya kiritish hamda davlat boshqaruvida shaffoflik va samaradorlik madaniyatini oshirishga doimiy sodiqlikni talab qiladi. Bu yo‘nalishdagi davomiy taraqqiyot nafaqat xizmatlar ko‘rsatishni, balki boshqaruv va demokratik jarayonlarni ham mustahkamlaydi.

Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yxati

1. Birlashgan Millatlar Tashkiloti, https://publicadministration.un.org/egovkb/en-us/Reports/UN-E-Government-Survey-2020
2. Kettani, Driss & Moulin, Bernard. (2014). E-Government for Good Governance in Developing Countries. https://anthempress.com/e-government-for-good-governance-in-developing-countries-pdf
3. Gil-Garcia, J. R., Helbig, N., & Ojo, A. (2014). Being smart: Emerging technologies and innovation in the public sector. Government Information Quarterly, 31(Supplement 1), I1-I8. https://doi.org/10.1016/j.giq.2014.09.001
4. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2020 yil 5 oktabrdagi "“Raqamli O‘zbekiston — 2030” strategiyasini tasdiqlash va uni samarali amalga oshirish chora-tadbirlari to‘g‘risida"gi PF-6079-son Farmoni, https://lex.uz/docs/-5030957

5. Aliyeva, N. (2024). Aholi turmush tarzini yaxshilashda raqamli iqtisodiytning o‘rni. Modern Science and Research, 3(1). Retrieved from https://inlibrary.uz/index.php/science-research/article/view/28124
6. Hasanov, H. (2024). O‘zbekistonda davlat xizmatlari ko‘rsatish milliy tizimini shakllanishi va rivojlanish bosqichlari. Inson kapitali va ijtimoiy rivojlanish jurnali, 7 (1), 103-111.
7. O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2015 yil 17 dekabrdagi “Jismoniy va yuridik shaxslar markaziy ma’lumotlar bazalarini shakllantirish va “Elektron hukumat” tizimi foydalanuvchilarini identifikatsiyalashning yagona axborot tizimini joriy etish chora-tadbirlari to‘g‘risida” 365-son qarori, https://lex.uz/docs/-2843015
8. “Xabar.uz” axborot-tahliliy portali, https://www.xabar.uz/uz/tahlil/yangilangan-one-id

IV-SHO‘BA
INNOVATSION IQTISODIYOT SHAROITIDA MOLIYA, SUG‘URTA, SOLIQQA TORTISH, INVESTITSIYA VA BANK SOHALARINI XALQARO STANDARTLAR ASOSIDA TASHKIL ETISH VA RIVOJLANTIRISH MASALALARI

ХОРИЖИЙ ИНВЕСТИЦИЯЛАР ИШТИРОКИДАГИ КОРХОНАЛАРНИ СОЛИҚҚА ТОРТИШ МЕХАНИЗМИ

Ниязов Абдунаби Олимович
Тошкент Давлат Иқтисодиёт Университети
мустақил изланувчиси

Аннатация: Мақолада хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарни солиққа тортиш масалалари ёритилган. Эркин иқтисодий зона иштирокчилари томонидан солиқлар кесимида солиқ имтиёзларидан фойдаланиш ҳолати таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: корхона, қўшма корхона, инвестиция, инвестиция сиёсати, инвестиция фаолияти, солиқ имтиёзи.

Республикамизда мулкий шакли ва юридик мақомига кўра бир-биридан фарқланувчи акциядорлик жамиятлари (АЖ), масъулияти чекланган жамиятлар (МЧЖ), хусусий корхоналар (ХК), хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар (ХИИК), қўшма корхоналар (К,К), давлат унитар корхоналари (ДУК), оилавий корхоналар (ОК), фермер хўжаликлари (ФХ), деҳқон хўжаликлари (ДХ), давлат шерикчилик асосидаги корхоналар (ДШК), нодавлат нотижорат ташкилотлари ННТ) вужудга келди.

Ўзбекистонда ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг ҳозирги босқичида йирик хўжалик субъектларининг инвестициявий фаолиятини солиқлар орали қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Статистика агентлигининг дастлабки маълумотларига кўра, “2023 йил 1 январь ҳолатига кўра, республикада хорижий капитал иштирокида фаолият кўрсатаётган корхоналар сони 15801 тани ташкил этган. Бугунги кунда Ўзбекистон иқтисодиётига 50 дан ортиқ давлат инвестиция киритмоқда. Асосий инвестор давлатлар бешлигига эса қуйидагилар киради: Хитой — 2,2 млрд доллар, Россия — 2,1 млрд доллар, Туркия — 1,18 млрд доллар, Германия — 800,7 млн доллар, Жанубий Корея — 137,4 млн доллар”[123]. Бундан кўринадики, йилдан йилга хорижий инвестициялар ҳажмини ошиши мамлакатда инвестицияларни солиқ имтиёзлари орқали рағбатлантириш натижаси бўлиб ҳисобланади.

Ўзбекистонда 2024 йил 1 феврал ҳолатига республикада фаолият юритаётган хорижий капитал иштирокидаги корхона ва ташкилотлар сони 14 199 тани ташкил этган. Статистика агентлиги маълумотларига кўра,

[123]https://invest.gov.uz/uz/mediacenter/news/provided-information-on-the-number-of-enterprises-with-foreign-capital/.16.04.2024.

шундан, 4 675 таси қўшма корхоналар ва 9 524 таси хорижий корхоналар ҳисобланади. Хорижий капитал иштирокида энг кўп фаолият кўрсатаётган корхоналарнинг давлатлар кесимида Россия биринчи ўринни эгаллади – 3 049 та. Ундан кейинги ўринлардан хорижий капитал иштирокидаги корхоналар сони 2 432 та ва 1 901 та бўлган Хитой ҳамда Туркия жой олди[124].

Мамлакатимизда хорижий капитал иштирокидаги корхона ва ташкилотларнинг фаолият кўрсатиши, биринчидан, хорижий инвестицияларни келиши бўлса, иккинчидан, улар томонидан бюджетга солиқ тушумларини тушуши ижобий ҳолат ҳисобланади.1-жадвалда молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларга ўтган "UZBAT AO" AKSIYADORLIK JAMIYATI қўшма корхонаси томонидан тақдим этилган умумлашган даромадлар ва ҳисобланган солиқлар тўғрисидаги маълумотлар ўз аксини топган.

1-жадвал

Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларга ўтган "UZBAT AO" AKSIYADORLIK JAMIYATI томонидан тақдим этилган умумлашган даромадлар тўғрисидаги
МАЪЛУМОТ[125]

минг сўм

Кўрсаткичлар номи	**Сатр коди**	**2022 йил**	**2023 йил**
1	**2**	**3**	**4**
Соф тушум, (сатр.020+030+040+050)	010	2 042 488 831,00	2 753 975 643,00
маҳсулот сотишдан	020	1 948 023 602,00	2 562 708 403,00
хизматлар кўрсатишдан	030	552 598,00	583 736,00
қурилиш шартномалари бўйича	040		
Бошқалар	050	93 912 631,00	190 683 504,00
Сотилган маҳсулот (товар, хизмат)ларнинг таннархи	060	743 345 681,00	1 040 230 588,00
Ялпи даромад , (сатр.010-060)	070	1 299 143 150,00	1 713 745 055,00
Бошқа операцион даромадлар	080	7 899 452,00	20 042 564,00
Сотиш харажатлари	090	237 198 471,00	379 459 530,00
Маъмурий харажатлар	100	74 637 831,00	90 555 823,00
Бошқа харажатлар	110	141 991 659,00	120 614 721,00
Операцион даромад, (сатр.070+080-090-100-110)	120	853 214 641,00	1 143 157 545,00
Қадрсизланиш бўйича зарарлар/тикланиш (сатр. 140+150+160)	130		-10 654 215,00
Молиявий активлар бўйича	140		-1 680 008,00

[124] Россия Ўзбекистонда хорижий корхоналар сони бўйича етакчиликни сақлаб қолди. https://kun.uz/kr/news/2024/03/02/rossiya-ozbekistonda-xorijiy-korxonalar-soni-boyicha-yetakchilikni-saqlab-qoldi.
[125] Изоҳ: умумлашган даромадлар тўғрисидаги МАЪЛУМОТ қисқартирилган шаклда берилди.

Товар моддий захиралар бўйича	150		-8 974 207,00
Валюта курси фарқидан фойда ва зарарлар *	180	-951 254,00	-2 034 774,00
Фоиз тарзидаги даромадлар	190	17 280 161,00	11 180 702,00
Солиққа тортиладиган фойда/зарар (сатр. 120+130+170+180+190-200+210-220+230)	240	869 543 548,00	1 141 649 258,00
Фойда солиғи	250	144 257 214,00	153 049 155,00
Соф фойда/зарар (сатр. 240-250-260)	270	725 286 334,00	988 600 103,00
Бошқа умумлашган даромад/харажатлар	**х**	**х**	**х**
Жами умумлашган даромадлар (сатр. 270+300)	310	725 286 334,00	988 600 103,00

2023 йилда соф тушум 2022 йилда 2 042 488 831 минг сўм бўлган бўлса, 2023 йилда 2 753 975 643 минг сўмни ташкил этиб, 2022 йилга нисбатан ўсиш бўлган. 2023 йилда 153 049 155 минг сўм фойда солиғи ҳисобланган. Соф фойда 988 600 103 минг сўм бўлган.

Мамлакатимизда инвесторларни қўллаб қувватлаш мақсадиди Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 7 сентябрдаги “Ўзбекистон Республикасининг тўғридан-тўғри инвестициялар жамғармаси фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-215-сон фармони қабул қилинди[126].

Мамлакатимиз амалиётида хорижий капитал иштирокидаги корхоналар кўпроқ эркин иқтисодий зоналарда ташкил этилиб, уларга солиқлар бўйича имтиёзлар берилади (2-жадвал).

2-жадвал.

Эркин иқтисодий зона иштирокчилари томонидан солиқлар кесимида 2020-2022-йиллар давомида солиқ имтиёзларидан фойдаланиш ҳолатлари таҳлили, млн.сўм[127]

№	ЭИЗ номи	2020 йил		2021 йил		2022 йил	
		Ҳолатлар сони	Суммаси	Ҳолатлар сони	Суммаси	Ҳолатлар сони	Суммаси
1	Фойда солиғи	112	139614,4	82	101457,0	105	334 495,4
2	Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ	38	349,7	9	18,4	39	1 494,9
3	Мол-мулк солиғи	94	21 141,1	75	27 777,9	262	66 200,8
4	Ер солиғи	246	21 379,9	397	78 891,4	320	75 226,8
Жами		**490**	**182 485,2**	**563**	**208 144,8**	**726**	**477 418,0**

[126] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 7 сентябрдаги “Ўзбекистон Республикасининг тўғридан-тўғри инвестициялар жамғармаси фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-215-сон фармони.

[127] Солиқ қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан шакллантирилган.

2-жадвалда тақдим этилган маълумотларга асосланиб, 2020-2022 йилларга мўлжалланган солиқ йиғимлари ва имтиёзлари бўйича бир қанча кузатишлар ва таҳлиллар олиб борилиши мумкин. Жумладан, фойда солиғи бўйича имтиёзлар 299 та ҳолатда жами 575 566,9 млн.сўм солиқ имтиёзлари берилган.Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ бўйича 86 та ҳолатда жами 1863,0 млн.сўм солиқ имтиёзлари берилган.

Ер солиғи бўйича жами 1779 та ҳолатда 868 047,9 млн.сўм солиқ имтиёзларидан фойдаланилган.

